

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**



“ИҚТИСОДИЕТ” КАФЕДРАСИ

**Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия
ҳисоби ва соликқа тортиш**

**ФАНИДАН
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**БИЛИМ СОҲАСИ : 200000 –ИЖТИМОИЙ СОҲА, ИҚТИСОД ВА
ХУҚУҚ**

ТАЪЛИМ СОҲАСИ: 230000 –ИҚТИСОД

**ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ: 5320100 –(ИҚТИСОДИЕТ ВА СОҲАЛАР
БЎЙИЧА)**

ГУЛИСТОН 2018

“Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва солиқقا тортиш” фанидан ўқув услугбий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг БД 5230100 2018 йил 2 06. сонли буйруғи билан тасдиқланган “Бухгалтерия ҳисоби” фанининг фан дастурига мувофиқ тайерланган.

Тузувчи:

Б.Матрасулов - “Иқтисодиет” кафедраси катта ўқитувчisi. Гулистон давлат университети

Тақризчи:

О.Сатторқулов - “Иқтисодиет” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди. Гулистон давлат университети

“Иқтисодиет” кафедрасининг 2018 йил августдаги 1-сонли мажлисида мухокама қилинган.

Ўқув-услубий мажмуа Гулистон давлат университети Ўқув услугбий Кенгашининг 2018 йил 26 августдаги 1-сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

I. Ўқув материаллар

Маъruzалар матни.....

Амалий машғулотлар материаллари.....

II. Мустақил таълим машғулотлари мавзулари

ва уларни ўзлаштириш бўйича услугбий кўрсатма.....

III. Глоссарий.....

IV. Иловалар:.....

-фан дастури

-ишчи фан дастури

-тарқатма материаллар

-тестлар.

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-МАВЗУ. “БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

Ўрганиладиган саволлар:

1.1.Хўжалик ҳисоби ҳақида тушунча ва унга қўйилган талаблар.

Хўжалик ҳисоби турлари, ҳисобда кўлланиладиган ўлчов бирликлари.

1.3.Бухгалтерия ҳисобнинг предмети, муҳим объектлари.

1.4.Бухгалтерия ҳисобининг усуллари ва унинг элементлари

Таянч иборалар: Хўжалик ҳисоби, ҳисоб турлари, оператив ҳисоб, статистик ҳисоб, бухгалтерия ҳисоби, ўлчов бирликлари, ҳисоб объекти ва субъекти.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “SWOT-таҳлил, Ақлий ҳужум усули.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА ВА УНГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

«Бухгалтерия ҳисоби назарияси» фани бухгалтерия ҳисобининг асосий назарий қисми бўлиб, унда бухгалтерия ҳисобининг жамиятдаги ўрни, аҳамияти, вазифаси, предмети, объекти, тамойиллари, усуллари ва бошқа ўзига хос хусусиятлари ўрганилса, «Молиявий ҳисоб» ва «Бошқарув ҳисоби» фанларида бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари, усуллари амалиётда қандай қўлланиши ўрганилади.

«Бухгалтерия ҳисоби назарияси» фани нафақат бухгалтерия ҳисоби тизими учун балки, барча иқтисодий фанлар учун ҳам назарий манба ҳисобланади. Айниқса иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида барча маъмурий - бошқарув ходимлари ва ишчи-хизматчилари иқтисодий тушунча ҳамда жараёнлар тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак. Бундай иқтисодий тушунча ҳамда жараёнлар мазмуни «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» фанида кўриб ўтиладиган усул ва тамойиллар орқали ифодаланади.

Бухгалтерлар ахборот берувчилардир, яъни бухгалтерия - акциядорлар ва бошқарувчилар каби фойдаланувчиларга бизнесни молиявий ҳолатини санъат даражасида етказиб беришдир. Маълумотлар умумий молиявий ҳисоботлар шаклида бўлиб, бошқарув назоратида иқтисодий ресурсларни рақамларда кўрсатади.¹

Бухгалтерия ҳисоби назарияси тадқиқотчилари шуни тасдиқлайди, Л.Пачолидан кейинги 200 йиллик даврида бухгалтерия ҳисоби назарияси математиканинг бир қисми сифатида, кейинги 200 йиллик даврида ҳуқуқнинг бир қисми, охирги 100 йиллик даврда эса бухгалтерия ҳисоби сифатида ривожланган.²

Бухгалтерия ҳисобининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги фикрларга келиш мумкин: 1) бухгалтерия ҳисоби янги эмас, биринчи ҳисоб ёзувлари 4000 йил олдин амалга оширилган; 2) олдинги бухгалтерия ҳисоби инвесторлар учун эмас, балки бошқариш мақсадида юритилган; 3) бухгалтерия ҳисобининг пайдо бўлиши ва ривожланиши аниқ бир мамлакат ёки миллат доирасида эмас, балки Африка, Ҳиндистон, Эрон, Ироқда ва яна бошқа бир давлатда узвий боғланган ҳолда такомиллашиб келган; 4) бухгалтерия ҳисоби техник тарзда ривожланди.³


Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятининг фойдалилик даражасини доимо таҳлил қилишга ва амалга оширилаётган жараёнларнинг ҳисобини тўғри ташкил қилишлари зарур. Бу шароитда, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг аҳамияти катта бўлиб, улардан янада унумли фойдаланиш зарурияти ортиб боради. Чунки, айнан шу соҳалар иқтисодиёт субъектларининг айтиб ўтилган талабларнинг бажарилишида муҳим ўринни эгаллайди.

¹Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 thEdition. 3 p.

² М.И. Кутер Введение в бухгалтерский учет: Учебник [Электронный ресурс]: учебное электронное издание (учебник) / М.И. Кутер - Электрон. дан. (23 Мб). – 2- изд. стер. - Майкоп: Элит, 2015. - 1 электрон. опт. диск (CD-R). 14-с.

³Eldon S. Hendriksen Michael F. Van Breda. Accounting theory. Пер. с англ./Под ред. проф. Я.В. Соколова. — М.: Финансы и статистика, 2011. — 38 с.

Менежерлар назоратидаги ресурс маблағлар ҳисоби ҳақидаги маълумотни даврий тарзда беришларини талаб қиласи. Бухгалтерия томонидан ҳисоблаб чиқарилган натижалар бизнеснинг иқтисодий ресурсини ҳисбот давомида юқорига кўтарилигандек ёки тугаганини кўрсатади.⁴



Иқтисодиётимиздаги ҳисоб турлари асосан қуйидаги функцияларни бажаради:

- иқтисодиёт тармоқлари корхона ва ташкилотларда содир бўлаётган хўжалик жараёнларини кузатиб бориш;
- кузатиши орқали олинган маълумотларни миқдорий кўрсатмаларда ифодалаш;
- корхона, ташкилот, муассаса хўжалик фаолиятларини кузатиши натижаларини маҳсус ҳужжатларда қайд этиш;
- маҳсус ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларни умумлаштириш ва гурухлаштириш, хўжалик жараёнлари устидан назорат ўрнатиш ва уларга таъсир этиш.

Юқорида айтилганларга асосланиб, бухгалтерия ҳисобининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:


- асосий фондлар, товар-моддий бойликлар, пул маблағларининг келиб тушиши ва уларнинг ҳаракатини тўла ва ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш, меҳнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик, меҳнат ҳақи фонди, капитал сарфлар, бюджет ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоблашиш ва бошқа курсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини аниқ акс эттириш, кузатиши ва уларнинг натижаларини топиш;
- субъектнинг ва унинг айрим бўлимларидаги ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишлар билан боғлиқ харажатларни тўла акс эттириш, назорат қилиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг иқтисодий жихатдан асосланган ҳисбот калькуляциясини тузиш;
- субъект ва унинг айрим бўлимларининг раҳбарларини молиявий-хўжалик фаолиятининг барча бўлинмаларига доир тўла ва аниқ иқтисодий ахборот билан тезлиқда таъминлаб туриш;

⁴BarryElliot, JamieElliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition. 3 p.

- тұла хұжалик ҳисобини субъект мікёсида ҳамда унинг айрим ишлаб чиқариш бўлинмалари ва бригадаларида жорий этиш ва мустаҳкамлаш;

- субъектнинг маблағларидан тұла ва унумли фойдаланиш, ундаги мулкларнинг бутлигини таъминлаш, иқтисодий тежаш тартибига риоя қилиш, субъект жамоасининг ижтимоий-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш устидан назорат юритиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш.⁵

Бухгалтерия ҳисоби предметининг асосий мазмуни корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг хұжалик фаолиятини амалга оширишда фойдаланадиган ресурсларни самарали бошқариш учун зарур бўлган ахборотни шакллантиришдан иборат. Шу маблағларнинг сарфланиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва фаолият натижаларини рационал ҳамда тўғри бошқариш ҳозирги вақтда муҳим аҳамият касб этади.



Бухгалтерия ҳисобининг предметини ўрганишда, унинг тарихий характерини ҳисобга олиш керак. Чунки бухгалтерия ҳисоби предметнинг мазмуни ҳар хил иқтисодий тузумларда бир хил бўлмаган. Уларнинг ўзгариши бир тузумдан бошқасига ўтиш пайтида, мулкчилик шаклларининг ривожланиши билан белгиланиб борилган.

Бухгалтерия ҳисоби - ички бошқариш ва ташқи истеъмолчиларнинг мақсадлари учун жорий ва якуний ахборотни олиш билан корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг хұжалик фаолияти устидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ бўлган кузатиш ва назорат қилиш тизимидан иборат.

Бошқарувчилар ички фойдаланувчиларга киради. Улар ҳозирги натижаларни молиявий ҳисботини тўлалигича билишларига имконияти бор.

Ички фойдаланувчиларга мисол сифатида компанияда директорлар ва менежерлар киради. Қонунан ички фойдаланувчига маълумот олиш ҳажми чегаралмаган.⁶

Корхона, ташкилот ва муассасаларда бухгалтерия ҳисоби хұжалик фаолиятини кузатиш, бошқариш ва назорат қилиш мақсадида юритилади. Бунинг мазмунида ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш ётади. Ижтимоий ишлаб чиқариш ўз навбатида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига бўлинади. Ишлаб чиқариш соҳасига моддий бойликларни ишлаб чиқарувчи ҳамда моддий бойликларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмол-чиларга етказиб бериш билан банд бўлган тармоқлари киради.

Ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш - корхонанинг жамғармаларидан, яъни ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган моддий ва пул маблағларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Моддий бойликларнинг ноишлаб чиқариш соҳасида истеъмол қилиниши, ноишлаб чиқаришнинг бир қисмидир. Ундан ташқари, ноишлаб чиқаришнинг истеъмолига шахсий истеъмол ва жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш ҳам киради. Шахсий истеъмолни бухгалтерия ҳисоби бевосита ўз ичига олмайди. Лекин шахсий истеъмол бухгалтерия ҳисобида мутлақо акс эттирилмайди, деб ўйлаш хатодир. Ҳақиқатда,

⁵Холбеков.Р.О. “Бухгалтерия ҳисоби назрияси” дарслик –Т.: Чўлпон номидаги нашриёт матбаа уйи - 2011.

⁶Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition. 4-5 p.

бухгалтерия ҳисоби уни акс эттиради, лекин уни тавсифлаш учун зарур бўлган барча кўрсаткичларга эга эмас. Шахсий истеъмол тўғрисидаги маълумотларни савдо, умумий овқатланиш корхоналари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошка ташкилотларнинг ҳисоботларидан олиш мумкин. Бу маълумотлар бўйича статистика бўлимлари шахсий истеъмолни тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлади.

Марказлашган бухгалтерия

Барча бошланғич ва йиғма ҳужжатлар хўжаликнинг бўлинмаларида тузилиб, марказий бухгалтерияга топширилади ва у ерда бу ҳужжатларни ишлаш, хўжалик муомалаларининг бухгалтерия ҳисобининг тегишли синтетик ва аналитик счёtlарида акс эттириш, чораклик, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик бухгалтерия баланси ва ҳисоботларини тузиш амалга оширилади.

Марказлашмаган бухгалтерия

Дастлабки ва йиғма натижаларни ишлаш, синтетик ва аналитик ҳисобни юритиш ҳамда баланс ва ҳисоботларни тузиш хўжаликнинг бўлинмаларида амалга оширилади.

Ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқаришдан ташқари бухгалтерия ҳисобида меҳнат кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқариш ҳам акс эттирилади.

Жамиятнининг ривожланиб бориши билан ҳисоб тизими ҳам такомиллашиб, фан сифатида юзага кела бошлаган. Ҳозирги кунга келиб, ҳисобнинг уч туридан жойдаланилади:

1. Оператив (Тезкор) ҳисоб.
2. Статистик ҳисоб.
3. Бухгалтерия ҳисоби.

Ҳисобнинг турлари

Оператив
(тезкор)
ҳисоб

Статистик
ҳисоб

Бухгалтерия
ҳисоби

Юқорида кетирилган чизмадан қўриниб турибдики, санаб ўтилган ҳисоб турларининг бирлиги Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб тизимини ташкил қиласди. Лекин улар вазифалари, ташкил қилишнинг усул-услубиёти каби белгилари билан бир-биридан фарқ ҳам қиласди.

Статистик хисоб

Оммавий хўжалик (умумдавлат) ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва ишлаш тизимидан иборат.

Хисобининг бу тури бутун хўжалик ва унинг тармоқларининг ривожланиш жараёнини ўрганишга йўналтирилган.

Ундан корхона, ташкилот ва муассасаларда содир бўлаётган турли-туман оммавий ҳодисаларни кузатиш учун фойдаланилади.

Статистикхисоб ёрдамида хўжалик фаолиятининг турли-туман міқдорий ва сифат кўрсаткичлари хисоблаб чиқилади.

Хўжалик ҳодисалари хақидаги маълумотлар статистик ҳисоб томонидан оператив ва бухгалтерия ҳисоби корхона, ташкилот ва муассасаларда мустақил равища ташкил қилинадиган дастлабки ҳисобдан олинади. Баъзи маълумотлар статистик кузатувнинг алоҳида шакллари - қайта рўйхатга олиш ва текширишлар ёрдамида олинади. Узлуксиз кузатиб бўлмайдиган оммавий ҳодисаларни тавсифлаш учун дастлаб кузатиш усулидан кенг фойдаланилади.

Статистик ҳисобнинг кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш учун ҳам барча мавжуд ўлчовлар - натура, меҳнат ва пул ўлчовларидан, ўрганилаётган ҳодисанинг мазмуни ва қўйилган вазифаларига қараб фойдаланилади.

Оператив (тезкор) ҳисоб

Айрим хўжалик операциялари ва жараёнларини бевосита улар содир бўлаётган вактида бошқариш мақсадида жорий кузатиш ва назорат килиш тизими бўлиб ҳисобланади. Бу хисобнинг корхона ва унинг таркибий бўлинмаларига жорий раҳбарлик килиш мақсадида маълумотларни оператив равища олиш ва улардан фойдаланиш унинг фарқ киладиган белгиси ҳисобланади.

Оператив ҳисоб турли-туман хўжалик ҳодисаларни ўз ичига олиб, асосан ишлаб чиқариш - техника хусусиятидаги кўрсаткичлар билан таъминлайди. У маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқларнинг бажарилаётгашши, харажатлар нормативларидан кундалик четга чиқишилар, иш кучидан фойдаланиш ва асбоб-ускуналарнинг юкланганик даражаси, шартномаларга риоя қилиниши - мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан тузилган контрактларнинг бажаршиши ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайди. Оператив ҳисобда ўлчовларнинг ҳамма турлари - моддий, меҳнат ва қиймат ўлчовларидан фойдаланилади. Оператив ҳисоб корхонанинг ҳар хил бўлинмалари - бўлимлари, цехлари, омборлари ва хоказолар томонидан юритилади.

Бухгалтерия ҳисоби

Ички бошқариш ва ташқи истеъмолчиларнинг мақсадлари учун жорий ва якуний ахборотни олиш билан корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг хўжалик фаолияти устидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ бўлган кузатиш ва назорат килиш тизимидан иборат.

Бухгалтерия ҳисоби — ички бошқариш ва ташқи истеъмолчиларнинг мақсадлари учун жорий ва якуний ахборотни олиш билан корхоналар, ташкилотлар ҳамда

муассасаларнинг хўжалик фаолияти устидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ бўлган кузатиш ва назорат қилиш тизимидан иборат.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида хўжаликда мавжуд бўлган ҳар хил турдаги моддий қийматликлар ва пул маблағларининг микдори, бошқа корхона ҳамда ташкилотлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳолати, ундаги бошқа ресурсларнинг умумий ҳажми ҳакида маълумотлар олинади; тайёрланган материаллар, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми ҳамда таннархи аниқланади; хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари — фойда ёки зарар ҳисоблаб чиқиласди; корхонанинг рентабеллиги ҳамда корхона ва унинг таркибий қисмларининг бошқа қатор кўрсаткичлари ҳисоблаб аниқланади.

ХЎЖАЛИК ХИСОБИ ТУРЛАРИ, ХИСОБДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро стандартларга жавоб берадиган ва бозор иқтисодиёти хусусиятларига мос келадиган ҳисобнинг янги тизимини ишлаб чиқишида олим ва амалиётчилар ривожланган мамлакатларда бу соҳада яратилган янгиликларга кўркўрана ёндошаётганлари йўқ.

Хорижий мамлакатларининг амалиётини ўрганиш, уларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикасида ҳисоб тизимининг такомиллаштириш имкониятини беради.

Хозирда Республикамиз ҳисоб тизимида қўйидаги ўлчов бирликларидан фойлаланилади:



Натура ўлчов бирлиги тезкор ҳисобда, статистик ҳисобда, бухгалтерия ҳисобининг аналитик ҳисобида кенг қўлланилади. Бу ўлчов бирлиги бир турдаги буюмлар ҳисоби учун керак бўлади. Масалан, болалар оёқ кийимини, музлаткичлар сони, газлама метри ва шу кабилар (метр, кг, дона, жуфт, литр ва х.к.).

Пул ўлчов бирлиги хўжалик жараёнлари (операциялар) ва воситаларини ягона ўлчовда (пулда) умумлаштиришда қўлланилади, яъни барча маблағлар қиймат ўлчов бирлигидаги ифодаланилади. Ўзбекистон Республикасида пул ўлчов бирлиги сифатида сўм, тийин қабул қилинган.

Вакт (мехнат) ўлчов бирлиги (ой, кун, соат, минут, секунт) эса бирор бир статистик ёки хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун сарф бўлган ишчи кучи, ишчи сони, иш соати ва ҳоказоларни аниқлашда қўлланилади.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБНИНГ ПРЕДМЕТИ, МУХИМ ОБЪЕКТЛАРИ

Хўжалик юритувчи субъектларда юритилаётган ҳисоб сиёсати ўзига хос принципларга амал қилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларининг (БХМС) биринчи сонли стандартида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг принциплари сифатида қўйидагилар келтирилган:

Бухгалтер ўзининг тажрибасига асосланиб, ташки ҳисоботларни тузишда қонунга асосланган, мохирона, профессионал ва белгиланган талабларга мос иш юритиши лозим.⁷

⁷Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition. 4 p.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Конунининг 6-моддасига⁸ кўра бухгалтерия ҳисоби субъектлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектларидир.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб юритади ҳамда ҳисобот тақдим этади.

Ушбу Конуннинг 7-моддасига кўра бухгалтерия ҳисоби объектлари активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда, заарлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ ҳўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир. Бухгалтерия ҳисоби объектлари синтетик ва аналитик ҳисобларда юритилади.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИННИГ УСУЛЛАРИ ВА УНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Хар бир фан предметини урганиш усули кишилар томонидан йиллаб очилмасдан, балки уша урганилаётган фан хусусиятлари, вазифалари ва унинг олдига куйилган талаблардан келиб чикади. Агар у ёки бу фан предмети дейилганда унинг нимани урганихи тушунилса, усули дейилганда уша урганилиши лозим булган нарсани кандай усувлар ёрдамида урганиш тушунилади.

Бухгалтерия ҳисоб усувлари деб унинг предметини урганишга каратилган усувлар йигиндисига айтилади Айрим усувлар унинг элементлари деб аталиб, қуидагилардан иборат булади:

Хужжатлаштириш

инвентаризация килиш,

бахолаш

калькуляция килиш,

счёtlар тизими

иккиёклама ёзиш усули,

бухгалтерия баланси

Хужжатлаштириш — бу корхона ҳўжалик фаолиятини кузатиб бориш, ҳисобга олинадиган ҳўжалик операцияларини назорат килиш ва акс эттириш асосий усулидир. Хар бир ҳўжалик операция тегишли расмийлаштирилади. Бу холат одатда операциялар содир булаётган пайтда амалга оширилади ва ҳисобнинг бошлангич даври ҳисобланади. Хужжатлардан кейинчалик ҳўжалик операциялари хақидаги маълумотлар гурухлари ва кайта ишлашда фойдаланилади.

Хужжатларда акс эттирилган ҳўжалик операциялари канчалик хақикатга тугри келиш ёки келмаслиги текширилиши учун вақти-вақти билан инвентаризация утказиб турилади.

Инвентаризация бу ҳисоб маълумотлари билан хақикат уртасидаги тафовутни бартараф килиш учун корхона маблағлари натура холатини, ушбу корхонанинг бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоб ишларини текшириш усулидир.

Инвентаризация давомида корхона маблағларининг хақикий натурал холдаги аниқланади ва олинган маълумотлар ҳисоб кусаткичлари билан солиширилади. Аникланган тафовут, яъни маблагларнинг ортикча ёки кам чикиши тегишли актларда расмийлаштирилади ва ҳисобда акс эттириллади.

⁸ “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.

Шундай килиб, инвентаризация ёрдамида корхона ёки муассаса маблағлари хақидаги ҳисоб маълумотлари маблагларнинг хақиқий натурал колдиги маълумотлари билан мувофикалаштирилади. Бу жараён давомида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоб ишларининг туғри ёки нотуғрилиги ҳам текширилади.



Бахолаш — корхона маблағлари ва уларнинг келиб чикиш манбаларининг пул улчовида ифодаланишидир. У хар хил турдаги материал, ёкилгиларни ягона пул улчовида умумлаштириш имконини беради. Бахолаш ёрдамида корхона уз ихтиёридаги бойикларни, асосий ва айланма маблагларнинг умумий суммасини аниклади.

Калькуляция — ишлаб чиқарилган маҳсулот ва сотиб олинган моддий бойикларнинг таннархини аниклаш усули бўлиб, бухгалтерия ҳисоб объектлари хақида умумлашган маълумотлар олиш учун зарур.

Хужжатлардаги маълумотлар баҳолангандан сунг уларни маълум тартибда гурулаш ва умумлаштириш керак. Бунинг учун эса бухгалтерия ҳисобда счёtlар тизими қўлланилади. Хўжалик маблағларининг харакатини гурухлаш ва кун сайин акс эттириб бориш учун хўжалик операциялари счёtlарга руйхатлаштириб борилади.

Счёtlар тизими ҳисоб объектларини уларнинг иккисодий мазмунига кура гурухлаш учун хизмат килади. Бу эса счёtlар тизими ёрдамида корхона хўжалик фаолиятини назорат килиш ва режа топширикларининг бажарилиши хақида маълумотлар олиш имконини беради.

Хар бир хўжалик операцияси бухгалтерия хужжатларига асосан счёtlар тизимида иккиёклама ёзиш усули билан руйхат килинади.

Иккиёклама ёзиш усулинииг хусусияти шундаки, хар кандай хўжалик операциясига тегишли бир сумма бухгалтерия ҳисобда шу вақтнинг узида иккитадан кам булмаган счёtlда акс эттирилади. Хўжалик операциясини бухгалтерия ҳисобнинг счёtlарида акс эттириш иккиёклама ёзиш усули ёрдамида амалга оширилади бу усул хўжалик операцияси икки тарафламалигидан келиб чикади.



Бухгалтерия баланси маълум бир муддатга хўжалик маблағлари холати хақида пул шаклида умумлашган маълумотлар олиш учун хизмат килади. Балансда корхона маблағларининг жойланиши ва таркиби, маблаглар манбаларининг ташкил топиши хақидаги маълумотлар келтирилади

Ҳисобот — бу маълум бир муддатга корхона ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти натижалари хақида умумлашган маълумотлар олиш усулидир. Баланс ва ҳисбот ёрдамида хар бир корхона хўжалик фаолияти натижалари якунланади

Айтилган бутгаерия ҳисоб усулинииг бундай элементлари амалда бир-биридан ажралган холда эмас, балки бир бутун холда қўлланилади шундай килиб бухгалтерия ҳисоб ёрдамида ҳам жараённи ва операциларни кузатиш, уларни хужжатларда расмийлаштириш ҳисоб маълумотлари фаолиятининг хақиқий ахволига мувофик келиши устидан жорий кузатиш ва назорат олиб боришга эришиш юкорида айтилгаилар асосида бухгалтерия ҳисоб усулини қўйидагича таърифлаш мумкин: бухгалтерия ҳисоб усули деб шуидай усуллар ва йуллар йигиидисига айтилади улар ёрдамида бухгалтерия ҳисобни предмети акс эттирилади.

Ҳисобнинг барча турлари буйича умумий раҳбарлик Республика Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоб ва аудити услубияти бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бу бошқарма дастлабки ҳисоб масалалари буйича халк хужалиги тармокларига умумий раҳбарлик ҳисоб ишларини механизациялаш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш устидаги иш олиб боради ҳамда дастлабки ҳисобнииг типик шартларини ишлаб чиқиб нашр килдиради, барча корхона, муассаса, уюшма, концерн ҳамда ташкилотлар учун мажбурий булган ҳисоб ва ҳисбот масалалари буйича йурикнома, услугий курсатмалар ишлаб чикади.

Бухгалтерия ҳисобни туғри ташкил килиш буйича методологик раҳбарлик ҳам Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоб ва аудити услубияти бошқармаси томонидан олиб борилади.

Молия Вазирлиги Республика Макроинтиксодиёт ва Статистика Вазирлиги билан келишилган холда бухгалтерия ҳисоб счёtlар режасини, бухгалтерия ҳисоб ва ҳисботининг типик шартларини, улардан фойдаланишга оид йурикномаларни

тасдиклайди, бухгалтерия ҳисобни яхшилаш ва ихчамлаштиришга доир таклифларни жорий этади.

Корхона, муассаса, ташкилотларда бухгалтерия ҳисобга раҳбарлик бош бухгалтер томонидан олиб борилади. Корхонадаги ҳамма ҳисоб ходимлари бош бухгалтер ихтиёрида булади. У эса, уз навбатида, маъмурий томондан корхона раҳбарига, ҳисоб ва ҳисобот ишларини ташкил килиш буйича эса юкори ташкилотга, вазирлик (бошқарма) ёки концерн бош бухгалтерига буйсунади. Бош бухгалтер ҳисоб ва ҳисобот ишларини туғри ташкил килиши, мулкни саклаш, пул ва моддий бойликлар туғри сарфланиши устидан назоратни таъминлаши, моддий ва пул маблағларини кабул килиш ва сарфлаш буйича хужжатларни туғри ва уз вақтида расмийлаштириши инвентаризация утказиш, смета ва молия тартибларига риоя килиш устидан назоратни таъминлаши лозим. Айтиб утилган вазифаларни амалга оширишда бош бухгалтер маълум хукукларга эга. Масалан, унинг ҳисоб, ҳисобот ва назорат олиб бориш буйича барча курсатмалари ушбу корхонадаги ҳамма булим ходимлари учун мажбурий. Ҳамма булимлар ҳисоб ва назорат учун зарур булган хужжатлар, буйрук ва бошқа материалларни бош бухгалтерга уз вақтида етказиб берилшари шарт.

Ҳисобот ва баланслар корхона раҳбаридан ташкари бош бухгалтер томонидан ҳам тасдиқланади. Ундан ташкари, пул, материалларни кабул килиш ва сарфлашда асос бўлиб ҳисобланувчи хужжатлар ҳамда кредит, ҳисоб-китоб буйича мажбуриятлар ҳам бош бухгалтер томонидан тасдиқланади.

Хўжалик юритишининг янги тизими — бозор икгисодиётига утиш шароитида ҳисоб ва назорат ишларининг ташкилотчиси сифатида бош бухгалтерниң роли ошади.

Аввал таъкидланганидек, Бухгалтерия ҳисобнинг асосий максади фойдаланувчиларни корхона фаолияти туғрисидаги зарур аҳборот билан таъминлаш ҳисобланади. Корхонани самарали бошқариш учун аввало мол-мулк, унинг турлари ва манбалари туғрисидаги маълумотлар зарурдир. Бундай маълумотлар одатда муайян санага (одатда ой ёки чоракнинг биринчи кунига) пул баҳосида, умумлаштирилган гурухий куринишда таудим этилиди. Ушбу маълумотлар бухгалтерия балансини таккослаш йули билан олинади.

Бухгалтерия баланси-пул баҳосида ифодаланган ва муайян санага тузилган, мол-мулкни унинг таркиби ва жойлаштирилиши ҳамда уни шакллантириш манбалари буйича иқтисодий жиҳатдан гурухлаштириш ва умумлаштириш усулидир.

Баланс уз тузилишига кура икки томонли жадвалдан иборат. Мол-мулкнинг таркиби ва жойлаштирилиши келтириладиган чап қисм «актив» деб номланади, унг қисм мол-мулкни шакллантириш манбаларини акс эттиради ва «пассив» дейилади. Бинобарин баланснинг чап ва унг қисмларида бир нарса, яъни корхонанинг мол-мулки акс эттирилади, факат турли гурухларда. Мол-мулкнинг хар бир тури корхонага бирор бир манба ҳисобга келиб тушади. Шунинг учун активнинг умумий суммасига teng булиши керак (баланс валютаси). Баланс (французча *balance-tarozи*) тенглик, мувозанатмаъноларини англатади.

Баланс умумлаштирувчи обьектларни акс эттиришининг икки ёулама хусусияти билан тавсифланади, унинг маъноси шундан иборатки, обьектлар балансда икки маротаба курсатилади ва икки жиҳатдан уаралади.

Балансни корхона молиявий ҳолатининг кенг уамровли тасвири билан таккослаш мумкин.

Бухгалтерия баланси корхонанинг ҳисобот даври учун молиявий аҳволи туғрисидаги аҳборотининг энг муҳим манбаи ҳисобланади. Унинг ёрдамида мол-мулкнинг таркиби ва тузилиши, корхонанинг фойда олиши ва унинг ликвидлилиги. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги, дебиторлик ва кредиторлик карзларининг холати ва динамикаси белгиланади. Манфаатдор фойдаланувчилар бухгалтерия балансни аҳборотини урганиб, корхона нималарга эгалигидан, унинг салоҳияти ва мулқдорлардан

олинган мол-мулкни уандай олинган ва уандай фойдаланилаётганигидан хабардор буладилар.

Бухгалтерия балансининг тulos кобилияти, яъни у узининг жорий (ликвид) маблағлари ва мажбуриятларини уоплай олиши ва унга молиявий қийинчиликлар хавф солаётганини аниқланади.

Баланс тенглигини қуидаги тенглама куринишида тасаввур этиш мумкин:

$$\text{Активлар} = \text{Мажбуриятлар} + \text{Хусусий капитал}$$

(заём капитали)

Ушбу тенглама бухгалтерия ҳисобнинг асоси ҳисобланади. Бу ерда активлар корхона мол-мулкининг умумий қийматини курсатади. Мажбуриятлар (заём капитали) активларнинг камайишини таузозо этади, чунки улар уз муддатида юридик ёки жисмоний шахсларга қайтарилиши керак булган кредиторлик қарзи миқдорини курсатади. Хусусий капитал корхонага унинг мулқдорлари уилган қўйилмалар қийматини тавсифлайди ва агар у узининг кредиторлари билан ҳисоб-китоб уилса, мулқдорда уоладиган маблағлардан иборат булади. Шунинг учун ушбу тенгламани қуидаги куринишида курсатиш мумкин:

$$\text{Хусусий капитал} = \text{Активлар} - \text{Мажбуриятлар}$$

Ушбу тенглама капиталга нисбатан қолдиқ тамойилини акс эттиради, яъни кредиторлар мол-мулкка биринчи навбатда даъво қилишга ҳақлидирлар. Агар кредиторларга нисбатан корхонанинг қарз мажбуриятлари бажарилмаса, улар қарзларни суд оркали ундириш хуқуқига эга буладилар. Инвесторлар қолдиқ даъво хуқуқигагина эгалар. Айни вақтда тенглама корхона активлари миқдори ва корхона кредиторлари ҳамда мулқдорларининг унинг капиталини шакллантиришда иштирок этиш даражасини курсатади. Корхонанинг молиявий баркарорлиги ана шу нисбатга боғлик.

Баланснинг турли хиллари мавжуд:

- даврий баланс*, у хар бир ой ёки чоракда тузилади;
- йиллик баланс*, бир йиллик иш яқунларини тавсифлайди;
- кириши баланси*, янги корхона бунёд этилаётганида ёки илгари ишлаб тургани узгартирилаётганида тузилади;

-*иисема баланс*, вазирликлар, корпорациялар, концернлар томонидан айрим якуний балансларни бирлаштириш йули билан тузилади;

-*консолидацияланган баланс*, узаро иқтисодий жиҳатдан боғланган, юридик жиҳатдан мустауил корхоналар балансларини бирлаштириш йули билан тузилади. Бундай балансларни холдинг компаниялари (бошқа компаниялар акцияларининг назорат тупламларига эга булган), шухба ва уарам ташкилотлари билан бирга асосий корхоналар тузадилар;

-*брутто-баланс* (италғянча *brutto*-уупол, кир), уз ичига «Асосий воситаларнинг эскириши». «Номоддий активларнинг амортизацияси», «Сотиб олинган хусусий акциялар» сингари тартибга солувчи моддаларни олади;

-*нетто-баланс* (италғянча *netto*-тоза), унда юуорида курсатилган моддалар булмайди.

Чунончи, «брутто» балансида асосий воситалар, мол-мулк тури сифатида, активда курсатилади, уларнинг эскириши эса пассивда. «Нетто» балансида иккала модда акетивда акс эттирилади, лекин бунда асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати дастлабки қийматидан эскириш чиқарип ташланган ҳолда курсатилади, шунинг учун асосий якунда, яъни баланс воситасида ушбу сумма акс эттирилмайди. «Брутто» балансида пассивда корхона фойдаси, активда эса ундан фойдаланиш курсатилади, айни вақтда «Нетто» балансида пассивда корхона фойда суммаси билан ундан фойдаланиш уртасидаги фарқ сифатида тақсимланмаган фойдагина курсатилади.

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси корхоналарида нетто-баланс тузилади, у бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига махфий келади. Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлигининг 2002 йил 7 февралдаги 31-сон буйруғига махфий мулчилик шаклидан уатхий назар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва юридик шахс ҳисобланган,банк ва суғурта ташкилотларидан ташуари барча корхона ва ташкилотлар ягона шакл буйича баланс тузадилар.

Баланснинг актив ва пассиви булимларига,булимлар алоҳида гуруҳларга,гуруҳлар эса баланс моддаларига булинади.Мол-мулкнинг айрим турларини,уни шакллантириш манбаларини корхона мажбуриятларини тавсифлайдиган,баланс активи ва пассивининг кўрсаткичи (сатри) бухгалтерия баланс моддаси деб аталади.



Баланс активи икки булимга булинади: Узоқ муддатли активлар ва айланма активлар.

Активнинг биринчи булими Узоқ муддатли активларни акс эттиради.

$$\begin{aligned} \text{“АКТИВ”} &= \text{“ПАССИВ”} \\ \text{АКТИВ} &= \text{УЗ МАБЛАФИ} + \text{МАЖБУРИЯТ} \\ \text{УЗ МАБЛАФИ} &= \text{АКТИВ} - \text{МАЖБУРИЯТ} \end{aligned}$$

Активнинг иккинчи булими айланма активларини акс эттиради.

Ушбу булим моддалари корхонада мавжуд булган моддий бойликлар,тугалланмаган ишлаб-чиқариш,тайёр маҳсулот,сотиш учун мулжалланган маҳсулотлар товарлар,кассадаги ҳисоб-китоб,валюта ва бошқа ҳисобвараклардаги пул маблағлари суммаси,қиска муддатли қўйилмалар суммаси ва дебитолрлик қарзини акс эттиради.

Бухгалтерия балансининг пассиви ҳам икки булимга булинади: уз маблағлари манбаи ва мажбуриятлар.Пассив моддаларининг мазмунини яхши англаш учун пассивда нималар акс этганлигини тушуниш лозим.Агар активда мол-мулкнинг аниу турлари акс эттирилса,пассив мол-мулкнинг ана шу мол-мулкни манбаларини акс эттиради.

Пассивнинг биринчи булимини устав,уушилганва резерв капиталлар,тақсимланмаган фойда,максадли тушумлар ва резервлар акс эттирилади.

Пассивнинг иккинчи булимида корхонанинг банқдан олинган ссудалар буйича,бошқа корхоналардан,бюджетдан,ходимларда иш хақи буйича,ижтимоий суғурта идоралари ва бошқа кредиторлардан қарзи акс эттирилади.

Корхоналарда ҳар куни турли хўжалик операциялари содир этилади ва корхоналарнинг фаолияти ана шу операциялардан шакланади. Омборга материаллар келиб тушади, кейин улар ишлаб чиқаришга топширилади. Ишлаб чиқаришда улардан маҳсулот тайёрланади, маҳсулот харидорларга сотилади. Олинган пул маблағлакри ҳисобига корхона материалларининг янги туркумларини харидж уилади, уз ходимларига иш ҳауи тулади, харид уилинган материаллардан янгидан маҳсулот яратилади ва харидорларга сотилади, шу тариуа ишлаб чиқариш фаолияти цикли доимо такрорланади.

Ҳар бир хўжалик операцияси мол-мулк ёки унинг манбалари таркибида узгаришга олиб келади ёки бир вақтнинг узида мол-мулкнинг таркиби ва мол-мулкни шаклантириш таркиби узгаради. Бунда балансни умумлаштириш усулини ууллашактив якунларининг баланс пассиви якунлари билан тенглиги сауланишини таъминлайди.

Назорат учун саволлар

1. Иқтисодий фаолиятни бошқаришда ҳисоб ўрни ва аҳамияти нималардан иборат?
2. Ҳисобнинг қандай турлари мавжуд?
3. Ҳисоб турларига қандай талаблар қўйилади?
4. Ҳисоб турларида қандай ўлчов бирликлари қўлланилади?
5. Бухгалтерия ҳисобининг ривожланиш тарихи тўғрисида нималарни биласиз?
6. Бухгалтерия ҳисобининг принципларини айтинг.
7. Бухгалтерия ҳисобининг функциялари нималардан иборат?
8. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари нималардан иборат?
9. Бухгалтерия ҳисобининг предметигатаърифберинг.
10. Бухгалтерия ҳисобининг обьекти тўғрисида тушунча беринг.

2-МАВЗУ. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ ВА ИККИ ЁҚЛАМА ЁЗИШ

Ўрганиладиган саволлар:

- 2.1. Бухгалтерия баланси ва унинг таркибий тузилиши
- 2.2. Бухгалтерия балансининг турлари
- 2.3. Счёtlar тизими ва бухгалтерия баланси моддаларининг ўзаро боғлиқлиги.
- 2.4. Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги ўзгаришлар
- 2.5. Республикаиз корхоналарида тузилаётган баланслар билан хорижий давлатларда тузилаётган баланслар ўртасидаги умумий боғлиқлик.
- 2.6. Ҳисобвараклар (счёtlar) ҳақида тушунча.
- 2.7. Бухгалтерия ҳисобининг счёtlари ва унинг тузилиши
- 2.8. Синтетик ва аналитик счёtlар, уларнинг тузилиши ва ўзаро боғлиқлиги
- 2.9. Иккиёқлама ёзув ва унинг асосланиши.
- 2.10. Оборот ведомост (айланма қайднома)ларини тузиш. Уларнинг турлари, шакли ва тузиш тартиби

Таянч иборалар: Баланс, актив, пассив, маблағ, манба, маблағ, манба, узок муддатли актив, жорий актив, ўз маблағлари манбаси, мажбуриятлар. Счёtlar режаси, актив счёт, пассив счёт, контрактив счёт, кантрпассив счёт, транзит счёт, балансдан ташқари счёtlар, иккиёқлама ёзув, айланма қайднома.

2.1. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ ВА УНИNG ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Хўжалик юритувчи субъектларнинг маълум бир даврга молиявий ҳолати қай даражада эканлигини, улар маблағларининг жойлашиши, ишлатилиши қандай олиб борилаётганлигини ва умуман корхона хўжалик фаолиятига баҳо бериш, назорат этиш, текшириб бориш зарур. Бу зарурият корхонанинг бошқарув ходимларига ҳамда ташки фойдаланувчиларга, банк, солиқ инспекцияси, кредиторлар ва инвесторларга керакдир. Уларнинг бу масала юзасидан талабини корхонанинг баланси қондиради. Баланс

молиявий ҳисоботнинг биринчи шакли бўлиб, корхона фаолият турига қараб ойлик, чораклик, ярим йиллик ва йил охирида бўлиши мумкин.

Бухгалтерия баланси корхоналарнинг кўзгуси бўлиб, унда корхонанинг маблағлари ва уларнинг келар манбаси ҳақиқий ҳолати акс эттирилади, маълум бир санага тузилади.

Баланс сўзи (французча balance-торози) – «тengлик», «тарозининг икки палласи» деган маъноларни билдиради.



Бухгалтерия баланси икки ҳисбот давридаги фойда ва зарарни намоён қиласиган оралиқ ҳисботидир. Баланс ўзида келгуси ҳисбот даври маълумотларини эмас, балки ҳисоб жараёнининг охирги ҳисоб маълумотларини акс эттиради.⁹

2.2. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИНИНГ ТУРЛАРИ

Баланс икки қисмдан иборат бўлиб, бир томони актив, иккинчи томони пассив деб ётирилади: актив ва пассив.

Баланс иккала қисмининг жами суммалари тенг бўлиши шарт. Бу тенглик активда хўжалик маблағлари, пассивда эса шу маблағларнинг манбалари акс эттирилиши билан изоҳланади.

⁹ Eldon S. Hendriksen Michael F. Van Breda. Accounting theory. Пер. с англ./Под ред. проф. Я.В. Соколова. — М.: Финансы и статистика, 2011. — 289 с.

Дастлабки баланс, хисобот баланси, тугатиш баланси каби турлари эса унинг корхона фаолиятининг қай ҳолатида тузилаётганини билдиради.

Дастлабки баланс корхонанинг ташкил топаётган вақтида тузилади. Хисобот баланси эса корхона фаолияти давомида тузилади.

Тугатиш баланси эса корхона, ташкилот, муассасанинг тугатилаётган муддатдаги хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари қай ҳолатда эканлиги ҳақида маълумот беради. Балансдаги маълумот қўйидагича йифилган бўлади. Ҳар бир жараён рўй бериши натижасида хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари микдорий ва таркибий жиҳатдан ўзгариб боради.

Баланс турлари

Бошланғич баланс

Хисобот баланси

Тугатиш баланс



Бу ҳолат дастлабки хужжатларда акс эттирилиб, сўнгра бухгалтерияда синтетик хисоб юритилади ва счёtlарда икки ёқлама ёзув орқали акс эттирилади. Ой охирида эса ҳар бир счёtlар бўйича қолдиқ суммалар аниқланади. Баъзи счёtlар эса бекитилади. Бу ҳақда келгуси мавзуларда кенгроқ тўхталиб ўтамиз. Счёtlардаги охирги қолдиқлардаги маълумотлар бош китобга кўчирилади ва балансга ўрнатилган тартибда акс эттириб чиқилади.

Дастлабки баланс корхонанинг ташкил топаётган вақтида тузилади.

Хисобот баланси эса корхона фаолияти давомида тузилади.

Тугатиш баланси эса корхона, ташкилот, муассасанинг тугатилаётган муддатдаги хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари қай ҳолатда эканлиги ҳақида маълумот беради.

Баланснинг актив ва пассив томонлари ўз моддаларига эга ҳамда уларда хўжалик маблағлари ва хўжалик маблағларининг келар манбаларининг охирги қолдиғи кўрсатилади.

2.3. СЧЁТЛАР ТИЗИМИ ВА БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ МОДДАЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ.

Балансда акс эттириладиган хўжалик маблағлари ва уларнинг келар манбалари алоҳида турлари бўйича пул ўлчов бирлигига ифодаланади. Баланс моддаларини баҳолаш тамойили барча корхоналр учун бир хил бўлади. Баҳолаш асосида ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ёки маҳсулот тайёрлаш ҳақиқий таннархи ётади. Бухгалтерия баланси моддаларининг баҳоси аниқ бўлиши, яъни маблағлар ва уларнинг пайдо бўлиш манбалари турларини ҳақиқий ҳажмида акс эттириш керак. Актив ва пассив моддаларини баҳолашнинг ҳақиқийлиги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ишончлилиги билан таъминланади.

2.4. ХЎЖАЛИК ЖАРАЁNLARI НАТИЖАСИДА БАЛАНСДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги бир томонлама ўзгаришлар қуидаги икки турга ажратиш мумкин:

**Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги бир томонлама
ўзгаришлар қуидаги икки турга ажратиш мумкин:**

1. Хўжалик жараёнлари туфайли баланснинг фақат актив томони ўзгаради, пассив томонига таъсири этмайди ва баланс ўз тенглигини сақлаб қолади. Бунда хўжалик маблағларининг ўрни ёки жойлашган жойлари ўзгаради холос.
 $+A; - A = \Pi$

2. Хўжалик жараёнлари туфайли баланснинг фақат пассив томони ўзгаради, актив томонига таъсири этмайди ва баланс ўз тенглигини сақлаб қолади. Бунда хўжалик маблағларининг келар манбаларининг мазмуни ўзгаради.
 $A = +\Pi; - \Pi$

Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги икки томонлама ўзгаришлар қуидаги икки турга ажратиш мумкин:

2.5. РЕСПУБЛИКАМИЗ КОРХОНАЛАРИДА ТУЗИЛАЁТГАН БАЛАНСЛАР БИЛАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТУЗИЛАЁТГАН БАЛАНСЛАР ЎРТАСИДАГИ УМУМИЙ БОҒЛИҚЛИК.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизимларининг ривожланишига миллий ўзига хослик ҳам жиддий таъсири кўрсатади. У бухгалтерия ҳисобининг халқаро миқёсида яқинлашувига бевосита таъсири этувчи омил сифатида қаралади. Масалан, Америкалик олимлар Дуст ва Лигон бухгалтерия ҳисоби тизимларининг яқинлашувидан «Ташвишга тушувчи асосий манба бўлиб сиёсат ва миллийлаштириш ҳисобланади» деб ҳисоблайди. Ҳар бир мамлакат бухгалтерия ҳисобининг тизмини ишлаб чиқишида миллийликни сақлашга ҳаракат қиласди. Масалан, АҚШ ва Канаданинг ўзаро алоқаларининг нақадар ривожланишига қарамасдан, Канада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тузилишига ўзига хос ёндашув бўлиш зарур деб ҳисоблайди. Бухгалтерия ҳисоби тизимининг

шаклланишига мамлакатнинг солиқ сиёсати ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Чунки, солиқ қонунчилиги бухгалтерия ҳисобининг услубий асосларига таъсир кўрсатади. Дунёning айrim мамлакатларида бухгалтерия ҳисботлари солиқ қонунчилигига мос равишда тайёрланиши лозим. Масалан, Германия шундай мамлакатлар сирасига киради. Бошқа мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг тизимининг бир неча вариантидан бирини танлашга руҳсат берилади.

Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги икки томонлама ўзгаришлар қўйидаги икки турга ажратиш мумкин:

1. Хўжалик жараёнлари туфайли баланс нинг ҳар иккала томони бир хил суммага кўпаяди ва баланс ўз тенглигини сақлаб қолади. Бунда хўжалик маблағлари ва уларнинг келар манбаларининг баланс қиймати бир хил суммага кўпаяди.

$$+A = +P$$

2. Хўжалик жараёнлари туфайли баланснинг ҳар иккала томони бир хил суммага камаяди ва баланс ўз тенглигини сақлаб қолади. Бу ерда хўжалик маблағлари ва уларнинг келар манбаларининг баланс қиймати бир хил суммага камаяди.

$$-A = -P$$

2.6. СЧЁТЛАР (ҲИСОБВАРАҚЛАР) ҲАҚИДА ТУШУНЧА.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳисобини юритиш заруриятида корхонанинг хўжалик жараёнлари натижасида доимо таркибий ва миқдорий жиҳатдан ўзгариб борадиган хўжалик маблағлари ҳақида ҳар доимо маълумотга эга бўлиб туриш талаб этилади. Бу талабни бажариш учун эса хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларни ҳисобда гурӯхлаб бориш ва тезкор назорат ўрнатиши керак бўлади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисоби элементларидан бири счёtlар тизимидан фойдаланилади.


Бухгалтерия ҳисобида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракати тўғрисида маълумотга эга бўлиш учун ҳар бир маблағ, манба ва хўжалик жараёнлари алоҳида-алоҳида рақамлар билан белгиланади. Маблағ, манба ва хўжалик жараёнлари учун белгиланган рақамлар бухгалтерия счёtlари деб юритилади.

Бухгалтерия ҳисоби счёtlарининг икки томони бўлиб, бир томони «Дебет», иккинчи томони томони «Кредит» деб юритилади.

| D^t | K^t |
|-------|-------|
| | |

Қадимий савдо китобларида счёtnинг «Дебет» томонида кирим, «Кредит» томонида чиқим кўрсатилган. Ҳозирда ҳам бу маъно қисман сақланиб қолган. Бу счёtlар хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракатини ҳисобга олиш ишларини

осонлаштириш ва улардан тўғри фойдаланишни назорат қилишда ҳам қўл келади. Масалан, бухгалтерия ҳисоби тизимида «Хомашё ва материаллар» сўзи ўрнида — 1010, «Касса» сўзи ўрнида — 5010, «Асосий ишлаб чиқариш» сўзи ўрнида — 2010, «Тайёр маҳсулот» сўзи ўрнида — 2810 каби рақамлардан фойдаланилади. Бухгалтерия ҳисоби счёtlари рақами бир давлатда бир хил қабул қилинади. Бухгалтерия ҳисоби счёtlарининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларининг 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли стандарт қабул қилинган. Ушбу стандартдаги счёtlар йигиндисига «Бухгалтерия ҳисоби счёtlар тизими» дейилади. Счёtlар тизими хўжалик маблағларини ва уларнинг ташкил топиш манбаларини, хўжалик жараёни натижасида уларнинг таркибий, миқдорий ва ҳаракат жиҳатидан ўзгариб боришини иқтисодий гурухлаш ва доимо тезкор назорат қилиб боришидир.



Корхона фаолиятида ёппасига, узлуксиз ҳисоб қилиб борилар экан, корхона барча мулкини ўрганиб, уларнинг хусусиятларини яхшилаб англаб етмоқ керакдир. Корхона мулклари ҳисоби тўлиқ юритилар экан, ҳисоб ишларини осонлаштириш, оқилона ташкил этиш мақсадида счёtlар режаси ишлаб чиқилган. Шуни назарда тутмоқ керакки, Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши зарурий ҳол бўлганидек, счёtlарнинг янги режасини ишлаб чиқиш ҳам зарур бўлиб қолди ва счёtlарнинг янги режаси корхоналар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобида қўлланилиб келмоқда.

Счёtlар режаси 6 қисм ва 9 бўлимдан иборат. Счёtlар режасининг қисмлари куйидагилардир:

1-қисм. Узоқ муддатли активлар.

2-қисм. Жорий активлар.

3-қисм. Мажбуриятлар.

4-қисм. Хусусий капитал (мулк).

5-қисм. Молиявий натижаларни шаклланиши ва ишлатилиши.

6-қисм. Балансдан ташқари счёtlар.

Счёtlар режасидаги бўлимлар қуидагича номланган:

1-бўлим. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар.

2-бўлим. Товар-моддий захиралари.

3-бўлим. Келгуси давр сарфлари ва муддати узайтирилган сарфларнинг жорий қисми.

4-бўлим. Олинадиган счёtlар.

5-бўлим. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар.

6-бўлим. Жорий мажбуриятлар.

7-бўлим. Узоқ муддатли мажбуриятлар.

8-бўлим. Капитал (мулк), фойда ва захиралар.

9-бўлим. Даромад ва сарфлар.

Счёtlар режасини билиш нафақат бухгалтерлар, балки аудиторлар, солиқчилар қисман ташқи фойдаланувчилар (акциядорлар, таъсисчилар) учун ҳам керакdir.

Счёtlар иккига ажратилади:

Актив счёtlар — хўжалик маблағларини акс эттирувчи счёtlар.

Пассив счёtlар — хўжалик маблағларини ташкил топиш манбаларини акс эттируvчи счёtlар.

| Д ^т Актив К ^т | | Д ^т Пассив К ^т | |
|-------------------------------------|---|--------------------------------------|---|
| + | - | - | + |

Юқорида кўриниб турганидек, ҳар иккала турдаги счёtlарнинг ҳам дебет ва кредит томонлари мавжуд. Фарқ шундаки, актив счёtlарнинг дебетида қўпайиш, кредит томонида эса камайиш акс эттирилади.

Пассив счёtlарда эса аксинча, дебет томонида камайиш, кредит томонида эса қўпайиш акс эттирилади.

Маълумки, счёtlар ой бошига очилади. Бу вақтда маблағ ва улар манбалари мавжуд бўлиб, улар ой бошига қолдиқ деб аталади.

Ой давомида хўжалик жараёни натижасида маблағлар ва улар манбалари ҳаракати (қўпайиши, камайиши) оборот дейилиб, уларни дебет ёки кредит томондалигига кўра, дебет оборот, кредит оборот деб аталади.

Актив счёtlарда дебет оборот ой давомида маблағларнинг киримини, кредит обороти эса маблағлар ой давомида камайишини билдиради.

Пассив счёtlардаги дебет оборот ой давомида маблағ ташкил топиш манбаси камайишини, кредит оборот эса ой давомидаги манба қўпайишини билдиради.

Бухгалтерия ҳисоби счёtlари доимо бош қолдиқ билан бошланиб, охирги қолдиқ билан якунланади. Баъзи бир йифиб тақсимловчи ёки транзит счёtlарда бош қолдиқ ҳам, охирги қолдиқ ҳам бўлмайди. Чунки улар ой бошига очилиб, ой охирида ёпилади. Актив счёtlардаги ой охирига қолдиқни аниқлаш учун, ой бошига қолдиқ суммага дебет оборот суммасини қўшиб, кредит оборот суммасини айириш орқали топилади:

$$\text{Д}^t \text{ оқ.} = \text{Д}^t \text{ бқ.} + \text{Д}^t \text{ об.} - \text{К}^t \text{ об.}$$

бунда, $\text{Д}^t \text{ оқ.}$ — дебет охирги қолдиқ;

$\text{Д}^t \text{ бқ.}$ — дебет бошланғич қолдиқ;

$\text{Д}^t \text{ об.}$ — дебет оборот;

$\text{К}^t \text{ об.}$ — кредит оборот.

2.7. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИННИНГ СЧЁTLARI VA УНИНГ ТУЗИЛИШИ

Бухгалтерия ҳисоби счёtlари ҳақида яхши тушунчага эга бўлиш учун уларнинг хусусиятларини ўрганиш зарур. Бухгалтерия ҳисоби счёtlари ўзининг вазифаси, мазмуни, жойлашган жойига қараб бир неча гурухларга бўлинади.

Бухгалтерия ҳисоби счёtlари қуйидаги хусусиятига кўра туркумланади:

- счёtlарнинг тузилишига кўра;
- кўрсаткичларнинг акс эттирилишига кўра;
- балансда акс эттирилишига кўра;
- вазифаси, тайинланишига кўра.

Счёт тузилишига кўра икки турга бўлинади:

- актив счёт;
- пассив счёт.

Актив счёtlар хўжалик маблағларини акс эттиришга, пассив счёtlар эса хўжалик маблағларининг манбаларини акс эттиришга мўлжаллангандир.

Кўрсаткичлар акс эттирилишига кўра, счёtlар икки хил бўлади:

- синтетик счёtlар;
- аналитик счёtlар.

Балансда қатнашишига кўра счёtlар икки хил бўлади:

- балансдаги счёtlар;
- балансдан ташқари счёtlар.

Балансдаги счёtlар деб, балансда қатнашадиган счёtlарга айтилиб, улар бўйича иккиёклама ёзув амалга оширилади.

Балансдан ташқари счёtlар эса корхона балансга кирмайдиган счёtlар бўлиб, уларда ҳисоб ёзувлари фақат бир ёқлама олиб борилади.

Вазифасига (тайинланиши) кўра счёtlар қуйидагича гурухланади:

1. Асосий счёtlар.
2. Тартибга солувчи счёtlар.
3. Тақсимловчи счёtlар.
4. Калькуляция счёtlари.
5. Таққословчи счёtlар.



Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартининг 21- стандартида кетирилган счёtlар режасига кўра балансдан ташқари счёtlарга қуйидагилар киради:

- 001 – «Оператив ижарага олинган асосий воситалар»;
- 002 – «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар»;
- 003 – «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар»;
- 004 – «Комиссияга қабул қилинган товарлар»;
- 005 – «Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар»;
- 006 – «Қатъий ҳисобот вараклари»;

- 007 – «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи»;
- 008 – «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш – олинган»;
- 009 – «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш – берилган»;
- 010 – «Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар»;
- 011 – «Суда шартномаси бўйича олинган мулк»;
- 012 – «Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар»;
- 013 – «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)»;
- 014 – «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари»;

2.8. СИНТЕТИК ВА АНАЛИТИК СЧЁТЛАР, УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Хўжалик жараёнлари рўй бериши натижасида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларини доимо миқдорий, таркибий ҳамда жойлашиши жиҳатидан ўзгариб боришини ҳужжатлаштириш, бухгалтерия проводкалари ёрдамида счёtlарда акс эттириб бориш бухгалтерия ҳисобининг асоси ҳисобланади. Олдинги саволларимизда кўриб ўтганимиздек, счёtlарни улар маълумотларни қай даражада акс эттиришига қараб синтетик ва аналитик ёзувга ажаратиш мумкин. Синтетик ёзувда хўжалик маблағлари ва улар ташкил топиш манбалари ҳақидаги маълумотлар умумлаштириб, пул ўлчов бирлигига акс эттирилади. Синтетик счёtlар орқали юритиладиган ҳисоб эса синтетик ҳисоб деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларининг 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли стандартда келтирилган счёtlар синтетик счёtlардир. Чунки бу счёtlар битта маблағ ёки манба тўғрисида умумий маълумот беради.

«Товарлар» счёti 2900 рақами билан белгиланиб, синтетик счёti ҳисобланади. Товарлар хўжалик маблағларининг айланма активлар қисмига кириб, муомала соҳасида бўлади. Шунинг учун ҳам бу счёti активдир. «Товарлар» счёti дебети қолдиғидаги сумма савдо корхонасидаги мавжуд бўлган товарлар қийматини билдиради, аммо товарларнинг қайси туридан қанча қолганлиги ҳақидаги маълумотни ҳам пул ўлчов бирлигига, ҳам натура ўлчов бирлигига аналитик счёtlар орқали олиш мумкин.

Синтетик ва аналитик счёtlарнинг бир - биридан фарқи шундаки, синтетик счёtlарда хўжалик маблағлари ва улар манбалари умумлаштириб кўrsатилса, аналитик счёtlарда эса улар ҳақидаги маълумотлар уларнинг турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳамда уч ўлчов бирлиги ҳам қўлланилиб акс эттирилади.

Аналитик счёtlардаги маълумотларнинг жами уларни умумлаштирувчи синтетик счёtnинг маълумоти билан teng келиши зарурлиги —бу счёtlарнинг ўзаро алоқадорлигини ва бир-бирини тўлдириб боришини билдиради. Корхона хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини ифодаловчи синтетик счёti ва аналитик счёtlар ҳам худди шу тартибда бўлади. Аналитик счёtlар корхона маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида маълумот беради. Масалан, машина ва ускуналарнинг эскиришининг синтетик ҳисоби 0230 — «Машина ва ускуналарнинг эскириши» счётида юритилиб, пассив счёti ҳисобланади.

Корхонада мавжуд бўлган машина ва ускуналарнинг эскириши уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида юритилади. Бу машина ва ускуналарнинг эскиришининг аналитик ҳисоби улар учун алоҳида-алоҳида очилган инвентар карточкаларда олиб борилади. Аналитик ҳисоб ёрдамида аниқланган эскириш суммалари жамланиб, синтетик ҳисобда 0230 — «Машина ва ускуналарнинг эскириши» счётида юритилади. Аналитик счёtlарнинг йигиндиси синтетик счёtgaga teng бўлади.

2.9. ИККИЁҚЛАМА ЁЗУВ ВА УНИНГ АСОСЛАНИШИ

Кўриб ўтганимиздек, жамиятда иккиёклама ёзувнинг пайдо бўлиши бухгалтерия хисоби ривожланишига асос бўлган. XIII—XIV асрларда иккиёклама ёзув тизими пайдо бўлди ва Шимолий Италияning бир неча савдо марказ- ларида ундан фойдаланила бошланди. Топилган ягона қўлёзмаларга кўра иккиёклама ёзув 1340- йили пайдо бўлган.

Яна бошқа манбаларга кўра бундан ҳам олдинроқ Франциянинг Шампан вилояти савдо фирмаларида (1299—1300) иккиёклама ёзувдан фойдаланилган. Унинг асосчиси Италияда яшаган француз монархи Луко Пачоли ҳисобланади. У ўзининг улкан иши ҳисобланган «Счёт ва ёзувлар тўғрисида рисола»¹⁰ номли асарида (1494- йил) ҳисоб ёзувлари бўйича тушунчани очиб берди. Ҳозирда ҳам бу китоб жуда долзарб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар қайси тармоққа қарашлилигидан ва унда қандай хўжалик жараёни рўй беришидан қатъий назар ҳар доим икки ва ундан ортиқ хўжалик маблағи ёки уларнинг ташкил топиш манбалари иштирок этади. Шунинг учун ҳам хўжалик жараёнларини счёtlарда акс эттиришда икки ёки ундан ортиқ счёtlардан фойдаланилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда содир бўлаётган хўжалик жараёнлари туфайли маблағлар ва уларнинг ташкил топиш манбалари бир-бири билан боғланади ва натижада улар учун мўлжалланган бухгалтерия хисоби счёtlари ҳам бир-бири билан боғланади (бу боғланиш «Счёtlар корреспонденцияси» дейилади). Счёtlар боғланишининг бухгалтерия хисоби ёзувларида акс эттирилишига «Иккиёклама ёзув» (бухгалтерия проводкаси) деб айтилади.



Бухгалтерия ёзувининг икки тури мавжуд:

- оддий бухгалтерия ёзуви;
- мураккаб бухгалтерия ёзуви.

Оддий бухгалтерия ёзуvida фақат икки счёт қатнашиб, бири дебетланади, иккинчиси кредитланади.

Мураккаб бухгалтерия ёзуvida эса уч ёки ундан ортиқ счёtlар қатнашиб, бир счёт дебетланиши ва икки ёки ундан ортиқ счёт кредитланиши ва аксинча, бир счёт кредитланиб, икки ёки ундан ортиқ счёт дебетланиши мумкин.

2.10. ОБОРОТ ВЕДОМОСТ (АЙЛАНМА ҚАЙДНОМА)ЛАРИНИ ТУЗИШ. УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, ШАКЛИ ВА ТУЗИШ ТАРТИБИ

Хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳолати ҳақида, умуман корхона хўжалик фаолияти, молиявий натижаларига баҳо бериш учун баланс тузилади. Маълумотларни балансга

¹⁰ Пачоли Л. Трактат осчетах и записах (Электронный ресурс); научное электронное издание / перевод и редакция проф. М.И. Кутера – Электрон.дан. (325 Мб) – Майкоп: Элит, 2015. -1электрон. опт. диск (CD-R).

кўчиришдан олдин ҳисоб ишлари тўғри юритилганигини ҳамда хўжалик молиявий ҳолатига баҳо бериш ва баланс тузиш учун айланма ведомостлари тузилади.

Бухгалтерия ҳисоби счёtlари кўриб ўтилганидек, бир хўжалик маблағлари ёки уларнинг ташкил топиш манбалари тўғрисида маълумот беради. Оборот ведомостлар эса бухгалтерия ҳисоби счёtlари маълумотларини жамловчи жадвалдир.

Оборот ведомостлар корхонанинг барча ўз маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари харакати тўғрисидаги кўrsatкичларни бухгалтерия ҳисоби счёtlари маълумотлари асосида ойлар бўйича умумлаштириш учун очилади.

Оборот ведомостлари икки хил бўлади:

1. Синтетик ҳисоб, синтетик счёtlари бўйича оборот ведомости.
2. Аналитик ҳисоб, аналитик счёtlари бўйича оборот ведомости.

Оборот ведомостларида объектларнинг бошланғич қолдиғи ой давомидаги харакати ва ой охирига қолдиғи акс эттирилади.

Синтетик счёtlарда маълумотлар умумлаштирилиб, фақат пул кўrsatкичидаги ифодаланади. Синтетик ҳисоб, синтетик счёtlари айланма ведомостлари куйидагича шаклда бўлади:

| Счёtlар рақами | Счёtlарнинг номи | Бошланғич қолдиқ (сўмда) | | Счёtlарнинг обороти (сўмда) | | Охири қолдиқ (сўмда) | |
|----------------|------------------|-----------------------------|----------------|-----------------------------------|----------------|----------------------------|----------------|
| | | D ^T | K ^T | D ^T | K ^T | D ^T | K ^T |

Аналитик счёtlарда эса натура ва бошқа ўлчов бирликлари қўлланилиши улар шаклини қуйидаги кўринишда бўлишини тақозо этади:

| Объект номи | Баҳоси | Бошланич қолдиқ | | Кирим | | Чиқим | | Охири қолдиқ | |
|-------------|--------|-----------------|-------|-------|-------|-------|-------|--------------|-------|
| | | Сони | Сумма | Сони | Сумма | Сони | Сумма | Сони | Сумма |
| | | | | | | | | | |

Аналитик счёт қайси синтетик счёт доирасида очилган бўлса, унинг айланма қайдномадаги маълумотлари тегишли синтетик счёт маълумотлари билан мос келиши зарур. Синтетик ҳисоб счёtlари бўйича айланма бошланғич қолдиқ қаторидаги Дебет ва Кредит суммалари тенг келиши шарт бу тенглик улардаги кўrsatкичлар хўжалик маблағлари (актив счёtlар) ва улар ташкил топиш манбалари (пассив счёtlар) бошланғич қолдиқларини билдириши билан изоҳланади. Айланма бўлимидағи Дебет ва Кредит суммалари жамининг ҳам тенглиги зарурий шарт бўлиб, бу тенглик эса хўжалик жараёнларини бухгалтерия проводкаси орқали бир вақтда бир хил суммани бир счёtnинг дебети ва икки счёт кредитида икки ёқлама ёзув орқали акс эттириши билан изоҳланади. Охири бўлимидағи Дебет ва Кредит суммаларнинг жами тенглиги корхонадаги мавжуд бўлган хўжалик маблағлар ва улар ташкил топган манба- ларини айланма қайднома тузилаётган вақтдаги микдор ҳолатини билдириши билан тушунтирилади.

Назорат учун саволлар

1. Бухгалтерия балансининг аҳамияти нимадан иборат?
2. Нима учун бухгалтерия баланси корхона кўзгуси дейилади?
3. Бухгалтерия балансининг қандай турлари мавжуд?
4. Бухгалтерия баланси неча қисмдан иборат?
5. Баланснинг активи ва пассив томонларининг мазмуни нимадан иборат?

6. Хўжалик жараёнлари натижасида балансда қандай ўзгаришлар рўй беради?
7. Қандай маблағлар бухгалтерия балансига киритилмайди?
8. Бухгалтерия балансининг маълумот манбалари қайси хужжатлар асосида шаклланади?
9. Бухгалтерия балансидан фойдаланувчларга кимлар киради?
10. Бухгалтерия баланси ким томонидан тузилади?
11. Бухгалтерия ҳисоби счёtlари тизими нима? Бухгалтерия ҳисоби счёtlари иқтисодий мазмунига кўра қандай гурухланади?
12. Бухгалтерия ҳисоби счёtlари вазифасига кўра қандай гурухланади?
13. Бухгалтерия ҳисоби счёtlари баланслари жойлашишига қараб қандай 14. гурухланади?
15. Актив счёtlарда охирги қолдиқ қандай топилади?
16. Пассив счёtlарда охирги қолдиқ қандай топилади?
17. Счёtlарнинг обороти деб нимага айтилади?
18. Транзит счёtlар деб нимага айтилади?
19. Икки ёқлама ёзув нима?
20. Икки ёқлама ёзув қачон ва ким томонидан кашф этилган?
21. Бухгалтерия проводкаси деганда нимани тушунасиз?
22. Синтетик ва аналитик ҳисобларнинг фарқи ҳамда ўзаро боғлиқлиги нимада?
23. Оддий бухгалтерия ёзуви (проводкаси) билан мураккаб бухгалтерия ёзувининг қандай фарқи бор?
24. Оборот ведомостлар, унинг турларини айтинг?

3 МАВЗУ: ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР ҲИСОБИ

3.1. Ўзбекистон Республикасида миллий валютани қўллаб-қувватлаш ва пул-кредит сиёсати.

- 3.2. Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида пул маблағлари ва ташкилотлар ўртасида ҳисоблашишлар ҳисобининг вазифалари.
- 3.3. Накд пул, касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби.
- 3.4. Банк муассасаларида пул маблағлари бўйича касса, ҳисоб-китоб, валюта счёти ва банкдаги бошқа счёtlарнинг ҳисобини ташкил қилиш.
- 3.5. Банкдаги маҳсус, аккредитив, чек дафтарлари ва бошқа маҳсус счёtlар.
- 3.6. Пул эквиваленти, йўлдаги пул маблағлари счёти.

Таянч иборалар: миллий валюта, нақд пул, касса муомалалари, банкдаги маҳсус счёtlар, валюта счёти, аккредитив, чек дафтарлари, пул эквиваленти, йўлдаги пул маблағлари

3.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ.

Монитар (пул-кредит) сиёсати деганда, одатда, тўла бандлик шароитида жами маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгаририш тушунилади. Унинг ёрдамида ҳар қандай давлатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш мумкин бўлади. Бошқача айтганда, пул-кредит сиёсати хукуматнинг пул муомаласи ва кредит соҳасида олиб борадиган бош йўли ва мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини ва унинг самарали фаолиятини таъминлашга, пул тизимини лозим даражада мустаҳкам сақлаб туришга қаратилган чоратадбирлар йигиндисидир.

Пул-кредит сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, уни амалга ошириш ҳуқуки фақатгина Марказий банкка берилиган ҳамда бу сиёсат Марказий банкнинг энг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Марказий банк келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва ҳар йили кейинги молия йили бошланишидан камида ўттиз кун олдин Олий Мажлис

Сенатига бу ҳақда ахборот беради. Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодий конъюнктурунинг таҳлили ва истиқбол кўрсаткичларини, муомалада бўлган пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегараларини, Марказий банк ички активларининг ўзгариши, валюта ҳамда фоиз сиёсатининг асосий йўналишларини, пул-кредит соҳасини тартибга солишга доир ҳаракатларнинг аниқ мақсадли асосий кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Пул-кредит сиёсати бевосита ва билвосита(инструмент)лар орқали амалга оширилади. Бевосита воситалар – молиявий институтлардаги молиявий активлар нархлари (фоиз ставкалари)ни ёки улар ҳажмини тўғридан-тўғри бошқариш орқали олиб борилади. Марказий банк томонидан тижорат банкларида мавжуд депозит кўринишидаги пулларни ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар нархлари ва ҳажми назорат қилинади. Билвосита воситалар эса Марказий банк томонидан молиявий институтлар ресурсларига бозор механизмлари (мажбурий захира талаблари, очик бозордаги операциялар, тижорат банкларини қайта молиялаш ва Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси, тижорат банкларидан депозитларни қабул қилиш ва бошқалар) орқали иқтисодиётдаги пул массасига таъсир кўрсатди.

3.2. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАР ЎРТАСИДА ҲИСОБЛАШИШЛАР ҲИСОБИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисобини тўғри ва аниқ ташкил қилинши ҳамда уни тақомиллаштириши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерияси, одатда, барча тўлов ва ҳисоб-китоб муомалаларини амалга оширади ҳамда ушбу муомалаларни қонунларга мувофиқ, ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш устидан назоратни амалга оширади.

Иқтисодий категорияга амал қилувчи ҳар бир мамлакат ривожланишининг асосий воситаларидан бири пул бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унда иш юритишда унинг ўрни ва аҳамияти янада ошиб боради. Дарҳақиқат, пул – «бозор тили» деб бежиз айтилмаган. Ҳар бир иқтисодий ахборот, товарлар ва хизматлар баҳоси, тўловлар, даромад ва харажатлар, молиявий талаблар ва мажбуриятлар, иқтисодий алоқалар макро ва микро даражада фақат пулда ифода қилинади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бозор муносабатларининг ривожланиши жараёнида шартномавий асослари меҳнат воситалари ва кредитларини харид қилиш, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш бобида битимлар тузатган корхоналар ўртасида муносабатлар кенгайиб бормоқда. Бундан ташқари, бюджет, банклар, суғурта органлари, турли жамоат ташкилотлари, хайрия фондлари, бевосита ходимлар ва ҳоказолар билан тўлов муомалалари амалга оширилмоқда.

Ҳисоб-китоб счётидан тўловлар мол етказиб берувчилардан олинган материал ва асосий воситалар учун, бюджет ва сугуртага бўлган қарзларини тўлаш учун, иш ҳақи бериш учун кассага пул маблағлари олиниши ва бошқа мақсадлар учун амалга оширилади. Ҳар бир тўлов корхона билан, яъни ҳисоб-китоб эгаси билан келишган ҳолда амалга оширилади, лекин қўйидаги ҳолларда банк корхонанинг ҳисоб-китоб счётидан маблағларни бошқа ташкилотлар хужжатлари асосида ечиб олади: молия органларининг буйруқлари асосида, агар солиқларнинг тўлаш муддати ўтиб кетган бўлса; кредитдан фойдаланганлик учун фоиз; банк хизмати учун ва ҳоказо.

Накд пулсиз тўловларни амалга оширишда томонларнинг масъулияти ҳар бир иштирокчи учун белгиланади. Масалан, мол етказиб берувчи учун бу – шартномага ва юклаб жўнатилган маҳсулотга мувофиқ амалга оширилган пул эквивалентини ўз вақтида олиш, харидор учун – мол етказиб берувчи томонидан шартнома шартларининг бажарилиши.

Корхоналар томонидан бюджет ва турли фондлар ўртасидаги қарзларни узиш пул тўлов воситасида амалга оширилади. Ликвид активлар бўлган пул маблағлари ёрдамида

корхоналар маблағларининг пул шакллари ишлаб чиқариш заҳиралари, меҳнат қуроллари ва ҳоказоларга айлантирилиши, пул тушумини ва ундан ўрин олган соф даромадни олиш амалга оширилади.

Шундай қилиб, тўлов тизими ва тўлов муомалалари маблағлар доиравий оборотини таъминлашнинг энг муҳим омили бўлиб майдонга чиқади, уларни ўз вақтида тугаллаш эса ишлаб чиқаришнинг узлуксиз жараёнини таъминлашнинг зарурий шарти бўлиб хизмат қиласди.

Тўловлар, асосан, нақд пулларни ишлатмасдан, корхонанинг банкда очган ҳисоб-китоб, валюта ёки бошқа хил счёtlари орқали ёки нақд пуллар билан ўзаро ҳисоб-китоблар кўринишида амалга оширилади (*нақд пулсиз ёки нақд пулли ҳисоб-китоблар*).

Ҳисоб-китоб муомалаларини банк орқали ўтказиш корхоналарнинг ўзлари белгилаган иш ҳақи фонdlарига, хизмат сафарлари ва хўжалик харажатлари лимитларига риоя қилишларини ҳар томонлама назорат қилиш, корхонанинг давлат бюджети билан солиқлар, йигимлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишини, мол етказиб берувчиларнинг счёtlари ва тўлов талабномаларига ўз вақтида ҳақ тўлашни кузатиб бориш, корхонага турли мақсадлар учун, муайян таъминот ҳисобидан ссудалар бериш ва мазкур ссудаларнинг белгиланган муддатда қайтарилишини кузатиши ва ҳоказолар имконини беради.

Банк орқали нақд пулсиз ўтказишлар йўли билан тўловлар шакли ёрдамида нафақат мол етказиб берувчилар билан улардан келиб тушган моддий бойликлар учун ёки харидорлар билан улар сотган маҳсулотлар, бажарган ишлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар, балки шунингдек бюджет билан солиқлар бўйича, турли хил дебитор ва кредиторлар, бош (*асосий*) компания ёки бирлашма билан (*ички доиравий, ички хўжалик ҳисоб-китоблар*), касаба уюшма ташкилоти билан ҳисоб-китоблар ҳамда бир қанча бошқа тўловлар амалга оширилади.


Пул маблағларининг нисбатан кичик суммаларидан ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича, ҳисбот берувчи шахслар билан хизмат сафарлари харажатлари, касса орқали муомала қилинадиган нақд пулларга ҳарид қилинган ёки сотилган бойликлар (*қимматликлар*) учун нақд пулли ҳисоб-китоблар қилишда фойдаланилади. Пул маблағлари барча ҳисоб-китобларда воситачи бўлгани сабабли, табиийки, республика халқ хўжалигида маблағларнинг бир маромдаги доиравий айланишини, бозор иқтисодиёти соҳасида фаолият юритишини таъминлаш учун барча ўзаро тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоблар тўғри ва ўз вақтида бажарилиши зарур. Ўз навбатида, пул маблағлари, тўлов, ҳисоб-китоб ва кредит муомалаларини ўз вақтида ҳамда самарали амалга оширишга жиддий таъсири кўрсатади.

Бухгалтерия ҳисоби олдида пул маблағлари, тўловлар, ҳисоб-китоблар ва кредитларни ҳисобга олиш борасида қуйидаги **асосий вазифалар** туради:

- хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини самарали бошқариш мақсадлари учун керакли ахборот билан таъминлаш;
- нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи меъёрий хужжатлар талабларига риоя этган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;
- ҳисоб регистрларида тўлов ва ҳисоб-китоб муомалалари пул маблағларининг мавжудлиги ҳамда ҳаракатини тўлиқ ва тезкор акс эттириш;
- нақд пул маблағларидан хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқилган лимитлар ва сметаларга мувофиқ фойдаланишининг амалдаги қоидаларига риоя қилиш;
- пул маблағлари ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолатининг инвентарланишини ташкил этиш ҳамда белгиланган муддатларда ўтказиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини узиш муддатлари ўтиб кетишига йўл қўймаслик;
- кассада, банклардаги ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счёtlарда пуллар мавжудлиги ва тўлиқлигини назорат қилиш;

- пул ресурсларининг ҳаракат оқимини башорат қилиш ва пул маблағларининг ҳаракат оқимини мақбул ҳолга келтиришни тартибга солиш бўйича тегишли бошқарув қарорларини тайёрлаш.

Бош бухгалтер хўжалик юритувчи субъект раҳбари билан биргаликда қуидагиларни таъминлаши керак: келиб тушаётган барча пул маблағларининг тўлиқ ҳисоби, шунингдек, бошқа хизматлар раҳбарлари билан биргаликда дебиторлик қарзларини ундириш ва кредиторлик қарзларини узиш, тўлов интизомига риоя этиш, пул маблағлари, тўловлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ва мажбуриятлар ҳолатини белгиланган муддатларда инвентарлаш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундириш мумкин бўлмаган, даъво қўзғаш муддати ўтиб кетган қарзларни бухгалтерия балансларидан ўчириш.



7.3. НАҚД ПУЛ, КАССА МУОМАЛАРИНИНГ ҲИСОБИНИ ЙОРИТИШ ТАРТИБИ.

Касса муомалаларини юритиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 16майдаги 12/17-сонли қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 22 июня 2687 рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амал ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» билан тартибга солинади.

Бевосита корхона кассасидан нақд пулни олиш ва сарфлаш билан боғлиқ бўлган муомалалар касса муомалалари жумласига киради. Барча мулкчилик шаклидаги корхоналар ўз кассаларида нақд пул қолдиқлари лимитлари чегарасида нақд пулларни сақлаб туришлари ва уларни тушумдан олиб, меъёрлар чегарасида фойдаланишлари мумкин.

Касса муомалаларини олиб бориш учун корхона штатидан кассир ажратилади. У ўзи қабул килиб олган барча бойликларнинг бут сақланиши учун тўлиқ моддий жавобгар шахс ҳисобланади. Кассирни тайинлаш бўйича буйруқ чиққанидан сўнг корхона раҳбари уни касса муомалаларини олиб бориш тартиби билан таништириши, тўлиқ якка моддий жавобгарлик ҳақида у билан шартнома тузиши шарт. Кассир ўз вазифаларини ҳеч кимнинг зиммасига юклай олмайди. Кассирни вақтингчалик алмаштиришга эҳтиёжтуғилганида корхона раҳбарининг қарори асосида унинг вазифалари бошқа ходим зиммасига юкланди. Ўз навбатида, у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Кассир тўсатдан ишни ташлаб кетишга мажбур бўлганида (касал бўлганида ва бошқа холларда) унинг ҳисобдорлигидаги бойликларни корхона раҳбари тайинлаган шахслардан иборат комиссия бошқа кассирга ўтказади. Бунда қайта ҳисоблаш

натижалари ва бойликларни бериш ҳақида далолатнома тузилади, унга комиссия аъзолари имзо чекади.

Корхона раҳбари пул маблағларининг кассада бут сақланишини таъминлайдиган зарур шароитларни яратиши лозим. Касса учун керагича жихозланган алоҳида хона, сейф ажратилиши зарур. Иш охирида кассир касса сейфини калит билан бекитиши ва сурғучли муҳр билан муҳрлаши шарт. Сейф калити ва муҳр кассирда сақланади, калитнинг бошқа нусхалари кассир муҳрлаган пакетлар, қутичаларда корхона раҳбаридаги туради.

Кассир нақд пул белгилари ва тангаларни кассага қабул қилиб олишда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг тўловга яроқлилик аломатларини аниқлаш қоидаларига риоя қилиши лозим.

Бу қоидаларга мувофик, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг ҳақиқийлигига шубҳа туғдирмайдиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Гербининг тасвири, атайлаб бузиш аломатлари бўлмаган, шунингдек, бузилиш тарзидан қатъий назар юза томони (ўнги)да қийматининг тўлиқ миқдори ва тасвири сақланган ҳарфли серия ва рақамлари тўлиқ сақланган қофоз пуллар ва тангалар тўловга яроқли ҳисобланади.

Қўйидаги камчиликларга эга бўлган қофоз пулларни корхоналар тушум сифатида сўзсиз қабул қилиши ва банкка топшириши шарт:

- исталган жойида тешиклар, йиртиклар, қирилган жойлар, доғлар, қалам ва сиёҳда ёзилган ёзувлар бўлган қофоз пуллар;
- йиртилган ва шу йиртилган жойидан елимлаб ёпиширилган, лекин иккала қисми ҳам бир қофоз пулга тегишли бўлган қофоз пуллар;
- бўёқ тегиб, ўз рангини ўзгартирган жойлари бўлган қофоз пуллар;
- тўлиқ катталиги сақланиб қолмаган қофоз пуллар.

Ҳисоб-китоб счётидан кассага олинган пул ишчи-хизматчиларга иш ҳақи, мукофот тўлаш, нафақа бериш, хизмат сафари харажатларини қоплаш ва бошқа мақсадлар учун сарфланади. Банкдан олинган маблағлар белгиланган мақсадлар учун сарфланиши лозим.

Корхона кассасига нақд пулларни қабул қилиш **КО-1 шаклидаги касса кирим ордери** билан амалга оширилади. У икки қисмдан иборат: кирим ордери (бланкнинг чап қисми) ва унга оид квитанция (ўнг қисми). Касса кирим ордерини бухгалтерия ёзиб беради ва бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Кирим ордерини кассага топширишдан олдин, албатта, кирим ва чиқим хужжатларини қайд қилиш журналида (КО-3 ёки КО-4 шакли) қайд қилиниши лозим. Журнал икки қисмдан иборат: чап қисмida кассага келиб тушган пул маблағлари, ўнг қисмida сарфланган пул маблағлари қайд қилинади.

Касса кирим ордерини пул топшираётган шахслар қўлига бериш тақиқланади. Кирим ордери ижро этиш учун бевосита кассага топширилади, бу ерда кассир ордернинг тўғрирасмийлаштирилганлигини, бош бухгалтернинг имзоси борлиги ва ҳақиқийлигини текширади, пулни қабул қиласди, кирим ордери ва квитанцияни имзолайди. Пул топширган шахсга кирим ордери квитанцияси берилади. Касса кирим ордери бўйича пуллар фақат ушбу ҳужжат тўлдирилган кунда қабул қилинади.

Банкдаги ҳисоб-китоб счёти ва бошқа счётлардан кассага нақд пул келиб тушганида ҳам касса кирим ордери тузилади ва унинг квитанцияси тўлдирилади. Квитанция ҳисоб-китоб счётидан пулларни ҳисобдан чиқариш учун банк муассасаси кўчирмасига қўшиб қўйилади.

Кирим ва чиқим касса ордерларини қайд қилиш журнали чап қисм

| Кирим хужжатлари | | | |
|------------------|-------|-------|---------|
| Сана | Рақам | Сумма | Эслатма |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | | | |

Кирим бўйича жами

ЎНГ ҚИСМ

Чиқим хужжатлари

| Сана | Рақам | Сумма | Эслатма |
|-------------------|-------|-------|---------|
| 5 | 6 | 7 | 8 |
| Чиқим бўйича жами | | | |

Нақд пуллар кассадан **касса чиқим ордерлари (КО-2 шакли)** ёки касса чиқим ордерларининг ўрнини босадиган, махсус штамп билан босилган бошқа хужжатлар (тўлов қайдномалари, пул бериш учун ариза, счёtlар ва ҳоказо) асосида берилади.

Пул беришга доир барча хужжатларни корхона раҳбари ва бош бухгалтер ёки улар ваколат берган шахслар имзолаши керак. Агар касса чиқим ордерига илова қилинган хужжатларда корхона раҳбарининг рухсат берувчи қайди бўлса, ордерда унинг имзоси бўлиши шарт эмас.

Касса чиқим ордери бухгалтерияда тузилади ва касса чиқим ордерларини қайд қилиш журналида қайд қилинади ва кассирга ижро этиш учун топширилади. Касса чиқим ордерларини пул олувчи шахс қўлига беришга рухсат этилмайди.

Кассир пулни бирор-бир шахсга бераётганида унинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа хужжат кўрсатишини талаб қиласди, бу хужжатнинг номи ва рақами, ким томонидан ва қачон берилганлигини касса чиқим ордерига ёзиб қўяди ҳамда олувчининг тилхатини олади.

Бир неча шахс номига ёзилган битта тўлов ҳужжати бўйича пул олишда ҳам шахсни тасдиқлайдиган хужжат кўрсатилиши шарт.

Корхонанинг рўйхати таркибида бўлмаган шахсларга пул фақат касса чиқим ордери бўйича берилади. Кассадан пул фақат номи чиқим касса ордерида ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат (қайднома)да кўрсатилган шахсга берилади.

Агар пул ишончнома орқали олинадиган бўлса, бухгалтерия ордерда пул олиш ишониб топширилган шахснинг исми шарифини кўрсатади.

Агар пул қайднома бўйича берилса, пулни олганлиги ҳакида имзо чектиришдан олдин кассир «Ишончнома бўйича» деб ёзиб қўйиши лозим, тегишлича расмийлаштирилган ва тасдиқланган ишончнома кассирда қолади ва касса чиқим ордерига ёки қайдномага қўшиб қўйилади.

Иш ҳаки, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганлик нафақаси, пенсиялар ва мукофотлар кассир томонидан **тўлов қайдномалари** бўйича ҳар бир ходимга чиқим ордерларини тузиб ўтирасдан берилади. Тўлов қайдноманинг титул (биринчий) варағига пул беришга рухсат бериш ҳакида ёзув қилинади, унинг тагига корхона раҳбари, бош бухгалтери ёки улар ваколат берган шахслар имзо чекади, пул бериш муддати ва сумма ёзувда кўрсатилади.

Кўйидагиқоидагариояқилиштавсияэтилади:

- кирим ва чиқим касса ордерларида уларни тузиш учун асос бўлган ҳамда илова қилинган ҳужжатлар кўрсатилади;
- кирим ва чиқим касса ордерларини ёхуд улар ўрнини босувчи ҳужжатларни пул топшираётган ёки олаётган шахслар қўлига бериш тақиқланади;
- касса ордерлари бўйича нақд пул фақат улар тузилган куни қабул қилиниши ва берилиши мумкин;
- кирим ва чиқим касса ордерларини ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатларни олаётганда кассир куйидагиларни текшириши шарт;

- хужжатларда бош бухгалтер имзоси, чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босувчи хужжатда эса хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки у ваколат берган шахснинг ижозат устхати борлиги ва ҳақиқийлиги;

- хужжатлар тўғри расмийлаштирилгани;
- хужжатларда қайд этилган иловалар мавжудлиги.

Корхонада фақат битта касса дафтари юритилади. У рақамланган, шнурланган ва сурғучли ёки мастика муҳр билан муҳрланган бўлиши керак.

Касса дафтариning охирги варагида рақамланган бетлар сони кўрсатилиб, корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси билан тасдиқлаб қўйилади.

5010 - “Миллий валютадаги нақд пуллар” счёти кредит бўйича қуидаги счёtlар дебети билан корреспонденцияланади: 5110 – “Ҳисоб-китоб счёти” – банкка топширилган нақд пулларга; 6510 – “Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар” – ижтимоий суғурта фондидан касаллик варакалари бўйича тўловларга; 6710 – “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаши бўйича ҳисоб-китоблар” – нақд пул билан берилган иш ҳақи, мукофотларга; 4220 – “Хизмат сафари учун бўнаклар” - ҳисобот бериладиган бўнаклар тўланишига; 4210 – “Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар” – ижро варакалари бўйича нақд пул, депонент суммаларини тўлашга ва ҳоказо.


Касса дафтари

Касса: «_____» 2017 йил учун
Варак _____

| Хужжат рақами | Кимдан олинган ёки кимга берилган | Ўзаро боғланган счёtlар рақами | Кирим | Чиқим |
|---------------|-----------------------------------|--------------------------------|-------|-------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Кун бошига қолдиқ | | | |
| | - чек билан банкдан | | | |
| | Иш ҳақи | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | Бир кунда жами | | | |
| | Кун охиридаги қолдиқ | | | |
| | Шу жумладан иш ҳақига | | | |

Кассир _____ (имзо) сони
 Касса дафтаридағи қайдларни текширидим ва _____
 (ёзувда)
 _____ кирим ва _____ чиқим хужжатларини олдим.
 Бухгалтер _____ (имзо).

Касса муюмалаларини ҳисобга олиш жараёни:



3.1 расм. Касса муюмалаларини ҳисобга олиш жараёни

1-журнал-ордер ва 1-ведомостдаги жорий ёзувлар, шунингдек, баъзи бир бошқа журнал-ордерлардаги ёзувлар ҳам, айрим счёtlар бўйича дебет ва кредит оборотларини ушбу счёtlар бўйича таҳлилий ҳисоб олиб бориладиган журнал-ордерлар ёки ведомостларга кўчириш учун расшифровка варақларини тузишга олиб келади.

Қайднома 5010 - “Миллий валютадаги нақд пуллар” ҳисоб-вараги бўйича жамлама ва айни вақтда, таҳлилий ҳисобнинг регистри ҳисобланади. Ведомостга машинада ишлов бериш асосида дебети бўйича – кирим муюмалаларининг, кредити бўйича - чиқим муюмалаларининг суммалари гурухланадиган 5010 - “Миллий валюта-даги нақд пуллар” жамлама счёт (*актив пул счёти*) даги касса муюмалаларини акс эттириш тартиби ётади. Сўнгра жамлама счёtlар бўйича 5010 - “Миллий валютадаги нақд пуллар” счёtgа доир оборот ведомости тузилади, ундаги маълумотлар эса Бош дафтарга кўчирилади.

3.4. БАНК МУАССАСАЛАРИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ БЎЙИЧА КАССА, ҲИСОБ-КИТОБ, ВАЛЮТА СЧЁТИ ВА БАНКДАГИ БОШҚА СЧЁТЛАРНИНГ ҲИСОБНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш шакллари. Корхоналар бошқа юридик шахслар, давлат назорат органлари ва бошқа ташкилотлар билан бўладиган ҳисоб-китобларини асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўринишида амалга оширади. Маблағларни бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига нақд пул иштирокисиз, пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар дейилади.

Ўзбекистон Республикаси худудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар 1995 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб бориш тўғрисида»ги 60-йўриқномага асосан олиб борилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қуидаги асосий тамойилларга асосланади:

- корхона, ташкилотлар ўз пул маблағларини (ўз маблағлари ва қарз маблағлари) банқда сақлашлари лозим;
- барча нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банк орқали ўтиши керак;
- хўжалик органлари ҳисоб-китоблар шаклларини эрkin танлашлари ва уни шартнома орқали мустаҳкамлаб қўйишлари мумкин;
- хўжалик органларининг ҳисоб-китоблар бўйича шартномавий муносабатларига банк аралашмаслиги керак;
- товарлар ва хизматлар учун тўловлар тўловчининг розилиги билан амалга оширилади;

- тўловлар хўжалик органларининг ҳисобрақамидаги маблағлари ҳисобидан, баъзида банк кредити ҳисобидан амалга ошириши мумкин;
- тўлов қоидаси мол етказиб берувчи ва мол сотиб олувчи томонидан мол етказиб бериш тўғрисидаги шартнома асосида келишиб олинади;
- мол етказиб берувчининг ҳисобрақамига пул маблағларини ўтказиш мазкур маблағларнинг мол сотиб олувчининг ҳисобрақамидан ўчирилганидан кейин амалга оширилади.

Банклардаги ҳисоб-китоб счёtlарини очиш татиби.

Банк муассасасида ҳисоб-китоб счётини очиш учун корхона қуидагиларни тақдим қилиши лозим:

- счётни очиш ҳақида ариза (0401025-шакл),(уни корхона раҳбари имзолаши шарт);
- корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида хужжат;
- корхонанинг нотариус тасдиқлаган устави нусхаси;
- имзолар намуналари ва муҳр нусхаси туширилган, нотариус тасдиқлаган варақча (0401026-шакл);
- корхонани тузиш ҳақидаги таъсис шартнома (муассиснинг қарори, таъсисчилар умумий йиғилишининг қарори) нусхаси;
- солиқ органида рўйхатдан ўтганлиги ва идентификациялашган солиқ тўловчи номери берилганлиги тўғрисида нотариусда тасдиқланган гувоҳнома кўчирмаси ёки шахс солиқ тўловчи субъект эмаслиги тўғрисида маълумот.

Корхонанинг счётида олинган материаллар, асосий воситалар учун мол юборувчига тўланмалари, бюджетдан, ижтимоий суғуртадан бўлган қарзни тўлаш, иш ҳақи бериш учун кассага олинган пул ва бошқа заруриятлар учун тўланган пул маблағлари акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб счёти бўйича барча муомалалар ҳисоб-китоб счётининг эгаси розилиги билан белгиланган шаклдаги тўлов (банк) хужжатлари асосида амалга оширилади.

Тўлов шакллари деганда, одатда, хуқукий меъёрларда кўзда тутилган, кредитор ҳисобига маблағларни ўтказиш усули, ҳисоб-китоб хужжати тури ва хужжатлар айланиш тартиби билан фарқланувчи нақд пулсиз тўловлар шартлари кўзда тутилади.

Корхоналар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар:

- тўлов топшириқномалари;
- чеклар;
- аккредитивлар;
- тижорат банклари векселлари;
- тўлов талабнома-топшириқномалари;
- тўлов талабномалари;
- инкассо топшириқномалари;
- режали тўловлар воситасида амалга оширилади.

Маблағларни тўловчи билан олувчи ўртасидаги тўловлар шакли шартнома (*келишиув*) билан белгиланади.

Ҳисоб-китоб хужжатлари белгиланган стандартлар талабларига мувофиқ келиши ва ҳисоб-китоб хужжати номи, ҳисоб-китоб хужжати рақами, унинг ёзилган куни, ойи, йилини ўз ичига олиш керак. Кун рақамларда, ой сўз билан, йил рақамлар билан кўрсатилади, ҳисоблаш машиналарида тўлдириладиган тўлов хужжатларида ой рақамларида кўрсатилиши мумкин, тўловчи банкининг рақами, тўловчи банкининг номи кўрсатилади, тўловчи банкининг номи ўрнига хужжат матнида унинг фирма белгиси; тўловчининг номланиши, унинг банкдаги ҳисоб рақами; маблағ олувчининг номланиши, унинг банкдаги ҳисоб рақами; олувчи банкининг номланиши (*чекда кўрсатилмайди*), маблағ олувчи банкининг рақами кўрсатилиши мумкин. Тўловчи ва маблағ олувчи

номининг банклар ва мижозлар ишини қийинлаштирумайдиган оқилона қисқартирилишига йўл қўйилади, тўлов мақсади кўрсатилади (чекда кўрсатилмаган).

Корхона ва ташкилотлар билан ҳисоб-китобларда улар ўртасида кўзда тутилган тўлов шаклига бўғлиқ ҳолда ҳужжатлар қўлланади. Агар шартномада корхонанинг ўзи қарзини мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва турли ташкилотларга ўтказиши кўзда тутилган бўлса, тўлов топшириқномаси ёзилади.

Тўлов топшириқномаси корхонанинг ўзига хизмат кўрсатувчи банкка ўз счётидан муайян суммани бошқа корхонанинг ва шу банкдаги ёки ана шу шаҳарда ёхуд бошқа шаҳарда жойлашган банк муассасасидаги счётига ўтказиши тўғрисидаги топшириғи ҳисобланади. Бунда тўловчи банкка белгиланган шаклдаги бланкда топшириқнома тақдим этади.

Топшириқномалар ёзилган кундан бошлаб 10 кун давомида амал қиласи (ёзилган кун ҳисобга кирмайди).

Томонларнинг келишувига кўра топшириқномаларга асосланган тўловлар муддатли, муддатдан олдин ва муддати узайтирилган бўлиши мумкин.

Муддатли тўлов қўйидаги вариантларда амалга оширилади:

- бўнак тўлови, яъни товарларни юклаб жўнатиш ёки хизматлар кўрсатишдан олдин;
- товар юклаб жўнатилганидан сўнг, яъни товарни тўғридан-тўғри акцептлаш йўли билан;
- йирик битимларда қисман тўловлар.

Муддатидан олдин ва муддати узайтирилган тўловлар шартномавий муносабатлар доирасида, томонларнинг молиявий мавқеига зарар келтирмасдан амалга оширилиши мумкин.

Олинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун топшириқномалар банк томонидан улар тақдим этилган кунда ҳисоб-китоб счётида маблағлар бўлганда ёки банк ссудаси ҳисобига имконияти мавжуд бўлгандағина қабул қилинади.

Тўлов топшириқномалари бланкларда (**0401002**) тузилади, битта банк муассасаси хизмат кўрсатадиган учта ва ундан ортиқ олувчига ўтказилганда эса банкларда йиғма тўлов топшириқномалари (**0401003**) тузилади.

Акцептланган топшириқнома тўловга фақат тўлов суммада қабул қилиниши мумкин. Акцептланган топшириқномаларни қабул қилганда банк топшириқноманинг орқа томонида уларни тўлаш учун қабул қилган корхонанинг қабул қилиш санаси кўрсатилган штампи бўлишини назорат қилиши керак.

Ҳисоб-китобни банк томонидан акцептланган топшириқнома билан амалга оширмоқчи бўлган тўловчи унга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига акцепт учун топшириқномани (**0401002**) уч нусхада тақдим этади. Дастлабки икки нусхага имзо чекилиши ва муҳр изи туширилиши шарт.

Топшириқномани бажариш мумкинлиги ва у тўғрирасмийлаштирилгани текширилганидан сўнг унинг суммаси банк муассасаси томонидан топшириқнома тақдим этган тўловчининг счётидан ўчирилади ва «Акцептланган тўлов топшириқномалари ва банкларнинг ҳисоб-китоб чеклари» счётида депонентланади.

Акцептланган топшириқнома унинг акцепт кунидан бошлаб бир ой давомида тўлаш учун тақдим этилмагандан ушбу топшириқнома суммаси «Акцептланмаган тўлов топшириқномалари ва банкларнинг ҳисоб-китоб чеклари» счётидан «Бошқадебиторлар ва кредиторлар» баланс счётига ўтказилади ва кейин даъво муддати тугаганидан сўнг, республика бюджетининг даромадига ўтказилади.

Тўлов талабнома-топшириқномаси мол етказиб берувчининг харидорга банкни четлаб ўтиб, унга юборилган тўлов ва юклаб жўнатиш ҳужжатлари асосида, шартнома бўйича етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қийматини тўлаш тўғрисидаги талабини ифодалайди.

Тўловчи олинган тўлов талабнома-топшириқномасини тўлаш имкониятини белгилаб, уни хизмат кўрсатувчи банк муассасасига топширади, тики тўлов талабнома-топшириқномаси бўйича акцептланган сумма тўловчи счётиданмол етказиб берувчининг счётига ўтказилсин.

Тўлов талабнома-топшириқномаларини мол етказиб берувчи **0401040** – сон бланкда ёзади ва шартномада кўзда тутилган юклаб жўнатиш ҳамда бошқа хужжатлар билан бирга З нусхада бевосита харидорга юборилади.

Биринчи нусха белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, мол етказиб берувчининг имзолари ва муҳр изи қўйилган бўлиши керак.

Тўлов талабнома-топшириқномаси тўловчи счётида маблағ бўлганида қабул қилинади.

Тўлик ёки қисман тўлашга рози бўлинганда тўловчи тўлов талабнома-топшириқномасининг барча нусхаларини счётни тасарруф этишга ваколатли шахслар имзолари ва муҳр изи билан расмийлаштиради ҳамда уларнинг ҳаммасини хизмат кўрсатувчи банкка топширади, бунда:

- биринчи нусха маблағларни тўловчи счётидан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қиласи ва муомала яқунланганидан сўнг банк учун хужжатларда жойлаштирилади;
- иккинчи нусха мол етказиб берувчига хизмат кўрсатадиган банкка юборилади;
- учинчи нусхаси юклаб жўнатиш хужжатлари билан бирга жўнатиш учун қабул қилиш ва товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳақи тўлангани тўғрисида тилхат сифатида тўловчига қайтарилади.
- тўловчи банкка акцептланган тўлов талабнома-топшириқномаларини тақдим этиши шарт бўлган муддатни томонлар шартномада белгилайди ва уни банк назорат қилмайди.

Тўлов талабнома-топшириқномаси унга илова қилинган юклаб жўнатиш хужжатлари ва тўлашдан бош тортилгани тўғрисидаги хабарнома билан бирга бевосита мол етказиб берувчига қайтариб берилади. Келиб тушган ва тўланмаган тўлов хужжатлари ҳисобини тўловчи Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида кўзда тутилган тартибда амалга оширади.

Тўлов талабномаси ҳисоб-китоб хужжати бўлиб, мол етказиб берувчи (*юк жўннатувчи*) ва воситаларни бошқа олувчиларнинг тўловчига муайян суммани банк орқали тўлаш тўғрисидаги талабини ўз ичига олади.

Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоб қилиш зарурати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан, юзага келган молиявий вазиятдан ва тўловларни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб белгиланади.

Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоб қилишда воситаларни олувчи унга хизмат кўрсатувчи банкка инкассо учун тўловчидан муайян суммани банк орқали тўлаш талаб қилинган ҳисоб-китоб хужжатини тақдим этади.

Тўловчиларнинг акцептли ёки акцептсиз талабли ҳисоб-китоблари корхоналар ўртасида юклаб жўнатилган (*берилган*) товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун, бошқа тўловлар бўйича эса – амалдаги қонунлар ёки шартномада кўзда тутилган ҳолларда қўлланади, талабномада мазкур тўлов шаклини белгилаган тегишли меъёрий хужжат, шартнома бандига, албатта, ҳавола қилиниши керак.

Олинган акцепт белгиланган ҳисоб-китобларда талабнома акцепт муддати тугаган куннинг эртасига тўланади.

Тўловчи унга хизмат кўрсатадиган банк муассасасига мазкур банк муассасаси талабномани олган кундан сўнг З кун давомида, талабнома келиб тушган кунни ҳисобга олмаганда, акцептдан воз кечиши тўғрисида айтиш хуқуқига эгадир.

Зарурат туғилгандаги корхонанинг сўровига биноан банк муассасаси раҳбари талабнома акцепти муддатини 10 кунга қадар узайтириши мумкин.

Банк томонидан 10 кун мобайнида розилик (*акцепт*) олинмаган тақдирда бундай талабномалар банк муассасасига қайтарилиб, хужжат акцептланмагани кўрсатилади.

Акцептдан воз кечишларни қабул қилиш хукуки берилган мансабдор шахслар доираси банк раҳбари томонидан белгиланади. Агар акцептдан воз кечиши умуман асослаб берилмаган бўлса, уни банк ижро этиши учун қабул қилмайди.

Тўлов талабномаси **0401001** – сонли бланкларда тузилади. Агар талабнома спецификация билан мувофиқлаштирилмаган бўлса, унга товар транспорт ҳужжатлари ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатлар илова қилиниши керак. Банк бошқа иловаларни қабул қилмайди, амалдаги қоидаларда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Талабномаларда мол етказиб берувчи, албатта:

- шартнома санаси ва рақамини кўрсатади;
- товарларни юклаб жўнатиш (*берииш*) санаси ҳамда товар- транспорт ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари ва транспорт тури, товарлар алоқа корхонаси орқали жўнатмалар сифатида юборилганда - почта квитанцияларининг рақамлари кўрсатилиши керак.

Талабномалар товар юклаб жўнатилган (хизмат кўрсатилган)дан сўнг шартномада тилга олинган муддатдан кечиктирмай инкассога топширилади.


Талабномалар икки нусхада тузиладиган реестрга **(0401014)** киритилади.

Реестр шакли мол етказиб берувчиларнинг хоҳишига биноан мол етказиб берувчи банкининг розилиги билан ўзгартирилиши ва реквизитлар билан тўлдирилиши мумкин.

Корхона бухгалтериясида ҳисоб-китоб счётидаги пуллар ҳаракати банк кўчирмалари бўйича «Ҳисоб-китоб счёти» номли 5110–актив счётда ҳисобга олинади. Ушбу счёт бўйича кредит оборотлари 2-журнал-ордерда ёзилади, дебет бўйича оборотлар эса турли журнал-ордерларда акс эттирилади. 2-журнал-ордерга 2-қайднома юритилади, унда 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» счёт дебетига киритилган суммалар ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб счётига ёзилган ва ундан ўчирилган суммаларни ҳисобда акс эттиришдан олдин банк кўчирмаси бухгалтер томонидан синчиклаб текширилади ва шундан сўнг бевосита ҳисоб-китоб варағидан кўчирмада счёtlар корреспонденциялари тузилади.

Бунда банклардаги корхоналарнинг ҳисоб-китоб счёtlари пассив эканини эътиборда тутиш зарур, бинобарин, банк бухгалтериясида пулнинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушиши счёtnинг кредити бўйича, ҳисобдан ўчириш эса унинг дебетида акс эттирилади. Корхоналарда эса, аксинча, ҳисоб-китоб счёti актив ҳисобланади, шунинг учун пул маблағларининг ҳисоб-китоб счётида қўпайиши дебет бўйича, камайиши эса кредит бўйича акс эттирилади.



Валюта счётини очиш ва улардаги маблағлар ҳисоби. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фақат миллий валюта – сўмдан эмас, балки ҳар хил хорижий валюталардаги пул маблағларидан фойдаланмоқда ва муомалаларни амалга ошироноқда. Шу муносабат билан валюта бойликлари ва муомалалари бухгалтерия ҳисоби объектига айланмоқда.

Валюта маблағлари-бу хўжалик юритувчи субъектнинг хорижий валюталарида пул активлари ва пассивлариdir. Улар қўйидагиларни қамраб олади:

- чет эл валютаси, яъни бошқа давлатларнинг банкнот, хазиначилик билети, танга кўринишидаги пул белгиси бўлиб, муомалада қонуний тўлов воситаси сифатида қатнашади. Чет эл давлатларининг счётлардаги маблағи, уларни пул бирлиги ёки халқаро пул ва ҳисоб-китоб бирлигидир;

- чет эл валютаси - қимматли қоғозлар кўринишида ҳам бўлади. Булар - тўлов хужжатлари, чеклар, векселлар, аккредитивлар, фонд қийматликлари, акциялар, облигациялар ва бошқа чет эл валютасида ифодаланган қарз мажбуриятлари;

- қимматбаҳо металлар (олтин, кумуш ва бошқалар).

Валюта муомалаларининг бухгалтерия ҳисоби:

- * валюта муомалалари корхона фаолиятининг ташкил этувчилари сифатида акс эттирилишини;

- * корхонанинг ҳақиқий валюта аҳволи аниқ акс эттирилишини;

- * валюта битимларининг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги, валюта бойликларининг борлиги, уларнинг бус-бутун сақланиши ва тўғри фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаши лозим.

2. Валюта счетини очиш тартиби, унинг ахамияти ва вазифалари бўйича амалга оширилган операцияларни ҳисобга олиш


Хорижий валюта маблағлари, кийматликлари ва операциялари хўжалик операциялари содир бўлган санага МБ курси бўйича сўм эквивалентида акс эттирилади. Жумладан куйидагилар бўйича:

- а) кассадаги валюта маблағлари, банкдаги депозит ва сусда счетлари, аккредитивлар, валюта сусда карзлар;
- б) хорижий валютадаги дебитор ва кредитор карзлар;
- в) тузилган шартномалар бўйича Юк бож декларациясини расмийлаштириш санасига импорт килинган товар-материал кийматликлар ва бошқа активларнинг кирими;
- г) божхона тўловларининг амалга оширилиши;
- д) хорижий валюта кўринишидаги пули хужжатлар;
- е) хорижий валютадаги қимматли қоғозлар.

ЎзР АВ томонидан 17.09.2004 й. 1411-сон билан рўйхатга олинган МВ, Иқтисодиёт вазирлиги, ДСҚ, МБ, Давлат статистика кўмита-сининг 2004 йил 2 сентябрдаги 98, 41, 2004-57, 257-В, 8-сон карори билан тасдиқланган “Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида” Низом.



Корхона валюта счётини Ўзбекистон Республикасининг худудида исталган ваколатли банкларда очиши мумкин.



Корхонанинг чет элдаги хорижий банкда счёт очиши ва у бўйича муомалаларни амалга ошириши учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг руҳсати талаб қилинади. Бунинг учун корхона кўрсатилган счёлардаги маблағлар қолдиқлари тўғрисидаги ҳисботни ҳамда бошқа маълумотларни Марказий Банк белгилаган шакл ва муддатларда тақдим этиши шарт.

Валюта счётини очиш учун корхона банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим қиласди:

- * валюта счётини очиш тўғрисидаги белгиланган шаклдаги ариза;
- * устав ва таъсис шартномасининг нотариал тартибида тасдиқланган нусхаси;
- * корхона тузилганлиги ёки рўйхатга олинганлиги ҳақидаги қарорнинг нотариал тартибида тасдиқланган нусхаси;
- * корхона рўйхатга олинган жойдаги солиқ инспекцияси ва Пенсия фондида ҳисобга кўйилганлиги тўғрисида маълумотнома;
- * имзолар намуналари ва муҳр изи туширилган, нотариал тартибида тасдиқланган варақча (карточка);

Чет эл валютаси ундан фойдаланиш нуқтаи назарига кўра қўйидагиларга бўлинади:

- эркин конвертиранадиган;
- конвертиранадиган;
- якка ҳолдаги.

Чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги қимматли қофозлар билан бўладиган операциялар қуидаги турларга бўлинади:

- жорий валюта операциялари;
- капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган валюта операциялари.

Жорий валюта операцияларига қуидагилар киради:

- товарлар, иш ва хизматлар экспорти ва импорти бўйича тўловларни кечиктирмасдан амалга ошириш учун чет эл валютасини Республикага олиб кириш ва Республикадан ўтказиш ҳамда 180 кундан ортиқ бўлмаган муддатга экспорт-импорт операцияларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- 180 кундан ортиқ бўлмаган муддатга молия кредитларини олиш ва бериш;
- Республикага ва Республикадан фоизлар, дивидендлар ва улуш бўйича бошқа даромадларни, капитал ҳаракати билан боғлиқ инвестициялар, кредитлар ва бошқа операцияларни ўтказиш; савдо характеристига эга бўлмаган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари, нафака, алиментлар ҳамда бошқа шунга ўхшаш операциялар суммаларини ўтказиши.

Ўзбекистон сўми валюта базаси бўлиб ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, бухгалтерия ҳисобида ҳамма ёзувлар, бу ёзувлар акс эттирилган хўжалик операцияларида ҳақиқатда фойдаланилган валюта туридан қатъий назар, сўмларда олиб борилади.

Чет эл валютасидаги ҳамма операциялар ҳисобда, операция юз берган санага ҳаракатдаги курс бўйича эквивалент суммада акс эттирилади. Эквивалент суммаси, валюта курси асосида чет эл валютасини сўмга қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Хорижий валютани сотиш ва сотиб олиши бухгалтерия ҳисобида операция содир бўлган санага бўлган МБ курси бўйича акс эттирилади. Хорижий валютани сотиш (сотиб олиши)да содир бўладиган курсдаги фарқ (ижобий ёки салбий) ижобий бўлса – 9540 «Куре фарқларидан олининган даромадлар» счетига, салбий бўлса – 9620 «Куре фарқларидан зааррлар» счетига ҳисобга олинади.

Хорижий валютани сотиш жараённининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши:

- а) валюта счетидан хорижий валютани МБ курси бўйича ўтказилиши:
Дт 5530 счетининг «Транзит» счети, Кт -5210.
- б) МБ курси бўйича хорижий валютани «Блоксчет» дан чиқарилиши:
Дт 9220, Кт 5530 «Транзит» счети.
- в) валюта бозорида келишилган курс бўйича сотилган хорижий валютанинг сўм эквивалентини ҳисоб-китоб счетига ўтказилиши:
Дт 5110, Кт 9220.
- г) Хорижий валютани сотишида хосил бўлган ижобий курс фаркини МБ курсидан ортигини акс эттирилиши:
Дт 9220, Кт 9540.
- д) Хорижий валютани сотишида хосил бўлган салбий курс фаркини (МБ курсидан кам) акс эттирилиши:
Дт 9620, Кт 9220.

Хўжалик операцияларини рўйхатга олиш санаси билан, операциялардан келиб чиқсан ҳолда ҳар қандай пул позициялари бўйича аниқ ҳисоб-китобни амалга ошириш санаси ўртасидаги даврда валюта курсидаги ўзгариш курслар фаркини вужудга келтиради.

Пул маблағларидан чет эл валютасининг ҳисоби касса китобида 1- ва 2-журнал-ордерларда ва шунингдек, 1- ва 2-ведомостларда сўм тенглигида юритилади.

Валюта счёtlаридан маблағларни тегишли счёtgа ёзиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган тартибда олиб борилади.


Мамлакатхудудидаваунингташқарисидажойлашганбанқдагиҳорижийвалютасчёtlари дагипулмаблағларинингҳаракативаҳолатитўғрисидаумумлаштирилганмаълумотқуйидагис чётлардаамалгаширилади:

5210-«Мамлакат ичидаги хорижий валюта счёtlари»

5220-«Хориждаги валюта счёtlари».

Корхонанинг валюта маблағлари счёtlари дебетида корхона валюта счёtlарига маблағларнинг тушуми, кредит томонида эса ушбу маблағларнинг чиқими акс эттирилади.

Хорижий валютани сотиш жараёни айланма ведомостъ орқали акс эттирилиши:



Бухгалтерия ҳисобида валюта счёtlари бўйича муомалалар банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган пул-ҳисоблашиш хужжатлари асосида олиб борилади. Корхона валюта маблағларининг таҳлилий ҳисоби хорижий валютада пул маблағларини сақлаш учун банк муассасаларида очилган ҳар бир счёт бўйича очилади.

5200-«Валюта счёtlари»даги пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlарнинг корреспонденцияси

| № | Хўжалик муомаларининг мазмуни | Счёtlар корреспонденцияси | | Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар |
|----|---|---------------------------|--------|---|
| | | Дебет | Кредит | |
| 1. | Қарздор корхоналар томонидан узоқ муддатли қарзларнинг қайтарилиши | 5210-5220 | 7820 | Валюта счётидан кўчирма |
| 2. | Махсулот (иш, хизмат)ларни сотищдан тушган валюта киримининг акс эттирилиши | 5210 | 4010 | Валюта счётидан кўчирма |
| 3. | Асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилишидан банкка келиб тушган валюта киримининг акс эттирилиши | 5210 | 4010 | Валюта счётидан кўчирма |
| 4. | Валюта маблағларининг кассадан валюта счётига берилиши | 5210 | 5010 | Пул топшириш эълони, валюта счётидан кўчирма |
| 5. | Банкдан кассага валюта маблағларининг келиб тушиши | 5010 | 5210 | Валюта счётидан кўчирма |
| 6. | Келиб тушган ТМБлар учун мол етказиб берувчилар ва пурратчиларга бўлган қарзнинг ўтказилиши | 6010 | 5210 | Тўлов топшириқномаси ва валюта счётидан кўчирма |
| 7. | Банкнинг узоқ ва қисқа муддатли қарзларининг узилиши | 7810 6810 | 5210 | Тўлов топшириқномаси ва валюта счётидан кўчирма |

Хорижий валюта ҳаракати түғрисидаги маълумотни банк муассасаси корхонага валюта счётидан кўчирма бериш йўли билан хабар беради. 5210-«Мамлакат ичидағи валюта счётлари»нинг кредит обороти 2/1-журнал-ордерда акс эттирилади. Бу счётнинг дебет обороти 2/1-қайдномани юритиш билан назорат қилинади. Валюта счёти бўйича таҳлилий ҳисоб карточкаларда, валюталарнинг номлари бўйича юритилади.

Мисол. Корхона валюта счётидан 2000 \$ сотиш учун банк ўтказмасини амалга ошириди. 10 мартағи сотиш кунидаги бир доллар 1840 сўмни ташкил этди. Банк комиссиян тўлов 1% ни яъни 20 \$ -36800 сўм бўлди. Валюта сотищдан тушум хисоб-китоб счетига келиб тушди (Банк комиссиян тўлов учун -368000 сўм банк олиб колди). 15 марта кунидаги курс 1850 сўм бўлди. Ушбу операциялар бухгалтерия хисобида куйидагича расмийлаштирилади:

| № | Операция мазмуни | Сумма | Счетлар боғланниши | |
|---|--|-----------|--------------------|------|
| | | | Дт | Кт |
| 1 | Сотиш учун пул ўтказилди. Курс бўйича 1 \$ 1840 сўм | 3 680 000 | 9220 | 5210 |
| 2 | Банкнинг комиссиян тўлови | 36 800 | 9220 | 6990 |
| 3 | Валюта сотищдан тушум хисоб-китоб счетига келиб тушди (Банк комиссиян тўлов учун -36 800 сўм банк олиб колди). (2000 \$ -20 \$=1880 \$) Курс бўйича 1 \$ 1850 сўм | 3 478 000 | 5110 | 9220 |
| 4 | Валютани сотищдан олинган молиявий натижага | 238 800 | 9620 | 9220 |
| 5 | Курс фарқи зарар суммасига ўтказилди | 238 800 | 9430 | 9620 |
| 6 | Банкнинг комиссиян тўлови ўтказилди | 36 800 | 6990 | 5210 |
| 7 | Курс фарқи бўйича зарар якуний молиявий натижага ўтказилди | 238 800 | 9910 | 9430 |

Мисол. Корхона 5000 \$ сотиб олиш учун банкдаги хисоб-китоб счётидан 9.2 млн. сўм ўтказди. 10 мартағи сотиб олиш кунидаги бир доллар 1800 сўмни ташкил этди. Банк комиссиян тўлов 1% ни яъни 50 \$ -92 000 сўм бўлди. Валюта счетига келиб тушган 15 марта кунидаги 1 \$ курси - 1850 сўм бўлди. Ушбу операциялар бухгалтерия хисобида куйидагича расмийлаштирилади:

| № | Операция мазмуни | Сумма | Счетлар боғланниши | |
|---|--|-----------|--------------------|------|
| | | | Дт | Кт |
| 1 | Сотиб олиш учун пул ўтказилди. Курс бўйича 1 \$ 1800 сўм | 9 200 000 | 5530 | 5110 |
| 2 | Комиссиян тўлови банк учун (50 x 1800) | 92 000 | 9430 | 5530 |
| 3 | Валюта тушуми маҳсус транзит валюта счетига келиб тушди (5000 \$ - 50 \$ = 4950 \$ x 1850 сўм) | 9 157 500 | 5210 | 5530 |
| 4 | Курс фарқи (9 157 500 + 92 000 - 9 200 000) | 49 500 | 5530 | 9540 |
| 5 | Курс фарқи якуний молиявий натижага ўтказилди | 49 500 | 9540 | 9910 |

Хорижий валютани сотиб олиш жараёни айланма ведомость орқали акс эттирилиши:

| Дт 5110 Кт | | Дт 5530 Кт | | Дт 5210 Кт | |
|------------|--------------|--------------|--------------|--------------|-----------|
| | 1) 9 200 000 | 1) 9 200 000 | | | |
| | | | 2) 9 157 500 | 2) 9 157 500 | |
| | | | Дт 9430 Кт | | |
| | | | 3) 92 000 | 3) 92 000 | |
| | | 9 200 000 | 9 249 500 | 9 249 500 | |
| Дт 9540 Кт | | | | | |
| | 4) 49 500 | | 4) 49 500 | | |
| | | | Дт 9910 Кт | | |
| | 5) 49 500 | | | | 5) 49 500 |
| | | | | | |

3.5. Банкдаги маҳсус, аккредитив, чек дафтарлари ва бошқа маҳсус счётлар.

Корхоналарнинг маҳсус счётларидаги пул муомалаларининг ҳисоби 5500-«Банклардаги маҳсус счётлар» счётида юритилади. Мазкур счёт мамлакатимиз ҳудудида ва ундан ташқарида аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатлари кўринишида (векселлардан ташқари), жорий, алоҳида ва бошқа маҳсус счётларда турган миллий ҳамда хорижий валютадаги пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги, шунингдек аниқ мақсадлар учун молиялаш маблағларининг алоҳида сақланадиган қисми ҳаракати хақидаги маълумотларни умумлаштиришга мўлжалланган.

1. Банкдаги бошқа маҳсус счетлар ва улардаги маблағлардан фойдаланиш

Банкдаги маҳсус счетлари – мамлакатимиз ҳудудида ва ундан ташқарида аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатлари кўринишида жорий, алоҳида ва бошқа маҳсус счетларда турган миллий ҳамда хорижий валютадаги пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги, шунингдек аниқ мақсадлар учун молиялаш маблағларининг алоҳида сақланадиган қисми ҳаракати хақидаги маълумотларни умумлаштиришга мўлжалланганлигидир.

Ушбу счет таркибида куйидаги счетлар очилган:

- 5510 “Аkkредитивлар”;
- 5520 “Чек дафтарчалари”;
- 5530 “Бошқа маҳсус счётлар”.



Аkkредитив банкнинг шартли пул мажбуриятномаси бўлиб, банк бу ҳужжатни мижознинг топшириғига кўра шартнома бўйича унинг контрагентига беради. Бу шартномага кўра аккредитив очган банк (эмитент банк) маҳсулот етказиб берувчига пул тўлаши ёхуд шундай тўловлар ўтказиш учун бошқа банкка ваколат бериши мумкин. Бунда мижоз аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатларни тақдим этиши ва аккредитивнинг бошқа талабларини бажариши шарт қилиб қўйилади.

Аkkредитивларнинг куйидаги турлари очилиши мумкин:

- қопланган (депонентланган) ёки қопланмаган (кафолатланган);

- қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиган.

Агар аккредитив очилаётган вақтда эмитент банк тўловчининг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни эмитент банк мажбуриятлари амал қиласидиган бутун муддатга “Аkkредитивлар” деган алоҳида баланс счётига қўйиш учун маҳсулот етказиб берувчи банки (ижрочи банк) ихтифрига ўтказса, бу қопланган (депонентланган) аккредитив ҳисобланади.

Банклар орасида корреспондентлик муносабатлари ўрнатилган ҳолларда қопланмаган (кафолатланган) аккредитив ижрочи банкда унга эмитент банкнинг ижрочи банқдаги счётидан бутун аккредитив суммасини чиқариб олиш ҳуқуқини бериш йўли билан очилиши мумкин.

Ҳар бир аккредитивда у қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиган шаклдалиги аниқ кўрсатилиши керак. Агар шундай кўрсатма бўлмаса, аккредитив қайтариб олинадиган деб ҳисобланади.

Қайтариб олинмайдиган аккредитив унинг асосида пул оладиган маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз ўзгарилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аkkредитив фақат битта маҳсулот етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун очилиши мумкин.

Аkkредитив амал қиласидиган муддат ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўловчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади. Шартномада куйидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур:

- эмитент банк номи;
- аккредитив тури ва уни ижро этиш усули;
- аккредитив очилгани тўғрисида маҳсулот етказиб берувчига хабар қилиш усули;
- аккредитив бўйича пул олиш учун маҳсулот етказиб берувчи тақдим этадиган хужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;
- товар жўнатилгандан кейин хужжатларни тақдим этиш муддати ҳамда уларни расмийлаштиришга доир талаблар;
- бошқа зарур хужжатлар ва шартлар.

Эмитент кафолатланган аккредитивларни харидор билан келишувга қўра ва бошқа банк билан ўрнатилган корреспондентлик муносабатлари шартларига мувофиқ очади. Маҳсулот етказиб берувчининг банки бундай аккредитивларни белгиланган тартибда ижро этади.

Аkkредитив очмоқчи бўлган тўловчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка (эмитент банкка) аккредитив учун электрон ариза беради. Бу аризада тўловчи қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

- аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома рақами;
- аккредитив амал қиласидиган муддат (аккредитив ёпиладиган кун ва ой);
- маҳсулот етказиб берувчининг номи;
- аккредитивни ижро этувчи банк номи;
- аккредитив ижро этиладиган жой;
- аккредитив бўйича тўловлар ўтказилишига асос бўладиган хужжатларнинг тўлиқ ва аниқ номи, уларни тақдим этиш муддати ва расмийлаштириш тартиби (тўлиқ батафсил рўйхат аризага илова қилиниши мумкин);
- аккредитив тури ва унга доир зарур маълумотлар;
- аккредитив қандай товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) учун очилаётгани, товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) муддати;
- аккредитив суммаси;
- аккредитивни амалга ошириш усули.

Электрон тўлов хужжатини тўғри расмийлаштириш учун тўловчилар маҳсулот етказиб берувчидан аккредитив бўйича унинг номига очилган счёт рақамини аниқлаш олишлари керак.

Аккредитив очиш тўғрисидаги ариза аккредитив шартларини бажариш учун тўловчи банкига зарур миқдордаги нусхаларда тақдим этилади.

Банк муассасасига келиб тушган аккредитивлар ҳисобини юритиш учун тўловчи банкида «пули тўланадиган аккредитивлар» деган балансдан ташқари счёт очилади.

Ижрога қабул қилинган аккредитив маҳсус шаклдаги дафтарда рўйхатга олинади. Унда сана, тартиб рақами, маҳсулот етказиб берувчининг номи, аккредитив муддати ва сумма кўрсатилади. Аккредитивга ўтказиш дафтарда рўйхатга олинган тартиб рақами берилади.

Корхоналарда пул маблағлари аккредитивга киритилиши 5510-«Аккредитивлар» счёти дебетида ҳамда 5110-«Ҳисоб-китоб счёти», 5210-«Валюта счёти», 6810-«Қисқа муддатли кредитлар» счёtlари ва шунга ўхшаш бошқа счёtlарнинг кредит қисмida акс эттирилади.

5510-«Аккредитивлар» счёти бўйича ҳисобга олинган аккредитивдаги маблағлар улардан фойдаланилишига қараб (банк берган кўчирмаларга мувофик), одатда, 6010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар» счёти дебетига ўтказиб борилади. Аккредитивлардаги фойдаланилмаган маблағларни банк улар олинган счётда тиклагандан кейин бу суммалар 5510-«Аккредитивлар» счёти кредитида 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ёки 5210-«Валюта счёти» счёtlари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

5510-«Аккредитивлар» счётига доир таҳлилий ҳисоб корхона очган хар бир аккредитив бўйича юритилади.

5510 “Аккредитивлар”

Аккредитив – банкнинг сотувчига товарларни ёки хизматларни етказиб берганлиги учун муайян пул суммасини товар жўнатилганини ёки шартномадаги хизматлар бажарилганини тасдиқлайдиган тегишини хужжатлар ўз вактида такдим этилган холларда тўлаша ҳакидаги қатъий мажбуриятидир.

Аккредитивлар 2 бўлинади:

1. Копланган (депонентланган) ёки қопланмаган (кафолатланган);
2. Қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиган.

Аккредитивга пул маблағларини ўтказиш;

Дт 5510 “Аккредитивлар” счёти,
Кт 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”, 5210
“Мамлакат ичидаги валюта счёtlари”, 5220
“Чет элдаги валюта счёtlари” ва бошқа счёtlари.



5520-«Чек дафтарчалари» счётида чек дафтарчаларида турган маблағлар харакати ҳисобга олинади.

Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби Марказий банк чиқарган қоидаларда белгилаб қўйилган.

Ҳисоб-китоб чеки - счёт эгаси (чек берувчи) нинг счётидан муайян суммани олувчи (чек ушловчи)нинг счётига ўтказиш тўғрисида банкнинг маҳсус бланкида тузилиб, банкка ёзма равишда берган топшириқdir.

Ҳисоб-китоб чеклари, нафақат хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар билан жисмоний шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади.

Ҳисоб-китоб чеклари қуйидаги турларга бўлинади:

- * банк акцептламаган чеклар;
- * банк акцептлаган чеклар;
- * эгасининг номи ёзилган (ҳисоб-китоб) чеклари – бир марталик;
- * лимитланган дафтарчалар чеклари.

Чек бланклари Марказий банк билан келишиб белгиланган андозада, тижорат банкларининг буюртмалари бўйича тайёрланади. Чек дафтарчаларининг бланклари қатъий ҳисобда турадиган хужжатлар ҳисобланади.

Лимитланган чек дафтарчаларидан берилган чеклар уларни хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этиш учун 10 кун мобайнида амал қиласди. Бунда улар ёзиб берилган кун ҳисобига кирмайди.

Чеклар тўлов суммаси белгиланган вақтда ёзиб борилади. Чек дафтарчаларининг эгалари уларни маҳсулот етказиб берувчилар (чек бўйича пул олувчилар) га бериши, шунингдек тўлдирилмаган чек бланкларига имзо чекиб қўйиши тақиқланади.


Дафтарчадан чеклар берилаётганда маблағларнинг депонентга қўйилиши 5520-«Чек дафтарчалари» счёти дебетида ҳамда 5110-«Ҳисоб-китоб счёти», 5210-«Валюта счёти», 6810-«Қисқа муддатли кредитлар» счёtlари ва шунга ўхшаш бошқа счёtlарнинг кредит қисмида акс эттирилади. Банкдан олинган чек дафтарчалари бўйича суммалар корхона берган чеклар пули тўланишига қараб, яъни банк ўзига тақдим этилган чеклар пулини тўлаган (банк берган кўчирмаларга мувофиқ) суммаларда 5520-«Чек дафтарчалари» счёти кредитидан ҳисоб-китоблар ҳисоби юритиладиган счёtlар дебетига ўтказиб турилади. Берилган, лекин банк пулини тўламаган чеклар бўйича суммалар 5520-«Чек дафтарчалари» счётида қолади, 5520-«Чек дафтарчалари» счёти бўйича сальдо банк берган кўчирмадаги сальдога мос келиши лозим. Банкка қайтарилиган (фойдаланилмаган) чеклар бўйича суммалар 5520-«Чек дафтарчалари» счётининг кредит қисмида 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ёки 5210-«Валюта счёти» счёtlари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

5520-«Чек дафтарчалари» счёти юзасидан таҳлилий ҳисоб олинган ҳар бир чек дафтарчаси бўйича юритилади.

Корхоналарнинг алоҳида баланс билан ажратилган ва жорий харажатлар қилиш учун маҳаллий банк муассасаларида жорий счёtlар очилган филиаллари, унга кирувчи таркибий бўлинмалар юқорида айтилган маблағлар ҳаракатини 5500-«Банклардаги маҳсус счёtlар» счёtinинг алоҳида аналитик счётида акс эттирадилар.

Хорижий валютада пул маблағлари мавжудлиги ҳамда ҳаракати ҳисоби 5500-«Банклардаги маҳсус счёtlар» счётида алоҳида юритилади. Мазкур счётда таҳлилий ҳисоб юритилиши мамлакат ҳудудида ва хорижда аккредитивлар, чек дафтарчалари ва шу кабилардаги пул маблағлари мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисида маълумот олиш имкониятини таъминлаши лозим.

Аkkредитивлар билан ҳисоб-китоблар бўйича хужжатлар айланиши тартиби



5520 “Чек дафтарчалари”

Хисоб-китоб чеки- счет эгаси (чек берувчи)нинг счетидан муайян суммани олувчи (чек олувчи)нинг счетига ўтказиш тўғрисида банкнинг махсус бланкада тузилиб, банкка ёзма равиша берган топшириғидир.

Хисоблашиш чеклар дафтарчалисида 10, 20, 25, 50 та чеклар бўлиб улар банк томонидан берилади.

Лимитлаштирилган чек дафтарчалари бўйича содир бўладиган муомалалар 5520 «Чек дафтарчалари» счети бўйича З – журнал-ордерда юритилади.

Хисоб-китоб чеклари қўйидаги рурларга бўлинади:

- банк акцептланмаган чеклар;
- банк акцептлаган чеклар;
- эгасининг номи ёзилган бир марталик;
- лимитланган дафтарчалар чеклари.

3.6. ПУЛ ЭКВИВАЛЕНТИ, ЙЎЛДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ СЧЁТИ.

Корхона кассасидаги пул эквивалентларининг (пошли маркалари ва бошқалар) мавжудлиги ва харакати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 5610 “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)” счётида амалга оширилади.

5610 “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)” счётида маркалар, патталар ва бошқа пул эквивалентлари номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади. Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётнинг дебетида пул эквивалентларини сотиб олиш пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар билан боғланган ҳолда, кредитида эса пул эквивалентларининг сарфланиши харажатларни ҳисобга олувчи счёtlар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счёtlар (5600) бўйича аналитик ҳисоб уларнинг турлари бўйича юритилади.

Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счёtlар (5600)нинг боғланиши

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|---|--|-----------------------|-------------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Пул эквивалентларининг накд пулга харид қилиниши | 5610 | 5010, 5020 |
| 2 | Пул эквивалентларини ҳисоб-китоб счётидан пул маблағларини ўтказиш орқали харид қилиниши | 5610 | 5110 |
| 3 | Ҳисобдор шахслар орқали пул эквивалентларининг харид қилиниши | 5610 | 4220-4290 6970 |
| 4 | Турли шахслардан пул эквивалентларининг харид қилиниши | 5610 | 6990 |

Йўлдаги пул маблағлари ҳисоби. Йўлдаги пул маблағлари (накд пулга ва пул ўтказиш орқали маҳсулот сотишдан олинган даромад) тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 5710 “Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари” счётида амалга оширилади.

5710 “Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари” счётида сақлаш жойидан чиқиб кетган, аммо мўлжалланган жойига етиб бормаган пул маблағлари (инкассаторга берилган сотишдан олинган тушумлар, пул ўтказмалари) ҳисобга олинади.

Ушбу счёт транзит счёт ҳисобланади ва пул маблағларининг ҳаракати устидан узлуксиз назоратни ўрнатиш учун боғловчи вазифасини бажаради.

5710 “Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари” счётининг дебетида пулни инкассаторларга топшириш кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Пул маблағлари кирим қилингандан кейин 5710 “Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари” счёти кредитланиб, пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)ларини ҳисобга олувчи счёtlарнинг боғланиши

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|---|---|------------------------------|---------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Кассадаги нақд пулларни банкдаги ҳисоб-китоб счётига ўтказиш учун инкассаторга топширилди | 5710 | 5010, 5020 |
| 2 | Харидорларнинг қарзлари келиб тушган пул ўтказмалари бўйича қопланди | 5710 | 4010 |
| 3 | Банкка ҳали келиб тушмаган пул маблағларини ўтказиш орқали бўнак олиш | 5710 | 6300, 7310 |
| 4 | Турли дебиторлардан пул ўтказмаларини олиш | 5710 | 4890 |
| 5 | Ажратилган бўлинмалардан пул ўтказмаларини олиш | 5710 | 4110 |
| 6 | Йўлдаги пул маблағлари кассага келиб тушди | 5010-5020 | 5710 |
| 7 | Йўлдаги пул маблағлари банкдаги ҳисоб-китоб счётига келиб тушди | 5110 | 5710 |

Назорат учун саволлар

- Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисобининг асосий вазифалари нималардан иборат?
- Ҳисоб-китоб счётидан кўчирилган пул маблағлар қандай назорат қилинади?
- Банкда валюта счётини очиш учун қандай хужжатлар топширилади?
- Кассага пул маблағларининг кирими ва уларнинг чиқими қандай хужжатлар билан расмийлаштирилади?
- Корхонада кимлар ҳисобдор шахс бўлаолади?
- Тўлов топшириқлари билан қайси вақтларда ҳисоб-китоб қилинади?
- Моддий жавобгар шахсларнинг айби билан содир бўлган камомад қандай ундириб олинади?
- Хисобдор шахсга берилган аванс тўловлари ва хизмат сафари харажатлари қандай ҳисобга олинади?
- Банкдан олинган ходимларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича қарзлари қандай сўндирилади?
- Корхонанинг солиқлар бўйича қарзлари қайси счёtlарда ҳисобга олинади?

Берилган маълумотлар асосида тulos топшириқномасини тўлдиринг.

«Фаргона инвест» хусусий корхонаси «Водий» фирмасидан 20.03.2012 йил № 48 шартномага асосан олдиндан 100 % ли тulos асосида 450 000 сумлик гушт махсулотлариниолди.

«Фаргона инвест» хусусий корхонаси реквизитлари:

х/р 20208000710790333001 МФО: 00965 СТИР: 301210430 Банк: алока банк Кукон шахар булими

«Водий» фирмаси

х/р 20208000803460333001 МФО: 00885 СТИР: 542310521 Банк: капитал банк Фаргона шахар булими

Мисол: 2016 йил 1 март холатига корхона хисоб варагида 3 720 000 сўм маблағ мавжуд. Май ойи давомида ушбу хисоб варакда қўйидаги хўжалик операциялари бўлди:

1. 3 март куни мол етказиб берувчиларга 2 300 000 сўм тўланди ва 500 000 сўм солиқлардан бўлган қарз тўланди, 14 000 банк хизмати олинди.
2. 4 март куни харидорлардан 4 700 000 сўм маблағ келиб тушди, иш хақи бериш мақсадида кассага 1 800 000 сўм олинди, банк хизматлари учун 6000 сўм хисоб рақамдан тўланди.
3. 10 март куни пенсия фондига 120 000 сўм, ИНПСга 44 000, ягона ижтимоий тўлов учун 300 000 сўм, банк кредити фоизига 420 000 сўм тўланди. Банк хизмати учун 4420 сўм олинди.
4. 15 март куни корхона кассасидан 3 900 000 сўм савдо пули инкассаторлар орқали банкка топширилди.
5. 17 март куни мол етказиб берувчиларга 4 200 000 сўм тўланди, хизмат сафарига 280 000 сўм ва иш хақи учун 1 000 000 сўм кассага олинди, 27 400 сўм банк хизмати учун тўланди.
6. 20 март куни харидорлардан 3 500 000 сўм келиб тушди, тўланди ва қисқа муддатли кредит 4 000 000 сўм қайтарили. Банк хизматлари учун 20 000 сўм тўланди.
7. 25 март куни хисоб рақамга кассадан келиб тушган 2 370 000 сўм савдо пули кирим қилинди, банк кредитлари фоизи учун 25 000 сўм ва банк хизматлари учун 17 800 сўм тўланди.

Юқоридаги операциялар натижасида қўйидаги вазифаларни бажаринг:

- корхона хисоб варакасидан 31 март кунги қолдиқни хисобланг;
- бухгалтерия проводкаларини беринг;
- 5110 бўйича журнал ордер тузинг;
- 5110 бўйича меъмориал ордер тузинг.

4-МАВЗУ. МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ.

Ўрганиладиган саволлар

4.1. Товар-моддий заҳиралар(ТМЗ)нинг хўжалик субъектлари фаолиятида тутган ўрни ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари.

4.2. ТМЗларни туркумларга ажратиш, баҳолаш.

4.3. ТМЗларни қабул қилиш йўллари ва уни ҳужжатлаштириш, 3.4. ТМЗларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш.

4.5. ТМЗларни доналаб баҳолаш, ўртача баҳода, ФИФО ва бошқа усусларда баҳолаб сарфлашни ҳисобда акс эттириш.

4.6. ТМЗлар соф сотиш қиймати.

4.7. Материаллардан фойдаланишни назорат қилиш ва инвентаризациядан ўтказиш.

4.8. Хўжалик жиҳозлари ва инвентарлари ҳисобнинг хусусиятлари.

Таянч иборалар: ТМЗ, туркумлаш, баҳолаш: доналаб баҳолаш, ўртача баҳода, ФИФО, АВЕКО, ЛИФО, соф сотиш қиймати, инвентар, инвентаризация

4.1.ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР (ТМЗ)НИНГ ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА БУ СОҲАДА ҲИСОБНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Корхоналар ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини амалга ошириши учун маълум микдорда ишлаб чиқариш заҳираларига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш заҳиралари хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини нормал давом этишини таъминлайди. Уларнинг таркибига материаллар, хом-ашё, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқариш заҳиралари, асосий воситалардан фарқли равишда, бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига шу даврнинг ўзида тўла ўтказади. Материаллар билан биргаликда, хом-ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар корхона оборот активларини ташкил қиласди.

Материаллар, янги меҳнат маҳсулотини яратишдаги ролига кўра, иккига бўлинади:

- а) хом ашё ва асосий материаллар;
- б) ёрдамчи материаллар.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини асосий ТМЗлар ташкил қиласди. Масалан, машинасозликда – металл, мебель ишлаб чиқаришда - ёғоч, газлама ишлаб чиқаришда – пахта ва бошқалар. Қазиб чиқарувчи саноат ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашё деб аталади. Масалан, нефть, руда, пахта, қанд лавлаги ва бошқалар. Бошқа корхоналардан олинадиган машина ва агрегатларнинг тўғри деталлари ва бошқалар ярим тайёр маҳсулотлар деб аталади.

ТМЗ лар ҳисобининг асосий вазифалари. Хўжалик юритишининг янги тизими шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, хўжасизликка қарши курашиш, маҳсулот таннархига моддий харажатларнинг улушкини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Материаллар ҳисобининг вазифаларига қўйидагилар киради:

- материаллар ҳаракати билан боғлик бўлган ўзгаришларини ўз вақтида тегишли хужжатларда расмийлаштириш;
- моддий-техника таъминоти режасининг бажарилиши устидан назорат олиб борилади;
- материалларнинг ишлаб чиқаришга тўғри берилиши ва уларни сарфлаш меъёрига риоя қилиш устидан назорат олиб бориш;
- маҳсулот таннархини ҳисоблашда сарфланган ТМЗларни калькуляция объектларида тўғри тақсимлаш;
- ички ресурсларни ишга солиш мақсадида ортиқча ва фойдаланилмаётган ТМЗларни аниқлаш ва сотиш.

4.2.ТМЗЛАРНИ ТУРКУМЛАРГА АЖРАТИШ, БАҲОЛАШ.

ТМЗ ларнинг туркумланиши. Корхонада ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олишни енгиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида уларни туркумлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш заҳиралари улардан фойдаланишининг иқтисодий мазмунига кўра қўйидаги гурӯхларга бўлинади:

- ◆ **хом-ашё** - маҳсулотнинг моддий асосини ташкил этадиган меҳнат ашёларидир. Масалан, пахта, руда ва бошқалар;
- ◆ **материаллар**- хом-ашёга таъсир этиш учун қўлланиладиган ва маҳсулотга маълум истеъмол хусусиятини беришда фойдаланиладиган воситалардир. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини ташкил этади, яъни газлама, чарм, металл ва ҳоказолар;
- ◆ **сотиб олинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар** - маълум даражада ишлов босқичидан ўтган, лекин ҳали пировард маҳсулот даражасига етказилмаган маҳсулотлар;
- ◆ **ёқилғи**- кўмир, бензин, торф, газ ҳамда нефть маҳсулотлари;
- ◆ **эҳтиёт қисмлар** - машина ва жиҳозларни тузатишида, ишдан чиқсан қисмларни алмаштиришда қўлланиладиган машина ва механизмларнинг деталь, агрегат ва қисмлари;
- ◆ **курилиш материаллари** - бевосита қурилиш ва монтаж ишлари жараёнида, қурилиш қисмларини тайёрлашда, бино ва иншоотларнинг алоҳида конструкция ва

курилмаларини күтаришда ва қуриб тугатишда фойдаланилади. Уларга қурилиш учун зарур бўладиган ёғоч-тахта, шифер, мих ва бошқалар киради;

◆ **идиш ва идиш материаллари** - турли материал ва маҳсулотларни ўраш, жойлаштириш, ташиш ҳамда сақлашда ишлатиладиган буюмлардир. Уларга ёғоч, картон, металлдан ясалган, шиша ва бошқа идишлар киради;

◆ **инвентарь ва хўжалик анжомлари** - ушбу гуруҳга корхона хўжалик фаолиятида ишлатиладиган инвентарь буюмлар ҳамда арzon баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар киради;

◆ **бошқа томонга қайта ишлашга берилган материаллар** - корхона балансида турган, қайта ишлаш учун бошқа корхонага берилган материаллар. Уларга, асосан, қайта ишлаш учун ўзга корхонага берилган ўсимликчилик, чорвачилик ҳамда ўрмон хўжалиги маҳсулотлари киради;

◆ **бошқа материаллар** - юқоридаги сатрларда кўрсатиб ўтилмаган бошқа материаллар киради. Уларга чиқитлар, тузатилмайдиган браклар, металлом ва бошқалар мисол бўлади.

ТМЗ ларни баҳолаш усуллари. Материалларни бухгалтерия ҳисобида тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш «Товар-моддий заҳиралар» номли 4-сон БҲМАга асосланган бўлиши лозим. Ушбу стандартга мувофиқ материаллар **энг кам бахода, яъни таннархи бўйича ёки соф сотиши қийматида** ҳисобга олиниши лозим. Чунки бухгалтерия ҳисобининг эҳтиёткорлик тамойилини акс эттиришнинг бири бўлиб паст баҳолаш қоидаси ҳисобланади: таннарх бўйича ёки сотишининг соф қиймати.

4.3. ТМЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ ВА УНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

Корхона ўзаро тузилган шартномага мувофиқ мол етказиб берувчилардан келган материаллар учун ҳисоб-китоб, юклаш ва бошқа йўлланма ҳужжатлар (тўлов талабномаси, счёт-фактура, товар-транспорт юкхатлари) олади.

“Келадиган юкларни рўйхатга олиш журнали” М-1 ҳақли юкларни темир йўллар, сув пристанлари, транспорт экспедицияси идораларидан олиш ва уларни хўжалик юритувчи субъект омборига кирим қилиш билан боғлиқ транспорт, товарга оид ва бошқа ҳужжатларни рўйхатдан ўtkазиш учун қўлланилади.

Журналга транспорт ва юк ҳужжатлари, кирим ордерлари, ТМЗ ни қабул қилиш далолатномаларидағи маълумотлар асосида ёзиб борилади.

Хўжалик юритувчи субъект омборига ТМЗ ларни қабул килишига қараб журналга кирим ордерлар (ёки қабул қилиб олиш актлари)нинг тартиб рақамлари ва келиб тушиш саналари ёзиб борилади ёки счёти тўланганлиги ҳақида ахтарув суммаси билан боғлиқ сўровномалар тўғрисида белги қўйилади.

“Ишончнома” М-2 шакли лавозимдор шахснинг ТМЗ ларни олиш чоғида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқини расмийлаштириш учун хизмат қиласи. Хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси ишончнома олувчига бир нусхада бериб, ундан тилхат олади.

“Ишончнома” М-2а шаклини ишончнома бўйича ТМЗ лар доимий тусда олинадиган хўжалик юритувчи субъектлар ишлатади. Бундай ишончномаларнинг берилиши олдиндан номерланган ва тикиб қўйиладиган берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журналида рўйхатдан ўtkазилади.

“Берилган ишончномаларни рўйхатга олиш журнали” М-3 шаклида бериладиган ишончномалар ва улар олингани тўғрисидаги тилхатлар рўйхатдан ўtkазилади. М-2 шаклдаги ишончномадан фойдаланишда олинганлик ва берилганлик тўғрисидаги маълумотлар ишончнома корешогида қайд қилинади. Бу ҳолда журналда берилган ишончномалар ҳисобга олиб борилмайди.

“Кирим-ордери” М-4 шаклида хўжалик юритувчи субъект омборига мол етказиб берувчилардан ёки қайта ишловдан келиб тушган ТМЗлар ҳисоби олиб борилади. ТМЗлар омборга келиб тушган куни моддий жавобгар шахс бир нусхада кирим ордерини тузади.

Кирим ордерларининг бланкалари моддий жавобгар шахсларга олдиндан номерланган ҳолда топширилади.

"Материалларни қабул қилиш далолатномаси" М-7 шакли шундай ТМЗ ларни қабул қилиш учун расмийлаштирилади, уларга доир маълумотларда мол етказиб берувчи илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар билан миқдор борасида тафовутлар мавжуд бўлади, шунингдек, у ҳужжатсиз келиб тушган ТМЗ ларни қабул қилишда ҳам тузилади. Қабул ҳайъати моддий жавобгар шахс ва мол етказиб берувчининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузади ва уларни хўжалик юритувчи субъект раҳбари тасдиқлайди. ТМЗ лар қабул қилиб олган ҳужжатлар илова қилинган далолатномаларнинг биттаси хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясига моддий қийматларни ҳисобга олиш учун, бошқаси маҳсулот етказиб берувчига топширилади.

Омбордан цехларга материаллар мунтазам бериб борилса, у ҳолда лимит-забор карталари қўлланилади. **Лимит-забор картаси** корхонанинг ишлаб чиқариш ёки режа бўлими томонидан ёзилади. Унда шу цех ёки участкага берилиши лозим бўлган материал маълум турининг ойлик чекланган меъёри кўрсатилади. Чекланган меъёр цех ёки участканинг ишлаб чиқариш режаси ва шу цех ёки участкада материалларни сарфлаш меъёри асосида аниқланади. Лимит картаси икки нусхада ёзилади, бир нусхаси омборга, иккинчиси эса цехга берилади. Материаллар берилгандан сўнг лимит картасининг цех нусхасига имзо қўяди, цех ходими омборчининг нусхасига ўз имзосини қўяди.

Омборчи ҳар бир операциядан кейин фойдаланилмаган лимит қолдигини ҳисоблаб чиқади. Лимит етмаган тақдирда лимитдан ташқари материаллар харажати талабнома билан расмийлаштирилади.

Материалларнинг сарфланиши бўйича лимитнинг шу тариқа белгиланиши меъёрдан ортиқча сарфлар ҳақида корхона раҳбарларига ўз вақтида хабар қилиш имконини беради. Лимит карталарининг қўлланилиши ҳужжатлар сонини камайтиради ва уларни қайта ишлашни енгиллаштиради.

Материалларнинг ички кўчишида, яъни бир омбордан иккинчи омборга, бир цехдан иккинчи цехга берилганида ҳамда чиқиндилар омборга қабул қилинганида **қабул қилиш юхатлари** билан расмийлаштирилади.

Омбор ходимларига материалларни бошқа ҳужжатлар бўйича ҳамда турли хатлар, оғзаки фармойишлар асосида бериш тақиқланади.

4.4.ТМЗЛАРНИ ОМБОРДА ВА БУХГАЛТЕРИЯДА ҲИСОБГА ОЛИШ.

Корхона омборида материалларнинг бут сақланишини ташкил этиш уларни тўғри ҳисобга олиб борилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам омбор хўжалиги ишларини ташкил қилишга муайян талаблар қўйилади.

Корхона омборида материалларни ҳисобга олишнинг тўғри ташкил қилиниши материалларни ҳисобга олиш усулига, ҳисоб рўйхати (регистри)нинг турига, миқдорига, фойдаланилган кўрсаткичларга ва уларнинг ўзаро солиширилишига боғлиқ.

Корхона омбори ихтисослаштирилган бўлиши керак, чунки хилма-хил материалларнинг кимёвий ҳамда физик хоссалари уларни турли хил шароитларда сақлашни талаб қиласи. Омборхона тегишли материаллар жойлаштириладиган стеллажлар, токчалар, шкаф ва яшиклар билан жиҳозланиши лозим.

Материалларнинг ҳар бирига уларнинг номи, номенклатура рақами, нави, ўлчами, ўлчов бирлиги қўрсатилган ёрлик ёзилиб, сақлаш жойига ёпишириб қўйилади.

Тез ёнишга мойил бўлган материаллар маҳсус омборларда сақланиши лозим. Бу омборлар ёнғинга қарши қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Очиқ ҳавода сақланиши лозим бўлган материаллар омборхона ҳовлисида маҳсус ажратилган, ёғингарчиликдан сақланадиган бостиргмага жойлаштирилади. Ҳамма омборхоналар тош-тарози, ўлчов идишлари ва бошқа шунга ўхшаш зарур мосламалар билан таъминланган бўлиши шарт.

Омбор мудири моддий маъсул шахс ҳисобланиб, омборхонада сақланаётган ҳамма материаллар ҳаракати фақат у орқали амалга оширилади. Омборчини ишга олиш, бошқа

лавозимларга ўтказиш ва хизмат вазифасидан озод қилиш бош бухгалтер билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Омбор мудирини ишга қабул қилишда унинг тўла равишда шахсий моддий жавобгарлиги ҳақида шартнома тузилади. Уни ишдан бўшатиш сақланётган молларнинг тўлиқ инвентаризацияси ўтказилиб, жавобгарлиги остидаги моддий бойликлар бошқа шахсга ўтгандан кейингина амалга оширилади.

Омборда материалларнинг қолдиқлари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш мақсадида уларни алоҳида турлари, навлари, размери ва номенклатура ракамлари бўйича ҳисобга олиш зарур.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда материаллар бўйича аналитик ҳисобни тўғриюритиши мухим. Шу сабабли улар ҳозирги пайтда уч хил усул бўйича юритилади:

1. Материаллар ҳаракатини ҳисобга оловчи дафтарда;
2. Материаллар ҳаракатини юритувчи карточкаларда;
3. Оператив-бухгалтерлик (қолдик) усули.

Материалларни тўғриҳисобга олишда уларнинг фактура баҳосини аниқлаш мухимдир. Халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича материалларни жорий ҳисобда ҳисобга олишда уларнинг ҳақиқий қийматини билиш жуда мухим. Халқаро савдо амалийтидаги фактура баҳосини аниқлашда моддий қийматликлар баҳоси ва қопланадиган транспорт тарифлари, юкларнинг суғурта тўловлари, экспорт солиқлари ва божхона йиғимларининг маълум тартибда қопланиши ва уни томонлар қопланишини белгилаш зарур.

4.5. ТМЗ ЛАРНИ ДОНАЛАБ БАҲОЛАШ, ЎРТАЧА БАҲОДА , ФИФО ВА БОШҚА УСУЛЛАРДА БАҲОЛАБ САРФЛАШНИ ҲИСОБДА АКС ЭТТИРИШ.

«Товар-моддий заҳиралар» номли 4-сон БХМАГа асосан товар моддий заҳираларнинг таннархи барча сотиб олиш харажатларини ва товар-моддий заҳираларни манзилга етказиб бериш ҳамда тегишли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт-тайёрлов харажатларини ўз ичига олади.

Материалларни сотиб олиш харажатлари сотиб олиш қийматини, импорт божлари ва йиғимларни, маҳсулотни сертификация қилиш харажатларини, таъминот, воситачи ташкилотларга тўланган комиссион тўловларни, солиқларни (кейинчалик ҳисоб-китоб тарзида), шунингдек транспорт-тайёрлов харажатлари, хизмат ва заҳираларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларни ўз ичига олади.

Материалларнинг ҳар бир турини тайёrlаш, ҳақиқий таннархини ҳисоблаш кўп меҳнат ва вақт талаб қиласи. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳолларда моддий бойликлар жорий ҳисобда - ўртача сотиб олинниш баҳоси, режа таннархи бўйича ва бошқа баҳоларда баҳоланади. Материалларнинг ҳақиқий таннархи билан ўртача сотиб олинниш баҳоси ёки режа таннархи ўртасидаги фарқ уларнинг гурӯҳлари бўйича алоҳида счёtlарда ҳисобга олинади. Амалиётда компьютерларнинг кенг қўлланилиши материал заҳиралари ҳар бир турининг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш имкониятини яратади.

Ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқариладиган материалларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш, уларни баҳолашнинг қуйидаги усулларини қўллаш билан амалга ошириш мумкин:

1. Доналаб баҳолаш;
2. Ўртача таннарх бўйича ёки AVECO усули;
3. Биринчи тушум-биринчи харажат, FIFO усули;
4. Охирги тушум-охирги харажат, LIFO усули.

Доналаб баҳолаш усули автомобил, тасвирий санъатнинг ноёб асарлари, қимматбаҳо заргарлик буюмлари кабиларни ҳисобга олишда юритилади ва ҳар бир буюм алоҳида доналаб, баҳоланади.

AVECO усули материалларнинг ўртача нархларига асосланган. Бу усул бўйича ҳар бир бирликнинг қиймати давр бошларида ўхшаш бирликларнинг ўртача ўлчанадиган қийматидан ва давр мобайнида сотиб олинган ва ишлаб чиқарилган ўхшаш бирликлар

қийматидан белгиланади. Ўртача қиймат даврий асосда ёки хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган вазиятга кўра, ҳар бир қўшимча етказиб бериш давомида ҳисобланиши мумкин.

ФИФО усулида ишлаб чиқаришга биринчи сотиб олинган материаллар партияси бўйича баҳоланади, сўнгра иккинчи партия баҳоси бўйича ва ҳоказо. ФИФО усулида хомашё, материаллар ва товарлар келиб тушиш тартиби бўйича баҳоланади. Бу шундан далолат берадики, материаллар таннархининг қисми сифатида нисбати олдинги баҳода ҳақиқатда ушбу материаллар юқори ёки паст нарҳда сотиб олинганлигидан қатъий назар, сарфланади. Материалларнинг баҳоси уларнинг жорий баҳосини акс эттиради. Инфляция даврида ФИФО усулидан қўлланилса, соғ фойданинг энг юқори даражасига эришилади.

ЛИФО усулида материаллар ишлаб чиқаришга аввал охирги партия таннархи бўйича ғзилади, сўнгра аввалги партия ва ҳоказо. Захирада қолган материаллар қиймати ҳисобот даврининг охирида биринчи сотиб олинган материал таннархи бўйича ҳисобланади. ЛИФО усулидан фойдаланиш инфляция даврида энг паст фойдани, дефляция, яъни нархларнинг пасайиши вақтида энг юқори фойдани келтиради.

ТМЗ яроқсиз бўлганда, брак, қисман ёки бутунлай эскирганда, сотувни ташкил қилиш харажатлари ошганда, рақобат кучайиб, сотув нархи пасайган ҳолатларда, товар-моддий захиралари ўз таннархидан ишлаб чиқариш қийматидан паст баҳода сотиш қийматида баҳоланиши мумкин.

4.6. ТМЗЛАР СОҒ СОТИШ ҚИЙМАТИ.

Соф сотиш қиймати – товар сотилишининг таҳминий қийматидан товарларни сотиш олдидан тайёрлаш ва уни сотиш харажатларининг айрмасидир.

Товар-моддий захиралари соғ сотиш қийматигача қўйидаги усууллар асосида қисман ҳисобдан чиқарилади:

1. Моддалар бўйича усул – бунда товар-моддий захираларининг ҳар бир тури баҳоланади;
2. Асосий товар гурӯҳларининг усули – бунда товар-моддий захираларининг гурӯҳ имтиёзи баҳоланади;
3. Захираларнинг умумий даражаси усули – бунда ҳамма товар-моддий захиралари баҳоланади.

Материалларни сотиш. Корхона унга кераксиз бўлган материалларни сотиш ёки бериш хуқуқига эгадир. Корхона томонидан материалларни сотишида сотиш баҳоси томонлар келишувига биноан аниқланади. Материаллар одатда бозор баҳосида физик ҳолатини хисобга олган ҳолда сотилиши керак. Лекин, корхона материаллар қолдиғини камдан-кам ҳолатларда сотиши мумкин. Материалларни мунтазам сотилиши солиқ органи томонидан текширув ўтказилганида улгуржи савдо фаолияти деб баҳоланиши мумкин. Бу фаолият эса лицензия олиш заруриятини келтириб чиқаради. Материалларни сотилиши бухгалтерияда 9220 счётида юритилади.(бошқа активларнинг чиқиб кетиши).

Мисол: ташкилот қурилишдан ортиб қолган материалларни 360 000 га сотди.

Материалларнинг таннархи 150 000 сўм.

| | | |
|--------------------------------------|------|---------|
| Материал харидорга сотилди | | 4010 |
| | 9220 | 360 000 |
| Материал таннархи хисобдан чиқарилди | | 9220 |
| | 1010 | 150 000 |
| Материал сотишдан натижа | | 9220 |
| | 9320 | 210 000 |

9320-материал сотишдан фойда

Ягона солиқ тўловчиси бўлган корхоналар асосий фаолиятдан олинган даромадга (9010, 9020, 9030) материал сотишдан олинган даромадни (9320) қўшади ва солиқقا

тортади.

| | | |
|--|------|------|
| Инвентарлаш натижасида материал камомади | 5910 | 1010 |
| Текинга олинган материал | 1010 | 8530 |
| Материал текинга берилди | 9430 | 1010 |

4.7.МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ЎТКАЗИШ.

ТМЗ ларнинг инвентаризация қилиш ва натижаларини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи маълумотларининг тўғрилиги уларнинг ишлаб чиқариш заҳиралари инвентаризация қилиш билан тасдиқланади. Ишлаб чиқариш заҳираларини инвентаризация қилиш «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли 19-сон БХМА ва «Товар-моддий заҳиралар» номли 4-сон БХМАлар билан тартибга солинади.

Инвентаризациядан кўзланган асосий мақсад - ишлаб чиқариш заҳираларининг натура ва қиймат кўринишида амалда мавжуд эканлигини аниқлашдан иборат. Инвентаризация қилиш натижасида бойликларнинг тўғри сақланиши ва берилиши, тарози ва ўлчов асбобларининг ҳолати, ҳисоб юритиш тартиби ва бошқалар текширилади.

Ишлаб чиқариш заҳираларини инвентаризация қилиш бир йилда камидан бир марта молиявий ҳисботни тузишдан олдин, лекин ҳисбот йилининг 1 октябридан кейин амалга оширилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш заҳираларининг сақланишини, уларни сақлаш шарт-шароитларини ва омборда ҳисобга олиш аҳволини назорат қилиш учун инвентаризациялар ўртасидаги даврда мунтазам текширишлар ва материалларни танлаб инвентаризациялаш ўтказилиши керак.

Кўйидаги ҳолатларда инвентаризация муддатидан олдин ўтказилиши шарт:

- ◆ корхона мол-мулкини ижарага бериш, сотиб олиш, сотиш, шунингдек давлат корхонасини акциядорлик жамиятига айлантириш чоғида;
- ◆ товар-моддий бойликлар қайта баҳоланганида;
- ◆ моддий жавобгар шахс ўзгарганида;
- ◆ талон-тарож қилиш ёки суиистеъмол қилиш, шунингдек бойликларнинг бузилиши билан боғлиқ фактлар аниқланганида;
- ◆ ёнгинёки табиий оғатлар содир бўлганида;
- ◆ корхона тугатилаётганида тугатиш балансини тузиш олдидан ва бошқа ҳолларда.

Текшириш кўламига кўра инвентаризация ёппасига ёки танлаб ўтказиладиган, ўтказиш вақти бўйича режалаштирилган ёки тўсатдан ўтказиладиган инвентаризацияларга бўлиниши мумкин.

Инвентаризацияни ўтказишга корхона раҳбари ва бош бухгалтери раҳбарлик қиласи. Ишлаб чиқариш заҳираларини инвентаризация қилиш инвентаризация қилувчи ишчи комиссиялар томонидан моддий жавобгар шахс иштироқида амалга оширилади.

Инвентарлаш даврида моддий бойликларнинг мавжудлиги тарозида тортиш, ўлчаш усули билан аниқланади ва рўйхатда расмийлаштирилади. Рўйхатни моддий жавобгар шахс имзолайди.

Инвентаризация қилиш натижасида материаллар бўйича ҳужжатлардаги маълумотлар ва ҳақиқий қолдиклар орасидаги фарқ солиштирув қайдномасида расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқариш заҳираларини инвентаризация қилиш натижасида аниқланган ҳақиқий мавжуд мулк ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги тафовутлар кўйидагича акс эттирилади:

Масалан, «Бобур» хиссадорлик жамиятида ҳисбот йилида 24000 сўмлик материал камомади аниқланди ва у айбдор шахс топилмаганлиги сабабли давр харажатларига ўтказилди. Ушбу муомалаларга ҳисобда кўйидагича проводка берилади:

◆ Инвентаризация натижасида камомад аниқланди:

Д-т 5910-«Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар» - 24000 сўм
К-т 1010-«Хом-ашё ва материаллар» - 24000 сўм.

◆ Камомад суммаси давр харажатларига ўтказилди:

Д-т 9430-«Бошқа операцион харажатлар» - 24000 сўм

К-т 5910-«Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар» - 24000 сўм.

Корхона айборд шахслардан камомадни ҳақиқий нархда эмас, балки ҳозирги даврдаги бозор нархларида ундириш ҳуқуқига эга. Масалан, корхона омборида 5000 сўмлик материал камомади аниқланди ва 8000 сўм қийматда айборд шахсдан ундириб олинди. Ушбу муомалаларга ҳисобда проводка берилади:

◆ Инвентаризация натижасида камомад аниқланди;

Д-т 5910-«Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар» - 5000 сўм
К-т 1010-«Хом-ашё ва материаллар» - 5000 сўм.

◆ Моддий жавобгар шахсдан ушлаб қолинадиган сумма;

Д-т 4730-«Ходимларнинг моддий заарни қоплаш бўйича қарзлари» - 8000 сўм.

К-т 5910-«Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар» - 8000 сўм

◆ Моддий бойликларни ундиришдан даромад аниқланди-(8000-5000)=3000 сўм;

Д-т 5910-«Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар» - 3000 сўм

К-т 9390-«Бошқа операцион даромадлар» - 3000 сўм.

Ишлаб чиқариш заҳираларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар доирасида табиий камайиши, корхона раҳбари кўрсатмаси бўйича тегишли равишда ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилади.

Айборлари аниқланмаган ўғирликлар бўйича кўрилган заарлар фойда солиги бўйича солиққа тортиладиган базага “Харажатлар таркиби тўғрисидаги” Низомга биноан киритилади.

Ишлаб чиқариш заҳираларини инвентаризация қилиш натижасида ортиқча мол-мулк мавжудлиги аниқланса, у молиявий натижаларга кирим қилинади:

Д-т 1010-«Хом-ашё ва материаллар»

К-т 9390-«Бошқа операцион даромадлар».

4.8.ХЎЖАЛИК ЖИҲОЗЛАРИ ВА ИНВЕНТАРЛАРИ ҲИСОБИННИГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

1080 "Инвентар ва хўжалик жиҳозлари" счётида корхонанинг айланма маблағлари таркибига кирадиган инвентарлар, асбоблар, хўжалик жиҳозлари ва бошқа меҳнат воситаларининг (кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар) мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Ушбу счётда қўйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган мулк ҳисобга олинади:

а) хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган;

б) хизмат қилиш муддатидан қатъи назар бир бирлиги (комплекти)нинг қиймати (сотиб олиш вақтида) Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик баробаригача бўлган буюмлар. Раҳбар ҳисобот йилида буюмларнинг инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибida ҳисобга олиниши учун қийматининг паст чегарасини белгилаш ҳуқуқига эга.

Мол-мулк инвентаръ ва хўжалик анжомлари таркибига киритилиши учун қўйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

*хизмат муддати бир йилдан ошмаган;

*хизмат муддатидан қатъи назар бир бирлик (комплект) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда қийматга эга бўлган буюмлар. Раҳбар ҳисобот йилида уларни инвентаръ ва хўжалик анжомлари таркибida ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг камроқ чегарасини белгилашга ҳақли.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар инвентаръ ва хўжалик анжомлари таркибига қўйидагилар киритилади:

- * махсус асбоб-ускуналар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки якка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли асбоб ва мосламалар);
- * махсус ва санитария кийими, махсус пойабзали;
- * кўрпа-тўшаклар;
- * ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказолар);
- * ошхона инвентари, шунингдек дастурхон ва сочиқлар;
- * барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтингчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;
- * фойдаланиш муддати бир йилдан ошмайдиган алмаштириладиган ускуналар;
- * овлаш қуроллари ва ҳоказо.

Корхона уларнинг вазифаси ва молия-хўжалик фаолиятидаги ўрнига боғлиқ ҳолда инвентарь, асбоблар ва хўжалик анжомларини ҳисобга олиш учун счёtlарни мустақил очиш хуқуқига эга. Топшириш пайтида инвентарь ва хўжалик анжомларининг қиймати тўлалигича ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига киритилади.

Корхоналар мустақил равишда инвентарлар, асбоблар ва хўжалик жиҳозларни ҳисобга оловчи счёtlарни уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидаги ўрни ва ролига қараб очишлари мумкин. Уларнинг қиймати фойдаланишга берилган вақтда ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига тўлиқ қўшилади. Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозларининг сақланишини таъминлаш мақсадида кейинчалик уларнинг ҳисоби балансдан ташқари 014 "Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари" счётида цех, омбор ва алоҳида фойдаланувчилар бўйича юритилади.

Инвентар ва хўжалик жиҳозлари кейинчалик фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган ҳолларда уларни балансдан ташқари счёtdан ҳисобдан чиқариш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисобдан чиқариш далолатномасига асосан амалга оширилади.

Махсус асбоб-ускуналар, мосламалар, махсус кийимлар қиймати ва хизмат қилиш муддатидан қатъий назар арzon баҳоли инвентар ва хўжалик жиҳозлари киради. Инвентар ва хўжалик жиҳозларининг синтетик ҳисоби шу номдаги 1080-счёtda юритилади.

Омбордан фойдаланишга берилган шундай буюмларнинг бошланғич қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Д-т- 2010,2310,2510 - Ишлаб чиқариш харажатлари счёtlари.

К-т- 1080- Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари.

Мисол: Феврал ойи давомида кафеда иссиқ овқатлар тайёрлаш учун сарфланган озиқ овқатлар суммаси кўрсатилган. Бўш ўринларни тўлдиринг

| Озиқ овқатлар | Амаксулот | Б махсулот | В махсулот | Г махсулот |
|---------------------------|-----------|------------|------------|------------|
| 01 февралга қолдиқ | 900 | 550 | 980 | |
| Ой давомида сотиб олинган | 260 | | 785 | 544 |
| Ой давомида ишлатилган | 970 | 315 | | 925 |
| Феврал ойи охирига қолдиқ | | 410 | 380 | 195 |

Мисол: “Гавхар” хусусий корхонасида 2016 йил 1-чорак январь ойи давомида қуйидаги материаллар кирим бўлди:

| Кирим бўлган сана | Миқдор. дона | Нархи, сўмда | Умумий қиймати |
|--------------------|--------------|--------------|----------------|
| 05 январь 2016 йил | 1350 | 8300 | |
| 15 январь 2016 йил | 1750 | 8500 | |
| 17 январь 2016 йил | 1500 | 9000 | |
| 22 январь 2016 йил | 4200 | 9050 | |
| 27 январь 2016 йил | 1750 | 9050 | |
| Жами: | | | |

Йил бошига материаллар қолдиғи йўқ, январь ойи охирига материал қолдиғи-1250 дона.

Вазифа: жадвални бўш жойларани тўлдиринг, хар бир бирликнинг таннархи бўйича (бунда 1-партиядан 800 дона, 2-партиядан 1200 дона, 3-партиядан 200дона материал чиқим бўлди деб хисобланг), АВЕКО, ФИФО усули бўйича материалларни таннархини аниқланг.

Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари счёти (1080)нинг боғланиши

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счётларнинг боғланиши | |
|---|--|-----------------------|---------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Мол етказиб берувчилардан инвентарь ва хўжалик жиҳозлари олинди | 1080 | 6010 |
| 2 | Таъсисчилардан уларнинг улуши ҳисобидан инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг келиб тушиши | 1080 | 4610 |
| 3 | Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг келиб тушиши | 1080 | 6110, 6120 |
| 4 | Бошқа шахслардан инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг текинга олиниши | 1080 | 8530 |
| 5 | Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари кирим қилингандан кейин аниқланган яроқсизлик (дефект) бўйича мол етказиб берувчига билдирилган даъво | 4860 1080 | 1080 6010 |
| 6 | Инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилиниши (1500 счёт қўлланилганда) | 1080 | 1510 |
| 7 | Ўзида ишлаб чиқарилган инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг кирим қилиниши | 1080 | 2310 |
| 8 | Табиий оғат натижасида йўқотилган инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг ҳисобдан чиқарилиши | 9720 | 1080 |
| 9 | Инвентаризация натижасида инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг камомади аниқланди | 5910 | 1080 |

Назорат учун саволлар

1. Товар моддий захиралар қандай баҳоларда баҳоланади?
2. ФИФО ва АВЕКО усулларининг мазмунини айтиб беринг?
3. Товар моддий захиралар ҳисобининг олдига қўйилган вазифалар нималардан иборат?
4. Товар моддий захиралар кирими қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?
5. Товар моддий захираларни хўжалик ичидағи ххракати қандай расмийлаштирилади?
6. Товар моддий захираларни сарфланиши қандай ҳужжатлаштирилади?
7. Товар моддий захираларни оператив-салъдо усулининг асосий тамойиллари нимадан иборат?
8. Омборларда товар моддий захиралар қандай регистрларда юритилади?
9. Товар моддий захираларни ҳисобга олиш учун қандай счёtlар белгиланган?
10. Товар моддий захиралар ҳисоби қайси журнал-ордер ва қайдномаларда юритилади?

5-МАВЗУ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ.

Үрганиладиган саволлар:

- 5.1. Асосий воситалар ҳисобини ташкил қилишнинг вазифалари.
- 5.2. Асосий воситаларни туркумларга ажратиш ва баҳолаш тартиби.
- 5.3. Асосий воситаларни қабул қилиш ва хужжатлаштириш
- 5.4. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш.
- 5.5. Асосий воситаларнинг синтетик ҳисобини ташкил қилиш.
- 5.6. Асосий воситалардан фойдаланиш ҳисоби.
- 5.7. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари.
- 5.8. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини ҳисобга олиш тартиби.
- 5.9. Асосий воситаларни хўжаликдан чиқариш ҳисоби.
- 5.10. Лизинг (ижара) муомалаларининг обьекти, предмети ва субъектлари.
- 5.11. Лизинг (ижара) муомалаларининг кўринишлари ва моҳияти.
- 5.12. Лизинг (ижара) муомалаларини бухгалтерияда ҳисобга олиш.
- 5.13. Номоддий активлар ҳисобининг вазифалари.
- 5.14. Номоддий активларни баҳолаш.
- 5.15. Номоддий активларни қабул қилишни хужжатлаштириш.
- 5.16. Номоддий активларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил қилиш.
- 5.17. Номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари.
- 5.18. Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш тартиби.

Таянч иборалар: асосий восита, лизинг (ижара), туркумларга ажратиш ва баҳолаш, синтетик ҳисоб, капитал қўйилмалар, амортизация ҳисоби, таъмирлаш, хўжаликдан чиқариш ҳисоби, 5-6 БХМСлар, ижара шартнома, лизинг берувчи, лизинг обьекти ва олувчи

номоддий актив, баҳолаш, қабул қилиш, хужжат, патентлар, лицензиялар ва ноу-хау, аналитик ва синтетик ҳисоби, амортизация ҳисоби, ҳисобдан чиқариш, 7-БХМС

5.1. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Асосий воситалар узоқ муддат ўзининг табиий кўринишини сақлаб турадиган, эскирадиган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига ўз қийматини аста-секин ўтказадиган меҳнат воситалари бўлиб, у узоқ (бир йилдан кўп) давр ичидаги моддий ишлаб чиқариш соҳасида, номоддий ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек, ижарага беришда фойдаланиладиган моддий активлардир.

Асосий воситалар ҳисоби қўйидаги асосий меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади: «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиши харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом, «Асосий воситалар» номли 5-сон БХМС, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» 21-БХМС, «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» 19-сон БХМС, «Ижара ҳисоби» 6-сон БХМС, «Бухгалтерия баланси» 15-сон БХМС ва бошқалар.

Асосий воситалар -бу узоқ муддат ўзининг табиий кўринишини сақлаб турадиган, аста-секин эскирадиган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига ўз қийматини аста-секин ўтказадиган меҳнат воситалариидир.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БХМАнинг 7-бандига асосан, **асосий воситалар** узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиласиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

16-сон «Асосий воситалар» номли молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти (МХХС)да қўйидаги таъриф келтирилган: жумладан, асосий воситалар - бу моддий кўринишидаги (материал) активлар ҳисобланниб, улар компаниянинг ишлаб чиқариш фаолиятида ва маъмурий мақсадларда фойдаланилади, шунингдек, фойдаланиш муддати бир йилдан ортиқ бўлади.

Асосийвоситаларга инвентарь рақами

| <i>№</i> | <i>Асосийвоситалар</i> | <i>Инвентарь рақами</i> |
|----------|---|-------------------------------|
| 1 | <i>Бинованишоотларга</i> | <i>012010 дан 012090 гача</i> |
| 2 | <i>Машина ваускуналар</i> | <i>013010 дан 013090 гача</i> |
| 3 | <i>Мебель ва офис жиҳозлари</i> | <i>014010 дан 014090 гача</i> |
| 4 | <i>Компьютер жиҳозизваҳисоблаштехникаси</i> | <i>015010 дан 015090 гача</i> |
| 5 | <i>Транспорт воситалари</i> | <i>016010 дан 016090 гача</i> |
| 6 | <i>Ишвамаҳсулдорхайвонлар*</i> | <i>017010 дан 017090 гача</i> |
| 7 | <i>Кўпийилликўсимликлар</i> | <i>018010 дан 018090 гача</i> |

Ушбу инвентарь рақамлар объектларнингдастлабкихужжатлари (киримгаолишдалолатномалари, амортизация ҳисоблаш қайдномалари ва х.к.)га қўйилиб, асосийвоситалар фойдаланиш даври ичида (ҳисобдан чиқиб кетгунига қадар) сақланадива у бошқа асосий воситаларга берилмайди.

5.2. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ТУРКУМЛАРГА АЖРАТИШ ВА БАҲОЛАШ ТАРТИБИ.

Асосий воситаларни ҳисобга олишда улар маълум гуруҳларга бўлинниши ҳам мумкин. Чунки асосий воситаларни ҳисобини тўғри ва тўлақонли ташкил этишнинг муҳим шарти, уларни илмий жиҳатдан туркумлаш ва баҳолаш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида асосий воситалар объектлардан фойдаланиш даражасига кўра қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ◆ фойдаланилаётган;
- ◆ заҳиратурган;
- ◆ ишламаётганасосийвоситалар.


Асосий воситалар иқтисодиёт тармоқларининг туркумланишига мос ҳолда тармоқлардаги турларга бўлинади: саноатдаги асосий воситалар, қишлоқ хўжалигидаги асосий воситалар, транспортдаги асосий воситалар, алоқа соҳасидаги асосий воситалар, курилишдаги асосий воситалар, савдо соҳасидаги асосий воситалар ва х.к.

Асосийвоситалар натурал-моддийтаркибигакўракуйидагигурухларгабўлинади:


- ◆ ер;
- ◆ ерниободонлаштиришбўйича капитал сарфлар;
- ◆ иморатлар;
- ◆ иншоотлар;
- ◆ узатувчимосламалар;
- ◆ машина важиҳозлар;
- ◆ транспорт воситалари;
- ◆ асбоб-ускуналар;
- ◆ ишлабчиқаришинвентарлари;
- ◆ хўжаликинвентарлари;
- ◆ ишҳайвонларивамаҳсулдорчорва;
- ◆ кўпийилликдарахтлар;
- ◆ бошқаасосийвоситалар.

Асосий воситаларни гурухлашда бухгалтерия ҳисоби билан солиқка тортиш мақсадларида улар бир-биридан фарқланиши мумкин.

Солиқка тортиш мақсадида эса асосий воситаларни қўйидаги гурухларга ажратилади:



Асосий воситалар «Асосий воситалар» номли 5-сон БХМС қоидаларига мувофиқ куйидаги баҳоларда ҳисобга олинади: **бошлангич (дастлабки) қиймат, амортизация қиймати, қайта тиклаш қиймати, жорий қиймат, қолдик қиймат ва тугатилиш қиймат**. Соликқа тортиш мақсадларида эса амортизацияланувчи активлар бошлангич (дастлабки) қиймат, қайта тиклаш қиймати ва қолдик қиймат бўйича ҳисобга олинади.



5.3. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ.

Асосий воситаларни сотиб олиш ва фойдаланиши билан боғлиқ бўлган харажатлар ёки капитал қўйилмалар шаклида, ёки даромад олиш билан боғлиқ харажатлар шаклида ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг ҳаракати устидан куйидаги ҳужжатлар ёрдамида назорат ўрнатиш мумкин.

1. **АВ-1**шакли - «Асосий воситаларни қабул қилиш ва бериш акти» -асосий воситаларнинг кирим ва чиқимини қайд қилиш учун.
2. **АВ-2** шакли - «Таъмирланган, муқаммалаштирилган ва реконструкция қилинган асосий воситаларни қабул қилиш ва топшириш далолатномаси»- объектларнинг бошлангич қийматининг ошишини қайд қилиш учун.
3. **АВ-3**шакли - «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш» объектларни тугатиш учун.

4. АВ-4ашакли - «Автотранспорт воситаларини тугатиш далолатномаси».
5. АВ-7 шакли - «Асосий воситаларни ҳисобга олиш учун инвентар карточкалари» ҳар бир асосий воситанинг ҳолати ва ҳаракатини алоҳида қайд қилиб боради.
6. АВ-8шакли - «Асосий воситаларнинг ҳаракатини қайд қилиш карточкаси»-уларнинг кирим ва чиқимини ҳисобга олиб боради.
7. АВ-9 шакли - «Асосий воситаларнинг инвентар рўйхати» уларнинг фойдаланиш жойлари бўйича ҳисобини ташкил қилиш учун ишлатилади.

5.4. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.

Корхонанинг асосий воситалар ва номоддий активларга инвестициялари шунингдек, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларнинг (қийматидан қатъи назар, корхонанинг айланма маблағларига киравчи паррандалар, күёнлар, асаларилар, қўриқловчи итлар, тажриба учун мўлжалланган ҳайвонлардан ташқари) асосий подасини ташкил қилиш бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счёtlарда амалга оширилади:

- 0810 "Тугалланмаган қурилиш";
- 0820 "Асосий воситаларни харид қилиш";
- 0830 "Номоддий активларни харид қилиш";
- 0840 "Асосий подани ташкил қилиш";
- 0850 "Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар";
- 0860 "Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар";
- 0890 "Бошқа капитал қўйилмалар".

0810 "Тугалланмаган қурилиш" счётида (курилиш пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишдан қатъи назар) капитал қурилиш сметалари, смета-лойиха ҳисобкитобларида ва титул рўйхатларида келтирилган бино ва иншоотларни барпо этиш, ускуналар, асблолар, инвентарлар ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш бўйича харажатлар ҳисобга олинади.

0820 "Асосий воситаларни харид қилиш" счётида асосий воситаларни харид қилиш, ўрнатиш ва ийғиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

0830 "Номоддий активларни харид қилиш" счётида номоддий активларни харид қилиш ёки корхонанинг ўзида яратилиши билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

0840 "Асосий подани ташкил қилиш" счётида: асосий подага ўтказиладиган хўжаликдаги ёш маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларни ўстириш бўйича харажатлар; асосий пода учун харид қилинган катта ёшдаги маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларнинг қиймати шунингдек, уларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар; бошқа корхоналардан текинга олинган катта ёшдаги ҳайвонларни хўжаликка етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.

Четдан харид қилинган катта ёшдаги ишчи ва маҳсулдор ҳайвонларнинг қиймати 0840 "Асосий подани ташкил қилиш" счётининг дебетига уни етказиб бериш харажатлари билан биргаликда, харид қилишнинг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилинади.

Асосий подани ташкил этишининг тугалланган муомалалари бўйича харажатлар 0840 "Асосий подани ташкил қилиш" счётидан 0170 "Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар" счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

0850 "Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар" счётида корхонанинг ер майдонини ободонлаштириш бўйича харажатлари шунингдек, кириш йуллари, автомобил ва бошқа транспорт воситаларининг тўхташ майдонлари, деворлар ва кўкаламзорлаштиришнинг бошқа турлари қиймати ҳисобга олинади.

Ер майдонлари, ўрмон ва сув ҳавзалари ва кўп йиллик ўсимликларга қилинган инвентар хусусиятига эга бўлган капитал қўйилмалар, асосий воситалар таркибига, комплекс ишлар тугашидан қатъи назар, фойдаланишга қабул қилинган майдонларга тегишли харажатлар суммаси бўйича киритилади.

0860 "Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар" счётида узок муддатли ижара шартномаси бўйича ижарага олинган мулкни ободонлаштириш ҳамда унинг таъмирланиши ва модернизациясига қилинадиган капитал қўйилмалар ҳисобга олинади.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида асосий воситалар объектларининг бошлангич қийматига ўрнатилган тартибда қўшиладиган қурувчининг барча ҳақиқий харажатлари шунингдек, корхонанинг асосий воситаларни, номоддий активларни харид қилиш, асосий подани ташкил этиш ва бошқа капитал қўйилмалар билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800) бўйича аналитик ҳисоб капитал қўйилмаларнинг ҳар бир йўналиши бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил этилиши қуйидаги харажатлар ҳақида маълумот олиш имконини берини лозим:

а) курилиш ва реконструкция ишлари; бурғулаш ишлари; асбоб-ускуналарни йиғиш; ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни харид қилиш; монтажни талаб қилмайдиган асбоб-ускуналарни харид қилиш шунингдек, капитал қўйилмаларнинг сметаларида назарда тутилган асбоблар ва инвентарларни харид қилиш лойиҳа-қидибув ишларига оид ва бошқа капитал қўйилмалар бўйича харажатлар;

б) асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш харажатлари - асосий воситалар ва номоддий активларнинг турлари ва номлари бўйича;

в) ер ва узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш харажатлари - объектларнинг тури ва номи бўйича;

г) асосий подани ташкил этиш харажатлари - ҳайвонларнинг турлари (йирик шохли ҳайвонлар, қўйлар, отлар ва бошқалар) бўйича.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)нинг боғланиши

| Т/ р | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счётларнинг боғланиши | |
|---------|--|-----------------------|--------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Объектларни куришда фойдаланилаётган асосий воситаларнинг эскириши капитал қўйилмалар харажатига киритилди | 0810 | 0211-0299 |
| 2 | Объектларни куришда фойдаланилаётган номоддий активларнинг амортизацияси харажатларга киритилди | 0810 | 0510-0590 |
| 3 | Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар монтажга топширилди (монтажга тайёргарлик бошланган пайтдан) | 0810 | 0710-0720 |
| 4 | Сарфланган қурилиш ва бошқа материаллар қиймати капитал қўйилмалар бўйича харажатларга киритилди | 0810 | 1010-1090 |
| 5 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг капитал қўйилмаларга кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилди | 0810 | 2310 |
| 6 | Капитал қўйилмаларда фойдаланилган банк кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар ҳисобланди | 0810 | 6920 |
| 7 | Тугалланмаган қурилишни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши; б) қийматининг камайтирилиши | 0810 8510 0810 | 8510 0810 |
| 8 | Капитал қурилишда бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари учун мол етказиб берувчилар ва | 0810 | 6010, 7010 |

| | | | |
|----|--|-----------|--------------------|
| | пудратчиларга қарзлар | | |
| 9 | Капитал қуийлмалар билан боғлиқ қондирилмаган даъволар бўйича сумма ҳисобдан чиқарилди | 0810 | 4860 |
| 10 | Инвентаризация натижасида тугалланмаган қурилишда камомад суммаси аниқланди | 5910 | 0810 |
| 11 | Ёш ҳайвоннинг асосий подага ўтказишилиши | 0840 | 1110 |
| 12 | Асосий поданинг ташкил қилиниши | 0170 | 0840 |
| 13 | Келгуси давр харажатлари тегишли қисмининг капитал қуийлмаларига олиб борилиши | 0810-0890 | 3110-3190 |
| 14 | Капитал қуийлмалар таннархига киритиладиган сұғурта бўйича қарзлар | 0810-0890 | 6510 |
| 15 | Капитал қуийлмалар таннархига киритиладиган мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзлар | 0810-0890 | 6520 |
| 16 | Таъсисчилар томонидан устав капиталига улуш (пай) сифатида киритилган тугалланмаган капитал қуийлмалар | 0810-0890 | 4610 |
| 17 | Автотранспорт воситаларини сотиб олиш солиги (инвентар қийматига) | 0810-0890 | 6520 |
| 18 | Капитал қуийлмаларни ўзлаштиришда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи бўйича турли суммалар ҳисобланди | 0810-0890 | 6710 |
| 19 | Хисобдор шахсларнинг капитал қуийлмаларга уларнинг қилган харажатлари бўйича қарзилари ҳисобдан чиқарилди | 0810-0890 | 4220-4290, 6970 |
| 20 | Асосий воситаларни харид қилиш ва қуриш жараёнида вужудга келган турли кредиторлар олдидаги қарзлар | 0810-0890 | 6990 |
| 21 | Капитал қуийлмалар бўйича ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамитяларининг кўрсатган хизматлари учун қарзлар | 0810-0890 | 6110-6120 |

5.5. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ СИНТЕТИК ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

Асосий воситаларнинг синтетик ҳисоби бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасидаги куйидаги счёtlарда ҳисобга олинади:

0100 “Асосий воситалар” (актив счёт);

0200 “Асосий воситаларнинг эскириши” (контр-актив счёт);

9310 “Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошка чикаримлардан курилган фойда” (транзит счёт);

9431 “Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошка чикимидан курилган заар” (транзит счёт).

Барча турдаги асосий воситаларнинг корхонадан чикиб кетиши асосий воситаларнинг тутатилиши тўғрисидаги далалотнома билан расмийлаштирилади. Факатгина бундан юк ва енгил автомобиллар истесно. Улар автотранспорт воситаларини тутатиш хакидаги далолатномага биноан ҳисобдан чикарилади.(№ АВ-4а).

Асосий воситаларни тутатилиши тутрасидаги далолатномаларда уларни тутатишдан олинган материаллар эхтиёт қисмлар ва бошкалар, шунингдек тутатиш учун килинган харажатлар, бошлангич ишлаб чикариш қиймати, эскириш қиймати ва тутатиш натижаси курсатилади.

Барча турдаги асосий воситаларнинг корхонадан чикиб кетиши асосий воситаларнинг тугатилиши тұғрисидаги далалотнома билан расмийлаштирилади. Факатгина бундан юқ ва енгил автомобиллар истесно. Улар автотранспорт воситаларини тугатиш хакидағи далолатномага биноан ҳисобдан чикарилади.(№ АВ-4а).

Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счёtlar (0100)нинг боғланиши

| Т/р | Хўжалик мумалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|-----|--|--------------------------------|-------------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган объектларнинг асосий воситалар таркибиغا ўтказилиши | 0110-0190 | 0810 |
| 2 | Асосий воситаларни ҳақиқий таннархи бўйича харид қилиниши (бошланғич қиймати) | 0110-0190 | 0820 |
| 3 | Узок муддатли ижарага олинган асосий воситаларни узоқ муддатли ижара шартномаси тугагандан кейин асосий воситалар таркибиغا қабул қилиниши | 0110-0190 | 0310 |
| 4 | Таъсисчиларнинг устав капиталига улуш (пай) сифатида киритган ёки акцияларга тўлов сифатида келиб тушган асосий воситаларнинг кирим қилиниши | 0110-0190 | 4610 |
| 5 | Асосий воситаларнинг текинга келиб тушиши | 0110-0190 | 8530 |
| 6 | Асосий воситаларнинг ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан келиб тушиши | 0110-0190 | 6110, 6120 |
| 7 | Қўшимча қуриш, ускуналар ўрнатиш, модернизация, реконструкция қилиш ва бошқа сифат жиҳатдан яхшилаш натижасида асосий воситалар бошланғич қийматининг кўпайиши | 0110-0190 | 0890 |
| 8 | Ерни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий воситалар таркибиغا киритиш | 0111 | 0850 |
| 9 | Узок муддатли ижарага олинган асосий воситаларни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий воситалар таркибиغا киритиш | 0112 | 0860 |
| 10 | Ишчи ва маҳсулдор хайвонларнинг асосий воситалар таркибиغا кирим қилиниши | 0170 | 0840 |
| 11 | Асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши | 0110-0199 8510 0110-0199 | 8510 0110-0199 |
| 12 | Тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узоқ муддатли ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқариш | 9210 | 0110-0190 |
| 13 | Ажратилган бўлинмаларга асосий воситаларни берилиши | 4110 | 0110-0190 |
| 14 | Қонунчиликда белгиланган тартибда консервация қилинган асосий воситалар | 0199 | 0110-0190 |

5.6. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРГА АМОРТИЗАЦИЯ ҲИСОБЛАШНИНГ ТАРТИБИ ВА УСУЛЛАРИ.

Асосий воситалар бўйича амортизация суммаси қўйидаги усуллардан бирини кўллаш йўли билан ҳисобланishi мумкин:

Бир текисда (тўғри чизикли) ҳисоблаш усули- амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситалар обьектининг бошлангич (қайта тиклаш) қийматидан унинг тугатиш қийматини айриши орқали ва мазкур обьектнинг фойдали хизмат муддатидан келиб чиқиб аниқланади:

Масалан: Компьютернинг бошлангич қиймати 1100000 сўм, унинг фойдаланиш муддати охиридаги қолдик (тутатувчи) қиймати 100000 сўм, фойдали хизмат муддати 5 йил, йиллик амортизация меъёри амортизацияланадиган қийматнинг 20%ни ёки 200000 сўм ((1100000-100000)/5=200000) сўмни ташкил этади.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули) - асосий воситалар обьектининг ҳар бир конкрет йилдаги ишлаб чиқариш ҳажмига асосланади.

Камайиб борувчи қолдик усули (икки каррали амортизация меъёри) - амортизацияни ҳисоблаш даврида активнинг амортизацияланадиган қиймати камайиб боради.

| Амортизация ажратмалари даври | Бошлангич(қайтат иклаш) қиймат | Амортизациянинг йилликсуммаси | Тўпланган амортизация | Баланский мати |
|-------------------------------|--------------------------------|---|-----------------------|----------------|
| 1-йил охири | 1 100 000 | $40\% \times 1100000 = 440000$ | 440 000 | 660 000 |
| 2-йил охири | 1 100 000 | $40\% \times 660000 = 264 000$ | 704 000 | 396 000 |
| 3-йил охири | 1 100000 | $40\% \times 396000 = 158 400$ | 862 400 | 237 600 |
| 4-йил охири | 1 100000 | $40\% \times 237600 = 95 040$ | 957440 | 142 560 |
| 5-йил охири | 1 100 000 | ($40\% \times 142560 = 57024$ «назорат мақсадида») $1000000 - 57440 = 42560$ | 1000 000 | 100 000 |

Йиллар йигиндиси усули (кумулятив усул) - амортизация ажратмалари тугасигача қолган тўлиқ йиллар рақами (сони)ни амортизация муддатини ташкил қилувчи йилларнинг тартиб рақами йигиндисига бўлиш орқали аниқланади.

| Амортизация ажратмалари даври | Амортизация килинган қиймат | Амортизациянинг йиллик суммаси | Тўпланган амортизация |
|-------------------------------|-----------------------------|------------------------------------|-----------------------|
| 1-йил охири | 1000 000 | $(5/15 \times 1000000) = 333333,3$ | 333333,3 |
| 2-йил охири | 1 000 000 | $(4/15 \times 1000000) = 266666,7$ | 600000,0 |
| 3-йил охири | 1 000 000 | $(3/15 \times 1000000) = 200000,0$ | 800000,5 |
| 4-йил охири | 1000 000 | $(2/15 \times 1000000) = 133333,3$ | 933333,3 |
| 5-йил охири | 1000 000 | $(1/15 \times 1000000) = 66666,7$ | 1000000,0 |

5.7. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ.

Асосий воситалар обьектларини ишчи ҳолатда ушлаб туриш 2 усулда таъмирлаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Жорий таъмир — асосий воситалар объектини ишчи ҳолатида ушлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Капитал таъмирлаш — базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган конструкцияларнинг деталлари ва узелларини алмаштириш ёки тиклаш ишлари амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Захира қилинган маблаглар суммаси ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажат ва тўловлар

Дт 8910 - «Келгусилаги харажатлар ва тўловлар захиралари» счёти,

Кт 2010, 2310, 2510, 2710, 9400 счётлар.

У ёки бу захира бўйича суммаларни ташкил этилиши ва ундан фойдаланишининг тўғрилиги сметалар, ҳисоб-китоблар ва шунга ўхшаганларнинг маълумотлари билан вакти-вақтида солиштирилиб борилади ва зарур ҳолларда уларга тузатишлар киритилади.

5.8. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ХЎЖАЛИКДАН ЧИҚАРИШ ҲИСОБИ.

5-сон БХМСнинг 50-бандига мувофиқ, чиқиб кетаётган асосий воситалар объектининг қиймати балансдан ҳисобдан чиқарилади:

- a. тугатищда;
- b. сотганда;
- c. текинга берилганда;
- d. таъсис улуши сифатида устав капиталига берилганда;
- e. узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилганда;
- f. камомад ёки йўқотишлар аниқланганда;
- g. қатнашчилар таркибидан қатнашчининг чиқиши натижасида берилиши ҳолларида.

Асосий воситаларни тугатиш ҳисоби 9210 - «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» транзит счётида ҳисобга олинади. Ушбу счёtnинг:

Дебетида тугатилган обьектларнинг дастлабки қиймати ва уларни тугатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

Кредитида – эскириш суммаси, мулкни сотишдан олинган тушум, мулкларни ҳисобдан чиқаришдан олинган материал қийматликларнинг фойдаланса бўладиган баҳода баҳоланиб киримга олиниши.

9210 - счёtnинг дебет обороти билан кредит обороти орасидаги фарқи молиявий натижа ҳисобланиб, қолдиги кредитида бўлса, фойдани, дебетида қолса-зарарни кўрсатади.

1. Аниқланган фойда қуйидаги проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

К-т 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишдан фойда»

2. Аниқланган зарар суммасига:

Д-т 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Асосий воситаларни тугатишдан олинган фойда корхонанинг баланс фойдасига киритилиб белгиланган ставкада солиқча тортилади.

5.9. ЛИЗИНГ (ИЖАРА) МУОМАЛАЛАРИНИ БУХГАЛТЕРИЯДА ҲИСОБГА ОЛИШ.

Корхонада узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 0310 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи" счётда амалга оширилади. Ушбу счёт ижарачи корхоналарда кўлланилади.

Корхона томонидан қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар хисоби балансдан ташқари 001 "Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар" счётида юритилади.

Ижара ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 майда 75-сон билан тасдиқланган (6-БХМС) "Ижара ҳисоби" Бухгалтерия ҳисобининг

миллий стандартига (22.06.2004 й. 1374-сонли рўй., "Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами", 2004 й., 25-сон, 292-модда) мувофиқ амалга оширилади.

Корхонага узоқ муддатли ижара шартлари асосида келиб тушган асосий воситалар 0310 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хисобга оловчи" счётининг дебети ва 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми" ҳамда 7910 "Тўланадиган узоқ муддатли ижара" счётининг кредитида акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб 0310 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" счёти бўйича асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентар объектлари бўйича юритилади.

Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хисобга оловчи счёtlар (0300)нинг боғланиши

| Т/р | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|-----|--|-----------------------|-------------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича асосий воситаларнинг келиб тушиши | 0310 6950 7910 | 0310 |
| 2 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг хусусий асосий воситалар таркибига ўтказилиши. Бир вақтнинг ўзида эскириш суммасининг ўтказилиши | 0110-0190 0299 | 0310 0211-0290 |
| 3 | Узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугагунига қадар ижарага берувчига қайтарилган объектга ҳисобланган эскириш суммаси | 0299 | 0310 |
| 4 | Узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугагунига қадар ижарага берувчига қайтарилган объектлар бўйича узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича тўланмай қолган қолдиқнинг: жорий қисмига узоқ муддатли қисмига | 6950 7910 | 0310 0310 |
| 5 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши | 0310 8510 | 8510 0310 |

Назорат учун саволлар

1. Асосий воситалар ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий хужжатларни айтиб беринг?
2. Корхоналарда асосий воситаларни туркумлашдан мақсад нима?
3. Асосий воситалар ҳисобининг ҳаракати деганда нимани тушунасиз?
4. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари нечта ва улар қандай ҳисобланади?
5. Асосий воситаларни таъмирлаш қандай амалга оширилади ва уларнинг ҳисоби қайси счёtlарда ҳисобга олинади?
6. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш қандай амалга оширилади?
7. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижалар қайси счёtlарда ҳисобга олинади?
8. Лизинг (ижара) муомалаларининг обьекти, предмети ва субъектларнинг ҳисоби ишларига қандай самара беради?
9. Лизинг (ижара) муомалаларининг кўринишлари ва моҳиятифойдаланиш муддати қандай аниқланади?

10. Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайта баҳолашқандай амалга оширилади?

11. "Тўланадиган узоқ муддатли ижара" (ижара тўловларининг қолдиқ суммасига) бўйича молиявий натижалар қандай аниқланади?

5.10. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИННИГ ВАЗИФАЛАРИ.

Номоддий активлар — маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида корхонанинг мулк обьектларидан фойдаланиш мақсадида, ишларни бажариш, хизматлар қўрсатиш ёки товарларни сотиш ёхуд узоқ муддат давомида маъмурий ва бошқа вазифаларни амалга ошириш учун моддий-мулкий сақлаб турилмайдиган мулкларнинг идентификация килинган обьектларидир.¹¹

Номоддий активларни тан олиш:

- актив билан боғлиқ келгусида иқтисодий манфаатдорлик корхонага келишига ишонч мавжуд бўлса;
- актив қиймати аниқ ҳисобланган бўлсаномодлий активлар актив сифатила тан олинади.

Қуидаги обьектларни номоддий активларга киритиш мумкин:

- патент;
- лицензиялар;
- товар белгилари, савдо маркалари ва атамалар;
- саноат намунаси;
- дастурий таъминот;
- муаллифлик ҳукуқлари;
- гудвилл;
- франшизалар;
- ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукуқи;
- ноу-хау.

5.11. НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ БАҲОЛАШ.

Номоддий активларни баҳолашда «Номоддий активлар» номли 7-сон БҲМАга асосланилиш лозим. Номоддий активларни баҳолашда қуидаги баҳо (қиймат)лардан фойдаланилади:

- ◆ дастлабки қиймат;
- ◆ сотиш қиймати;
- ◆ тутатиш қиймати;
- ◆ қолдиқ қиймати;
- ◆ ўрнини қоплаш қиймати.

Дастлабки қиймат — активни харид қилишда ҳақиқатда тўланган пул маблағлари ёки уни барпо этишда амалга оширилган ҳақиқий харажатлардир. Харид қилишнинг ҳақиқий қиймати номоддий активни харид қилиш ва уни ишлатиш учун тайёр ҳолга келтиришда қилинган барча харажатларни, яъни: харид нархи, юридик йигимлар ва бошқа харажатларни ўз ичига олади. Ташкилот текинга олган номоддий активларнинг дастлабки қиймати эксперт йўли билан бозор нархida баҳоланганд қиймат бўйича тан олинади. Текинга олинган номоддий актив кирим қилинган санада амал қилган нарх асосида жорий бозор қиймати шакллантирилади. Амалдаги нарх тўғрисидаги маълумотлар хам хужжатлар ва эксперт йўли билан тасдиqlаниши керак.

Сотиш қиймати номоддий активларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айирбошлиш мумкин бўлган суммадир.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 7-сон "Номоддий активлар" Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. 2005 йил 27 июнда

Тугатилиш қиймати чиқиб кетишга доир кутилаётган харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда активнинг фойдали хизмати натижасида уни тугатиш пайтида пайдо бўладиган активларнинг тахмин қилинаётган қийматидир.

Колдик қиймати актив ҳисоб ва ҳисботда акс эттириладиган жамғарилган амортизацияни чиқариб ташланган ҳолда номоддий активларнинг дастлабки ёки жорий қийматидир.

Ўрнини қоплаш қиймати корхона активдан кейинчалик фойдаланиш ҳисобига қоплашни мўлжаллаётган сумма, шу жумладан тугатилиш қиймати.

Номоддий актив пулга харид қилинса, унинг қиймати контрактда иккиласми бозорда фаол ишлаётган шу сингари активга аниқланган бозор нархи бўйича кўрсатилиши мумкин.

Номоддий актив хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан яратилган ва уни яратиш чиқимларини аниқ белгилаш мумкин бўлган ҳолларда номоддий актив ҳақиқий таннарх бўйича акс эттирилади.

Номоддий актив қийматини белгилаш мумкин бўлган ҳолларда у актив сифатида алоҳида модда билан акс эттирилмайди.

Корхона томонидан гудвилл актив сифатида акс эттирилмайди, чунки у корхонани сотиб олиш пайтида харид қилиш нархи билан мазкур субъектни ташкил қилувчи активларнинг ҳақиқий нархи ўртасидаги тафовут сифатида юзага келади.

Баъзи вақтларда номоддий активларни қайта баҳолашга эҳтиёж туғилади. Номоддий активни қайта баҳолаганда номоддий активнинг бутун занжири қайта баҳоланиши керак. Қайта баҳолаш натижасида номоддий актив баланс қиймати кўпайган ҳолда ушбу кўпайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада «Захира сармоя» счётининг кредитида акс эттирилиши лозим. Қайта баҳолаш натижасида номоддий активнинг баланс қиймати камайган бўлса, бу камайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада харажат сифатида тан олинади.

5.12. НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ХУЖЖАТЛАШТИРИШ.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга асоссан (9-модда) бошлангич ҳисоб хужжатлари хўжалик муомалалари амалга ошириб бўлингандан сўнг, тузилади. Номоддий активларни ҳисобга олишда дастлабки хужжатлар (шартнома, далолатнома) қуйидаги асосий реквизитларга эга бўлиши лозим; ҳисоб (архив) рақами, номи ва шартли шифри, ахборотларнинг материал кўриниши, объектлардан фойдаланиш муддатлари, асл нусхаларининг сақлаш жойи, жорий этган шахслар (корхона, ташкилот), объектдан фойдаланувчилар, хужжатларни сақлаш рақамлари, харажатларга олиб бориш объектлари ва бошқа кўрсаткичлар. Шунингдек, қонунга кўра ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик муомалалари ва улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошлангич хужжатлар расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши кўрсатилади.

Номоддий активларнинг дастлабки ва жамлама ҳисоби иқтисодий адабиётларда тўлиқ ёритилмаган.

Корхоналарда номоддий активлар бўйича дастлабки ҳисобни ташкил қилишда уларни қайд этувчи янги хужжат шаклларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш керак бўлади. Номоддий активларни киримга олиш учун қуйидаги хужжатларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Номоддий активларни қабул қилиши-топшириши далолатномаси (НМА –1 шакл).

Мазкур далолатноманинг шакли амалиётда меъёрий - хуқуқий жиҳатдан ўз тасдигини топмоқда. Номоддий активлар қайси манба ҳисобидан қабул қилинмасин (харид қилиш, устав капиталига қўшиш, бошқа активларга алмаштириш, грант ёки субсидия кўри-нишида олиш, корхонанинг ўзида шакллантириш ва бошқалар), улар

шартномаларга мувофиқ «Номоддий активларни қабул қилиши-топшириши далолатномаси» НМА-1 шакл бўйича расмийлаштирилиши лозим.

Далолатнома номоддий активни қабул қилувчи гурух ҳайъати томонидан ҳар бир объект учун бир нусҳада тузилади. Шунингдек, бир турдаги номоддий активлар учун олдин тузилган дастлабки далолатномалар умумлаштирилиб “Умумий далолатнома” тузилади. Масалан, саноат намунасига бўлган бир неча хил ишлаб чиқариш ҳукуқига эгалик қилувчи патентлар ёки турли хил ўлчамдаги бир нечта ер майдонларидан фойдаланиш ҳукуқлари учун рухсатнома (лицензия)лар бўлиши мумкин. Далолатноманинг асосий воситаларни ҳисобга оладиган далолатномадан фарқи бу шаклнинг содда ҳамда керакли реквизитларга эга бўлганлигидадир.

Номоддий активларни қабул қилиш далолатномаси тузилиб сўнг бухгалтерияга топширилади. Далолатнома билан бирга объектларнинг бошқа хужжатлари ҳам тақдим этилади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айрим номоддий активлар объектлари бўйича далолат-номани тўлдириш активнинг ўзига хос ҳусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоб юритиш сиёсатида белгиланади.

5.13. НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИНГ АНАЛИТИК ВА СИНТЕТИК ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

Номоддий активлар турларига қараб 0400 – счётнинг қўйидаги счёtlаридаҳисобга олинади:

- 0410-«Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау»
- 0420-«Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари»
- 0430-«Дастурий таъминот»
- 0440-«Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукуқлари»
- 0450-«Ташкилий харажатлар»
- 0460-«Франчайз»
- 0470-«Муаллифлик ҳукуқлари»
- 0480-«Гудвилл »
- 0490-«Бошқа номоддий активлар».

Объектларни номоддий активларга ўtkазиш ва уларнинг таркиби 7 – «Номоддий активлар» бухгалтерия ҳисобининг Миллий андазаси билан тартибга солинади.

Номоддий активларнинг амортизацияси 0510 – 0590 счёtlарининг кредитида ҳисобга олинади. Бу счёtlар пассив, тартибга солувчи счёtlар бўлиб, уларнинг сальдоси кредитида бўлади. Бу счёtlарнинг кредит сальдолари ҳисобланган амортизация суммасини, яъни номоддий активлардан фойдаланиш даврида қопланган харажатлар суммасини кўрсатади.

Дебет обороти 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёti билан корреспондентланган ҳолда ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилган номоддий активлар амортизация суммасини кўрсатади;

Кредит обороти 2010, 2510, 9400, 3100 ва бошқа счёtlар билан корреспондентланган ҳолда ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация суммасини кўрсатади.

5.14. НОМОДДИЙ АКТИВЛАРГА АМОРТИЗАЦИЯ ҲИСОБЛАШНИНГ ТАРТИБИ ВА УСУЛЛАРИ.

«Номоддий активлар» номли 7-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида амортизацийнинг қўйидаги усувларини кўллаш тавсия этилади;

1. Тўғри чизикли усул (Straight-line method),бу усулда активдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб, ёзишдан иборат бўлади. Бу объектнинг амортизацияланадиган қиймати хизмат қилиш муддатлари мобайнида тенг улушларда ҳисобдан чиқариб борилади. Демак, бу усулда номоддий активларнинг ҳар йилдаги амортизация суммалари бир хил кўринишда бўлади, қопланётган амортизация бир хил суръатда ортади, натижада объектнинг ички қиймати

бир хил даражада камайиб боради. Шунга мувофиқ, тўғри чизик усулида амортизация ажратмаларини ҳисоб-китоб қилиш қуидаги формула асосида амалга оширилади:

$$A_s = \frac{D_q - T_q}{H_M} \text{еки } (T_F - T_H) ;$$

бу ерда:

- A_s -амортизация суммаси;
- D_q -дастлабки қиймати;
- T_q -тугатилиш қиймати;
- T_F -тугатишдан олинган фойда;
- T_H -тугатилиш бўйича харажатлар;
- H_M -хизмат қилиш муддати.

Масалан, маҳсулотлар белгисига бўлган гувоҳноманинг даст-лабки қиймати 500000 сўм, ундан фойдаланиш муддати 10 йил. Бу муддат ичida гувоҳномага ҳар йили бир хил меъёрда амортизация ҳисобланади.

Маълумотларидан кўриниб турибдики, биринчидан, гувоҳнома учун 10 йил давомида амортизация ажратмаси бир хил тартибда ҳисобланган, иккинчидан, қопланаётган амортизация суммаси ҳам бир даражада ортиб борган, учинчидан эса қолдик қиймати пропорционал равишда камайиб боради. Ушбу усулда амортизация активнинг хизмат муддатини узоқ давом этишига боғлиқлигига асосланади ва амортизация меъёrlари доимий ҳисобланади.

2. Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб тақсимлаши (Production method) ёки ишлаб чиқарии усули. Бу усул объектнинг фойдалалиги ишлатишнинг бутун даврида унинг жами ишлаб чиқариш тегишли ўлчов бирликлари (натура, қиймат ва меҳнат ўлчовлари)да баҳоланишига асосланган. Ҳисоб-китоб қилинаётган амортизация эксплуатация натижаси бўлиб, унда ҳисбот вақтлари ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Амортизация ажратмалари билан маҳсулот бирлиги ўртасида боғлиқлик бўлиб, жамғарилаётган амортизация (accumulated depreciation) ортиб боради, активнинг қиймати эса, аксинча, камайиб боради. Ушбу ҳолда фойдаланишнинг i- йилдаги номоддий актив амортизацияси қуидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$A_i = \frac{(D_q - T_q) \Pi_i}{\sum_{i=1}^n \Pi}$$

- бунда D_q - номоддий активларнинг дастлабки қиймати;
- T_q фойдаланишнинг охирги n-йилдаги тугатиш қиймати;
- Π_i - n-йилдаги ишлаб чиқариш;
- Π -фойдаланишнинг бутун давридаги жами ишлаб чиқариш;
- n - объектнинг хизмат қилиш муддати.

Масалан, саноат мулк обьектларидан фойдаланиб (фойдаланиш учун ҳуқуқий муҳофаза патенти) олинган маҳсулотлар бирлиги шартнома бўйича киримга олинган патентнинг дастлабки қийматига нисбатан аниқланади.

3. Жадалаштирилган ҳисобдан чиқарии усули (Accelerated methods). Бу усулда амортизация тўғри чизиқли усулга нисбатан икки баробар тез ҳисобланади. Активнинг қийматидан биринчи йилда охирги йилга нисбатан деярли сезиларли қисми ҳисобдан чиқа-рилади. Шунинг учун амортизациянинг бу усулини баъзи иқтисодий адабиётларда «Солик амортизацияси» деб ҳам юритилади. Бундай амортизациядан соликка тортиладиган фойдани аниқлашда фойдаланиши мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнларининг такомиллашиб бориши номоддий активлардан фойдаланиш муддатларини қисқартириш, уларни муддатида ҳисобдан чиқариш кераклигини тақозо этади. Жадалаштирилган амортизация усулининг моҳияти шундан иборат-ки, номоддий

активлардан фойдаланишнинг дастлабки йилларида улар бошлангич қийматининг асосий ҳисми ҳисобдан чиқарилади. Бизнинг фикримизча кўра бунга:

биринчидан, номоддий активлардан энг кўп даражада фойдаланиш уларнинг дастлабки йилларига кўп тўғри келади;

иккинчидан, амортизация қилинадиган номоддий актив тез маънавий эскирган тақдирда уни алмаштириш ёки янгисини харид қилиб олиш учун маҳсус захира яратиш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, амортизация қилинадиган объектлардан фойдаланиш-нинг охирги йилларига тўғри келадиган, уларни тузатишга сарфланадиган харажатлар улушкини ишлаб чиқариш таннархига кўпайтирмасдан (амортизация суммасининг бу йилларда камайиши ҳисобига) акс эттирилиши лозим.

Жадаллаштирилган усулда амортизация ҳисобланганда сонлар, яъни кумулятив усулини ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки амалдаги меъёрий хужжатларда бу масалага етарлича ёндашилмаган.

Амортизация бўйича сонлар йигиндиси усулини қўллаш яхши самара келтиради. Сонлар йигиндиси (Sum-of-the-years-digits method) бўйича ҳисобдан чиқариш, яъни кумулятив усул активни хизмат қилиш йиллари суммаси орқали аниқланади ва бу сумма ҳисоблаш коэффициентида маҳраж бўлиб хизмат қиласди. Коэффициентнинг суръатида активнинг хизмат муддатининг охиригача қолган йиллар сони туради, бу тескари тартибда кўрсатилади. Сонлар йигиндиси-номоддий активдан фойдаланишда йиллар мобайнидаги тартиб рақамларини қўшишдан олинган сумма бўлиб, тегишли йилнинг амортизация меъёри объектнинг дастлабки қиймати билан унинг ликвидлик қиймати ўртасидаги фарқقا кўпайтирилади. Умумий формула куйидаги кўринишда бўлади.

$$A_i = \frac{(n - i + 1) * (D_q - T_q)}{S};$$

бунда – S- жами йиллар.

Амортизация бошланадиган объектлардан фойдаланиш муддати етарлича давомли бўлган тақдирда сонлар йигиндиси куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S = n(n+1)/2.$$

бунда n – амортизация обьекти фаолият кўрсатадиган йиллар сони.

Жадаллаштирилган амортизациянинг қолдиқни камайиб бориш усули (Declining-balance mehtod) сонлар йигиндиси усули тамойилларига асосланган бўлиб, унда ҳар қандай қатъий меъёр қўлланилиши мумкин бўлса ҳам, лекин тўғри чизиқли усулда фойдаланган меъёрга нисбатан икки маротаба кўпайтирилган меъёр қўлланилади.

Амортизация қолдиқни камайиб бориш усули билан ҳисобланётганда тегишли коэффициентлардан фойдаланилади. Фикримизча, номоддий активларга амортизация сиёсати икки маротаба тезлаштирилган усулда ҳисобланиши лозим.

Хориж давлатларида бу коэффициентлар турли хил кўринишда бўлади: хусусан, Францияда активнинг хизмат қилиш муддати 4 йилгача бўлса, 1,5, 5 йилдан 6 йилгача 2,0 ва 6 йилдан ортиқ бўлса 2,5 коэффициентлар қўлланилади. Италияда 2,0, Канадада 2,0 ва 3,0, АҚШда 1,5 ва 2,0, Германияда 1,3 дан 2,0 гача коэффициентлардан фойдаланилади.¹²

Номоддий активларнинг юқорида таъкидлаб ўтилган амортизациясини ҳисоблаш усуллари таққосланса, ҳисбот даврлари бўйича амортизация суммаларининг ортиши, қолдиқ қийматларининг камайиб боришини кўриш мумкин. Агар маълум йилдаги рақамларга эътибор берилса, тўғри чизиқли ва бажарилган ишлар ҳажмига тақсимлаш усулларига қараганда жадаллаштирилган усулда актив қийматининг деярли 70-80 фоизи амортизация харажатлари кўринишида маҳсулотлар таннархига ёки давр харажатларига

¹²Мешерякова О. “Налоговые системы развитых стран”. (Справочник)- М.: Фонд “Правовая культура”, 1995г. 125стр.

олиб борилишини күриш мумкин. Бу эса аввалги икки усулларда 50-55 фойзни ташкил этади.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, ғарб давлатларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида амортизацияни алоҳида ҳисоблаб чиқишига йўл қўйилади. Биз солиққа тортиладиган фойдани ҳисоблаб чиқиши учун бухгалтер қайси усулдан фойдаланишидан қаттий назар, номоддий активлар бўйича жадаллаштирилган амортизация усулларидан фойдаланиб, харажатларни жадаллаштирилган қоплаш тизимини жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Харажатларни жадаллаштирилган қоплаш тизимиға мувофиқ харажатларни қоплаш даври номоддий активларнинг турли обьектлари учун 1 йилдан 20 йилгача бўлади. Бунда харажатларни қоплаш даври 1 йилдан 10 йилгача бўлган номоддий активлар учун 2,0 коэффициент билан қолдиқ қиймат усулидан фойдаланилади.

Шунингдек, қоплаш даври 10-20 йилгача бўлган номоддий активлар учун 1,5 коэффициент билан қолдиқ қиймат усулидан фойдаланиш корхона учунсамарали бўлиши мумкин.

5.15. НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ.

Номоддий активларни тугатилиши (ҳисобдан чиқариш) далолатномаси. (НМА- 2 шакл).

Корхоналарининг ҳисоб юритиш сиёсатига мувофиқ улардаги мавжуд номоддий активларни ҳисобдан чиқариш бўйича «Номоддий активларни ҳисобдан чиқариши далолатномаси» деб номлаган далолатноманинг янги шакли (НМА-2 шакл) ишлаб чиқилди ва уни амалиётга жорий этиш мумкин.

Ушбу шаклда номоддий активлар обьектларини ҳисобдан чиқариш пайтида хўжалик юритувчи субъект раҳбари тайинланган ҳайъат томонидан икки нусхада тузилади. Ушбу далолатноманинг биринчи нусхаси бухгалтерияга, иккинчи нусхаси эса жавобгар шахсга берилади. Далолатномада номоддий активларнинг номи, санаси, инвентар (архив рақами), ҳисобдан чиқарип сабаби, баланс қиймати, амортизациянинг йиллик меъёри, амортизация суммалари акс эттирилади.

Номоддий активлар қуидаги сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилади:

- тўлиқ амортизацияланганда:
- қисман амортизацияланганда:
- сотилганда:
- текинга берилганда:
- устав сармоясига қўшилганда.

Номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши билан боғлик операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қуидаги хужжатлар расмийлаштирилади:

◆ эгалик қилиш ҳуқуқи бошқаларга берилганида - ҳуқуқни бошқа бирорга бериш тўғрисидаги шартнома, ҳақ олингандигини тасдиқловчи тўлов хужжати ва бошқа хужжатлар, ҳуқукни бошқаларга бериш қийматини баҳолаш тўғрисидаги мустақил баҳоловчи хulosаси, чиқиб кетиш далолатномаси;

◆ амал қилиш муддати тутатилганлиги туфайли ҳисобдан чиқарилганида - ҳисобдан чиқарип тўғрисидаги далолатнома;

◆ бошқа корхоналарнинг устав капиталига кўйганида - таъсис хужжатлари, фойдаланиш ҳуқуқини бошқа бирорга бериш тўғрисидаги шартнома, фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш қийматини баҳолаш тўғрисидаги мустақил баҳоловчи хulosаси, фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартнома бўйича қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси, чиқиб кетиш далолатномаси;

◆ текинга берилган тақдирда - фойдаланиш ҳуқуқини бошқа бирорга бериш тўғрисидаги шартнома, фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартнома бўйича қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси, чиқиб кетиш далолатномаси.

Номоддий активлар тўлиқ амортизацияланганда ҳисобдан чиқарип қуидаги бухгалтерия ёзувлари орқали амалга оширилади;

Дебет: 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти

Кредит: 0410-0490-«Номоддий активлар» счёти.

Натижада бир вақтнинг ўзида патентнинг амортизацияланиш қиймати бухгалтерия ёзувларида алоҳида акс этган бўлар эди. Буни қуидагича ифодалаш мумкин:

Дебет: 0510 -«Патентнинг амортизацияси» счёти

Кредит: 9230-«Патентларни сотиши ва ҳисобдан чиқарилиши» счёти

Патентларни ҳисобдан чиқаришга «Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси» (НМА-3 шакл) билан бирга томонлар ўртасида тузилган шартномалар ҳам асос бўлади. Номоддий активларни сотиш, яъни реализация қиймати бу-битим (шартнома) тузилаётган пайтда манфатдор тарафлар ўртасида айирбошлиш мумкин бўлган сумма ҳисобланади. Номоддий активлар хизмат муддати давомида ҳисобдан чиқарилиб, учинчи бир юридик ёки жисмоний шахсларга сотилганда олинган даромад ёки зарар номоддий активнинг баланс (қолдиқ) қиймати ўсишидаги тафовут сифатида белгиланади. У «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да (2-шакл) даромад ёки харажат сифатида тан олинади. Янги счёtlар режасига мувофиқ номоддий актив объектларни сотишдан олинган даромад (фойда) «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда» (9320) счётининг «Номоддий активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда» (9321) счётида қуидагича акс эттирилади:

Дебет: 9220 -«Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқимлари» счёти

Кредит: 9320- -«Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда» счёти.

Номоддий активларни сотилишидан кўрилган заарларни (9432) «Бошқа активларнинг реализацияси ва турли чиқими бўйича заарлар» счётида акс эттирилади:

Дебет: 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти

Кредит: 9432-«Бошқа активларнинг реализацияси ва турли чиқими бўйича заарлар» счёти.

Ушбу масалаларни қуидаги мисолларда кўриб ўтамиш.

Корхона тузилган шартномага мувофиқ компьютер учун дастурий таъминот сотиб олган. Олинган дастурий таъминот баланс қиймати –200000 сўм, фойдали хизмат муддати –5 йил. Бу обьект 4 йилдан сўнг бошқа юридик шахсга сотилади. Йиллик амортизация меъёри 20 фоиз ёки дастур 4 йилда 80 фоиз ($4\text{y} \times 20\text{foiz}$)га амортизацияланган;

$$Es=Bq*Ef/100$$

$$(200000*80/100=100000 \text{ сўм}).$$

Бу ерда: Es-амортизация суммаси, Bq-баланс (дастлабки) қиймати, Tf-фоиз.

Томонлар ўртасида тузилган келишувга кўра, дастурни сотиб олувчи томон 100000 сўм ўтказиб беришга розилик беради. Демак, субъект ўз тасарруфидаги компьютерни сотишдан 60000 сўм даромад (фойда) олади.

Солик солиши мақсадида амортизация меъёрлари

Даромад солиғини ҳисоблаб чиқаришда корхона жами даромадидан Ўзбекистон Республикаси Солик Кодексининг 144 моддасида келтирилган амортизация меъёрлари чегарасида ҳисобланган амортизация суммасигина чегирилади.

| | Асосий воситалар гурухи | Амортизация нормаси, % |
|---|---|------------------------|
| 1 | Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотракторлар техникаси, маҳсус асбоб ускуна, инвентар ва жихозлар. Компьютер, переферия қурилмалари, ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари | 20 |
| 2 | Юк автомобиллари, автобуслар, маҳсус автомобиллар ва автотиркамалар; саноатнинг барча тармоқлари, метал қуиши корхонаси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик пресслаш | 15 |

| | | |
|---|---|----|
| | ускуналари, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари; офислар учун мебель | |
| 3 | Темир йўл, денгиз, дарё ва хаво транспорти воситалари; куч қувват берадиган машиналар ва ускуналар, иссиқлик техника ускуналари, турбина ускуналари, електрдвигителлари ва дизел генераторлар; електр узатиш ва алоқа қурилмалари; трубопроводлар | 8 |
| 4 | Бинолар, иншоотлар ва иморатлар | 5 |
| 5 | Бошқа гурухларга киритилмаган, амортизация қилинадиган активлар | 15 |

Назорат учун саволлар

1. Номоддий активлар ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларни айтиб беринг?
2. Номоддий активларнитуркумлашдан мақсад нима?
3. Номоддий активлар ҳисобининг ҳаракати деганда нимани тушунасиз?
4. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш усуллари неча ва улар қандай ҳисобланади?
5. Номоддий активларни кирими ваҳисобдан чиқариш қандай амалга оширилади?
6. Номоддий активларининг обьекти, предмети ва субъектлари туркумланиши ҳисоб ишларига қандай самара беради?
7. Номоддий активлардан фойдаланиш муддати қандай аниқланади?
8. Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари бўйича олинган номоддий активларни қайта баҳолаш қандай амалга оширилади?
9. Номоддий активларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш қандай расмийлаштирилади?

6-МАВЗУ. МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ.

Ўрганиладиган саволлар:

- 6.1. Маҳсулот сифатини, меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнат ва иш ҳақи ҳисобининг вазифалари.
- 6.2. Корхонанинг шахсий таркиби, унинг туркумланиши, меҳнатга ҳақ тўлашни тизимлари, шакллари ва турлари.
- 6.3. Меҳнат ва иш ҳақини дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириш ҳамда умумлаштириш.
- 6.4. Жисмоний шахслар жами даромадлари таркиби.
- 6.5. Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммалар ҳисоби.
- 6.6. Ижтимоий сугурта ва таъминот ажратмаларининг ҳисоби, улардан фойдаланишни ҳисобга олиш.
- 6.7. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини ҳисоблаш ва тўлаш.
- 6.8. Меҳнат таътили резервлари ва тўловлари ҳисоби.

Таянч иборалари: меҳнат ва иш ҳақи, шахсий таркиби, тизимлари, шакллари ва турлари, меҳнат таътили ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, ажратма, чегрималар, даромад солиғи, асосий ва қўшимча иш ҳақи, мукофат.

6.1. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ, МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Корхона ва ташкилотларда тузилган иш ҳақини ҳисоблаш ведомостида ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳамда ундан ушлаб қолинадиган суммалар акс эттирилади. Иш ҳақини ҳисоблаш ведомости ҳар бир цех ходимларининг тоифалари бўйича алоҳида тузилади.

Иш ҳақини ҳисоблаш ведомости иш ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобни расмийлаштириш учун асосий ҳужжатдир. Бу ҳужжатда ҳар бир табель рақами, ходимларнинг тоифаси ҳамда тўлов ва ушлаб қолиш турлари бўйича тузилади. Иш ҳақини ҳисоблаш ведомостида қуйидаги кўрсаткичлар бўлади:

* тўлов турлари бўйича ҳисобланди - 6710-«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» счётининг кредит обороти;

* иш ҳақидан ажратма ва тўловлар ушлаб қолинди ва ҳисобланди - 6710-«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» счётининг дебет обороти;

* қўлга бериш ёки ойнинг охирида корхонада қолди - 6710-«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» счётининг дебет обороти.

Иш ҳақини ҳисоблаш ведомостининг охирги кўрсаткичи тўлов ведомостини тўлдириш учун ҳамда ходимга иш ҳақи бериш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

1. Махсулот сифатини ва меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнат ва иш ҳақи ҳисобининг вазифалари.

Хўёжалик юритишининг бозор тизимига ўтиши шароитида меҳнатга ҳақ тўлаши, ижтимоий қўллаб-куватлаши ва ходимларни ҳимоя қилиши соҳасидаги давлатнинг қўплаб вазифалари бевосита корхоналарга берилган. Меҳнатга ҳақ тўлашининг шакллари, тизимлари ва миқдорини, меҳнат натижасига қараб рагбатлантиришини корхоналар мустақил ўзлари белгилайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашишлар бухгалтерия ҳисоби счетларининг 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» пассив счётида юритилади.

**Меҳнат ва унга
ҳақ тўлаш ҳисоби**

корхонанинг ҳисоб тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва у меҳнатнинг сон ҳамда сифати, истеъмолга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш устидан оператив назоратни таъминлашга қаратилган.

Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бўйича ҳисоблашишларни олиб бориш бухгалтерия ҳисобининг счёtlар режасида қуйидаги счёtlардан фойдаланиш кўзда тутилган:

6710-«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» счёti;

6720-«Депонирлаштирилган иш ҳақи» счёti.

Ушбу счёtlар пассив бўлиб, қолдиқ счёtlарнинг кредит томонида қолади.

«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ меҳнат ҳақи харажатлари ишлаб чиқариш ҳамда давр харажатларининг муҳим харажат элементларидан бири ҳисобланади.

Шу боисдан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисобланганда, уларни харажатлар таркибиغا киритиш лозим.

Хўжалик юритишининг янги шароитида меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисобининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

солиқлар ва иш ҳақидан уйланмалар ҳам қўшилган ҳолда корхона ходимлари билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китобларни ўз вақтида олиб бориш;

ҳисобланган иш ҳақи ва сугуртага ажратмалар суммасини харажатлар счетларига ўз вақтида ҳамда тўғри ўтказиб боришни таъминлаш;

бошқарии ва зарурӣ ҳисботларни тузиши учун меҳнат ва иш ҳақи бўйича кўрсаткичларни оператив йигиши ва гурухлаш;

иичи-ходимлар сони, уларнинг меҳнат унумдорлиги ва иш вақтидан фойдаланишини доимий назорат қилишидан иборат.

6.2. КОРХОНАНИНГ ШАХСИЙ ТАРКИБИ, УНИНГ ТУРКУМЛANIШИ, МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТИЗИMLARI, ШАКЛЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.

Хўжалик юритувчи субъект ходимларининг шахсий даромади, яъни меҳнатга ҳақ тўлаш маблағлари - маҳсулот таннархига киритиладиган тўловлар ҳамда хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириладиган фойда ҳисобидан бериладиган тўловлардан (дивиденд ва фоизлар) иборат.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб негизида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қилинган меҳнатига яраша тақдирлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш масаласи ётади.

Ушбу масалаларни ҳал этиш борасида бухгалтерия соҳасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда, хусусан, инсон меҳнат қилар экан унинг ҳисобини тўғри ташкил этиши ва юритиши, тўловларни ҳамда ажратмаларни ўз вақтида олиб бориши тақозо этилади.

Бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга харажатланган меҳнат миқдорини ва иш ҳақини тўғри аниқлаб бериши лозим.

Корхонанинг шахсий таркиби, унинг туркумланиши, мехнатга ҳақ тўлашни шакллари ва турлари.

Мехнатга ҳақ тўлашда

**ишнинг сифатини, ишлаб чиқариш
нормаларини бажарилишини ҳисобга
олиш ва иш ҳақи ҳисоблашнинг маълум
тартибини белгилаш зарур.**

Ҳар бир хўжалик субъекти фаолияти тўғри ва нормал олиб борилиши учун унда маълум қасб ва малакага эга бўлган кадрлар ишлаши керак. Хўжалик субъектида маълум давр ичида ишлаётган барча ходимлар унинг шахсий таркиби деб юритилади. У иккига бўлинади:

- рўйхатдаги шахсий таркиб;
- рўйхатдан ташқари шахсий таркиб.

Хўжалик субъекти шахсий таркибининг асосий қисмини рўйхатдаги шахсий таркиб ташкил қилиб, унга доимий ва вақтинчалик ишга беш йилдан кам бўлмаган даврга қабул қилинган ва меҳнат дафтарчалари очиладиган ходимлар ҳамда хўжалик субъекти асосий фаолияти бўйича бир йилдан кам бўлмаган муддатга вақтинчалик ишга қабул қилинган ва меҳнат дафтарчалари очилмайдиган ходимлар киради.

Шу муносабат билан корхонанинг бухгалтерия хизмати олдида меҳнат меъёри ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш, назорат қилиш вазифалари ҳам белгиланадики, бу эса:

* ишбай ишловчилар ва бошқа ходимларнинг иш сифатини тўғри ва ўз вақтида хужжатлар билан расмийлаштиришни, шунингдек, иш ҳақини ҳисоблаш ва уни белгиланган муддатларда тўлашни;

* ҳисобланган иш ҳақи суммаларини ва ижтимоий суғуртага ажратмаларни ишлаб чиқариш харажатларига киритиш учун харажатларнинг йўналишлари бўйича аниқ тақсимлашни;

* иш ҳақидан бюджетга мажбурий тўловларни, шунингдек, корхонага етказилган моддий зарарни айрим ташкилотлар ва жисмоний шахслар фойдасига тўғри ҳамда ўз вақтида ушлаб қолиш ва ўтказишни;

* ходимлар сонини ва иш вақтидан фойдаланишни назорат қилишни таъминлаши керак.

Корхона ва ташкилотларда ходимлар сони ишлаб чиқариш дастури асосида аниқланади. Корхонада ходимлар, энг аввало, икки гурухга ажратилади:

- ◆ асосий фаолиятда банд бўлган ходимлар;
- ◆ асосий бўлмаган фаолиятда банд бўлган ходимлар.

Асосий фаолиятда банд бўлган ходимлар таркибига асосий ва ёрдамчи цехларнинг, ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг, завод лаборатория ва бўлинмаларининг, тозалаш иншоотларининг, алоқа узелларининг, ахборот-ҳисоблаш марказларининг, барча турдаги қўриқлашнинг, завод бошқармаларининг ходимлари киради.

Асосий бўлмаган фаолиятда банд бўлган ходимлар тоифасига уй-жой ва коммунал хўжалигига хизмат кўрсатиш, савдодаги, тиббиёт муассасалари ҳамда мактабгача тарбия муассасаларида банд бўлган ходимлар киради.

Корхонада ходимлар бажарадиган вазифаларига кўра қуидаги гурухларга

бўлинади:

* ишчилар;

* хизматчилар.

Иичилар таркибига моддий неъматларни яратиш, тузатиш, юкларни кўчириш, йўловчилар ташиш, моддий хизматлар кўрсатиш билан бевосита банд бўлган ходимлар киради.

Хизматчилар таркибига раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа ходимлар киради.

Хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларга иш ҳақи фонди ва моддий рағбатлантириш фондининг миқдорини белгилайдиган нормативлар юқоридан тасдиқланмайди. Мехнатга ҳақ тўлаш харажатларининг меъёrlаштириладиган миқдори хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан фақат солиқ солинмайдиган фойдани ҳисоблаб чиқиш учун аниқланади.

Мехнатни нормалаш - амалдаги вақт нормалари, хизмат кўрсатиш нормаларини ўз ичига олади.

Вақт нормаси- бу муайян ишни бажариш учун зарур бўлган вақт миқдорини белгилайдиган меҳнат ўлчовидир.

Ишлаб чиқарии нормаси- вақт бирлигида тайёрланиши лозим бўлган маҳсулот миқдорини доналар, тонналар, метрлар ва ҳоказоларда характерлайди.

Мехнатга ҳақ тўлаш учун тариф тизимидан фойдаланилади. У қуйидагиларни ўз ичига олади: тариф-малака маълумотномаси, тариф сеткалари, тариф ставкаси.

Тариф тизими - тариф-малака маълумотномаси, тариф сеткаси ва тариф ставкаси каби тушунчаларни ўз ичига олади. Корхонада бажариладиган ишларнинг ишлаб чиқариш тавсифи тариф-малака маълумотномасида келтирилади. Ушбу хужжат ишчилар малакасини аниқлаш ва уларга маълум разряд белгилашда асос бўлиб хизмат қиласди.

Тариф сеткаси - бу разрядлар ва уларга тегишли бўлган тариф коэффициентлари кўрсатиладиган хужжатdir. Ҳамма корхоналарда биринчи разряднинг тариф коэффициенти бирга тенг бўлиб, разряд ортиши билан тариф коэффициенти ҳам ошиб боради.

Тариф ставкаси - ишчининг разрядига мувофиқ унга маълум вақт бирлиги давомида тўланадиган ҳақ миқдорини аниқлайди. Одатда, тариф ставкаси биринчи разряд учун белгиланиб, қолган разрядлар учун эса биринчи разряд тариф ставкасини қолган разрядлар тариф коэффициентларига кўпайтириш йўли билан аниқланади. ЎзР Вазирлар Маҳкамасини 21июль 2009 йилдаги № 206 қарорига асосан ягона тариф сеткасига асосан иш ҳақини белгилаш қуйидаги разряд ва тариф коэффицентлари асосан белгиланади.

| Мехнат ҳақи бўйича ягона таъриф сеткаси | | |
|---|------|--------------------------|
| Мехнат разрядлари | ҳақи | Тариф коэффициентлари |
| 1 | | 2,476 |
| 2 | | 2,725 |
| 3 | | 2,998 |
| 4 | | 3,297 |
| 5 | | 3,612 |
| 6 | | 3,941 |
| 7 | | 4,284 |
| 8 | | 4,640 |
| 9 | | 4,997 |
| 10 | | 5,362 |
| 11 | | 5,733 |
| 12 | | 6,115 |
| 13 | | 6,503 |

| | |
|----|--------|
| 14 | 6,893 |
| 15 | 7,292 |
| 16 | 7,697 |
| 17 | 8,106 |
| 18 | 8,522 |
| 19 | 8,943 |
| 20 | 9,371 |
| 21 | 9,804 |
| 22 | 10,240 |

Иш ҳақи мәхнат учун тұланаңызға ҳамма турларини, шу жумладан, маблағ билан таъминлаш манбаидан қатый назар, пул ёки натура шаклида хисобланған ҳар хил мүкофотларни, құшимча ҳақларни, устама ҳақни ва ижтимоий имтиёзларни, шунингдек, ходимга ишланмаган вақт учун тұланаңызға ҳақларни (таътил ҳақи, байрам қунлари ва ҳоказолар учун) үз ичига олади.

Иш ҳақи үз таркибиға күра иккиге бўлинади:

* асосий иш ҳақи;

* құшимча иш ҳақи.(бу кейинги дарслар батағсил кўриб чиқилади)

Хозирги шароитда ишчи ва ходимларга тұланаңызға иш ҳақи шакллари ҳам рангбарандырылған. Қуйидаги жадвалда иш ҳақи тұлашнинг шакллари көлтирилган:

| Иш ҳақи тұлаш шакллари | |
|------------------------|-----------------|
| Ишбай | Вақтбай |
| Оддий ишбай | Оддий вақтбай |
| Ишбай-мүкофот | Вақтбай-мүкофот |
| Ишбай-прогрессив | |
| Билвосита ишбай | |
| Аккорд | |

Мәхнатга ҳақ тұлашнинг ишбай шаклида иш ҳақи ҳақиқатда бажарилған ишга амалдаги нархлар асосида иш бирлиги учун хисобланади.

Оддий ишбай шаклида ишлаб чиқарылған маҳсулот сонини ишбай нархига кўпайтириш йўли билан иш ҳақи миқдори аниқланади.

Ишбай-мүкофот шаклида бевосита ишбай нархлар бўйича иш ҳақидан ташқари маълум ишлаб чиқариш ютуқларига эришилганлиги учун ҳақ олади. Масалан, иш сифатининг яхшилиги, моддий бойликлар тежалгани ва ҳоказолар.

Ишбай-прогрессив шаклида ишчилар мәхнатига белгиланған бошланғич меъёр доирасида бевосита ишбай нархлар бўйича, бу меъёрдан ортиқчасига эса оширилған нарх бўйича ҳақ тұланади. Ишбай нархлар ошиши ҳар бир ҳолда маҳсус шкала бўйича аниқланади.

Билвосита ишбай шакли ишбай нархлари бўйича белгиланиб, хизмат кўрсатаётган участкадаги ўртача иш меъерининг бажарилиш фоизига кўпайтирилиши мумкин.

Аккорд шакли бутун иш ҳажми учун иш ҳақи миқдорини белгилайди ҳамда аккорд топширикларни бажарыш муддатларини қисқартырганлик учун мүкофотлашни үз ичига олади. Бунда ишларнинг умумий қиймати вақт меъёрлари ва нарх асосида аниқланади. Ишбай аккорд шакли асосан мавсумий ишларни ҳамда айрим буюртмаларни бажаришда қўлланилади.

Иш ҳақининг вақтбай шаклида ходимнинг малакасига ва ишлаган вақтига қараб ҳақ тұланади.

Оддий вақтбай шаклида ходимлар ишлаган вақтига қараб белгиланған маош асосида ҳақ олишади.

Вақтбай-мүкофот шаклида тариф ставкалари бўйича иш ҳақидан ташқари муайян

миқдор ва сифат кўрсаткичларига эришганлик учун қўшимча равишида мукофот тўланади.

Корхона ва ташкилотларда ходимларга иш ҳақидан ташқари турли хил пул тўловлари ва рағбатлантириш тўловлари ҳам берилади. Уларга қуидагилар киради:

- йиллик иш якунлари бўйича рағбатлантириш;
- муҳим ишлаб чиқариш топшириқларини бажарганлик учун рағбатлантириш;
- корхоналарнинг ўқишга юборилган талабаларга берадиган стипендиялари;
- даволаниш учун бериладиган йўлланмалар қиймати;
- меҳнат жамоаси аъзоларига акциялар учун тўланадиган дивидендер ва бошқалар.

Иш ҳақи икки турга бўлиниади: *асосий иш ҳақи ва қўшимча иш ҳақи.*

Асосий иш ҳақи деб ишчи ва хизматчиларга ишланган иш вақти ёки бажарилган ишларига ва меҳнаткашларнинг айбисиз иш тўхтаб қолган вақтга тўланадиган иш ҳақига айтилади

Қўшимча иш ҳақи деб ишчи ва хизматчиларга ишламаган вақт учун бериладиган тўловларга айтилади. Қўшимча иш ҳақи меҳнат тўғрисидаги қонунчилиқда кўзда тутилган бўлиб, уларга таътил вақтида тўланадиган ҳақ, давлат ва жамоа топшириқларини бажариш вақтига тўланадиган ҳақ, оналарнинг болаларни эмизиши даври учун тўланадиган ҳақ ва бошқалар киради.

6.3.МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИНИ ДАСТЛАБКИ ҲУЖЖАТЛАРДА РАСМИЙЛАШТИРИШ ҲАМДА УМУМЛАШТИРИШ.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат ҳақи ҳисобини тўғри ташкил қилиш учун, энг аввало, шахсий таркиб ҳисобини тўғри юритиш лозим. Ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, уларга таътил берилгани, тунда, иш вақтидан ташқари вақтда, байрам кунларида ишлаганилиги ҳақида ишончли маълумот бўлгандагина корхона ходимлари билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Ана шу мақсадда корхона кадрлар бўлими шахсий таркиб ҳисобини ҳамда бошқа хизматлар билан биргаликда иш вақтидан фойдаланиш ҳисобини олиб боради.

Шахсий таркибни ҳисобга олиш учун қуидаги ҳужжатлардан фойдаланилади:

T-1 шакли. Ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ.

T-2 шакли. Шахсий варақа.

T-5 шакли. Бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ.

T-6 шакли. Таътил бериш ҳақида қайд.

T-8 шакли. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ.

Иш вақтини ҳисобга олиш учун T-12 шаклидаги маҳсус табелдан фойдаланилади. Табель - бўлим, бригада, цех ходимларининг номма-ном рўйхати бўлиб, ундан иш вақтини ҳисобга олиш учун фойдаланилади.

Ҳар бир ходимга табель рақами бириттирилади ва у меҳнат, иш ҳақи бўйича рамийлаштириладиган барча ҳужжатларда кўрсатилиб боради.

Ҳисобот даври бошланишидан аввал ўтган ойдаги табелдан ходимнинг исм-шарифи кўчириб ёзилади ва ишга чиқиш, иш вақтини сарфлаши шартли белгилар ёрдамида ҳисобга олиб борилади. Масалан, меҳнат таътилидагилар «Т», касаллик варақаси бўйича ишга чиқмаётганлар «Қ» ҳарфи ва ҳоказолар билан белгиланади.

Ишга чиқиш ва иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби табелда икки хил усулда амалга оширилади. Биринчи усулда барча ишга чиқкан, кечиккан ва ишга чиқмаган ходимлар тўлиқ рўйхат қилиб борилади. Иккинчи усулда эса табелда фақат кечикканлар, ишга чиқмаганлар, яъни маълум меъёрдан четга чиқкан ходимлар рўйхат қилиб борилади.

Ҳар бир ходимнинг ишлаган вақти табелда ҳисобот ойининг биринчи ярмига ва ой охирига, яъни икки марта ҳисоблаб чиқилади. Табель цех бошлиғи томонидан имзоланади ва бухгалтерияга иш ҳақи ҳисоблаш учун топширилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида иш ҳақи ҳисоблаш учун табель маълумотлари етарли эмас. Бунинг учун қуидаги бирламчи ҳужжатлардан фойдаланилади:

- * Ишбай ишлаш учун нарядлар;
- * Рапортлар;
- * Маршрут варагалари;
- * Қайдномалар;
- * Бичиш карталари ва ҳоказо.

6.4. ИШ ҲАҚИДАН УШЛАБ ҚОЛИНАДИГАН ВА ЧЕГИРИЛАДИГАН СУММАЛАР ҲИСОБИ.

Амалдаги қонунчиликка мувоғик мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхона ходимлари иш ҳақидан қўйидаги пул ушланмалари ва чегирмалари амалга оширилади:

- * даромад солиғи;
- * пенсия фондига ажратма;
- * касаба уюшмасига ажратма (ихтиёрий);
- * ходим томонидан корхонага етказилган моддий зарарни қоплаш бўйича тўловлар;
- * алиментлар;
- * кредитга сотилган товарлар учун тўловлар ва бошқалар.

Солиқ кодексига кўра жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан қўйидаги жисмоний шахслар озод қилинадилар:

1. Тўлалигича:

- *Божхона хизмати ходимлари
- *Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ходимлари

*Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошликлари, аъзолари, консуллик муассасаларининг ходимлари

2. Қисман, ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари микдорида:

*Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мехнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, уччала даражадаги Шуҳрат ордени билан мукофотланганлар.

*Болаликдан ногирон бўлганлар, шунингдек, I ва II гурӯх ногиронлари.

*Қаҳрамон оналар

*Афғонистонда хизмат қилганлар, Чернобиль АЭС даги фалокат оқибатида жабрланганлар.

*2 ва ундан ортиқ 16 ёшга тўлмаган болали ёлғиз оналар.

Иш ҳақидаги ушлаб қолинадиган суммалар фақат қонун билан рухсат этилган ҳолларда амалга оширилади. Уларга иш ҳаки ҳисобидан берилган бўнак, даромад солиғи, ижро варагалари бўйича ушланадиган суммалар, ортиқча бериб қўйилган иш ҳаки, шахсий уйжой қурилиши учун олинган ссудалар бўйича қарзлар, дала, боғ қурилиши бўйича ссудалар қарзлари, ёш оиласлар олган ссудалар бўйича қарзлар, кредитга олинган товарларнинг тўланмаган қисми, ихтиёрий сугурта суммалари, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарлар учун ушланадиган суммалар, иш ҳақининг бир қисмини ишчи ва хизматчиларнинг аризасига кўра омонат кассага ўтказиш, касаба уюшмаси аъзоларининг навбатдаги ой учун аъзолик тўловлари ва шу кабилар киради.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тўрт босқичли солиқ солиш шкаласи.

| йилгача | | 2017 йилда | |
|---------------------------|----------------|--------------------------------------|-----------------------------|
| Солиқ солинадиган даромад | Солиқ ставкаси | Со лиқ сол ина диг ан | С о л и к ст |
| | | | |

| даромад | авкаси |
|---|---|
| Күзда тутилмаган | ЭНГКАМИШХАКИНИНГ 1 бараваригача миқдорда |
| ЭНГКАМИШХАКИННИГ 5 бараваригача миқдорда | ЭНГКАМИШХАКИННИГ 1 бараваридан (+1 сүм) 5 бараваригача миқдорда |
| ЭНГКАМИШХАКИННИГ 5 бараваридан (+1 сүм) 5 бараваригача миқдорда | ЭНГКАМИШХАКИННИГ 5 бараваридан (+1 сүм) 5 бараваригача миқдорда |

| | | |
|--|------|--|
| | | ава ри дан (+1 сў м) 10 бар ава риг ача ми қдо рда |
| энг кам иш ҳақининг 10 баравари (+1 сўм) ва ундан юқори микдорда | 22 % | энг ка м иш ҳақ ин инг 10 бар ава ри (+1 сў м) ва ун дан юқ ор и ми қдо рда 2 3 % |

6.5. МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ВА ВАҚТИНЧАЛИК МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК НАФАҚАСИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ.

Ишлаб чиқаришнинг мавсум давомида бир текисда давом этмаслиги ҳамда бошқа ҳолатлар (кўпчилик ишловчилар ёз ойларида таътилга кетади) муносабати билан ишчиларга меҳнат таътили бир маромда берилмайди.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш учун йил давомида таътилларга ҳақ тўлаш бўйича харажатларни бир маромда киритиб боришни таъминлаш зарур. Шу боисдан меҳнат таътили вақтига тўланадиган иш ҳақи харажатларини ҳар ойда маҳсулот таннархига белгиланган микдорда киритиб бориш зарур. Бунинг учун меҳнат таътилига тўланадиган иш ҳақи маҳсулот таннархига йил давомида бир маромда ўтказилишини таъминлаш учун ҳар ойда маълум микдордаги маблағ корхона томонидан захира қилиб борилиши керак.

Захира суммаси бухгалтерия хисобида 8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви» счётида хисобга олиб борилади. Ушбу счёт пассив бўлиб, у бўйича сальдо фойдаланилмаган захира суммасини акс эттиради. Дебет бўйича оборот -

захирадан ишчиларга мөхнат таътили бўйича ҳақ тўлашни, кредит бўйича оборот эса - корхона харажатларига киритиш ҳисобига ҳар ойда яратиладиган захира суммасини тавсифлайди.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига захира ташкил этилганида бухгалтерияда қуидагича ёзув қилинади:

Д-т Ишлаб чиқариш харажатлари счёtlари

К-т 8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви».

Ишчиларга мөхнат таътили вақтида иш ҳақи ҳисобланганида қуидагича проводка берилади:

Д-т 8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви»

К-т 6710-«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар».

Мисол. № 173 қарорга мувофиқ ходим Каримов Искандарга март ойида 24 кун муддатга таътил берилди.

Ходимнинг шахсий варақасида қуидаги маълумотлар мавжуд:

* 2002 йил 1 январида ходимнинг ойлик маоши 40000 сўм қилиб белгиланган. 2001 йилда ходимнинг ойлиги 35000 сўмни ташкил этган;

* шу муддат давомида олган мукофот суммаси 120000 сўмни ташкил этган;

* ходимга 25000 сўм моддий ёрдам берилган;

* дам олиш ва байрам кунларида ишлаганлик учун 40000 сўм қўшимча ҳақ олган;

* йил охирида акция бўйича 175000 сўм дивиденд олган;

* касаллик варақаси бўйича 20900 сўм иш ҳақи олган.

Корхона ходими Каримов Искандарга 24 иш куни учун таътил ҳақи ҳисоблаймиз:

1) мөхнат таътили бўйича ҳақ ҳисоблаш учун йил бўйича жами олган иш ҳақисини ҳисоблаймиз:

$(35000*9)+(40000*2)=315000+80000=395000$ сўм.

120000 сўм мукофот, 40000 сўм қўшимча ҳақ ва 20900 сўм касаллик варақаси бўйича ҳақ. Жами 575900 сўм ($395000+120000+40000+20900$).

2) Ўртача ойлик иш ҳақи 47992 сўм ($575900/12$).

3) Кунлик иш ҳақи 1889 сўм 50 тийин ($47992/25,4$).

Демак, таътил ҳақи 45348 сўм ($1889,5*24$).

Мөхнат таътилига ҳақ ҳисобланганида ҳисобда қуидагича проводка берилади:

Д-т 8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви»- 45348 сўм

К-т 6710-«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар»- 45348 сўм.

Корхона ишчи ва бошқа ходимлари касал бўлиб қолганида уларга касаллик варақаси бўйича ҳақ тўланиши лозим. Даволаш (тиббий) муассаса томонидан берилган мөхнат қобилиятини йўқотиш тўғрисида варақа-бюллетенъ нафақа ҳисоблаш учун асос бўлади. Нафақа микдори касал бўлишидан илгари ишлаган ойнинг ўртача иш ҳақи, касаллик давом этиши ва мөхнат стажига боғлиқ. Иш стажи 5 йилгacha бўлганда иш ҳақининг - 60 фоизи, 5 йилдан 8 йилгacha - 80 фоизи, 8 йилдан ортиқ бўлса - 100 фоизи ҳисобланади.

Иш стажидан катъий назар, иш ҳақининг 100 фоизи ҳажмида нафақалар ҳомиладорлик ва туғиши бўйича, ишлаб чиқариш жароҳати ва касб касаллиги бўйича, 18 ёшгача 3 боласи бор бўлган ишчиларга ва уруш ногиронларига тўланади.

Иш ҳақи суммасига ижтимоий сугурта ажратмалари ҳисобланадиган барча иш ҳақи, қўшимча ҳақ ва тўловлар (бир марталик бериладиган мукофотлардан ташқари) киритилади.

Мисол. Ишчи 2001 йил октябрь ойида 5 кун касал бўлган. Бу тўғрида тиббиёт муассасидан берилган мөхнат қобилиятини йўқотиш тўғрисидаги варақа ва табелда ёзувлар бор. Узлуксиз иш стажи-7 йил.

Унинг аввалги ойдаги иш ҳақиси қуидагича бўлган:

* Ишбай -15000 сўм;

* Вақтбай - 2000 сўм;

* Олдинги йилнинг ўртача ойлик мукофот суммаси - 1300 сўм.

Меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақасини ҳисоблаш учун ўртача ойлик ҳақ 18300 сўм (15000+2000+1300). Октябрь ойида 22 иш куни мавжуд. Ўртача қунлик иш ҳақи 831,8 сўм (18300/22)ни ташкил қиласди. Иш стажи ва касал бўлган қунларни ҳисобга олган ҳолда нафақа 3327,2 сўм (831,8*5*0,8)ни ташкил этади.

Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6520-«Давлат мақсадли фондларига тўловлар»-3327,2 сўм

К-т 6710-«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар»- 3327,2 сўм.

Иш ҳақи фондини назорат қилиш тартиби. Ишлаб чиқариш режасининг бажарилишига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш фонди устидан доимий назорат бевосита корхона ходимлари томонидан амалга оширилади.

6.6. ТАЪТИЛ ПУЛИНИ ҲИСОБЛАШ

Таътил пулини ҳисоблаш, ёзги оромгоҳ ва санаторийларга йўлланмалар ҳакини тўлаш ҳамда ўз ходимларининг дам олиши билан боғлиқ ёз ойларида таҳририятимизга келаётган саволларнинг миқдори йил сайин кўпайиб бормоқда.

Бундай мурожаатларнинг кўпайиб кетишини кутмасдан «Norma Ekspert» мутахассислари бухгалтерлар учун қўлланма тайёрладилар, унда ходим таътилга чиқаётганида таътил пуллари ва бошқа тўловларни ҳисоб-китоб қилишнинг турли жиҳатлари тушунтирилади.

Ҳар бир ишловчи шахснинг дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуки кафолатланган. У иш берувчи билан меҳнат муносабатларини меҳнат шартномаси (контракти) асосида расмийлаштирган шахсларга берилган. Бундай шахсларга доимий ходимлар, ўриндошлар, меҳнат вазифаларини тўлиқсиз иш вақти шартларида бажарадиган ходимлар, шунингдек мавсумий ёки уйда ишлайдиганлар киради.

Меҳнат таътили даврида ходимларнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади (Меҳнат кодексининг 133-моддаси, бундан кейин – МК), улар иш берувчининг ташаббусига кўра ишдан бўшатилиши мумкин эмас, корхона бутунлай тугатиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Таътиллар турлича бўлади: йиллик асосий, йиллик асосий узайтирилган, йиллик кўшимча таътил. Бундан ташқари, ижтимоий таътиллар – ҳомиладорлик ва туғиш, болаларни парваришлаш, таълим олиш муносабати билан ва ижодий таътиллар ҳам бор.

Йиллик асосий таътил – иш йили мобайнидаги иш учун бериладиган, меҳнат вазифаларини бажаришдан озод қилувчи узоқ давом этадиган узлуксиз вақт даври. Ҳар бир ходим учун иш йили якка тартибда – у меҳнат шартномаси бўйича ишлашни бошлаган кундан бошлаб 12 ой деб ҳисобланади. Ходимнинг йиллик ҳақ тўланадиган таътилга ҳуқуки меҳнат шартномаси амал қила бошлаган кундан бошлаб пайдо бўлади.

Бунда таътилда бўлиш вақти меҳнат стажига, шу жумладан кейинги йиллик таътил берилиши учун меҳнат стажига киритилади. Масалан, 2013 йилда ходим 7–26 октябрда йиллик меҳнат таътилида бўлди. 2014 йилда унга февралда таътил берилди. 2013 йил 7–26 октябрь даври 2014 йилдаги таътил пулини ҳисоб-китоб қилиш чоғида меҳнат стажига киритилади.

Қонун билан ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилиши белгиланган (МКнинг 134-моддаси). Бунда жамоа ва (ёки) меҳнат шартномаларида йиллик асосий таътилнинг кўпроқ муддати назарда тутилиши мумкин.

Йиллик асосий узайтирилган таътил – МКнинг 134-моддасида назарда тутилган асосий энг кам таътил билан қиёслагандан аввалбошдан узокроқ давом этадиган таътилдир. Чунончи, 18 ёшга тўлмаган шахсларга ва ишлаётган I ва II гурух ногиронларига мажбурий тарзда 30 календарь кун муддатида йиллик таътил берилади (МКнинг 135-моддаси).

Бундан ташқари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда қуйидагиларга асосий узайтирилган таътиллар берилиши назарда тутилган:

депутатларга, сенаторларга – 36 иш куни, қонун хужжатларида қўпроқ муддатли таътил назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (2.12.2004 йилдаги «Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги 704-II-сон Қонуннинг 16-моддаси учинчи қисми);

судьяларга – 36 иш куни (2.09.1993 йилдаги «Судлар тўғрисида»ги 924-XII-сон Қонуннинг 75-моддаси учинчи қисми, 14.12.2000 йилдаги 162-II-сон Қонун таҳририда);

прокуратура органлари ходимларига – 30 календарь кун. Бундан ташқари, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг (9.12.1992 йилдаги 746-XII-сон, 29.08.2001 йилдаги 257-II-сон Қонун таҳририда) 50-моддаси учинчи қисмiga мувофиқ:

15 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига 5 календарь кун;

25 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса 10 календарь кун қўшимча таътил берилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида хизматни ўташ тўғрисида низомнинг¹ 53-бандига кўра Бош прокуратура ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларига – 30 календарь кун. Иш стажи:

15 йилдан ортиқ бўлганда – 5 календарь кун;

25 йилдан ортиқ бўлганда – 10 календарь кун ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Таълим муассасалари ходимларига хам «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг (29.08.1997 йилдаги 464-II-сон) 21-моддаси биринчи қисмiga кўра ҳақи тўланадиган узайтирилган таътил берилади. Узайтирилган таътиллар муддатини белгилашда ҳозирги вақтда собиқ СССР ҳужжатларининг меъёрлари қўлланади. Масалан, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг узайтирилган таътили 48 иш кунини ташкил қиласди (СССР Министрлар Кенгашининг 21.04.1949 йилдаги «Илмий тадқиқот, таълим ва маданий-маърифий муассасалар ходимларининг таътиллари тўғрисида»ги 1577-сон Қарорига 1-илова). Бундай ҳужжатлар Ўзбекистоннинг тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилингунига қадар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига зид келмайдиган қисмida қўлланиши мумкин (21.12.1995 йилдаги ОМнинг «Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги 162-I-сон Қарори 6-банди; ВМнинг 29.04.1992 йилдаги 210-сон Қарори 1-банди).

Давлат органлари хизматчилари учун илгари белгиланган таътил муддати – 24 иш куни сақланиб қолади (махсус қонун ҳужжати қабул қилингунига қадар).

Назорат учун саволлар

1. Корхона ходимлари қандай гуруҳлардан иборат ва ходимлар таснифининг аҳамияти нимада?
2. Мехнатга ҳақ тўлашнинг қандай шакл ва тизимларини биласиз?
3. Мехнат ва унга ҳақ тўлашни ташкил этиш деганда нимани тушинасиз?
4. Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қандай дастлабки ҳужжатлар қўлланилади?
5. Иш шароитини нормал ҳолати деб нимага тушинасиз ва унинг оЁишишга қандай ҳақ тўланади?
6. Яроқсиз маҳсулотга қандай ҳақ тўланади?
7. Байрам кунлари ишлагани учун қандай ҳақ тўланади?
8. Йиллик таътил ҳақи қандай хисобланади?
9. Вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганларга тўланадиган нафақа микдори иш ҳақидан неча фойзни ташкил этади?
- 10.Иш ҳақидан қандай ушланмалар ушланади?

Мисол-1:

Оддий вақтбай шаклда хақиқий ишлаган кунлар сони 1 кунлик таъриф ставкасига кўпайтириш йўли билан хисобланади. Мисол: хисобчининг маоши 450000 сўм. Феврал ойида 20 иш куни мавжуд, шундан 15 кун ишлаган.

Ечилиши: $(450000:20) \times 15 = 337500$

Мисол-2:

Вақтбай ишчи феврал ойида 135 соат ишлаб берди. Таъриф ставкаси соатига 3425 соатни ташкил этади.

Ечилиши: 462375 сум (135×3425)

Мисол-3:

Бухгалтерга ойига 600 минг сўм миқдорида оклад белгиланган, оклад тўлиқ тўланади агарда у ходим тўлиқ ишласа. Апрел ойида тўлиқ ишлади, май ойида эса 21 иш кунининг 10 кунидаги ишлади.

Ечилиши: апрел ойи тўлиқ иш хақи олади 600 минг сўм.

Май ойи иш хақи: $285714,29$ сум. ($600\ 000/21 \times 10$)

Мисол-4:

Вақтбай мукофотли шаклда таъриф маошлари иш хақидан ташқари ходимларнинг мукофотлаш тўғрисидаги Низомга ва раҳбарнинг буйруғига асосан мукофотлар тўланади. Мисол: инженер март ойида 16 кун ишлади. Март ойида иш кунлари 22 кун, маош 460000. Ходимларга март ойида 40% мукофот берилган.

Ечилиши: $(460000:22) \times 16 = 334545$. $334549 \times 40\% = 133818$
 $334549 + 133818 = 468363$

Мисол-5.

Оддий ишбай иш хақи. Мисол: чилангар 1 ойда 80 дона деталь тайёрлади. 1та детал учун ишбай нарх 3250 сум. Ечилиши $80 \times 3250 = 260\ 000$

Мисол-6:

Тикувчи бир ойда 120 та ишчи халатлар тикиб битказди. Хар бир халатга 6250 сум нарх белгиланган.

Ечилиши:

$120 \times 6250 = 750\ 000$ сум.

Мисол-6:

Тикувчи 1 ойда 24 смена ишлади, 1 кунлик таъриф ставкаси 6650 сум. Режани бажарганлиги учун 12 % мукофот белгиланди. Режадан ортиқ бажарган хар бир фоиз учун 0,7 фоиз иш хақидан мукофот. Тикувчи томонидан 105 фоиз бажарилган.

Ечилиши: $24 \times 6650 = 159600$ $159600 \times 12\% = 19152$

$159600 + 19152 = 178752$

$5\% \times 0,7 = 3,5$ $159600 \times 3,5\% = 5586$

$159600 + 19152 + 5586 = 184338$

Мисол-7:

Мукофотли ишбай иш хақи. Амалда купрок ушбу усул қулланилади. Мисол: чилангар меъёри 70 та детални ташкил утган холда, у 80 дона деталь ишлаб чикарди. Ишбай нархи 3250 сўм. Ишлаб чикариш меъёрини ошириб бажарган хар бир фоиз учун 3 % миқдорида мукофот белгиланган.

Ечилиши: 14% ортиқ бажарган. $145 \times 3\% = 42\%$

$80 \times 3250 = 260000$ $260000 \times 42\% = 260000 + 109200 = 369200$

Мисол-8:

Тикувчи бир ой давомида 24 смена ишлади. 6 соатлик иш кунидаги хар бир смена таъриф ставкаси 15 000 сум. Болалар ассортименти буйича буюмларни тикиш режасини бажарганлик учун иш хақига нисбатан 12 % мукофотлаш, ишларнинг хар бир фоиз ишириб бажарилишига иш хақининг 0,7 туланди. Бир ой учун режа 105 % га бажарилган.

Ечилиши:

$15\ 000 \times 24 = 360\ 000$ сум

$360\ 000 \times 12\% = 43\ 200$

$$5\% * 0,7\% * 360\ 000 = 12\ 600$$

$$360\ 000 + 43\ 200 + 12\ 600 = \mathbf{415\ 800}$$
 -умумий иш хақи

Мисол-9:

4 кишидан иборат жамоа, шартнома буйича қиймати 2500 минг сумни ташкил этадиган таъмираш ишларини бажарди. Жамоа аъзоларининг хар бирини иш хақи миқдорини аниқлаш талаб этилади. Уларнинг разрядлари бир хил, аммо уларнинг меҳнат харажатлари куйидагича: 1-ишчи-120 соат, 2-ишчи-180 соат, 3-ишчи-75 соат, 4-ишчи-159 соат.

Ечилиши:

$$120+180+75+159=534 \text{ Жами } 534 \text{ киши/соат.}$$

$$1\text{-ишчиники: } 561\ 000 \text{ сум } (2\ 500\ 000/534*120)$$

$$2\text{-ишчиники: } 842\ 700 \text{ сум } (2\ 500\ 000/534*180)$$

$$3\text{-ишчиники: } 351\ 120 \text{ сум } (2\ 500\ 000/534*75)$$

$$4\text{-ишчиники: } 744\ 380 \text{ сум } (2\ 500\ 000/534*159)$$

Мисол-10:

Асосий ишлаб чиқариш ишчиси ойига 300 бирлик маҳсулот ишлаб чикарди. Норма 250 бирлик. Бир бирлик маҳсулот учун ишбай нархлар куйидагича: 250 бирлик миқдоригача-2200 сумдан,

250 дан 300 бирлик миқдоригача-2400 сумдан,

300 дан юқори бирлик учун-2600 сумдан.

Ечилиши:

$$250 \text{ бирлик} * 2200 = 550000 \text{ сум.}$$

$$50 \text{ бирлик} * 2400 = 120\ 000 \text{ сум.}$$

$$550\ 000 + 120\ 000 = \mathbf{670\ 000 \text{ сум. Иш хақи.}}$$

Мисол-11:

Ходимга бир ойда 500 000 сум хисоблаб ёзилган суднинг хал килув карорига кура у бита боланинг узининг иш хакининг $\frac{1}{4}$ кисми миқдорида алимент тулаши шарт. Алимент суммаси утказалидаган сумманинг 6% ини почта йигими учун тулаган холда почта оркали утказиб беради.

Ечилиши:

ЖШДС-26266 сум,

Сугурта бадали-40 000 сум

$$500\ 000 - 26\ 266 - 40\ 000 = 433\ 734 \text{ сум}$$

$$433\ 734 * 25\% = 108\ 433,5 \text{ сум алимент}$$

$$108\ 433,5 * 6\% = 6506,01 \text{ сум почта харажати}$$

$$26\ 266 + 40\ 000 + 108\ 433,5 + 6506,01 = \mathbf{181\ 205,51 \text{ сум-жами ушланма.}}$$

7-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ҚҮЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ.

Ўрганиладиган саволлар:

7.1. Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида инвестициялар-нинг роли ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари.

7.2. Инвестицияларнинг таркиби. Қимматли қоғозлар: акция, облигация ва бошқалар.

7.3. Инвестициялар ҳисобини ташкил қилиш ва ҳисобда акс эттириш.

7.4. Акцияларни қайтариб сотиш ҳисоби. Инвестициялардан олинган даромадлар ҳисоби. Инвестицияларни сотиб олишдан ва фойдаланишда молиявий натижаларни олдиндан ҳамда кейин аниқлаш ҳисоби.

Таянч иборалр: инвестиция, акциядорлар, молиявий инвестициялар, қимматли қоғозлар, акция, облигация, депозит сертификатлари, дивиденд

7.1. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА БУ СОҲАДА ҲИСОБНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи таъкидлаганларидек, “Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойик.

2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз қўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш обьекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.”¹³

Инвестиция инглизча *investment* сўзидан олинган бўлиб, сармоя қўйиш деган маънени англатади. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига биноан, **инвестициялар** - иқтисодий ва бошқа фаолият обьектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳукуқлар.

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмунига кўра қўйидаги турлари мавжуд:

- реал инвестициялар;
- молиявий инвестициялар;
- интеллектуал инвестициялар.

Реал инвестициялар - бу корхона асосий воситаларини вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялардир. Бухгалтерия ҳисобида бу турдаги инвестициялар капитал қўйилмалар сифатида эътироф этилади.

Молиявий инвестициялар - даромад олиш (худди фоизлар, роялти, дивидендлар ва ижара ҳақи сингари) ва асосий капитал қийматини кўпайтириш мақсадида унинг тасарруфида бўлган корхона активларидир.

Молиявий инвестициялар (12-сонли БҲМС бўйича) - хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги даромад олишга (фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида) мўлжалланган, инвестиция қилинган сармоя қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компания бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлар.

Молиявий инвестициялар - бу фоизлар, дивидендлар, роялти ёки ижара ҳақи, инвестицияланган томондан бошқа тушумларни олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъект ихтиёридаги активлардир.

Интеллектуал инвестициялар - бу корхонанинг интеллектуал бойликларни харид қилишга сарфлаган маблағларидир.

Инвестициялар ҳисобининг вазифалари.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олишнинг вазифалари қўйидагилардир:

- узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ва улар бўйича олинган даромадларни ўз вақтида ва тўғри аниқлаш;

- узоқ муддатли молиявий инвестициялар учун ажратилган маблағларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;

¹³Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчилкларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир.// Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 16 январь, №11 (6446).

- узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олишда БХМСларини кенг қўллаш;
- узоқ муддатли молиявий инвестициялардан олинган даромадларнинг корхона молиявий натижаларида акс эттирилишини таъминлаш;
- узоқ муддатли молиявий инвестициялардан олинган даромадлардан бюджетга тегишли қисмини амалдаги меъфрий хужжатларга, Солик Кодексининг талабига мувофиқ тўғри ҳисоблашни ташкил қилиш, бюджетга тегишли қисмини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш;
- узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳисобига келиб тушган маблағлардан корхонани кенгайтириш, ривожлантириш ва корхона жамоаси эҳтиёжи учун ишлатишни таъминлаш.

7.2. ИНВЕСТИЦИЯЛарНИНГ ТАРКИБИ. ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР: АКЦИЯ, ОБЛИГАЦИЯ ВА БОШҚАЛАР.

Молиявий инвестициялар муддатига кўра қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлади.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар - бу узоқ муомала муддатига эга (12 ойдан ортиқ) активларнинг сотиб олинишига оид инвестициялардир.

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар - ўзида муомала муддати 12 ойдан ошмайдиган, енгил сотиладиган молиявий активларнинг харид қилинишига оид инвестициялардир.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобгода қўйидаги гурӯхларга ажратилади:

- ◆ Қимматли қоғозлар;
- ◆ Шўъба корхоналарига инвестициялар;
- ◆ Қарам бирлашмаларга инвестициялар;
- ◆ Кўшма корхоналарга инвестициялар;
- ◆ Бошқа узоқ муддатли инвестициялар.

Номинал қиймати - қимматли қоғоз бланкасида кўрсатилган қиймат. Акцияларнинг номинал қийматидаги умумий суммаси ташкилотнинг устав капиталини ҳажмини кўрсатади.

Эмиссия қиймати - қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштиришдаги сотиш нархи билан номинал қиймати орасидаги фарқи эмиссия даромадини ташкил этади.

Курс (бозор) қиймати - қимматли қоғозларни бозорда сотиладиган баҳоси.

Ликвидация (ҳисобдан чиқариш) баҳоси – тутатилаётган ташкилотларнинг мулкларини сотишдан олинадиган пулларни бир акцияга тўғри келадиган қиймати.

Акциянинг баланс қиймати — бу баланс бўйича аниқланадиган ўз маблағлар манбани чиқарилган акциялар миқдорига тўғри келадиган қиймати.

Ҳисоб қиймати – ҳозирги вақтда ташкилотнинг балансида акс эттириладиган қийматдаги сумма.

Номинал қийматидан катъий назар, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталига улушлар, шунингдек, олинадиган акциялар учун тўловлар тарафларнинг келишувига биноан ҳар қандай мол-мулкни бозор ёки шартнома баҳосида берилиши шаклида киритилиши мумкин.

Баҳолаш мустақил эксперт хулосаси билан тасдиқланади. Халқаро андозалар бўйича назорат мавжуд бўлган ҳоллардаги инвестициялар ҳисоби қўйидагича кўриб чиқилади:

1.Акцияларга оид инвестициялар ҳақиқатдаги чиқимлар билан биргаликдаги қиймат асосида ҳисобга олиниади;

2.Дивидендлардан олинган фойда уларнинг олиниши чоғида ишлатилади;

3.Баланс қиймати:

- қиймат бўйича;
- қайта баҳоланган қиймат бўйича ёки;
- биржадан айланувчи акциялар билан бўлган ҳолатда.

Жами пакетнинг ҳажмлари бўйича аниқланадиган харид қилиш баҳосининг ёки

жорий нархлар қийматларининг энг кичиги бўйича ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли инвестицияларнинг баланс қиймати, агар ҳисбот даври вақтига келиб қимматли қоғозларнинг (вақтинчалик тусга эга бўлмаган) катировкаси пасайиши юз берган бўлса, камайтирилиши керак.

1. Қайта баҳолаш қисқа муддатли инвестициялар бўйича фойда ва заарлар счётига, узоқ муддатли инвестициялар бўйича резерв капиталига киритилади.

2. Акциялар савдоси харажатлар чиқариб ташланган холдаги сотиш баҳоси билан баланс қиймати ўртасидаги айирмалар хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисботда даромадлар ва харажатлар сифатида кўрсатилади.

Халқаро андозалар бўйича сезиларли таъсир мавжуд бўлган чоғидаги (шуъба компанияларига оид) инвестициялар ҳисоби акциядорнинг хўжалик юритувчи субъект капиталидаги улуши хажмини ҳисобга олувчи усул бўйича амалга оширилади. Бундан қўйидаги ҳолатлар мустасно:

- агар капитал қўйилмалар фақат яқин келажакда кейинги нав-батдаги сотилиши учун амалга оширилса ва сақлансан;

- инвестор сезиларли таъсирда бошқа фойдаланмаганда;

- шуъба компания ўз фаолиятини қатъий чеклашлар шароитида амалга оширганида.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ «**Қимматли қоғозлар** - бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий хуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқловчи, дивиденд ёки фоиз кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган хуқуқларни бошқа шахсга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир». Юқорида қайд этилган қонунга кўра, қимматли қоғозларга:

- ◆ акциялар;
- ◆ облигациялар;
- ◆ хазина мажбуриятлари;
- ◆ депозит ва хазина сертификатлари;
- ◆ векселлар;
- ◆ ҳосилавий қимматли қоғозлар киради.

Акция (голландча *actie* сўзидан олинган бўлиб, қимматли қоғоз деган маънони англатади) - бу акциядорлик жамиятининг устав фондига муайян ҳисса қўшганликдан гувоҳлик берувчи, унинг эгасига фойданинг бир қисмини олиш ва, одатда, ушбу жамиятни бошқаришда иштирок этиш хуқуқини берувчи қимматли қоғоздир.

Акция амал қилиш муддати чекланмаган қимматли қоғоз бўлиб, у уни чиқарган акциядорлик жамияти амал қилиб турган вақт мобайнида муомалада бўлиши мумкин.

Акциялар икки турга бўлинади:

- ◆ оддий акциялар;
- ◆ имтиёзли акциялар.

Оддий акция акциядорлар йиғилишида овоз бериш хуқуқини беради, олинадиган дивиденд миқдори акциядорлик жамиятининг олган соф фойдасига боғлиқ ва бошқа ҳеч нарса билан кафолатланмаган.

Имтиёзли акциялар акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш хуқуқини ва бу билан корхонани бошқаришда иштирок этиш хуқуқини бермайди. Уларнинг имтиёзлилиги шундаки, хўжалик фаолияти натижаларидан қатъий назар кафолатланган даромадни олиш имкониятини, иккинчи томондан, акциядорлик жамияти тутатилган вақтда акциялар қийматини биринчи навбатда олиш хуқуқига эга.

Облигация (лотинча *obligatio* сўзидан олинган бўлиб, мажбурият маъносини англатади)- бу унинг эгаси қарз берганлигидан гувоҳлик берувчи, унга ушбу қимматли қоғознинг номинал қийматини унда кўрсатилган муддатда белгиланган (қатъий) фоиз тўланган ҳолда қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғозdir.

Облигация - бу бир шахснинг (инвесторнинг) бошқа бир шахсга(эмитентга) маблағларни вақтнчалик фойдаланиш учун берганлиги ҳақидаги гувоҳномадир. Облигациялардан олинадиган даромад фоиз кўринишида бўлади.

Хазина мажбуриятлари - бу уларнинг эгалари томонидан бюджетга пул маблағларини берганликларини тасдиқловчи ҳамда ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати давомида белгиланган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи давлат қимматли қоғозларидир. Улар жисмоний шахслар учун чиқариладиган қимматли қоғозлардир.

Депозит сертификатлари (инглизча *certifikate of deposit*)- бу пул маблағларини омонатга қўйилганлиги тўғрисида, омонатчига белгиланган муддат тугагандан сўнг депозит суммаси ва унга тегишли фоизларни олиш ҳуқуқини берувчи кредит муассасасининг гувоҳномасидир. (1994 йилдан бошлаб депозит сертификатлари юридик шахслар учун 1 йилгача муддатга, жисмоний шахлар учун 3 йилгача муддатга чиқарила бошланди.)

Вексел (немисча *wechsel* сўзидан) - бу вексел берувчининг ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда кўзда тутилган муддат келганда вексел эгасига маълум миқдордаги суммани тўлаш ҳақидаги сўзсиз мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғозdir. Амалдаги қонунчиликка кўра, векселлар корхона ва ташкилотлар томонидан аниқ савдо битими асосида зилиши мумкин.

Ҳосилавий қимматли қоғозлар- бу шартномалар бўлиб, улар бўйича бир томон қимматли қоғозларнинг маълум бир миқдорини маълум муддатда келишилган нархда сотиб олиш ёхуд сотиш ҳуқуки ёки мажбуриятини олади. Уларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- ◆ опцион;
- ◆ варрант;
- ◆ фьючерс.

Опцион (лотинча *option* сўзидан олинган бўлиб, танлов деган маънони англатади) - бу битимда иштирок этаётган томонларнинг бирига қимматли қоғозлар маълум бир миқдорини муайян вақт мобайнида белгиланган нархда сотиб олиш ёки контрагентга сотиш ҳуқуқини берувчи шартномадир. Контрагент эса, мукофот эвазига ушбу ҳуқуқни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Варрант (немисча *warrant* сўзидан) - бу унинг эгаси маълум муддат давомида ёки маълум бир кунда варрантлар эмитенти томонидан дастлабки чиқарилган қимматли қоғозларни харид қилиш ҳуқуқини олганлиги тасдиқловчи ҳужжат.

Фьючерс (инглизча *future* сўзидан олинган бўлиб, келажак маъносини англатади) келишилган миқдордаги қимматликларни маълум вақт мобайнида битим тузиш вақтида белгиланган нархда етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларни ўзида намоён қилади.

Республикамиз амалиётида узок муддатли молиявий инвестицияларни йўналтиришнинг асосий воситаси акциядорлик жамияtlарининг қимматли қоғозларини харид қилиш ҳисобланмоқда.

Корхонанинг шўъба корхоналар, қўшма корхоналар ва қарам бирлашмаларга инвестициялари мавжудлиги уларни бухгалтерия ҳисобида алоҳида туркумларга ажратишни тақозо этади.

7.3. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ҲИСОБДА АКС ЭТТИРИШ.

0610 "Қимматли қоғозлар" счётида давлат фоизли облигациялари ва маҳаллий қарзлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга қилинган узоқ муддатли инвестиция (қуйилма)ларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олиш баҳосида 0610 "Қимматли қоғозлар" счётининг дебетида ушбу қўйилмалар ҳисобига берилган қийматликлар ҳисобга олинадиган счёtlар билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

Агар корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва шу каби бошқа қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ қисми ҳисобдан чиқарилади. Бунда **9690** "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар" счётининг дебети ва **0610** "Қимматли қоғозлар" счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Агар корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва шу каби бошқа қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ қисми қўшимча ҳисобланади. Бунда **0610** "Қимматли қоғозлар" счётининг дебети ва **9590** "Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари" счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган ҳар иккала ҳолатда ҳам қимматли қоғозларни қоплаш муддати келганда 0610 "Қимматли қоғозлар" счётида ҳисобга олинган баҳо номинал қийматга тўғри келиши лозим.

7.4. АКЦИЯЛАРНИ ҶАЙТАРИБ СОТИШ ҲИСОБИ. ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШДАН ВА ФОЙДАЛАНИШДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ОЛДИНДАН ҲАМДА КЕЙИН АНИҚЛАШ ҲИСОБИ.

Дивиденд лотинча *dividends* сўзидан олинган бўлиб, бўлишга тегишли деган маънени англатади.

Акциялар бўйича олинган даромад дивиденд деб номланади. Дивиденд, одатда, акциядорлик жамиятининг фойдасига боғлиқ бўлади. Агар компания ҳисобот йили натижаларига кўра фойдага эга бўлса, катта дивиденд тўлаш имконияти бўлади ва аксинча.

Корхонанинг таъсисчилар олдида дивидендлар бўйича ва чиқиб кетаётган таъсисчилар олдида уларнинг улушлари бўйича жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуидаги счёtlарда амалга оширилади:

6610 "Тўланадиган дивидендлар";

6620 "Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар".


Корхона раҳбарияти томонидан акцияларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор эълон қилингандан сўнг, дивиденд суммаси жорий мажбурият сифатида акс эттирилади. Дивидендлар акциялар бўйича қонунчиликка мувофиқ тақсимланади.

6610 "Тўланадиган дивидендлар" счёти ҳисобланган дивиденд суммасига 8710 "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)" счёти билан боғланган ҳолда кредитланади.

6620 "Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар" счётининг кредит томонида корхонанинг чиқиб кетаётган таъсисчиси улушлари бўйича ҳисобланган мажбуриятлари суммаси 8330 "Пай ва улушлар", 8610 "Сотиб олинган хусусий акциялар -

оддий”, 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли” счёtlари билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6610 “Тўланадиган дивидендлар”, 6620 “Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар” счёtlари бўйича аналитик ҳисоб (кўрсатувчига акциялардан ташқари) ҳар бир таъсисчи бўйича алоҳида юритилади.



Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счёtlар (6600)нинг бошқа счёtlар билан боғланиши

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|---|--|-----------------------|-----------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Акциядорларга дивидендлар ҳисобланди | 8710 | 6610 |
| 2 | Дивиденд тўлаш манбаида даромад солиғи ҳисобланди | 6610 | 6410 |
| 3 | Ҳисобланган дивидендлар тўланди | 6610 | 5010-5530 |
| 4 | Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар ҳисобланди | 8330, 8610, 8620 | 6620 |
| 5 | Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар тўланди | 6620 | 5010-5530 |

Қиматли қоғозлар сотиб олинганда уларнинг харид қиймати бўйича баҳоланади ва улар 58 00 счётида юритилади.

Мисол: корхона 10 миллион сўм маблагини 1 йилга 12 % ҳисобига бошқа корхонага берди.

| № | Операциялар | Дт | Кт | Сумма |
|--------------|------------------------------|------|------|------------|
| Қарз берувчи | | | | |
| 1 | Бошқа корхонага қарз берилди | 5820 | 5110 | 10 000 000 |
| 2 | Фоиз ҳисобланди | 4830 | 9530 | 1 200 000 |
| 3 | Карз қайтарилди | 5110 | 5820 | 10 000 000 |
| 4 | Фоиз тўланди | 5110 | 4830 | 1 200 000 |
| Қарз олувчи | | | | |
| 1 | Карз олинди | 5110 | 6820 | 10 000 000 |
| 2 | Фоиз ҳисобланди | 9610 | 6920 | 1 200 000 |

| | | | | |
|---|----------------|------|------|------------|
| 3 | Қарз қайтарили | 6820 | 5110 | 10 000 000 |
| 4 | Фоиз туланди | 6920 | 5110 | 1 200 000 |

Устав капиталининг акцияларинисотган корхона эмитент дейилади, акцияларни пулга сотиб олган корхона инвестор дейилади. Қимматли қофозлар эмитент мулкига эгалик қилиш хуқуқини тасдиқловчи гувохнома бўлиб хисобланади.

Инвесторга тегишли бўлган қимматли қофозлар эмитен устав капиталида улушкига қараб қуидагича гурухланади:

1. Инвестор 20 % дан кам миқдорда овоз бериш хуқуқига эга бўлган акцияларга инвестиция киритганида инвестициялар пул маблағларини таннархи бўйича хисобга олинади.
2. Инвестор 20 % дан 50 % гача акцияларга эга бўлса, бунда инвестор эмитантга ахамиятли таъсир кўрсатиши мумкин деб хисобланади. Шунинг учун акциялар таннархи бўйича ва эмитент корхонанинг тақсимланмаган фойдасидаги инвесторнинг улушини қўшган холда хисобга олиниши керак.

Мисол: “Азия” АЖ “Гулшан” АЖ нинг овоз бериш хуқуқига эга бўлган 10 000 дона акцияларини 500 сўмдан сотиб олди. Бу “Гулшан” АЖ нинг акцияларини 40 % ини ташкил қиласи. Хисобот йили тугаганидан сўнг “Гулшан” АЖ томонидан эълон қиласи. Дивидентлар 180 000 сўм, унинг тақсимланмаган фойдаси 160 000 сўмни ташкил қиласи.

| | | | | |
|---|------------------------------------|------|------|-----------|
| | | | | |
| 1 | “Гулшан” АЖ акциялари сотиб олинди | 0610 | 5110 | 5 000 000 |
| 2 | Дивидент эълон қилинди | 4840 | 0610 | 72 000 |
| 3 | Тақсимланмаган фойдан хисобланди | 0610 | 9520 | 64 000 |

3. ИНвестор 50 % дан кўп акцияларга эга бўлганида. Инвестор эмитентнинг назорат тўпламига (контрольний пакет) эга бўлади. Бунда инвестор жамланган йифма хисобот тузиши лозим. Корхонада мавжуд бўлган инвестицияларнинг барча турларининг йиғиндиси инвестицион портфель дейилади

Назорат учун саволлар

1. Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида инвестицияларнинг роли ва бу соҳада хисобнинг вазифаларини айтиб беринг?
2. Инвестицияларнинг таркиби мазмунини?
3. Қимматли қофозларининг мазмунини айтиб беринг?
4. Молиявий инвестициялар ҳисобининг олдига қўйилган вазифалар нималардан иборат?
5. Молиявий инвестициялар кирими қандай хужжатлар билан расмийлаштирилади?
6. 0610 "Қимматли қофозлар" счёти хўжалик ичидағи ҳаракати қандай расмийлаштирилади?
7. Узоқ муддатли молиявий инвестициялардан олинган даромадларнинг корхона молиявий натижаларида акс эттирилишини қандай хужжатлаштирилади?
8. Қисқа муддатли молиявий инвестицияларасосий тамойиллари нимадан иборат?
9. Эмиссия қиймати - қимматли қофозларни бирламчи жойлаштиришдаги сотиш нархи билан номинал қиймати орасидаги фарки нима деб юритилади?
10. Имтиёзли акциялар ва оддий акцияларни хисобга олиш учун қандай счёtlар белгиланган?

11. Акциялар бўйича олинган даромад дивидендҳисоби қайси журнал-ордер ва қайдномаларда юритилади?

8-МАВЗУ. МАҲСУЛОТ, ИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИ

Ўрганиладиган саволлар:

- 8.1. Тайёр маҳсулот (иш ва хизмат)лар ҳақида тушунча, уни омборга қабул қилиш тартиби, баҳолаш ва бухгалтериядаги синтетик ҳисоби.
- 8.2. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва унинг омборга келиб тушиши ҳисоби
- 8.3. Маҳсулот (иш ва хизмат)лар сотища маркетинг фаолиятининг вазифалари ва тақдим этадиган маълумотлардан бухгалтерия ҳисобида фойдаланиш.
- 8.4. Тайёр маҳсулотни юклаб жунатиш
- 8.5. Маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотиш ҳисоби

Таянч сўзлар: маҳсулот, товар, иш ва хизматлар, тайёр маҳсулот, маҳсулот таннархи, режа нарх, ҳақиқий таннарх, тара, сотиш харажатлари, ТНБ,

8.1.ТАЙЕР МАҲСУЛОТ (ИШ ВА ХИЗМАТ)ЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА, УНИ ОМБОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ, БАҲОЛАШ ВА БУХГАЛЬТЕРИЯДАГИ СИНТЕТИК ҲИСОБИ.

Тайёр маҳсулот - корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсулотидир.

Технологик ишлов беришнинг барча босуичларидан утган, тасдиқланган стандартлар ва техник шартларга маҳфий келадиган (унинг сифатини тасдиқлайдиган сертификат ёки бошқа хужжат билан таъминланган), техник назорат булими уабул уилган ва омборга топширилган ёки харидорга юклаб жунатилган маҳсулот тайёр маҳсулот деб ҳисобланади.

Тайёр маҳсулот айланма маблағлари таркибига киради ва шунинг учун «Бухгалтерия ҳисоби туғрисида»ги узбекистон Республикаси қонунига биноан у балансда ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалар, хомашё, материаллар, ёқилғи, қувват, меҳнат ресурслари ва уни ишлаб чиқаришга доир бошқа харажатлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни уз ичига оладиган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи буйича акс эттирилиши керак.

Тайёр маҳсулотнинг ҳауиий таннархини фауат ҳисбот даври (ой) тугаши билан ҳисоблаш мумкин. Маҳсулотнинг ҳаракати (ишлаб чиқариш, юклаб жунатиш, сотиш) эса ҳар куни юз беради, шунинг учун жорий ҳисоб учун маҳсулотнинг шартли баҳоси зарур.

Тайёр маҳсулот ҳаракатининг жорий, қундалик ҳисоби ҳисоб нархларида режадаги ишлаб чиқариш таннархи ёки шартномавий нархлар буйича юритилади.

Ой охирида тафовут (четга чиуиш) аникланади ва ҳисоб нархи ҳауиий таннархга уадар етказилади.

Жорий ҳисобда тайёр маҳсулотни баҳолаш «Товар-моддий бойликлар» деб номанлан 4-сонли БҲМСга биноан ФИФО ёки уртача ҳисоблаш (АВЕКО) усулларидан бирига кура амалга оширилиши мумкин.

8. 2. ТАЙЕР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ ВА УНИНГ ОМБОРГА КЕЛИБ ТУШИШИ ҲИСОБИ

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар цеҳидан тайёр маҳсулотлар омборига топширилади. Тайёр маҳсулотни омборга топшириш уабул қилиш топшириш юк хатлари билан расмийлаштирилади, уларда қўйидаги курсаткичлар урин олади: маҳсулотни уабул уилган омборнинг рауами (коди), маҳсулотнинг номи, унинг миқдори, улчов бирлиги, нархи ва суммаси. Бажарилган ишлар ва хизматлар уабул қилиш топшириш далолат номаси билан расмийлаштирилади.

Омборда тайёр маҳсулот омбор ҳисоб варака (карточка)ларида табиий куринишда, материаллар ҳисобига ухшаб ҳисобга олинади. Уларда ҳар бир кирим ва чиуим хужжати буйича маълумотлар ёзилади; ҳар бир ёзувдан кейин қолдиқ чиуарилади.

Топшириш юк хатлари асосида маҳсулот чиқариш уайдномалари тузилади, бунда тайёр маҳсулот уайдномаларда икки хил: ҳисоб нархларида ва ҳауиий таннархи буйича акс эттирилади.

Тайёр маҳсулотнинг синтетик ҳисоби 2810 «Тайёр маҳсулот» ҳисоб варагида юритилади.

Мисол. Ҳисобот даври мобайнида омборга ҳисоб нархлари буйича 80 минг сумлик тайёр маҳсулот келиб тушди. Ой охирида унинг ҳауиий таннархи белгиланди, у 75 минг сумни ташкил этди.

Келиб тушган маҳсулотга ҳисоб нархлари буйича қўйидаги утказма берилади:
Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - 80 минг сум.
К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 80 минг сум.

Ҳисоб нархининг ҳауиий таннарҳдан тафовути, агар ҳауиий таннарх ҳисоб нархидан оз бўлса, «Қизил сторно» усулида қўйидаги утказма билан расмийлаштирилади:
Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - 5 минг сум.
К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» -

Ҳауиунй таннарх ҳисоб нархидан ошиб кетса, фарқ қўшимча «уора» ёзув билан уша утказма ёрдамида ёзилади. (қўшимча бухгалтерия проводкаси берилади)

Мисол. Айтайлик, ишлаб чиуарилган маҳсулотнинг ҳауиий таннархи 90 минг сумни ташкил этди.

Ҳисобот даври давомида омборга тайёр маҳсулотнинг келиб тушиши:
Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - 80 минг сум.
К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 80 минг сум.

Ҳисобот даври охирида тайёр маҳсулот ҳақиуйй таннархининг ҳисобдан чиуарилиши учун 10 минг сумлик фарқ уша утказмада қўшимча ёзув билан ёзилади:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - 10 минг сум.
К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 10 минг

8.3. ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ ЮКЛАБ ЖУНАТИШ

Тайёр маҳсулотни бериш ва уни корхона омборидан юклаб жунатиш буйруу юк хат билан расмийлаштирилади, унга икки ҳужжат киритилган: омборга доир буйруу ва бериш учун юк хат. Улар асосида ҳисоб варак фактуралар ёзилади, уларда юклаб жунатилган маҳсулот миқдори ва ушбу маҳсулот учун тегишли сумма курсатилади. Юклаб жунатилган маҳсулотни ҳисобга олишнинг икки усулимавжуд: юклаб жунатиш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) топшириш ва банкка тулов ҳужжатаарини таудим этиш санаси пайти деб ҳисобланадиган биринчи усул (ҳисоблаш усули) ва харидордан олинган туловлар ҳисоб-китоб варагига уайд этилган сана сотиш пайти деб ҳисобланадиган иккинчи усул (касса усул) Бухгалтерия ҳисоби түғрисидаги Ўзбекистон Республикаси уонунининг 13-моддасига биноан ва Бухгалтерия Хисоби Стандартларига маҳфий даромад ва харажатлар ҳау тулаш вақти ва пул келиб тушиш санасидан уаътий назар улар таъллуули булган ҳисбот даврида акс эттирилади. Бинобарин Ўзбекистон Республикаси корхоналарини юклаб жунатилган маҳсулот ҳисобининг биринчи варианти уабул уилингган.

Юклаб жунатилган сотишга берилган лекин туланмаган маҳсулотнинг ҳисоби 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи ҳисоб варагида юритилади. Сотиш пайтида тайёр маҳсулот товарлар ишлар ва хизматлар таннархи харажатларини ҳисобга оловчи 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» 2810 «Тайёр маҳсулот», 2910 «Товарлар» ҳисобвараглари билан корреспондентланган ҳолда 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи», 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи», 9130 «Бажарган ишлар ва курсатилган хизматларнинг таннархи» ҳисобварагларининг дебетида акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи», 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи», 9130 «Бажарган ишлар ва курсатилган хизматларнинг таннархи» ҳисобвараглари 9910 «Якуний молиявий натижажа» ҳисобвараги билан ёпилади.

Харидоларга маҳсулот юклаб жунатилган пайтда ҳисоблаш усули билан қўйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

- сотилган маҳсулотнинг ҳауиий ишлаб чиқариш таннархига:
Д-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»,
К-т 2810 «Тайёр маҳсулот»
- савдода юклаб жунатилган маҳсулотларнинг ҳауиий таннархига:
Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»,
К-т 2910 «Товарлар»
- бажарилган ишлар, курсатилган хизматларнинг ҳақиуий таннархига:
Д-т 9130 «Бажарилган ишлар ва курсатилган хизматларнинг таннархи»
К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Ҳисобот даврининг охирида сотилган маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар таннархини ҳисобга олуви ҳисобвараглар 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварагига қуйидаги утказмалар билан ёпилади:

- Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа»
- К-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»
- К-т 9120 «Согилган товарларнинг таннархи»
- К-т 9130 «Бажарилган ишлар ва курсатилган хизматларнинг таннархи»

Жорий ҳисобда юклаб жунатилган тайёр маҳсулотлар ҳисоб (режадаги ёки сотиш) нархларида расмийлашгирлади. Чунки юклаб жунатиш пайтида унинг ҳақиуий таннархи номаълум булади. Ой охирида юклаб жунатилган маҳсулотнинг ҳауиий таннархи ва унинг ҳисоб нархлари билан фарқи аникланади.

Мисол. Юклаб жунатилган маҳсулотнинг ҳауиий таннархини ҳисоблаймиз, минг сум:

| рсаткичлар | собдаги нарх | Хақикий таннарх | ирк (К,-) |
|---|--------------|----------------------|-----------|
| бошига омбордаги тайёр маҳсулотнинг колдиги | 0 | 208 | |
| ираб чиқаришдан ҳисббот ойи давомида кабул килинган тайёр маҳсулот | 0 | 772 | |
| ами | 00 | 980 |) |
| қирик таннарнинг ҳисбдаги нархга нисбати, % $(30/1000*100)/98\%$ | | | |
| р ойда юклаб жунатилган маҳсулот | 0 | $882y(900*98\%/100)$ | |
| Ой охирига омбордаги тайёр маҳсулот колдиги | 0 | | |

Ой охирдаги фарқлар суммасига қуйидагича утказмалар берилади:

Д-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»-18 минг сум.

К-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - 18 минг сум;

8.4. МАҲСУЛОТ, ТОВАРЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИ

Сотиш жараёни икки томонлама хусусиятга эга. Бир томондан, у маҳсулот бериш, иш бажарши, хизмат курсатишнинг моддий-ашёвий жараёни, бошқа томондан эса у маҳсулот, иш, хизматларга ҳау тулаш жараёнидир. Ушбу жараёнлар вауг буйича мос тушмайди, улар амалга ошириладиган хўжалик операциялари хусусиятига кура фарқланади.

Сотиш жараёнида корхона даромад олади, уни туғри улчаш ва уз вақтида ҳисобга уйиши керак, чунки корхона бюджетга тулаши зарур булган солиқларнинг миқдори ана шунга боғлиқ.

Маҳсулот(ишлар ва хизматлар) сотилишидан олинадиган даромадни ҳисобга олиш тартиби «Асосий фаолиятдан олинган даромадлар» деган 2-сон БҲМСда келтирилган. Ушбу стандартга кура қуйидаги шартлар бажарилганда товарларни сотишдан даромад олинган деб тан олинади:

—агар корхона харидорга товарларга эгалик килишга доир хатарлар ва имтиёзларнинг анчагина қисмини берса;

—корхона сотилган товарларга эгалик қилиш ва уларни назорат уилий ҳукууини саулагаб уолмаса;

—даромад суммаси ҳаууонийликнинг катга даражаси билан баҳоланиши мумкин;

—корхонага битим билан боғлиқ даромаднинг келиб тушиш эҳтимоли мавжуд.

Маҳсулотлар, ишлар хизматлар соталишининг ҳисоби 9000 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга оловчи счёtlар» счёtlарида олиб борилади. Ушбу ҳисобвараклар гурухи тайёр маҳрулот, товарлар, бажарилган ишлар ва уурсатилган хизматлар сотилиши жараёни туғрисидаги маълумотни умумлаштриш учун мулжалланган.

9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлардан олинган даромадлар» ҳисобваракларнинг кредитида, олинадиган, пул маблағлари ёки утган даврда олинган, лекин ҳисобот даврига таъллуули булган даромадлар ҳисобвараклари билан корреспондентланган ҳолда, даромадлар акс эттирилади.

Юуоридаги 9010,9020,9030 счёtlари ҳисобот даврининг охирида 9910 «Якуний молиявий натижажа» ҳисобвараги билан ёпилади.

Асосий воситалар (9210 «Асосий воситаларнинг реализация уилиниши ва бошқача чиуиб кетиши») ва бошқа активларнинг (9220 «Бошқа активларнинг реализация уилиниши ва бошқача чиуиб кетиши») сотилишидан натижалар алоҳида ҳисобваракларда аникланади ва ҳисобга олинади.

Бозор иугисодиёти шароитларида корхоналар уз маҳсулотлари сифатига турли хил кафолатларни берадилар, шунинг учун харидорни юклаб жунатилган маҳсулот сифати уониутирмаса, у олинган товарни қайтариш ҳуқуқига эга. Бу холатда қайтарилган товар ёки маҳсулотнинг ҳисоби 9040 «Сотилган товарларни қайтариш» ҳисобварагида олиб борилади. Бу ҳисобварак 9000 гурухли даромадларни ҳисобга олиш ҳисобваракларига нисбатан контрпассив ҳисобланади ва даромадлар суммасини камайтиради.

Қайтарилган товар қиймати қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан уайд этилади:

- харидордан пул маблағлари олинган тақдирда, харидорга пул маблағларини қайтариш пайтида:

Д-т 9040 «Сотилган товарларни қайтариш» К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварага»

- харидорлардан пул маблағлари олинмаган тақдирда, харидорнинг дебиторлик қарзини бекор қилиш суммасига:

Д-т 9040 «Сотилган товарларни қайтариш» К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобвараклар»

- ҳисобланган уушилган уйимат солиғи, акциз солиға суммасига:

Д-т 6410 «Бюджетта қарзлар буйича туловлар (турлари буйича)»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги» ёки 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобвараклар» қайтарилган маҳсулот ёки товарлар таннахи қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» ёки 2910 «Товарлар» К-т 9110, 9120 «Сотилган товарларнинг таннахи» Ҳисобот даврининг охирида 9040 «Сотилган товарларни қайтариш» ҳисобвараги қуйидаги тарзда ёпилади:

Д-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олингандаромадлар» К-т 9040 «Сотилган товарларни қайтариш»

Шартнома шартларига маҳфий корхоналар харидорларга шартномада белгиланган муддатдан олдин тulos учун чегирмалар ёки яроусиз маҳсулот буйича нархлардан

чегирмалар, шунингдек катга ҳажмда товар сотиб олганлиги учун чегирмалар бериши мумкин. Бундай чегирмалар 9050 «Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» маҳсус ҳисобварағда ҳисобга олинади. Бу ҳисобварақ 9000 гуруҳдаги даромадларни ҳисобга олиш ҳисобваракларига нисбатан контрапассив ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ёки курсатилган хизматлар сотилишидан олинган суммани камайтиради.

Берилган чегирмалар суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Д-т 9050 «Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобвараклар» ёки 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Ҳисбот даврининг охирида 9050 «Харидорларга ва бу-юртмачиларга берилган чегирмалар» Ҳисобварағи қуйидаги тарзда ёпилади:

Д-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» К-т 9050 «Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

Юклаб жуннатиш ва сотишнинг ҳисоби, 2810, 9410, 9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 4010 ҳисобвараклари кредитида айланмаларни ва 9010, 9020, 9030 ҳисобвараклари учун таҳлилий маълумотларни уайд этиш учун мулжалланган 11-сонли журнал-ордерда ҳисобвараклар ва жамлама курсаткичлар буйича олиб борилади. 11-сонли журнал-ордер 15- ва 16-сонли уайдномаларнинг таҳлилий маълумотларига асосан тулдирилади. Шуни таъкидлаш лозимки, 9110 ва 9010 ҳисоб-варакларига таҳлилий маълумотлар 11-сонли журнал-ордерда, нафауат ҳисбот ойи буйича, балки йил бошидан, ҳауиий таннахии, ҳисоблаш нархлари, таудим этилган ҳисобвараклар ёки уларнинг урнини босувчи хужжатлардаги суммалар буйича келтирилади.

«Асосий фаолиятдан олинган даромадлар» деган 2-сон БХМС-нинг 18-моддасига кура оралиу туловлар ва харидорлардан бунаклар суммалари буйича даромадлар тан олинмайди, шунинг учун харидор ҳисоб-китоб варағига маҳсулот учун олдиндан ҳау утказса, у 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар» ҳисобварағида акс эттирилади.

Мисол. Корхона 300 минг сумлик маҳсулотини сотиш учун контракт тузди ва ҳаунинг 15%ини, яъни 45 минг сумни олдиндан олди. Олдиндан олингантуловга утказма берилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» - 45 минг сум.

К-т 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар» - 45 минг сум.

Ҳисобварақ фактура асосида товар юклаб жунатилганидан кейин утказма акс эттирилади:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобвараклар» - 300 минг сум.

К-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» - 300 минг сум.

Аввал олинги ҳау суммасига утказма берилади:

Д-т 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар» - 45 минг сум.

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобвараклар» - 45 минг сум.

Ҳисоб-китоб варағига харидорнинг уолган қарзи қайта-рилганидан сунг утказма берилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» - 255 минг сум. К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобвараклар» - 255 минг сум.

7.5. ТОВАРЛАР ҲИСОБИ

Савдо корхоналарида товарларни уабул қилиш етказиб берувчилар илова хужжатларига мазкур савдо корхонасининг-муҳри ва моддий жавобгар шахснинг имзоси қўйилиб, расмийлаштирилади.

Улгуржи савдода товарлар ҳисоб харид нархлари буйича юритилади.

Мисол. Етказиб берувчилардан 20 минг сумлик товар олинди. Савдо устамаси 20%, яни 4 минг сум. Сотиш нархи 24 минг сум булади.

Хисобваракларда бу вазият қуйидагича ёзилади

- товарнинг келиб тушиши:

Д-т 2910 «Омбордага товарлар» - 20 минг сум. К-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган хисобвараклар» 20 минг сум.

- товарнинг сотилиши:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган хисобвараклар» - 24 минг сум.

К-т 9020 «Товарни сотишдан олинган даромадлар» - 24 минг сум.

- сотилган товар хисобдан чиуарилиши:

Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» - 20 минг сум

К-т 2910 «Омбордаги товарлар» - 20 минг сум

- хисобот даврининг охирида даромадлар хисобварагининг ёпилиши:

Д-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» -24 минг сум

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 24 минг сум

- хисобот даврининг охирида товарлар таннархи буйича хисобварак ёпилиши:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 20 минг сум

К-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» - 20 минг сум

- молиявий натижанинг аникланиши ва хисобдан чиуарилиши:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 4 минг сум К-т 8710 «Тақсимланмаган фойда» - 4 минг сум. Чакана савдо корхоналарида товарлар хисоби одатда сотиш нархлари буйича юритилади, шунинг учун савдо устамаси 2980 «Савдо устамаси» хисобвараги кредитига кирим уилинади.

Чакана савдо корхоналарида юуорида келтирилган мисол бухгалтерия хисоби хисобваракларида қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 2920 «Чакана савдодаги товарлар» - 24 минг сум.

К-т 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган хисобвараклар» - 20 минг сум.

К-т 2980»Савдо устама» - 4 минг сум.

Товарлар сотилишидан тушумнинг келиб тушиши: - кассага:

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 24 минг сум.

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» - 24 минг сум.

- хисоб-китоб вараги:

Д-т 5110 «Хисоб-китоб вараги» - 24 минг сум.

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» -24 мингсум.

Сотилган товарлар ва устама қийматини хисобдан чиқариш қуйидаги утказма билан акс эттирилади:Д-т 2980 «Савдо устамаси» - 4 минг сум

Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» - 20 минг сум

у-т 2920 «Чакана савдодаги товарлар» - 24 минг сум.

Муомала чиуимлари хисоби 9410-9430 «Давр харажатлари» хисобварагида юритилади. Ушбу хисобварак дебетига ой давомида савдокорхонасининг харажатлари жамланади. Ой охирида ушбу харажатлар утказма билан хисобдан чиуарилади:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа».

К-т 9410-9430 «Давр харажатлари».

Аҳолидан сотиш учун товар уабул уилинадиган тижорат дуконларида унинг хисоби 004 «Комиссияга уабул уилинган товарлар» балансдан ташуари хисобварагида юритилади. Қабул уилинаётганда товар қиймати ушбу хисобварак дебетига ёзилади, товарлар сотилганида бу хисобварак кредитлнади. Сотиш учун товар топширган корхона комитетент деб номланади. Ҳар бир комитетент учун комитетент варагаси очилади, комитетентдан товар олиниши юк хатлар билан расмийлаштирилади.

Сотиш нархлари буйича товарларни сотиш қуидаги утказма билан акс этирилади.
Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»- 24 минг сум
К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» 4 минг сум.
К-т 6990 «Бошқа мажбуриятлар» - 20 минг сум. Кассадан комитеттеги берилади:
Д-т 6990 «Бошқа мажбуриятлар» - 20 минг сум.
К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»- 24 минг сум.
Дукон даромади куидаги утказма билан уайд этилади:
Д-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» - 4 минг сум.
К-т 9910 «Якуний молиявий натижеки» - 4 минг сум.

9-МАВЗУ. КАПИТАЛ, ФОНДЛАР ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Ўрганиладиган саволлар:

- 9.1.Хусусий капитал ва унинг таркиби.
- 9.2.Қўшилган капитал ҳисоби. Резерв капиталини ҳисобга олиш ва ишлатиш
- 9.3. Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар ҳисоби.
- 9.3. Давр харажатлари таркиби ва ҳисоби.
- 9.4. Молиявий фаолиятдан даромадлар ва харажатлар ҳисоби.
- 9.5. Фавқулодда фойда ва заарлар ҳисоби.
- 9.6. Умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижалар ҳисоби.
- 9.8. Якуний молиявий натижеки ҳисоби.

Таянч ибора ва сўзлар: хусусий капитал, қўшилган капитал, резерв капитали. Асосий фаолият, давр харажатлари, фавқулодда фойда, умумхўжалик фаолият, якуний натижеки.

9.1.ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ВА УНИНГ ТАРКИБИ.

Ҳар бир хўжалик субъекти ўзининг молиявий ресурсларини ташкил қилиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Бу маблағларнинг манбай эса фойда, амортизация ажратмаси, қимматли қофозларни сотишдан тушган маблағлар, акция эгаларининг бадаллари ва таъсисчиларнинг улушлари, кредитлар, ажратилган грантлар, мақсадли молиялаштириш маблағлари ва шунга ўхшаш йўналишдаги маблағлардир.

Субъектнинг хусусий капитали қонунга мувофиқ ёки таъсис хужжатлари асосида яратилган жамғармалар ва захиралар қўшилган ҳолда, уларнинг ҳаракати ва ҳолати ўрганилади ва назорат қилинади.

Хусусий капитал устав фондидан (устав капиталидан), қўшилган, захира капиталидан ва тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.¹⁴

Хусусий капитал хўжалик субъектининг активи ва мажбуриятлари ўртасидаги фаркни ўзида мужассамлаштиради. Хусусий капитал, ишлаб чиқариш ва мулк эгасига тўлаш, қўшимча инвестиция ва бошқа фаолиятларнинг натижаларига боғлиқ ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин. Хусусий капитал уч қисмдан ташкил топади:

- 1) Устав капитали;
- 2) Қўшилган капитал;
- 3) Резерв капитали.

Корхоналар ўз молиявий ва моддий ресурсларини мустакил шакллантириши талааб этилади. Бундай ресурслар, одатда, хўжалик субъектлари таъсисчилари томонидан ўз хусусий мулкларини устав капиталига улуш сифатида қўшиш билан амалга оширилади. Ушбу молиявий ресурсларнинг асосий манбалари бўлиб фойда, амортизация ажратмалари, акция ва облигацияларни сотишдан олинган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари ҳисобланади.

9.2. ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИНГ КОРХОНАДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ҲИСОБИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

¹⁴ “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404, 19-модда.

Бугунги кунда республикамизда турли мулкчилик шаклидаги корхоналар ўз фаолиятларини амалга ошириб келмоқда. Буларга давлат мулки шаклидаги, акциядорлик жамияти шаклидаги, маъсулияти чекланган жамият шаклидаги, қўшма корхона шаклидаги ва бошқа корхоналар киради. Шу боисдан уларнинг капиталларини шаклланиш манбалари турлича бўлиб, улар қўйидагиларга бўлинади.

Давлат корхонасининг устав капитали - давлат томонидан корхонанинг доимий тасарруфига текинга берилган моддий ва пул маблағлари суммасидир. Устав капитали ҳисобига асосий ва айланма маблағлар шаклланади.

Акциядорлик жамияти устав капитали унинг акциядорлари сотиб оладиган акцияларининг номинал қийматидан иборат бўлади. Бунда чиқариладиган жамия акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши мумкин.

Акциядорлик жамиятининг устав капитали миқдори қўпайиши ёки камайиши мумкин. Устав капиталини қўпайтириш қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Жамият томонидан қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар миқдори доирасида жойлаштирилиши мумкин.

Амалдаги қонунларга мувофиқ ҳиссаларга бўлинган устав капиталига эга бўлган жамият **маъсулияти чекланган жамият** деб аталади. Бундай жамият устав капиталидаги бўлинган ҳиссалар миқдори таъсис хужжатларида белгилаб қўйилади, унинг иштирокчилари мажбуриятлар бўйича фақат ўз мулки доирасида жавоб беради.

Маъсулияти чекланган жамиятнинг устав капитали фақат муассисларнинг ҳиссалари ҳисобига ташкил топади ва унинг қўпайиши ёки камайиши ҳамманинг розилиги билан ҳисса қўшувчиларнинг қўпайиши ёки камайиши билан юз бериши мумкин.

Жамият иштирокчиси ўз ҳиссасини жамият рўйхатга олинган санадан кейин бир йил давомида тўлаши лозим.

Қўшма корхона Ўзбекистон ҳамда хориж корхоналари ҳиссалари асосида ташкил топади. Қўшма корхонанинг устав капиталига ҳисса тариқасида табиат ресурсларидан, интеллектуал мулкдан фойдаланиш хуқуқи, ноу-хау, моддий ва пул воситалари, шу жумладан, чет эл валютаси берилиши мумкин. Барча мулк шаклларида корхоналарда капитал, резервлар ва тақсимланмаган фойда бўйича бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ◆ Устав капиталини шаклланиши ва ундан фойдаланишини назорат қилиш;
- ◆ Корхона муассислари, капиталнинг шаклланиш босқичлари ва акциялар турлари бўйича ахборот тўплаш;
- ◆ Устав капиталининг ҳолати ва харакати хусусида ҳисбот тузиш бўйича маълумотлар олишни таъминлаш;
- ◆ Қўшилган капитал ҳамда резерв капиталининг шаклланиши билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида ҳисобда акс эттириш.

Корхона соф фойдасининг шаклланиши ва унинг тақсимланишини ўз вақтида ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш.

9.3. УСТАВ КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.

Устав фонди (устав капитали) таъсис хужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пулда ифодаланган ҳолдаги) йиғиндисини акс эттиради. Устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар шаклида киритиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар (иштирокчилар) ўртасидаги келишувга кўра баҳоланади, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланиши керак.¹⁵

¹⁵“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404, 19-модда.

Устав капитали - хуқуқлар ва имтиёзлар олиш учун корхона муассислари томонидан таъсис ҳужжатларига мувофиқ қўшилган (тўланган) ҳамда корхонанинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий бойликлар, пул маблағлари ва харажатлар мажмуидир.

Устав капиталини ташкил қилиш амалдаги қонунлар ва таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Устав капиталига ҳисса шаклида қўшиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади.

Устав капитали ўзида хўжалик субъектини ташкил қилиш вақтида унинг таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда фаолият қўрсатишни таъминлаш учун таъсисчиларнинг улушлари йигиндинин ифодалайди.

Ташкил этилаётган хўжалик субъектининг устав капитали унинг муассислари (иштирокчилари) томонидан киритилган маблағлар ҳисобига жамланади. У муассисларнинг умумий мол-мулки ва айни вақтдаги юридик шахс сифатида субъектнинг мол-мулки ҳам ҳисобланади. Демак, бу устав капитали бир томондан корхона ўз маблағлари манбай бўлса, иккинчи томондан эса, ҳар бир муассиснинг мол-мулкидир.

Устав капиталининг шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ташкилий - хуқуқий шаклларига мувофиқ таъсис ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Мулкчиликнинг турли шакллардаги корхоналарда устав капиталининг миқдори қуйидагича белгиланади:

- акциядорлик жасамиятларида - устав капитали номинали бўйича акциялар жами қийматига мувофиқ;

- мулкка жамоа эгалиги бўлган корхоналарда - барча ходимлар улушлари суммасига мувофиқ;

- давлат корхоналарида - устав капитали давлат хўжалигини амалга ошириш учун корхонага бириктириб қўйилган мол-мулк суммасига мувофиқ;

- масъулияти чекланган жасамият(ширкат)ларда - таъсис ҳужжатларига биноан мулкка эгалик ҳиссалари суммасига мувофиқ;

- давлатга қарашли корхоналарда - устав фонди миқдори унинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан бириктирилган мол-мулк суммасига мувофиқ келади. Бу миқдор таъсис ҳужжатларида корхонани ташкил қилиш ва унинг балансига мол-мулкни ўtkазиш тўғрисидаги буйруқда қайд этилган миқдорга мос келиши керак.

Давлат корхонасининг устав капитали - давлат томонидан корхонанинг доимий тасарруфига текинга берилган моддий ва пул маблағлари суммасидир. Устав капитали ҳисобига асосий ва айланма маблағлар шаклланади.

Устав капиталининг бухгалтерия ҳисоби қуйидаги асосий меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади: «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун¹⁶, «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисботлар» 1-сон БХМС, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» 21-сон БХМС, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисбот» 14-сон БХМС, «Бухгалтерия баланси» 15-сон БХМС ва бошқалар.

Устав капитали бўйича муомалалар ҳисоби 8300-«Устав капиталини ҳисобга оловчи счёtlар» счётида ҳисобга олинади. Ушбу счёт қуйидаги учта счёtnи ўзида жамлайди:

8310-Оддий акциялар

8320-Имтиёзли акциялар

8330-Пай ва улушлар

¹⁶ «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш хақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.

8310-Оддий акциялар счёти давлат ихтёридаги корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг устав фондини ҳамда акциядорлик ва ширкат жамиятларининг устав капиталини ҳисобга олиш учун хизмат қилади.

8320-Имтиёзли акциялар счётида имтиёзли акциялар кўринишида муомалага чиқарилган акциядорлик капиталининг миқдори ҳисобга олинади.

8330-Пай ва улушилар счётида акциядорлик шаклидан ташқари, бошқа мулкчилик турларида ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капитали шаклланиши ҳисобга олинади.

Мисол: “Файз” масъулияти чекланган жамияти рўйхатдан ўтган пайтда унинг кстав капитали миқдори ЭКИХнинг 40 баробари қилиб белгиланган. Ушбу жараён қуидагича акс эттирилади:

Д-т 8330 – 5 209 600 сўм

Корхонанинг акциядорлик капитали ҳисобида рўйхатдан ўтган, лекин эмиссияси тугалланмаган миқдорда ҳисобга олиниши сабабли эълон қилинган (чиқаришга рухсат берилган), чиқарилган (акциядорлар томонидан обуна амалга оширилган) ва муомаладаги оддий акцияларнинг ҳар қайси эмиссияси бўйича алоҳида таҳлилий счёт юритиш талаб қилинади.

Хўжалик субъектининг иқтисодий фаолияти давомида унда устав капиталини ошириш ёки камайтириш зарурияти пайдо бўлиши мумкин. Бунда муассислар қарори билангина устав капиталини ўзгаришишга йўл қўйилади ва матбуотда унинг ўзгариши ҳақида эълон берилади ҳамда таъсис хужжатлари қайта рўйхатдан ўтказилади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, устав капиталининг оширилиши таъсисчиларнинг қўшимча қўйилмалари ҳисобига ёки тақсимланмаган фойдадан ажратма қилиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Масалан: хўжалик субъекти устав капиталини тақсимланмаган фойда ҳисобидан 5 000000 сўмга оширишига қарор қилди. Бу бухгалтерия ҳисоби счётларида қуидагича акс эттирилади:

Д-т 8710 – 5 000 000 сўм

К-т 8330 -5 000 000 сўм

Баъзи ҳолларда устав капиталига янги муассис келиб қўшилиши мумкин. Бу эса қуидаги йўллар билан амалга оширилади:

- устав капитали улушкини бир ёки бир неча шерикдан сотиб олиш;
- қўшимча сармоя киритиш.

Масалан: хўжалик субъекти устав капиталини тақсимланмаган фойда ҳисобидан 5 000000 сўмга оширишига қарор қилди. Бу бухгалтерия ҳисоби счётларида қуидагича акс эттирилади:

Д-т 8710 – 5 000 000 сўм

Устав капитали – таъсис ҳужжатларида белгиланган доирадаги фаолиятни таъминлаш учун хўжалик субъектини ташкил этиш чоғида унинг мулкига муассислар (аъзолар) қўшган улушларининг йиғиндиси (номинал қиймати бўйича ҳиссалари, акциялар) пул бирлигига ифодалашдир.

Шундай қилиб, ташкил этилган хўжалик субъектининг устав капитали унинг муассислари томонидан қўшилган маблағларидан тўпланиб боради. У бир вақтнинг ўзида муассисларнинг жамоавий мулки ҳамда юридик шахс бўлган хўжалик субъектининг мулки ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан қараганда устав капитали бир томондан хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари фонди, бошқа томондан эса ҳар бир муассиснинг мулки сифатида намоён бўлади.

Устав капиталини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ташкилий-хукуқий шаклига мувофиқ таъсис ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Уставни рўйхатга ўтказиш пайтида эълон қилинган устав капиталининг бутун миқдори қуйидаги проводка орқали ифодаланади:

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдорлар қарзлари» счёти дебети.

8310 – «Устав капитали» счёти кредити.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик субъекти мулкдорлар хўжалик субъекти рўйхатидан ўтказилгандан кейин бир йил мобайнида ўз улушларини тўлиқ қўшишлари шарт.

Хўжалик фаолиятининг З та асосий ташкилий-хукуқий шакли мавжуд: якка эгалик, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари акциядорлик жамияти (корпорация).

Якка эгаликдаги уставни рўйхатга ўтказиш чоғида рўйхатга олинган устав капитали (УК) ҳажми ёзуvida қайд этилади:

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдорларнинг қарзи» счёти дебети.

8330 – «Устав капитали» счёти кредити.

Бунда 8330 – счётда хўжалик юритувчи субъект ягона мулкдор улушининг миқдори акс эттирилади. Хусусий корхона амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ўз уставини устав капитали миқдорини маълум қилмасдан ҳам рўйхатдан ўтказиш хукуқига эга.

Устав капиталига улушларнинг келиб тушиши устав капитали ҳисоб варагига таъсир кўрсатмайди, балки муассис қарзини сўндиради. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ устав капиталига бадаллар даромад ҳисобланмайди ва солиққа тортилмайди.



Мисол. «Бобур» АЖ уставида 1 000 сўмлик номинал қийматга эга бўлган 20000 дона оддий акциялар чиқаришга рухсат этилган.

Эълон қилинган акциядорлик капиталига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4610-20000000 сўм

К-т 8310-20000000 сўм

Корхона рўйхатдан ўтганидан сўнг рўйхатдан ўтказилган устав капитали суммасига корхона олдида муассисларнинг қарзи вужудга келади. Таъсисчиларнинг устав капиталига бўлган қарзлари бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг ҳисоби 4610-«Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётида олиб борилади.

4610-счёт актив бўлиб, дебет сальдоси таъсисчиларнинг ой бошига бўлган сальдосини кўрсатади. Дебет обороти ҳисобот ойидаги вужудга келган таъсисчиларнинг қарзларини акс эттираса, кредит обороти таъсисчилар томонидан ўтказиб берилган пул маблағлари, моддий қийматликлар ва мулклар қийматини кўрсатади.

Таъсисчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисобини юритиш учун асос бўлиб таъсис ҳужжатлари, асосий воситалар ва номоддий активларни қабул-қилиш-топшириш далолатномалари, кирим касса ордерлари ва бошқалар ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказилган устав капитали суммасига 4610-«Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счёти дебетланиб, 8310-«Оддий акциялар», 8320-«Имтиёзли акциялар» ва 8330-«Пайлар ва улушлар» счёtlари кредитланади.

4610-«Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счёти бўйича счёtlар корреспонденцияси

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlар корреспонденцияси | |
|----|--|------------------------------|------------------------|
| | | дебет | кредит |
| 1. | Устав капиталига улушлари бўйича таъсисчилар қарзларининг ташкил этилиши | 4610 | 8310, 8320, 8330 |
| 2. | Таъсисчилар қарзларининг асосий воситалар тарзида тўланиши | 0110-0190 | 4610 |
| 3. | Таъсисчилар қарзларининг номоддий активлар тарзида тўланиши | 0410-0490 | 4610 |
| 4. | Таъсисчилар қарзларининг пул маблағларини бериш йўли билан тўланиши | 5010, 5110, 5210 | 4610 |
| 5. | Таъсисчилар қарзларининг бошқа активлар тарзида тўланиши | 1010-1090, 2910 | 4610 |

9.2. ҚЎШИЛГАН КАПИТАЛ ҲИСОБИ. РЕЗЕРВ КАПИТАЛИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ИШЛАТИШ.

Қўшилган капитал оддий ва имтиёзли акцияларни сотищдан олинган суммалар номинал қийматидан ошиқча суммалар, бундан ташқари, қайтариб бермаслик шарти билан олинган мулклар қийматининг йифиндисидан ташкил топади.

Қўшилган капитал, акцияларнинг номинал қийматидан ошиқча баҳоси бўйича биринчи сотувдан олинган эмиссия даромадини акс эттиради. Бундан ташқари, қўшилган капиталнинг таркибида устав капиталига қўйилган омонатларни тўлашда ҳосил бўладиган курсдаги фарқларнинг суммаси ҳам ҳисобга олинади.

Қўшилган капиталнинг мавжудлиги ва ҳаракати қўйидагича:

8410 – «Эмиссия даромадлари»

8420–«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счёtlарида юритилади.

8410 – «Эмиссия даромадлари» счёти акцияларининг номинал қийматидан юқори олинган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Келиб тушган суммалар 8410 – «Эмиссия даромадлари» счётининг кредити бўйича ҳисобга олинади, хусусий акцияларни сотиб олишда ва сотиб олинган хусусий акцияларни бекор қилишда курсдаги фарқларни қоплаш учун фойдаланилганда ушбу муомалалар бу счётнинг дебети бўйича ҳисобга олинади.

8420 –«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счёти устав капиталини шакллантириш жараёнида ҳосил бўладиган курсдаги фарқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Валюта ва валюта қийматликлари ҳисобига устав капиталини шакллантириш вақтида устав капиталига бадал тўлаш вақтида амал қилинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича баҳоланади.

Валюта ва валюта қийматликларини баҳолаш ва бошқа мулкларни рўйхатдан ўтказиш вақтида таъсис ҳужжатларидағи баҳолардан фарқ қилиши мумкин. Ҳосил бўлган бу курсдаги фарқлар 8420 –«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счётида ҳисобга олинади. Баҳолардаги ижобий фарқлар, мулклар, валюта ва валюта қийматликлари счётларининг дебети бўйича ва 8420 –«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счёти кредити бўйича, салбий фарқлар эса тескари тартибда бухгалтерия проводкалари бўйича акс эттирилади. Баҳолардаги ва курсдаги баҳолашнинг бу тартибда ҳисобдан чиқарилиши таъсис ҳужжатларида олдиндан келишилган устав капиталидаги таъсисчилар улушининг ўзгармаслигига имкон беради.

Амалдаги қонунчиликка биноан корхонада **резерв капитали** ташкил этилади. Унинг миқдори жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Резерв капитали ҳар йили соф фойдадан ажратмалар ўтказиш йўли билан жамият уставида белгиланган миқдорга етгунча ташкил этилади. Резерв капитали корхона кўрган заарини қоплаш, имтиёзли акциялар учун дивиденд тўлаш, акциядорлар талабига кўра акцияларни қайта сотиб олиш учун ишлатилади. Шу билан биргаликда резерв капитали счёtlари узоқ муддатли активларни қайта баҳолашда юзага келадиган инфляцион резервларга мувофиқ фойда ҳисобидан ташкил қилинадиган резерв ҳисоби учун мўлжалланган.

Резерв капитали ҳисоби қўйидаги счёtlarda юритилади:

8510-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

8520-«Резерв капитали»;

8530-«Бегараз олинган мол-мулк».

8510 - «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти қайта баҳолаш натижасида активлар қийматини ошишини ҳисобга олади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш, одатда, хукумат қарорига кўра, номоддий активлар, қимматли қофозлар ва бошқа узоқ муддатли инвестицияларни бозор қийматигача қайта баҳолаш активнинг бозор қийматини аниқ белгилаши мумкин бўлган шароитда хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатига мувофиқ амалга оширилади. Бунда, қайта баҳолашни шундай амалга ошириш керакки, ҳар бир ҳисобот санасидаги активнинг баланс қийматини унинг бозор қийматидан кескин фарқланмасин.

Мисол. Компаниянинг қимматли қофозлари 800 минг сўмлик баланс қийматига эга. Уларнинг ҳисобот даври охиридаги бозор қиймати 880 минг сўмга ошган.

Агар хўжалик юритувчи субъект ўз инвестицияларини қайта баҳолангандан қиймати бўйича ҳисобга олса, у ҳолда қайта баҳолашдан олинган даромад резерв сармоя счёtlарида акс эттирилиши лозим.

0610 – «Қимматли қофозлар» ҳисобвараги дебети – 80000 сўм.

8510 – «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобвараги кредити 80000 сўм.

Агар навбатдаги ҳисобот даврига келиб бу қимматли қоғозларнинг бозор қиймати камайса, унда мазкур қимматли қоғозлар бўйича аввалги қайта баҳолаш доирасида резерв сармоянинг камайтириш ҳисобига уни қоплаш мумкин. Бу қимматли қоғозлар бўйича ташкил этилган резервдан ошувчи нархнинг пасайиш суммаси харажат сифатида тан олинади.

Асосий воситаларни (хукумат қарорига биноан) қайта баҳолаш суммаси, шунингдек, ўз капиталининг ошиши сифатида акс эттирилади.

Баланс қийматидан юқори баҳода бошқа хўжалик юритувчи субъект устав капиталига мол-мулкни киритиш чоғида ҳам «Резерв сармоя» счётида қўлланилади.

8520 – «Резерв капитали» счётидан турли резервларни ҳисобга олишда фойдаланилади.

Акциядорлик жамиятлари резерв капитали уставда белгиланган миқдорда унга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар йўли билан шакллантирилади:

8710 – «Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарап)» счёти дебети.

8510 – «Резерв капитали» счёти кредити.

9.6. МАҚСАДЛИ ТУШУМЛАР ҲИСОБИ.

Грантлар, субсидиялар ва беғараз ёрдамларни ҳисобга олиш 1998 йил 3 декабрда Адлия вазирлиги томонидан 562-рақам билан тасдиқланган «Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдамини изоҳлаш» номли 10-сон БХМС билан тартибиға солинади.

Грант (субсидия) деганда хўжалик юритувчи субъектларга улар белгиланган шартларни бажаргандарни иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида давлат ёки халқаро хорижий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган пул ёки натура ўринишидаги ёрдам тушунилади.

Шу билан биргаликда субсидия ва грантлар турли нодавлат, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан маълум дастурларни амалга ошириш учун корхоналар томонидан такдим этилиши мумкин.

Грант ва субсидиялар қуйидаги счёtlарда ҳисобга олинади:

8810-«Грантлар»;

8820-«Субсидиялар».

Мазкур счёtlарда ўз сармоясига киритилувчи ҳамда корхона фаолиятини молиялаш манбаи сифатида кўриб чиқиладиган ажратилган грант ва субсидияларнинг мавжудлиги ва харакати тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинади.

Пул шаклида олинган грантлар қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 5110, 5210-«Пул маблағлари»счёtlари

К-т 8810-«Грантлар».

Грантлар ҳисобига устав капиталининг ортиши қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 8810-«Грантлар»

К-т 8310, 8320, 8330 Устав капиталини ҳисобга олиш счёtlари.

Грант ажратган ташкилотнинг грант суммасини корхона устав сармоясига бадал сифатида киритиш ҳақидаги қарори зарур. Устав капиталининг ошишига ҳамда янги муассис пайдо бўлишига барча муассисларнинг розилиги ҳам керак ва таъсис хужжатларини қайта рўйхатдан ўтказиш лозим:

Д-т 8810-«Грантлар»

К-т 8530-«Текинга олинган мол-мулк».

Субсидияни олиш шакли уни ҳисобда акс эттириш тартибиға таъсир этмайди. Активларга тегишли давлат субсидиялари қуйидагича акс эттирилади:

◆ активнинг фойдали хизмат муддати давомида даромад сифатида тан олинадиган мақсадли тушумлар сифатида;

◆ келиб тушган активнинг баланс қийматини камайтиради ҳамда амортизацияланадиган активдан фойдаланиш муддати давомида хисобланадиган эскиришни қисқартириш йўли билан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Шунингдек, 8800-«Мақсадли тушумлар» гурухида қўйидаги счёtlар очилган:

8830-«Аъзолик бадаллари»

8840-«Мақсадли фойдаланилайдиган солиқ имтиёzlари».

8830-«Аъзолик бадаллари» счётида таъсис ҳужжатлари билан белгиланган жамият аъзоларининг аъзолик бадаллари акс эттирилади. Аъзолик бадалларининг тушуми 8830-«Аъзолик бадаллари» счёти кредити бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш счёtlари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлар суммаларини мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтиришнинг ҳисоби 8840-«Мақсадли фойдаланилайдиган солиқ имтиёzlари» счётида амалга оширилади.

Бюджетга тўловлар бўйича (турлари бўйича) қарзларни ҳисобга олиш счёtlари бўшаган маблағлар суммасига дебетланади, 8840-«Мақсадли фойдаланилайдиган солиқ имтиёzlари» счёти кредитланади. Солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлар суммалари имтиёzли давр кўrsatilgan тақдирда – имтиёzли давр тугагач, қолган ҳолларда эса - ҳар йили 8840-«Мақсадли фойдаланилайдиган солиқ имтиёzlари» счёти дебетидан 8530-«Бепул олинган мол-мулк» счёти кредитига ҳисобдан чиқарилади.

9.7. КЕЛГУСИ ХАРАЖАТЛАР ВА ТЎЛОВЛАР РЕЗЕРВНИИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ ҲИСОБИ.

8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви» счёти бир маромда харажат ва тўловларни ишлаб чиқариш ёки муомала харажатларига киритиш йўли билан белгиланган тартибда резерв қилинган суммалар холати ва харакати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш учун кўлланилади.

Хусусан, ушбу счётда асосий воситаларни таъмирлаш бўйича келгуси харажатлар суммасини акс эттириш мумкин. Резервнинг ҳосил бўлиши:

Д-т 2010, 2110, 2310, 2510 Ишлаб чиқариш харажатлари счёtlари

К-т 8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви».

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ бундай резервни ташкил қилиш тавсия қилинмайди, чунки корхона уни ташкил этишда ўз ҳисоботида амалга оширилмаган харажатларни акс эттириди ва фойдани камайтиради.

Тижорат корхоналари, агар ҳисоб сиёсатида бу акс эттирилган бўлса, фақат соф фойда ҳисобига резерв ташкил этишлари мумкин. Ишлаб чиқариш эҳтижжлари учун резервдан фойдаланишда солиқ солинадиган база мазкур харажатлар суммасига камайтирилади.

Корхоналарда ташкил этилган ушбу резервлардан асосий воситалар таъмир қилинаётганда ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

Илгари ташкил этилган резерв ҳисобидан асосий воситани капитал таъмир қилиш учун материаллар сарфланса, қўйидагича проводка берилади:

Д-т 8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви»

К-т 1010-«Хом-ашё ва материаллар».

Илгари резерв қилинган суммалар бўйича ҳисоб-китоб счёtlаридан харажатлар тўланса, қўйидагича ёзув қилинади:

Д-т 8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви»

К-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёti».

9.8. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ТЎҒРИ АНИҚЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРНИ ЙИЛ ДАВОМИДА ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

Молиявий натижа дейилганды, корхона, бирлашма, хиссадорлик жамияти ва ҳоказоларнинг маълум ҳисботов даврида, унинг тадбиркорлик фаолияти жараёнида узига қарашли маблағнинг ошиши (ёки камайиши) тушунилади. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисботов давридаги ҳамма фойдалар ва заарларни ҳисоблаш ҳамда баланс қилиш йули билан аниқланади. Фойда ва заарларни ҳисобга олиш учун шу номдаги счётдан фойдаланилади. Бу счёт актив-пассив счёт бўлиб, қолдиқ, унинг дебет ва кредит томонида булиши мумкин. Дебет томонидаги қолдиқ зарарни, кредит томонидаги қолдиқ эса фойдали ифодалайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона узининг ишлаб чиқариш тижорат фаолиятидан кўпроқдаромад олишдан манфаатдор. Аммо нафакат фойда, балки юкорида таъқидланганидек, зарар ҳам корхона хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси булиши мумкин. Бундай холат корхона самара бермайдиган ишлаб чиқариш усулларидан фойдаланса ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчилар талабини кондирмаса руй бериши мумкин.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги тизими шароитида фойда курсаткичи корхонанинг асосий ва оборот маблагларидан самарали фойдаланишин талаб ҳамда эҳтиёжга караб ишлаб чиқаришни мувофиклаштириши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчи талабига жавоб бера оладиган булиши, ишлаб чиқариш харидор учун хизмат қилиши лозим. Тула хўжалик ҳисбонинг муҳим тамойили корхонанинг тула мустақилликка эришуви ва харажатларни уз маблаги ҳисбидан тулик коплашдир. Бу дегани, корхона маҳсулот сотишдан олган маблагидан узининг ҳамма харажатларини коплайди ва ундан ташқари фойда ҳам олади. Фойдаинт бир кисми бюджетга солиқлар ҳамла бошқа туловларни тулаш учун сарфланади, колгани эса корхона ихтиёрида колади ва фаолиятни илмий-техник, икгисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбай бўлиб ҳисбланади. Корхона ихтиёрида қолган маблагни қандай масадларга сарфлашни унинг узи мустақил равишда ҳал қиласи.

Фойда, қўшилган қиймат солиги ва акциз солиги соф даромаднинг шакллари бўлиб ҳисбланади. Уларнинг ҳар бири ташқил топиш механизми ва улардан фойдаланиш йуналишлари буйича бир-биридан фарқ қиласи. қўшилган қиймат солиги ва акциз солиги давлат бюджетига маҳсулот сотилганидан кейин ўтказилади, бу маблар умумдавлат ҳамда умумхалқ максадлари учун сарфланади.

Фойда корхонанинг охири молиявий натижаси ҳисбланади. У меҳнатга ҳақ тулаш фонди билан бирга (фойданинг корхона ихтиёрида колган кисми) корхона даромадини ташқил қиласи. Бозор иқтисодиётига утиш шароитида фойда курсаткичини тўғри аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даромад ҳисбидан мазкур максадларга мулжалланган фондлар, резерв фонди ташқил булади, капитал қўйилмалар молиялаштирилади ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилади.

Молия натижалари микдорига жуда куп омиллар таъсир этади. Масалан, инфляция, валютанинг узгариб туриши, кредит сиёсати ва бошқалар. Ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги юкорида санаб утилган омиллар таъсири ҳисобга олинган холда молия натижалари аниқданиши, аниқланган молия натижаси хақикатни аниқ ва тўғри акс эттириши лозим. Шунинг учун ҳам корхонплрда бухгалтерия ҳисбинн тўғри юритиш ва олинган фойда микдорини тўғри аниқлаш лозим. Фойда микдорининг камайиши давлат бюджетига туланиши лозим булган маблаг микдорининг камайишига ва бу, уз навбатида, бюджет ҳисбидан амалга ошириладиган харажатлар микдорининг камайишига олиб келади. Заарга ишлайдиган корхоналар эса охир-оқибатда «синади», яъни инкиrozга юз тутади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида амалдаги қонунларга кура яхши ишлайдиган корхоналар фойдасини қайта таксимлаш кузда тутилмаган. Шунинг учун ҳам заарга ишлайдиган корхоналар уз харажатларини узлари коплашлари, бунинг учун уни коплаш йулларини излаб топишлари керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида молия натижаларини ҳисобга олиш корхона фаолиятида марказий уринни эгаллайди ва қуидагилар уни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- 1) олинган фойда микдорини хар ойда ҳамда йил бошидан уз вақтида ва тўғри ҳисобкитоб қилиш;
- 2) молия натижалари билан боғлик операцияларни ва уларнинг таксимланишини бухгалтерия ҳисоби счёtlарида ва тегишли регистрларда тўғри акс эттириш.

9.9. Фойда ва зарарларнинг таркиби уни ҳисобга олиш

Якуний молиявий натижа ҳисобот даврида корхона бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган ҳамма операциялар асосида аниқланади. Корхона балансида курсатиладиган молиявий натижа, яъни соф фойда уч кисмдан иборат булади:

1) асосий маҳсулот, иш ва хизматлар реализациясидан олинадиган молиявий натижа (9010-«Тайёр маҳсулотни сотишдан олинадиган даромад» счёти маълумотлари асосида аниқланади);

2) асосий воситалар ва бошқа активлар (материал бойлик-лар, қимматли қофозлар, номатериал активлар ва бош^а молия қуйилмалари) реализациясидан олинадиган молиявий натижа (9310-«Асо-сий воситаларнинг реализацияси ва бошқа куринишдаги ҳисоб-дан чиқаришлар» ва 9320-«Бошқа активлар реализациясидан ва бошқа ҳисобдан чиқаришларда олинган фойда» счёtlари маълумотлари асосида аниқланади);

3) реализация билан боғлик булмаган опера циялардан олинадиган молиявий натижа (реализация билан боғлик булмаган даромад ва нобудгарчиликлар тўғридан-тўғри «Молиявий натижалар» счётида аниқланади).

Ишлаб чиқариш корхоналари ялпи (баланс) фойдаси тар-кибида асосий уринни маҳсулот, иш ва хизматлар реализациясидан олинадиган фойда ташқил қиласди. Бу фойда уч гурӯх омиллар таъсирида таркиб топади:

- 1) сотилган маҳсулотнинг ғажми ва тури (ассорти менти);
- 2) маҳсулотни ишлаб чиқаришва сотиш билан борлик, харажатлар даражаси;
- 3) сотилган маҳсулотнинг баходаражаси. Реализация билан боғлик булмаган даромад, харажат ва нобудгарчиликларга қуидагилар киради:

1. Ҳамкорликдаги корхоналарда даромаддан олинадиган упуш, мулкни ижарага берганлиги учун олинадиган даромад.

2. Корхонага карашли акция, облигация ва бошқа ким-матли когозлар учун олинадиган дивиденд.

3. Валюта курсининг ижобий ёки салбий фарқлари (валюта счёtlари ва чет эл валюта операциялари буйича).

4. Корхона балансида ҳисобда булган уй-жой коммунал хужалигидан фойдаланихдан олинадиган даромад (4110-«Ало-хода булинмалардан олинадиган счёtlар» счёти маълумотлари асосида аниқланади).

5. Иқтисодий санкциялар куринишида олинадиган ва туланадиган суммалар (шартнома шартларини бажармаган-лиги учун жарима, пенялар).

6. Тугатилган ишлаб чиқариш буюртмалари буйича харажатлар.

«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»га мувофик, хозирги хўжалик юритиш тизими шароитида корхона фао-лияти молиявий натижаси қуидаги фойда курсаткичлари билан тавсифланади:

1) Маҳсулот сотишдан олинган фойда маҳсулот реализациясидан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулот тан-нархи уртасидаги фарқ, асосида аниқланади:

Ялпи фойда реал олинган соф тушум - сотилган маҳсулот таи иархи.

2) Асосий фаолиятдан олинган фойда маҳсулот реализациясидан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари уртасидаги фарқка асосија фаолиятдан олинган бошқа даромадни қўшиш ёхуд айириш йули билан аниқланади:

Асосий фаолиятдая олинган фойда қ мағсулот реализациясидан олинган ялпи фойда — давр харажатлари бошқа даромадлар — бошқа заарлар.

3) Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки заар) қуидаги алгебраик йул билан аниқланади, асосий фаолиятдан фойдага дивидендлар буйича даромад қўшилди, чет эл валюта-си операциялари билан борликдаромад ёки заарлар қўшиб ёхуд айрилади ва фоизлар буйича харажатлар олиб ташланади.

Умумхўжалик фаолияти фойдаси қ асосий фаолият фойдаси К дивиденд даромади К фоизлар даромади К инвестицияни ким" матли қргозга қайта баҳолашдан даромад ёки заар — фоизлар буйича харажатлар. Солик, тулангунга қадар фойда қ умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ± тасодифий фойда ва заарлар.

4) Йилнинг соф фойдаси соликлар тулангандан кейин кор-хона ихтиёрида коладиган курсаткич. Соликлар тулангунгача фойдадан (даромаддан) соликлар ва бошқа бирор ерда ҳисобга олинмаган солик ҳамда туловлар чиқариб таҳпанади:

Йилнинг соф фойдаси қ солик, тулангунга қадар фойда — фойдадан солик,, бошқа соликлар.

Молиявий натижаларнинг таркиб топиши ва улардан фойдаланиш «Махсулот (иш, хизмат) таннархига қўшила-диган маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва реализация буйича харажатлар таркиби хақида» ги Низом ва «Молиявий натижаларнинг таркиб топиши тартиби хақида»ги Низом (5 январ 1999 йил 54-сон) ҳамда Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартининг 2-3-4-сонлари билан тартибга солинади. Бу-нинг учун қуидаги счёtlар мулжалланган:

9000-«Асосий фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга оладиган счёtlар».

9100-«Сотилган маҳсулот таннархини ҳисобга оладиган счёtlар».

9200-«Асосий воситалар ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счёtlар».

9300-«Асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадларни ҳисобга оладиган счёtlар».

9400-«Давр харажатларини ҳисобга оладиган счёtlар».

9500-«Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга оладиган счёtlар».

9600-«Молиявий фаолият буйича харажатларни ҳисобга оладиган счёtlар».

9700-«Фавкулолда фойда (зара) ларни ҳисобга оладиган счёtlар».

9800-«Солик ва туловларни тулаш учун фойданинг иш-латилишини ҳисобга оладиган счёtlар».

9900-«Якуний молиявий натижани ҳисобга оладиган счёtlар».

Сотилган тайёр маҳсулот, моллар, бажарилган иш ва хизматлар таннархи хақидаги маълумотлар қуидаги счёtlардан олинади:

9110-«Сотилган тайёр ма^сулот таннархи».


9120-«Сотилган товарлар таннархи».

9130-«Бажарилган иш ва курсатилган хизматлар таннархи».

9140-«Такрорланиб турадиган хисоботда ТМБни олиш (харид қилиш).

9150-«Такрорланиб турадиган хисоботда ТМБ буйича тузатишлар».

Жунатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар учун харидорларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари сум-масига қуидагича бухгалтерия проводкаси тузилади;




Ҳисобот даври охирида 9110,9120,9130-счёtlарнинг дебет обороти жами 9900-«Якуний молиявий натижани» счёtinинг дебетига ёзилади.

Корхонага қарашли асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар ҳақидаги маълумотлар қуидаги счёtlардан олинади:

9210-Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқа ҳисоб-дан чиқаришлар».

9220-« Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар



Молиявий натижка дейилганда, корхона, бирлашма, хиссадорлик жамияти ва ҳоказоларнинг маълум ҳисбот даврида, унинг тадбиркорлик фаолияти жараёнида узига қарашли маблағнинг ошиши (ёки камайиши) тушунилади. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисбот давридаги ҳамма фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш ҳамда баланс қилиш йули билан аниқланади. Фойда ва зарарларни ҳисобга олиш учун шу номдаги счётдан фойдаланилади. Бу счёт актив-пассив счёт бўлиб, қолдиқ, унинг дебет ва кредит томонида булиши мумкин. Дебет томонидаги қолдиқ зарарни, кредит томонидаги қолдиқ эса фойдали ифодалайди.

Бозор иктисодиёти шароитида хар бир корхона узининг ишлаб чиқариш тижорат фаолиятидан кўпроқдаромад олишдан манфаатдор. Аммо нафакат фойда, балки юкорида таъқидланганидек, зарар ҳам корхона хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси булиши мумкин. Бундай холат корхона самара бермайдиган ишлаб чиқариш усулларидан фойдаланса ёки ишлаб чиқарилган махсулот истеъмолчилар талабини кондирмаса руй бериши мумкин.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги тизими шароитида фойда курсаткичи корхонанинг асосий ва оборот маблагларидан самарали фойдаланишин талаб ҳамда эҳтиёжга караб ишлаб чиқаришни мувофиклаштириши, яъни ишлаб чиқарилаёттган махсулот истеъмолчи талабига жавоб бера оладиган булиши, ишлаб чиқариш харидор учун хизмат қилиши лозим. Тула хўжалик ҳисобининг мухим тамоилии корхонанинг тула мустақилликка эришуви ва харажатларни уз маблаги ҳисобидан тулик коплашдир. Бу дегани, корхона махсулот сотишдан олган маблагидан узининг ҳамма харажатларини коплайди ва ундан ташқари фойда ҳам олади. Фойдаинт бир кисми бюджетга солиқлар ҳамла бошқа туловларни тулаш учун сарфланади, колгани эса корхона ихтиёрида колади ва фаолиятни илмий-техник, икгисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб

хисобланади. Корхона ихтиёрида қолган маблагни кандай масадларга сарфлашни унинг узи мустақил равишда хал қиласди.

Фойда, қўшилган қиймат солиги ва акциз солиги соф даромаднинг шакллари бўлиб хисобланади. Уларнинг хар бири ташқил топиш механизми ва улардан фойдаланиш йуналишлари буйича бир-биридан фарқ қиласди. қўшилган қиймат солиги ва акциз солиги давлат бюджетига маҳсулот сотилганидан кейин ўтказилади, бу маблар умумдавлат ҳамда умумхалқ максадлари учун сарфланади.

Фойда корхонанинг охириги молиявий натижаси хисобланади. У меҳнатга ҳақ тулаш фонди билан бирга (фойданинг корхона ихтиёрида колган кисми) корхона даромадини ташқил қиласди. Бозор иқтисодиётiga утиш шароитида фойда курсаткичини тўғри аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даромад ҳисобидан мазкур максадларга мулжалланган фондлар, резерв фонди ташқил булади, капитал қўйилмалар молиялаштирилади ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилади.

Молия натижалари микдорига жуда куп омиллар таъсир этади. Масалан, инфляция, валютанинг узгариб туриши, кредит сиёсати ва бошқалар. Ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги юкорида санаб утилган омиллар таъсири ҳисобга олинган холда молия натижалари аниқланган молия натижаси хақикатни аниқ ва тўғри акс эттириши лозим. Шунинг учун ҳам корхонплрда бухгалтерия ҳисобинн тўғри юритиш ва олинган фойда микдорини тўғри аниқлаш лозим. Фойда микдорининг камайиши давлат бюджетига туланиши лозим булган маблаг микдорининг камайишига ва бу, уз навбатида, бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар микдорининг камайишига олиб келади. Заарга ишлайдиган корхоналар эса охир-оқибатда «синади», яъни инкиrozга юз тутади. Чунки бозор иқтисодиёт шароитида амалдаги қонунларга кура яхши ишлайдиган корхоналар фойдасини қайта таксимлаш кузда тутилмаган. Шунинг учун ҳам заарга ишлайдиган корхоналар уз харажатларини узлари коплашлари, бунинг учун уни коплаш йулларини излаб топишлари керак.

Бозор иқтисодиёт шароитида молия натижаларини ҳисобга олиш корхона фаолиятида марказий уринни эгаллайди ва қўйидагилар уни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари хисобланади:

- 1) олинган фойда микдорини хар ойда ҳамда йил бошидан уз вақтида ва тўғри ҳисобкитоб қилиш;
- 2) молия натижалари билан боғлиқ операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби счёtlарида ва тегишли регистрларда тўғри акс эттириш.

Молиявий натижалар – бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисбот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисбот давридаги барча фойдалар ва заарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Молиявий натижаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг асосий вазифалари қўйидагилардир:

- молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғри эканлигини ўрганиш;
- олинган фойда микдорини хар ойда ҳамда йил бошидан ўз вақтида ва тўғри ҳисобкитоб қилиш;
- молиявий натижалар билан боғлиқ операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби счёtlарида ва тегишли регистрларда тўғри акс эттириш.

Молиявий натижани аниқлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 – сонли қарори билан «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида олиб борилади.

Ушбу Низомнинг аҳамияти катта бўлиб, у солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия счётида (баланс фойда) ҳосил бўладиган фойда фарқини аниқлаш имкониятини беради.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом бир томондан, хўжалик субъектларига хисобот даври ичида содир бўлган харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги аниқ маълумотларни олиш имкониятини берса, иккинчи томондан, солиқ қонунларига биноан солик органларига хисоботларни тузиб, топшириш имкониятини беради.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомда айтилганидек, ишлаб чиқариш – хўжалик фаолияти натижасида хўжалик субъекти томонидан даромад қуидаги асосий бўлимлар бўйича акс этти-рилади:

- сотищдан олинган соф тушум;
- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- фавқулодда фойда.

9.10. АСОСИЙ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР ХИСОБИ.

Хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотищдан олинган соф тушум қуидагича аниқланади:

ЯФ=ССТ-ИТ,

бунда,

ЯФ - ялпи фойда;

ССТ - сотищдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

Тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотищдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуидаги счёtlарда амалга оширилади:

9010 “Тайёр маҳсулотларни сотищдан даромадлар”;

9020 “Товарларни сотищдан даромадлар”;

9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”;

9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”;

9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”.

Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини хисобга олувчи счёtlар (9000)нинг боғланиши

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|---|--|-----------------------|---------------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Жўнатилган маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар (КҚС, акцизлардан ташқари) учун харидорларга тақдим этилган хисоб-китоб хужжатларидаги суммага | 4010, 4020 | 9010, 9020, 9030 |
| 2 | Маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни нақд пулга сотиш | 5010, 5020 | 9010, 9020, 9030 |
| 3 | Корхона ходимига маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар (жумладан маҳсус кийимлар) сотилди | 4790 | 9010, 9020, 9030 |
| 4 | Дивиденdlар маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар билан тўланди | 6610 | 9010, 9020, 9030 |
| 5 | Кечикирилган даромадлар суммаси улар тааллукли бўлган хисобот даври келганда сотиш ҳажмига киритилди | 6230 | 9010, 9020, 9030 |
| 6 | Сотилган товарларнинг қайтиши | 9040 | 4010 |
| 7 | Сотищдан ва нархдан чегирмалар бериш | 9050 | 4010 |
| 8 | Хисобот даврининг охирида 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши” счёtinи ёпилиши | 9010, 9020 | 9040 |

| | | | |
|----|---|---------------------|------|
| 9 | Хисобот даврининг охирида 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” счётини ёпилиши | 9010, 9020,9030 | 9050 |
| 10 | Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши | 9010, 9020. 9030 | 9910 |

9.11. АСОСИЙ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНАДИГАН БОШҚА ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки бошқа заарлар сифатида аниқланади:

$$\text{АФФ} = \text{ЯФ-ДХ+БД-БЗ},$$

бунда,

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа заарлар.

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда”;

9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда”;

9330 “Ундирилган жарима, пеня ва устамалар”;

9340 “Ўтган йиллар фойдалари”;

9350 “Қисқа муддатли ижарадан даромадлар”;

9360 “Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар”;

9370 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари”;

9380 “Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам”;

9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

Хисобот даврининг охирида асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда суммаси 9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда” счётининг кредитида 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Хисобот даврининг охирида бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда суммаси 9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда” счётининг кредитида 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9300)нинг боғланиши

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счётларнинг боғланиши | |
|---|--|------------------------------|---------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда | 9210 | 9310 |
| 2 | Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда | 9220 | 9320 |
| 3 | Шартнома мажбуриятларига риоя этмаганлиги учун бошқа корхоналарга тақдим этилган жарима, пеня ва устамалар суммаси | 4860 | 9330 |
| 4 | Хисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдалари | 4010 | 9340 |
| 5 | Қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича ижара тўловлари суммаси | 4820 | 9350 |
| 6 | Даъво муддати ўтиши билан кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқариш | 6010 | 9360 |
| 7 | Кредитор қарзлар ва хоказоларни ҳисобдан | 6910-6990 | 9360 |

| | | | |
|----|--|---------------------------|------|
| | чиқаришдан даромадлар | | |
| 8 | Камомадлар бўйича баҳолардаги фарқлар моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилди | 4730 | 9370 |
| 9 | Текинга олинган пул маблағлари | 5110-5530 | 9380 |
| 10 | Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликлардаги, умумишлабчиқариш омборларидағи материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқчалари кирим қилинди | 2010, 2310, 2510, 2710 | 9390 |
| 11 | Илгари ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларидан олинган даромадлар | Олинадиган счёtlар | 9390 |

9.12. ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ ВА ҲИСОБИ.

Ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар, шунингдек келгусида солик солинадиган базадан чегириладиган ҳисбот даври харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуидаги счёtlарда амалга оширилади:

9410 “Сотиш харажатлари”;

9420 “Маъмурий харажатлар”;

9430 “Бошқа операцион харажатлар”;

9440 “Келгусида солик солинадиган базадан чегириладиган ҳисбот даври харажатлари”.

Давр харажатларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади (ЎзР. ВМ. КТ. 1999 й. 2-сон, 9-модда).

Давр харажатларини ҳисобга олувчи счёtlар (9400)нинг боғланиши

| Т/р | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|-----|---|-----------------------|------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Маҳсулотларни жўнатиш бўйича транспорт харажатлари | 9410 | 6990 |
| 2 | Четдан реклама ва маркетинг хизматлари | 9410 | 6010 |
| 3 | Савдо жараёнида ишлатилаётган асосий воситаларнинг эскириши | 9410 | 0210-0299 |
| 4 | Савдо жараёнида ишлатилаётган номоддий активларнинг эскириши | 9410 | 0510-0590 |
| 5 | Бошқарув ходимларининг меҳнат ҳаки харажатлари | 9420 | 6710 |
| 6 | Бошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларнинг эскириши | 9420 | 0210-0299 |
| 7 | Бошқарув биносининг ижара тўлови | 9420 | 6910 |
| 8 | Бошқарув эҳтиёjlари учун материаллар сарфланди | 9420 | 1010-1090 |
| 9 | Транспорт корхоналарининг хизмати | 9420 | 6010 |
| 10 | Хизмат сафарлари ва вакиллик харажатлари | 9420 | 4220, 4230 |
| 11 | Юридик шахснинг юқори ташкилоти ва бирлашмаларини саклашга ажратмалар | 9420 | 6120 |
| 12 | Банк ва аудиторлик хизматлари учун тўловлар | 9430 | 6990 |
| 13 | Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб | 9430 | 9210, 9220 |

| | | | |
|----|--|------|--------------------|
| | кетишидан заарлар | | |
| 14 | Айбдор шахсни аниқлаш имкони бўлмаган ҳолдаги камомадлар ва йўқотишлар | 9430 | 5910 |
| 15 | Шубҳали қарзлар бўйича захира ҳисобланди | 9430 | 4910 |
| 16 | Солиқ идоралари қарорига кўра жарима ҳисобланди | 9430 | 6410 |
| 17 | Корхона балансида бўлган олий ўқув юртларини сақлаш учун ажратмалар | 9430 | 6110 |
| 18 | Корхона ходимлари учун дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар тўланди | 9430 | 5110-5530 |
| 19 | Бекор қилинган буортмалар бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди | 9430 | 2010 |
| 20 | Ўтган йиллар муомалалидан кўрилган заарлар | 9430 | Олинадиган счёtlар |
| 21 | Хўжалик шартномаларини бузганлик учун жарималар | 9430 | 6960 |

9.13. МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАН ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ.

«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»га биноан молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

- олинган роялтилар ва сармоя трансферти.
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивиденdlар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар.
- мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш).
- валюта счёtlари, шунингдек чет эл валюталаридаги муомалалари бўйича ижобий курс тафовутлари.
- сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар солиққа тортишда ялпи даромадга киритилмайди.

Молиявий фаолият бўйича даромадлар ҳисоби «Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар» номли 2-сон БҲМА, «Лизинг ҳисоби» номли 6-сон БҲМА, «Молиявий инвестициялар ҳисоби» номли 12-сон БҲМАлар билан тартибга солинади.

Молиявий фаолият даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счёtlарда амалга оширилади:

- 9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар”;
- 9520 “Дивиденdlар кўринишидаги даромадлар”;
- 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”;
- 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар”;
- 9550 “Узоқ муддатли ижарадан даромадлар”;
- 9560 “Қимматли қоғозларни қайta баҳолашдан даромадлар”;
- 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари”.

Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олуви чётлар (9500)нинг боғланиши

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|---|---|-----------------------|--------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Роялти бўйича олинадиган суммалар | 4850 | 9510 |
| 2 | Бошқа корхоналарда улушли қатнашишдан олинган | 4840 | 9520 |

| | | | |
|---|--|--|------|
| | даромадлар, корхонага тегишли бўлган акция ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивиденdlар | | |
| 3 | Қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар | 4830 | 9530 |
| 4 | Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан ижобий курс фарқлари | Пул маблағларини ҳисобга оловчи счёtlар, олинадиган счёtlар, мажбуриятларни ҳисобга оловчи счёtlар ва бошқалар | 9540 |
| 5 | Узок муддатли ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси | 4830 | 9550 |
| 6 | Қимматли қоғозларни қайта баҳолаш (қийматининг оширилиши) | 0610, 5810 | 9560 |
| 7 | Ҳисобот даври охирида молиявий фаолият даромадларини ҳисобга оловчи счёtlарнинг ёпилиши | 9510-9590 | 9910 |

Молиявий фаолият бўйича харажатлар тўғрисидаги ахбротларни умумлаштириш куйидаги счёtlарда амалга оширилади:

9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”;

9620 “Валюталар курслари фарқидан заарлар”;

9630 “Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар”;

9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”.

Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга оловчи счёtlар (9600)нинг боғланиши

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|---|--|--|-------------------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Кредитлар ва қарзлар бўйича фоизлар ҳисобланди | 9610 | 6920 |
| 2 | Асосий воситаларнинг узок муддатли ижара шартномаси бўйича фоизлар ҳисобланди | 9610 | 6920 |
| 3 | Баланснинг валюта моддаларини қайta баҳолашдан салбий курс фарқлари | Пул маблағларини ҳисобга оловчи счёtlар, олинадиган счёtlар, мажбуриятларни ҳисобга оловчи счёtlар ва бошқалар | 3290 |
| 4 | Қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайta баҳолаш (қийматининг камайтирилиши) натижасида кўрилган заарлар ва ҳ.к. | 9690 | 0610-0690, 5810-5890 |
| 5 | Ҳисобот даври охирида молиявий фаолият | 9910 | 9610-9690 |

| | | |
|--|---|--|
| | бўйича харажатларни ҳисобга олевчи счёtlарнинг ёилиши | |
|--|---|--|

9.14. ФАВҚУЛОДДА ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲИСОБИ.

Корхонанинг одатий хўжалик фаолиятидан кескин фарқ қиладиган фавқулоддаги ходисалар (тасодиф, кутилмаган ва одатий бўлмаган зарар ва йўқотишлар) натижасида вужудга келадиган фойда ва заарлар ҳисоби қуйидаги счёtlарда юритилади:

9710 “Фавқулоддаги фойдалар”;

9720 “Фавқулоддаги заарлар”.

Фавқулоддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олевчи счёtlар (9700)нинг боғланиши

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|---|---|-------------------------------------|-------------------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Фавқулодда ходиса (табиий офат) натижасида налар, материаллар, товарлар кирим қилинди | 0710-0720, 0-1090, 2910- 2990 | 9710 |
| 2 | Табиий офатдан кейин ўтказилган интаризация натижасида аниқланган наларнинг камомади | 9720 | 0710-0720 |
| 3 | Табиий офат туфайли йўқотилган турли хил ий қийматликлар ҳисобдан чиқарилди | 9720 | 1010-1090, 1110-1120 |
| 4 | Табиий офат туфайли тугалланмаган ишлаб ришдаги йўқотишлар | 9720 | 2010, 2110, 2310 |
| 5 | Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг табиий дан кўрган зарари ҳисобдан чиқарилди | 9720 | 2720 |
| 6 | Табиий офатлар натижасида тайёр маҳсулот, оларнинг йўқотилиши | 9720 | 2810-2890, 2910-2990 |
| 7 | 9710 “Фавқулоддаги фойдалар” счёtinинг иши | 9710 | 9910 |
| 8 | 9720 “Фавқулоддаги заарлар” счёtinинг иши | 9910 | 9720 |

9.15. УМУМХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ.

Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан қўрилган даромадлар ва минус заарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ=АФФ+МД-МХ,$$

бунда,

УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари;

9.16. СОЛИҚ ТЎЛАГУНГА ҚАДАР ФОЙДАНИ АНИҚЛАШ ВА СОЛИҚКА ТОРТИШНИ ҲИСОБДА АКС ЭТТИРИШ.

Қонунчиликда белгиланган даромад (фойда) солиғи бўйича йил давомида ҳисобланган бўнак тўловлари ва қайта ҳисоблаш бўйича ҳақиқатда фойдадан тўловларни ҳисобга олиш учун қуйидаги счёtlар мўлжалланган:

9810 “Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар”;

9820 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йигимлар бўйича харажатлар”.

Солиқлар ва йиғимларни тұлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счёtlар (9800)нинг боғланиши

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|---|---|-----------------------|------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Фойдадан бюджетга тўловлар бўйича йил давомида ҳисобланган суммалар | 9810, 9820 | 6410 |
| 2 | Ҳисобот даврининг охирида солиқлар ва йиғимларни тұлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счёtlарнинг ёпилиши | 9910 | 9810, 9820 |

9.17. СОФ ФОЙДАНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҚСИМЛАШ ҲИСОБИ.

Йилнинг сой фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтирида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$\text{СФ} = \text{СТФ-ДС-БС},$$

бунда,

СФ – соф фойда;

ДС – даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Фойданинг тақсимланиши деганда унинг истеъмол ва жамғаришга йўналтирилиши, жорий давр фойдасининг солиқлар тўлови, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга ҳамда капитал эгалари ўртасидаги шартлар, келишувларга биноан тақсимланиши тушунилади.

Фойда қуидагича тақсимланади:

*солиқ қонунчилигига мувофиқ давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ва тўловларга;

*ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга;

*акция ва капитал эгаларига дивидендлар тўлашга.

Ҳисобот даврининг тугаши билан йиллик молиявий ҳисобот тузишда 9910 “Якуний молиявий натижা” счёти 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счёtlар (9900)нинг боғланиши

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счёtlарнинг боғланиши | |
|---|--|-----------------------|------------|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счёtlарнинг ёпилиши | 9010, 9020, | 9910 |
| 2 | Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар таннархини ҳисобга олувчи счёtlарнинг ёпилиши | 9910 | 9110- 9150 |
| 3 | Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счёtlарнинг ёпилиши | 9310- 9390 | 9910 |
| 4 | Давр харажатларини ҳисобга олувчи счёtlарнинг ёпилиши | 9910 | 9410-9440 |
| 5 | Молиявий фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счёtlарнинг ёпилиши | 9510- 9590 | 9910 |
| 6 | Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счёtlарнинг ёпилиши | 9910 | 9610-9690 |
| 7 | 9710 “Фавқулоддаги фойдалар” счётининг ёпилиши | 9710 | 9910 |

| | | | |
|----|---|------|-----------|
| 8 | 9720 “Фавқулоддаги заарлар” счётининг ёпилиши | 9910 | 9720 |
| 9 | Соликлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга оловчи счётларнинг ёпилиши | 9910 | 9810-9820 |
| 10 | Ҳисобот йилининг соф фойдаси | 9910 | 8710 |
| 11 | Ҳисобот йилининг соф зарари | 8710 | 9910 |

Назорат учун саволлар

1. Молиявий натижалар кўрсаткичлари таркиби ва улар шаклланиш бўйича тартибга соловчи қонуний ва меъёрий хужжатларни айтиб беринг?
2. Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар ҳисобига олиш тизими?
3. Давр харажатлари таркиби ва уларнинг ҳисоби ?
4. Молиявий фаолиятдан даромадлар ва харажатлар ҳисобини аниқлаш ?
5. Фавқулодда фойда ва заарлар ҳисоби қандай ҳисобга олинади?
6. Умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижалар ҳисоби қандай амалга оширилади?
7. Солик тўлагунга қадар фойдани аниқлаш ва соликқа тортишни ҳисобда акс эттириш қандай ҳисобга олинади?
8. Соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш ҳисоби қандай юритилади?
9. Якуний молиявий натижа тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш тартиби?
10. Хусусий капитал ҳисобини тартибга соловчи қонуний ва меъёрий хужжатларни айтиб беринг?
11. Хусусий капитал ва бухгалтериядаги синтетик ҳисобининг мақсад нима?
12. Устав капиталини шакллантириш ва унинг ўзгаришини ҳисобга олиш деганда нимани тушунасиз?
13. Кўшилган капитал ҳисобининг ўрни ?
14. Резерв капиталини ҳисобга олиш ва ишлатиш қандай ҳисобга олинади?
15. Мақсадли тушумлар ҳисоби тартиби қандай амалга оширилади?
16. Келгуси харажатлар ва тўловлар резервини қандай ҳисобга олинади?
17. Маъсулияти чекланган жамиятнинг устав капитали ҳисоби қандай юритилади?
18. Таъсисчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисобини юритиш қандай юритилади?
19. «Эмиссия даромадлари» счёти акцияларининг номинал қийматидан юқори олинган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш тартиби?
20. Грантлар, субсидиялар ва беғараз ёрдамларни ҳисобга олиш тизими?

10 МАВЗУ: СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ

Ўрганиладиган саволлар:

Таянч сўз ва иборалар: мажбуриятсоликлар, мажбурий тўловлар, фойда солиғи, ҚҚС,, мол етказиб берувчи, пудратчи, акциз, мулк солиғи, ягона ижтимоий тўлов, таъсисчилар, кредитлар, турли кредиторлар.

10.1. МАЖБУРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ.

Бозор муносабатида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижасида юзага келаётган мажбуриятларни уларнинг якуний молиявий натижаларига жиддий таъсир этишини эътиборга олиб мажбуриятлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги кунда жорий мажбуриятлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш учун қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим: мажбуриятларни турли белгиларга кўра туркумланишини амалга ошириш; мажбуриятларни асосли тарзда баҳоланишини таъминлаш; мажбуриятларни бир тоифадан иккинчисига ўз вақтида ўтказилишини

назоратга олиш; мажбуриятларни тоифалари, ҳамда юзага келиш муддатлари бўйича молиявий ҳисоботда аниқ кўрсатилишини таъминлаш; муддати ўтиб кетган ва шартли мажбуриятлар бўйича асосли ёритиб беришларни таъминлаш;

Жорий мажбуриятлар битим, шартнома ёки қонунчилик асосида келиб чиқади. Бундай мажбуриятлар ўз ичига кредиторлик счёtlари, векселлар бўйича мажбуриятлар, дивиденд тўловлари, солик тўловлари, йигимлар, узоқ муддатли мажбуриятларни жорий қисми, иш ҳақи бўйича қарздорлик ҳамда товар ва хизматлар бўйича мажбуриятлардир.

Корхонанинг жорий мажбуриятлар бир йил ёки бир операцион цикл давомида тўланиши лозим бўлган кредиторлик қарзидир.

Акциядорлик жамиятларида жорий мажбуриятларнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ¹⁷ мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар – жорий қисми; тўланадиган қисқа муддатли векселлар; бўлинмаларга тўланадиган счёtlарнинг жорий қисми; муддати ўзайтирилган даромадлар; қисқа муддатли облигациялар; пул маблағлари ва мулк шаклида тўланадиган дивиденdlар; ҳаражатлар билан боғлиқ ҳисобланган мажбуриятлар; олинган аванслар ва қайтариладиган депозитлар; келгуси давр даромадлари; тўланадиган соликлар; кафолат мажбуриятлари; иш ҳақи, таътил ва байрам кунлари тўловлари бўйича мажбуриятлар; шартли мажбуриятлар; узоқ муддатли қарз мажбуриятларини жорий қисми; тўлаш муддати белгиланмаган мажбуриятлар (талаb қилиб олингунча).

10.2. МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛНАДИГАН СЧЁТЛАР

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар- такрорланадиган маҳсулот сотиб олиш билан боғлиқ мажбуриятлар учун мўлжалланган мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар счётидир. Бу мажбуриятлар акциядорлик жамиятининг асосий фаолияти давомида вужудга келиб, товар ва материалларни сотиб олиш, мол етказиб беришни ва хизмат кўрсатишни ўз ичига олади.

Акциядорлик жамиятларида мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счёti бўйича ҳисоб таркибини қуйидагича ташкил этишни амалга ошиrsa мақсадга мувофиқ бўлади.

Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни юқорида келтирилган тартибида ташкил қилиш бизнинг фикримизча иккита афзалликга эга:

Маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар олдида мажбуриятни назорат қилиш;

Мажбуриятларни юзага келиш йўналишларини тезкор таҳлил қилиб бориш.

Тўланадиган қисқа муддатли векселлар - тўланадиган счёtlар билан боғлиқ бўлган хўжалик муомалалари натижасида пайдо бўладиган тўланадиган савдо вексели ёки носавдо вексели, ёки ҳисобот даврида тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми қисқа муддатли вексел бўлиши мумкин. Қисқа муддатли вексел кўчмас мулк ёки бошқа бирор бир мулкни олиб қолиш ҳуқуки асосида, гаровга берилаётган аниқ активни кўрсатилган ҳолда гаров билан таъмиланиши мумкин, ёки агар векселни тўлаш эҳтимоли қарздорнинг умумий тўлов қобилятига асослаган бўлса, гаров билан таъминланмаслиги мумкин. Гаров билан таъминланган тўланадиган векселларнинг очиб берилиши гаровга қўйилган активларнинг идентификатциясини ўз ичига олган ҳолда, қарз мажбурияти тўғрисида бошланғич келишув шартларини ўрганиб чиқишни ўз ичига олиши керак.

Алоҳида бўлинмаларга, шўъба ва қарам хўжаликлари тўланадиган счёtlарнинг жорий қисми- корхонанинг алоҳида балансга ажратилган филиаллари, ваколатхоналари,

¹⁷ Жўраев Н., Абдуваҳидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: Иқтисодмolia», 2012 й, 481 бет

бўлимлари ва бошқа маҳсус бўлинмаларга бўлган қарзларининг барча турлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган деб тушунилади.¹⁸

Муддати ўзайтирилган даромадлар - юкни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатишдан олинган бўнак тариқасида олинган пул маблағлари бўйича мажбурият келиб чиқади. Даромадни идентификация қилиш тамойилига асосан, бу маблағлар даромад деб тан олиниши мумкин эмас. Бўнак тариқасида олинган даромадларга: ўқитиш учун тўлов, ижара тўлови, чипталарнинг сотилиши ва журналларга обуна бўлиш учун тўловлар мисол бўла олади. Кўпинча «келгуси давр даромади» деб аталадиган бу счёт, аниқловчи сўзга эга бўлиши мумкин, масалан, обуна учун тўловни олганда у обунадан олинган келгуси давр даромади бўлиши мумкин. Бу счёт бошқа номларга ҳам эга бўлиши мумкин, масалан: «Олдиндан тўланган обунадан даромад» ёки «Бўнак тариқасида обунадан олинган даромад». Бизнинг фикримизча бу счёт таркибига қўйидагиларни киритса мақсадга мувофиқ бўлади:

- келгусида бажариладиган ишлар ва хизматлар учун бўнак суммасининг олинишидаги ҳисоблашишлар;
- тегишли давр келиши билан лизинг юзасидан даромаднинг акс эттирилишидаги ҳисоблашишлар;
- қарзларни тўлашга қараб қийматликлар камомади бўйича тегишли фарқ суммасини ҳисобдан чиқарилишидаги ҳисоблашишлар;
- муддати ўзайтирилган даромадларнинг ҳисбот даври даромади сифатида тан олинишидаги ҳисоблашишлар.

Кейинчалик, маҳсулот етказилган ёки хизмат кўрсатилган ва даромад ҳам ҳақиқатдан ишлаб олингандан кейин, келгуси давр даромадлари счёти камаяди, даромаднинг тегишли счёти эса кредитланади. Бу охирги ёзув одатда йил охиридаги тўзатиш ёзувларидан бири ҳисобланади.

Пул маблағлари ва мулк шаклида тўланадиган дивидендлар. Директорлар кенгаши томонидан эълон қилинганидан кейин, пул маблағлари ва мулк шаклидаги дивидендлар, агар улар келгуси йил ёки муомала жараёнида, улардан қайси бири ўзунроқ бўлишига боғлиқ ҳолда, жорий мажбурият деб акс эттирилиши керак. Пул маблағлари ва мулк шаклидаги дивидендлар хуқуқий асосда эълон қилинган санадан тўланиш санасигача мажбурият деб акс эттирилади. Директорлар кенгаши томонидан расман эълон қилинмаган имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ва бошқа ҳар қандай дивидендлар бўйича мажбуриятлар тан олинмайди. Кумулятив имтиёзли акциялар бўйича мажбуриятларда дивидендлар молиявий ҳисботларнинг тушунтириш хатларида очиб берилиши керак.

Ҳаражатлар билан боғлиқ ҳисобланган мажбуриятлар. Ҳисобланган мажбуриятлар ўз ичига таътил тўловлари, мукофот ва кредиторларга бериладиган, лекин ҳали тўланмаган фоизларни олади. Ҳисобланган мажбуриятлар ҳисбот даври охирида тўзатиш ёзувларини киритиш орқали акс эттирилиши мумкин.

Олинган бўнаклар бўйича мажбуриятлар (6310–6390). Юкни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатишдан бўнак тариқасида олинган пул маблағлари бўйича мажбурият келиб чиқади. Даромадни идентификация қилиш тамойилига асосан, бу маблағлар даромад деб тан олиниши мумкин эмас. Бўнак тариқасида олинган маблағларга: ўқитиш учун тўлов, ижара тўлови, чипталарнинг сотилиши ва журналларга обуна бўлиш учун тўловлар мисол бўла олади. Бундай хўжалик муомалалари пул маблағларининг дебети ва тегишли жорий мажбуриятлар счёtlари кредити бўйича акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқлар, шу жумладан акциядорлик жамиятлари ҳам мамлакат ҳудудида ҳаракат қилаётган қонунларга кўра

¹⁸ Каримов А.А. Бухгалтерия ҳисоби. /Дарслик -Т.: Шарқ, 2004.-592 б.

фаолиятининг барча турларидан олаётган даромадлари, ярататган қўшимча қиймат суммаси, мулки, ходимларнинг иш ҳақидан даромад солиқлар бўйича юзага келаётган мажбуриятлар ҳисобини тўғри ташкил қилишга жиддий эътибор беришлари лозим. Янги счёtlар режасида ушбу йўналишдаги мажбуриятларни ҳисобга олиш учун 6410 дан 6500 гача бўлган счёtlардан фойдаланиш кўзда тўтилган. Акциядорлик жамиятлари, ўзларининг ҳисоб сиёсатида солиқ турлари бўйича алоҳида счёtlар очиб олиш имкониятига эга.

Кафолат мажбуриятлари.¹⁹ Агар акциядорлик жамияти сотиш вақтида ўз маҳсулотига кафолат берса, унда мажбурият бутун кафолат муддати давомида мавжуд бўлади. Кафолат суммасини сотиш амалга оширилган даврда ҳаражатлар счётининг дебети бўйича акс эттирилади, чунки кафолат маҳсулот ёки хизматнинг сифат тавсифи ва сотиб олишга ундейдиган сабаблардан бири ҳисобланади. Ўтган тажрибадан келиб чиқкан ҳолда, келгуси даврларга берилган кафолатларнинг акциядорлик жамиятига келиб тушадиган суммасини ҳисоблаш мумкин. Айрим товарлар ёки хизматлар аҳамиятли бўлмаган кафолат хизматини талаб қиласди, бошқалари эса кўпроқ хизмат кўрсатишни талаб қилиши мумкин. Шундай қилиб, товар ёки хизматлар бирлигининг ўртача хизмат кўрсатиш қийматини аниқлаш мумкин.

Акциядорлик жамиятларининг хўжалик фаолияти натижаларига кўра узоқ муддатли мажбуриятлар ҳам юзага ҳисобот йилида тўланадиган қисми жорий мажбуриятлар бўлиб ҳисобда акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботларни тартибга солишка мўлжалланган меъерий хужжатлар узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобини тўғри ва аниқ юритишини талаб қиласди.

10.3. ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТЎЛАНАДИГАН СОЛИҚЛАР ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Солиқлар – бу жисмоний ва юридик шахслар даромадлари ҳамда мулкларидан маълум (қонунда белгиланган) бир қисмини давлатнинг молиявий имкониятини таъминлаш мақсадида мажбурийлик, қайтармаслик, давлат мажбурловини қўллашлик асосида бюджетга ўтказишнинг бирдан-бир қонуний усулидир.

Солиқлар миллий даромадни давлат тасарруфига олишнинг энг муҳим воситасига айлангани сабабли, улар макроиқтисодиётни тартибга солища борган сари муҳимроқ рол ўйнамоқдаки, ЯММ умумий ҳажмида солиқ тушумлари салмоғининг кўпайиши бунинг кўрсаткичи ҳисобланади.

Солиқларни таснифлаш - солиқларни муайян характерли белгилари, яъни уларни ундириш усуllари, қўлланиладиган ставкалар тури, солиқ имтиёзлари ва ҳоказолар бўйича гурухлашдир.

Солиқларни турлари бўйича таснифлашга бир неча белгилар асос қилиб олинган. Ҳалқаро амалиётда иккита асосий тасниф гурухлари қабул қилинган-бевосита ва билвосита солиқлар. Ушбу гурухлар солиқ солиша объектига ва тўловчи билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқдир.

Бевосита солиқлар бевосита даромад ва мол-мулкка белгиланади (солиқقا тортишнинг бевосита шакли), яъни бевосита солиқларнинг узил-кесил тўловчиси даромад олувчи (мол-мулкка егалик қилувчи ва х.к.) хўжалик субъекти ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг даромади (иш хақи, фойда, фоизлар ва бошқалар) ва мол-мулки (ерлар, уйлар, қимматли қофозлар ва бошқалар) қиймати бевосита солиқлар объектидир.

Билвосита солиқлар - нарх ёки тарифга устами кўринишида белгиланадиган, товар ва хизматлардан олинадиган солиқлар. Билвосита солиқларга товарни сотиш нархида тўланадиган ёки тарифга киритилган товар ва хизматларга солинадиган солиқлар киради, яъни билвосита солиқларнинг пировард тўловчиси бўлиб, товар истеъмолчиси

¹⁹ Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилиниң назарий-методологик муаммолари. Монография. – Т.: ТДИУ 2010. 256 б.

майдонга чиқади, унинг зиммасига солиқ нархда кўзда тутилган устамалар орқали юкланади. Мазкур холда корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар ва хизматларни сотиб, солиқ суммалари ҳисобга олинган пул суммаларини оладилар, сўнгра олинган барча солиқ суммаларини тегишли тартибда бюджетга ўтказадилар.

Билвосита солиқ солишда давлат амалда янги қийматни тақсимлаш иштирокчисига айланиб, товар ёки хизматларни сотиш пайтида ушбу қийматнинг бир қисмига бўлган ўз хукуқларини еълон қиласди.

Бевосита солиқлардан фарқ қилиб, билвосита солиқлар бевосита тўловчининг даромади ёки мол-мулки билан боғланмайди. Одатда, шахсий истеъмол товарлари шунингдек ахолига сартарошхоналарда, кимёвий тозалаш шоҳобчаларида, автотранспорт корхоналари томонидан кўрсатилган ва ҳоказо хизматлар солиқ солиш обьекти ҳисобланади. Билвосита солиқларга тортиладиган товарлар ва хизматлар сони мунтазам равишда ошиб боради.

Бевосита солиқлар салмоғининг камайиши корхоналарнинг моддий-техника базасини кенгайтиришга, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келадиган бўлса, билвосита солиқлар салмоғининг кўтарилиши корхоналарда инвестицион фаолиятини ривожлантиришга имкон яратади.

Солиқлар мажбурий тўлов бўлиб, қонун асосида ундирилади. Демак, солиқларда, молияда бўлгани сингари доимий қайтарилиб туродиган молиявий воқеликлар, аникроғи пул муносабатлари бўлади. Ана шу пул муносабатларининг мазмунини очиш орқали солиқлар моҳияти очилади. Умумдавлат ва маҳаллий бюджетларга тўланадиган солиқларнинг асосий қисми юридик шахслар зиммасига тўғри келади. Шу билан биргаликда давлат мақсадли фондларига тўланадиган мажбурий тўловларнинг ҳам каттагина қисмини юридик шахслар тўлайди. Юридик шахслар томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўғри тўланиши, аввало, уларда солиқ ҳисобининг қай даражада юритилишига боғлиқ. Солиқ ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва юритища ҳисобнинг асосий вазифалари белгилаб олинади.

Солиқ ҳисобининг асосий вазифалари қўйидагилардир:

- юридик шахслар томонидан солиқлар ҳамда мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаш;
- ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловларни давлат бюджети ҳамда давлатнинг мақсадли фондларига ўз вақтида тўланишини таъминлаш;
- солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлардан кенг фойдаланиш.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар Солиқ кодексига амалга киритилган еди.

Солиқ кодексда солиқлардан кўзланган мақсад давлат ижтимоий кафолатларининг молиявий базасини таъминлаш, юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибида солиш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланишни ва атроф-муҳитни муҳофаза этишини рағбатлантириш, деб белгиланган.

Мазкур Кодексда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи солиқлар, солиқ тўловчилар, солиқ солиш обьектлари, солиқ тўлаш тартиби, солиқ солиш юзасидан бериладиган имтиёзлар, қонунни бузганлик учун жавобгарлик ҳамда солиқлар тўлаш муносабати билан келиб чиқадиган низоларни ҳал етишининг умумий тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Солиқ кодексда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қиласди.

Солиқларга қўйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) аксиз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва маҳсус тўловлар;

- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 10) транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Бошқа мажбурий тўловларга қуидагилар киради:

- 1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:
 - ягона ижтимоий тўлов;
 - фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари;
 - бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- 2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:
 - Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
 - Республика йўл жамғармасига йифимлар;
- 2.1 бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструсиya қилиш, мукаммал таъмиглаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- 3) давлат божи;
- 4) божхона тўловлари;
- 5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йифим.

Солиқ кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ солишининг соддалаштирилган тартибida тўланадиган қуидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

- ягона солиқ тўлови;
- ягона ер солиғи;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солик.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари қуидагилардан иборат:

- солиқ солиши объекти;
- солиқ солинадиган база;
- ставка;
- ҳисоблаб чиқариш тартиби;
- солиқ даври;
- солиқ ҳисоботини тақдим етиш тартиби;
- тўлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг асосий қисми корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар ҳисобига ташкил топади.

Фойда солиғи Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг таркибий элементи ҳисобланиб, миллий даромадларни қайта тақсимлаш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Мазкур солиқ бевосита солиқ бўлиб, унинг суммаси корхона хўжалик фаолиятининг пировард молиявий натижаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Фойда солиғи тўловчилари солиқ солинадиган фойдага ега бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар йилнинг биринчи чораги, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йил якуни бўйича мустақил равишда йил бошидан бошлаб ўсиб борувчи жамлаш тартибida фойда солиғи суммасини солиқка тортиладиган ҳақиқатда олинган фойдадан берилган имтиёзлар ва белгиланган солиқ ставкаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб борадилар.

10.4. СОЛИҚ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

2004 йилнинг 1 январидан мулк шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субектларда қўлланиладиган янги счёtlар режасида бюджет билан олиб бориладиган операцияларни ҳисобга олиб бориш учун 11 та балансли ва 2 та балансдан ташқари

счётлар белгиланган бўлиб, улар қуидагилар:

Балансли счётлар: 0950 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган Фойда солиги»; 3210 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган Фойда солиги»; 4410 «Бюджетга соликлар ва йигимлар бўйича бўнак тўловлари»; 6240 «Соликлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»; 6250 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган Фойда солиги бўйича мажбуриятлар»; 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»; 7240 «Соликлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар»; 7250 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган Фойда солиги бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар»; 8840 «Мақсадли фойдаланадиган солик имтиёzlари»; 9810 «Фойда солиги бўйича харажатлар»; 9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа соликлар ва йигимлар бўйича харажатлар» счётларни ўз ичига олади.

Балансдан ташқари счётларга еса: 012 «Келгуси даврларда солик солинадиган базадан чиқариладиган харажат» 013 «Вақтингчалик солик имтиёzlари (турлари бўйича)» счётлар киради.

Юқорида келтирилган счётларнинг олдига қўйилган вазифалар турлича. Бу вазифаларни бухгалтерлар чуқур англаб амалиётда улардан тўғри фойдаланишлари зарур. 0950 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган Фойда солиги» счётida ҳисобот даврида тўланадиган соликнинг кечиктирилган қисми ҳисобга олинади. Шу билан бирга ушбу сумма балансдан ташқари 012 «Келгуси даврларда солик солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» счётнинг кириимиға ёзиб қўйилади.

Ҳисобот даври охирида ушбу сумма соликка тортиладиган базага қўшиб Фойда солигига тортилади. 4410 «Бюджетга соликлар ва йигимлар бўйича бўнак тўловлари» счётida бўнак солик суммалари, хусусан, харид қилинган хом-ашё, материаллар, яrim тайёр маҳсулотлар ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш заҳиралари бўйича ҳисоблашиш хужжатларида алоҳида кўрсатилган қўшилган қиймат солиги (КҚС) ҳисобга олинади.

4410 счётida йигилган солик суммаларини ҳисобдан чиқариш тартиби қонуний ва меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади. Бухгалтерия ҳисобида 4410 «Бюджетга соликлар ва йигимлар бўйича бўнак тўловлари» счётидан чиқариш операцияси қуидаги бухгалтерия ҳисоби ёзуви билан расмийлаштирилади: материал ресурслари, товарлар, ишлар ва ҳизматларга тегишли КҚС суммаси қарз суришишга (зачетга) қабул қилинганда: Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз», К-т 4410 «Соликлар бўйича бўнак тўловлари» счёti.

Амалдаги Низом қонунчилиги асосида соликлар бўйича имтиёzlар берилган қуидаги хўжалик субектларига тегишли.²⁰

- солик, божхона ва мажбурий тўловлардан озод қилиш натижасида ҳосил бўлган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтирадиган хўжаликлар;
- солик тўловларидан вақтингчалик озод қилиш натижасида ҳосил бўлган маблағларни мақсадли фойдаланишга йўналтиrmайдиган хўжаликлар.

Чунончи, 2003 йил 26 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармони билан Республикада маҳсус клиникалар ва тиббий марказлар ташкил етилди. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу республика ихтисослаштирилган марказлари ўз еҳтиёjlари учун олиб келинадиган тиббиёт ускуналари ва асблолари учун 2003 йилнинг 1 мартадан то 2012 йилнинг 31 декабригacha 10 йил муддатга барча турдаги соликлар, божхона тўловларибожхона расмийлаштируви учун йигимлардан ташқаритўлашдан озод қилиниб, бушайдиган маблағлар Марказларни ривожлантириш ва жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтириш кўзда тутилган.

Бундай мақсадлар учун бюджетта тўлашдан озод қилинган соликлар суммаси

²⁰ «Soliqlar, boj va majburiy to’lovlarini byudjetga to’lash bo’yicha yuridik shaxslarga berilgan imtiyozlarni rasmiylashtirish va buxgalteriya hisobida aks ettirish to’g’risida»gi Nizom. 2002 yil 22 iyunda O’zR Adliya vazirligi tomonidan 1155-son bilan ro’yxatga olingan.

молиявий натижалар тұғрисидаги ҳисоботда (2-шакл) акс еттирилади, демек корхонанинг молиявий натижаларини шаклланишига таъсир қиласы.

Бюджетта солиқ тұлашдан берилған имтиёзлар янги счёtlар Режаси бўйича 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёzlари» счётида ҳисобга олинади.

Айрим хўжалик юритувчи субектлар фойдадан ажратма солигидан қонунчиликка биноан вақтингачалик имтиёzlарга ага бўлиши мумкин. Бундай вақтларда умумий белгиланган тартибда ҳисобланган фойдадан ажратма солиги суммасига қўйидагича ёзув расмийлаштирилади: Д-т 9810 «Фойда солиги бўйича харажатлар», К-т 6410 «Бюджетта тўловлар бўйича қарз» счёти бўйича очилған «Фойда солиги бўйича имтиёzлар» счёти.

Ушбу ҳисобланган солиқ суммаси бюджетта ўtkазилмайди, балки мақсадли фойдаланиш учун берилған солиқ имтиёzlари счётига ўtkазилади: Дт 6410 «Бюджетта тўловлар бўйича қарз» счёти бўйича очилған «Фойда солиги бўйича имтиёzлар», 8840 «Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёzлари» счёти.

8840 – счёtdа ҳисобга олинадиган қонунчилик бўйича солиқлардан озод қилиш натижасида ҳосил бўлған сумма, агар имтиёzли давр кўrsatilған бўлса, кўrsatilған давр охирида, бошқа ҳолларда еса ҳар йили қўйидаги ҳисобдан чиқарилади: Д-т 8840 «Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёzлари», К-т 8520 «Резерв капитали» счёти.

Мақсадли фойдаланиш учун резерв капиталига ўtkazilғan маблағдан хўжалик юритувчи субектлар ўзларининг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлаш, шунингдек ходимларни моддий рағbatлантириш учун фойдаланганда 8520 «Резерв капитали» счёти дебетланиб тайинланишига қараб тегишли счёtlар кредитланади.

Солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлардан озод қилиниши натижасида ҳосил бўлған маблағлардан мақсадли фойдаланганлигини тасдиқлаш учун корхона ва ташкилотлар ҳар йили йиллик молиявий ҳисоботи билан бирга ушбу маблағлардан фойдаланиши тұғрисидаги ҳисоб-китобини топширади.

Солиқ органлари томонидан текширилганда солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлардан озод қилиниши натижасида ҳосил бўлған маблағларнинг белгиланган мақсадларга емас, бошқа мақсадлар учун фойдаланганлиги аниқланса ёки имтиёzли давр тугаганга қадар импорт қилинган товарлар сотилса ёки бошқа ташкилотга берилса, белгиланган мақсад бўйича фойдаланилмаган маблағлар суммаси, шунингдек, сотилган мулклар бўйича божхона тўловлари суммаси жарима чораларини кўллаган ҳолда бокимандаси билан ундириб олинади.

Солиқ органларига топширилган ҳисоб-китобларнинг тұғрилиги ва ўз вактида топширилишига корхона ва ташкилотлар жавобгардир. Қонунчилик асосида солиқ тўловларидан вақтингачалик озод қилиш натижасидада ҳосил бўлған маблағларни мақсадли фойдаланишига йўналтиrmайдиган корхона ва ташкилотларга мисол қилиб шуни кўrsatish лозимки, янги ташкил етилған корхоналар рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб икки йил давомида бюджетта мулк солиги тұлашдан озод қилинади. Ушбу солиқдан озод қилиш натижасида ҳосил бўлған маблағ мақсадли фойдаланишига йўналтирилмайди. Шундай шарт билан қонунчиликка биноан айрим хўжалик юритувчи субектлар бошқа солиқ, божхона ва мажбурий тўловлардан озод қилиниши мумкин.

Ҳисобланган бож тўловлари, солиқлар (ҚҚС тўловчилар учун ҚҚС суммасидан ташқари) ва мажбурий тўловлар суммасини товарнинг сотиш қийматига ҳам кўшмайди. Бундай хўжалик юритувчи субектлар ҳар бир бюджетта тўлов тури бўйича балансдан ташқари 013 «Вақтингачалик солиқ имтиёzлари» счётида ҳисоб юритади.

Умумий белгиланган тартибда бюджетта ҳисобланган солиқ ва тўловлар суммаси 013-счёtning кириимиға ёзиб борилади. Бюджетта ҳисобланган мажбурий тўловлар ва солиқлар суммаси молиявий натижалар тұғрисидаги ҳисоботда акс еттирилмайди ва молиявий натижаларни шаклланишига таъсир етмайди.

Солиқдан озод қилиш имтиёzли даври тугаши билан солиқдан озод қилиш натижасида ҳосил бўлған маблағлар балансдан ташқари 013 «Вақтингачалик солиқ имтиёzлари» счётидан чиқим қилинади. Бунда ҳисобдан чиқарилған маблағлар

түғрисидаги ахборот имтиёзли даври тугагандан сүнг 5 йил ичида корхонада сақланиши керак.

7240 «Солиқлар ва мажбурий тұловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счётида қонунчиликка биноан ваклотли ҳукумат органлари қарори билан тұлашни бир неча йилга узайтиришга рухсат етилган солиқ ва мажбурий тұловлар бўйича бюджет олдидағи узоқ муддатли қарз акс еттирилади.

Жорий ёки ундан узоқрок даврларда тұланиши керак бўлган тұловлар суммаси корхонанинг кечиктирилган мажбуриятлари деб тан олинади ва улар келажақда қайтарилади. Бу счётнинг кредитида тегишли солиқ ва мажбурий тұловларни ҳисобга оладиган счёtlар билан корреспондентланган ҳолда узоқ муддатли кечиктирилган тұловлар суммаси ҳисобга олинади.

Масалан, корхонага қонунчиликка биноан ваколати ҳуқуқий органлари қарори билан солиқ тұлашни бир неча йилга узайтиришга рухсат етилган бўлса, қуйидагича ёзув билан расмийлаштирилади: Д-т 6410 «Бюджетга тұловлар бўйича қарз (турлари бўйича)», К-т 7240 «Солиқлар ва мажбурий тұловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счёти.

Шунингдек бошқа мажбурий тұловлар бўйича тұлаш муддати бир неча йилга кечиктирилган ҳолларда 6510 «Суғурта бўйича тұловлар», 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тұловлар» счёtlари дебетланиб 7240 «Солиқлар ва мажбурий тұловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счёти кредитланади.

Солиқлар ва мажбурий тұловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятларнинг жорий йилда тұланадиган қисми 6240 «Солиқлар ва мажбурий тұловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счётининг кредитида қуйидаги акс еттирилади: Д-т 7240 «Солиқлар ва мажбурий тұловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар», К-т 6240 «Солиқлар ва мажбурий тұловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счёти.

Бундай сummани жорий йилда бюджетта ўтказиш ҳисобланганда 6240 «Солиқлар ва мажбурий тұловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счёти дебетланиб, 6410 «Бюджетта тұловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ёки 6510 «Суғурта бўйича тұловлар», 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тұловлар» счёtlари кредитланади.

Ушбу сума бюджетта ёки суғурта органларига ўтказиб берилганда юқоридаги 6410, 6510 ва 6520 счёtlари дебетланиб, 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» кредитланади.

7250 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» счётида вақтингчалик фарқларнинг мавжудлиги туфайли вужудга келадиган кечиктирилган Фойда солиғи суммаси акс еттирилади.

Фойда солиғи бўйича харажат ҳисоб даромадидан ҳисоблаб топилади, тұланадиган фойда солиғи еса солиққа тортиладиган фойдадан ҳисоблаб топилади. Ҳисоб даромади (фойдаси) ва солиққа тортиладиган даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқни аниқлашдаги ёндошишлар орасидаги фарқи молиявий ҳисоботда инобатта олиниши керак. Корхонанинг ҳисоб сиёсатига биноан ҳисоб маълумотлари бўйича аниқланган фойда солиғи даромад олиш мобойнида корхона томонидан қилинган харажат деб қаралади ва у тегишли даромад ва харажатлар қайси даврда вужудга келган бўлса, шу даврда ҳисобланади ҳам корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари түғрисидаги ҳисоботда акс еттирилади. Бунда ҳисоб даромадидан ҳисоблаб топилган Фойда солиғи харажати билан солиққа тортиладиган даромаддан ҳисоблаб топилган тұлашга тегишли фойда солиғи орасидаги фарқ вақтингчалик фарқ сифатида ҳисобга олинниб 7250 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» счётининг кредитида қуйидаги акс еттирилади: Д-т 9810 «Фойда солиғи бўйича харажатлар», К-т 7250 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган Фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» счёти.

Ҳар йили фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятларнинг бир қисми

Фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятларнинг жорий қисмидек 6250 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар» счётида қуидаги акс еттирилади: Д-т 7250 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар», К-т 6250 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган Фойда солиғи бўйича мажбуриятлар» счёти.

Бундай суммани жорий йилда бюджетга ўтказиш ҳисобланганда 6250 «Вақтингчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар» счёти дебетланиб, 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти кредитланади. Ушбу сумма бюджетга ўтказиб берилса 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти дебетланиб, 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» кредитланади.

Бу вактда ҳисобланган бўнак Фойда солиғи суммаси 9810 «Фойда солиғи бўйича харажатлар» счётининг дебетида қуидагича ёзилади: Д-т 9810 «Фойда солиғи бўйича харажатлар», К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти.

Ушбу сумма белгиланган муддатларда бюджетга ўтказиб берилса 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти дебетланиб, 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» кредитланади.

Ҳисобот даври тугагач йилик молиявий ҳисобот тузишда 9810 «Фойда солиғи бўйича харажатлар» ва 9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йифимлар бўйича харажатлар» счёtlарининг дебетида ҳисобга олинган солиқлар суммаси 9910 «ЙАкуний молиявий натижা» счётининг дебетига ўтказилади: Д-т 9910 «ЙАкуний молиявий натижা», К-т 9810 «Фойда солиғи бўйича харажатлар» ва 9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йифимлар бўйича харажатлар» счёtlари.

Демак, Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) суммасидан Фойда солиғини (9810-счёти) ва фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йифимлар (9820-счёти) суммасини айриб ташлагандан сўнг ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) чиқади ва у молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл)нинг 270-сатрида кўрсатилади. Субъектлар ўзининг фаолияти жараёнида Солиқ кодексига асосан белгиланган солиқлар бўйича йил давомида ўрнатилган графикка асосан солиқлар бўйича бўнак суммаларини тўлаб борадилар. Ушбу тўланган бўнаклар йилнинг охирида якуний молиявий натижалага олиб борилади ва қуидаги счёtlарда ҳисобланади.

- 9810- Фойда солиғи бўйича сарфлар.
- 9820- Фойда ҳисобидан ажратмалар бўйича сарфлар.

9810- Фойда солиғи бўйича сарфлар, 9820- Фойда ҳисобидан ажратмалар бўйича сарфлар счёtlарининг дебети йил давомида тўланган солиқлар, йифимлар ва бюджетга бошқа ажратмалар ҳисобга олинади. Ушбу счёtlардаги суммалар 9910- якуний молиявий натижা счётининг дебети билан ёпилади (Дебет 9910 ва Кредит 9800).

Корхонанинг фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базаси қуидагича ҳисобланади:

фойда солиғи тўлангунга қадар фойда ёки зарар қўшиув Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани аниқлашдаги солиқ тўловчининг чегарилмайдиган харажатлари

қўшиув Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даврининг харажатлари

айирув Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ жорий ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириладиган олдинги даврларда амалга оширилган харажатлар

айирув Солиқ кодексининг 158-моддасига мувофиқ солиқлар бўйича имтиёзлар

айирув Солиқ кодексининг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани кшайтирадиган суммалар

баробар фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган база.

М и с о л. «Умид» корхонасида солиқ солингунга қадар фойда 34 700 минг сўм дейлик; Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани аниқлашдаги солиқ тўловчининг чегарилмайдиган харажатлари - 2 840 минг сўм; Солиқ кодексининг 146-моддасига

мувофиқ келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даврининг харажатлари - 1 500 минг сўм; Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ жорий ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириладиган олдинги давларда амалга оширилган харажатлар - 600 минг сўм; соликдар бўйича имтаёzlар - 800 минг сўм; Солиқ кодексининг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган суммалар - 400 минг сўм.

Солиқ солинадиган база қуидагicha:

$$34\ 700 + 2\ 840 + 1500 - 600 - 800 - 400 = 37\ 240 \text{ мингсўм.}$$

Фойда солиги: $37\ 240 \times 7,5\% = 2793$ минг сўм.

Ҳисобланган солиқ қуидагicha ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 9810-«Даромад (фойда) солиги бўйича харажатлар» - 2793 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» - 2793 минг сўм.

Тўлов пайтида ёзув қуидагicha бўлади:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» - 2793 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» - 2793 минг сўм.

10.5. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИНИ ҲИСОБИ.

Қўшилган қиймат солиги (ҚҚС) товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиши жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишининг бир шаклидир.

Солиқ тўловчилик барча шакллари га кирувчи мустақил баланс ва ҳисоб-китоб счётига ега, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар, ташкилотлар ва уларнинг мустақил бўлинмалари дидир.

Қўшилган қиймат солиги суммаси белгиланган ставкалар асосида қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Сққс} = \text{СТоб} * \text{СС}100$$

бунда:

Сққс - истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

СТоб - солиқка тортиладиган оборот;

СС - қўшилган қиймат солиги ставкаси. Товар (иш, хизмат)лар қўшилган қиймат солигини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида - солиқ қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Сққс} = \text{Тқх СС}(\text{СС}+100)$$

бунда:

Тқ - қўшилган қиймат солиги хам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати.

Қўшилган қиймат солигидан озод қилинган товар (иш, хизмат)ларни сотадиган корхоналар еркин (шартномавий) нарх ва тарифга қўшилған қиймат солиги суммасини кўшмайдилар.

20 фоизлик микдорлардаги ставкалар бўйича қўшилган қиймат солигига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар товарларнинг сотилиши ва уларга доир солиқлар суммаси юзасидан қўлланиладиган ставкалар бўйича алоҳида ҳисобни юритиши ва ҳисоб-китоб ҳужжатларида солиқ суммаларини товарлар турлари бўйича қўлланиладиган ставкаларга қараб кўрсатиши лозим.

Мисол: Корхона мол етказиб берувчиларга материаллар сотиб олгани учун қўшилган қиймат солигини 1700 минг сўм қийматида тўлади, бу аввал 4410-«Солиқлар бўйича бўнак тўловлари» счётида акс эттирилади, ҳисобот даври охирида ушбу сумма 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счётининг дебетида кўрсатилади.

Бу қийматга қуидаги бухгалтерия проводкаси берилади:

материал сотиб олинганидаги ҚҚС суммаси - 1700 минг сўм:

Д-т 4410-«Солиқлар бўйича бўнак тўловлари» - 1700 минг сўм;

К-т 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlar» - 1700 минг сўм;

ҳисобот даври охирида ҚҚС суммаси 6410-счёт дебетига ўтказилди - 1700 минг сўм:

Д-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» - 1700 минг сўм;

К-т 4410-"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" - 1700 минг сўм.

Бу материаллардан шу ойда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди: Унинг қиймати - 30000 минг сўм; Шу жумладан қўшилган қиймат солиғи: $30000 \times 20\% : 100 = 6000$ минг сўм; ҚҚС билан бирга умумий даромад 36000 сўмни ташкил етди. Бунда қўйидаги проводкалар берилади:

Сотилган маҳсулот қийматига:

Д-т 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар" - 30000 минг сўм.

К-т 9010-"Реализация" счёти - 30000 минг сўм;

Кўшилган қиймат солиғига:

Д-т 4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар" счёти - 6000 минг сўм;

К-т 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" счёти - 6000 минг сўм.

Шу ойда бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғини аниқлаш учун харидорлардан олинган қўшилган қиймат солиғи ва мол етказиб берувчиларга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи, яъни 6410-счёtnинг кредити би лан дебети солиштирилиб аниқланади.

Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи қўйидагича ҳисобланади: $6000 - 1700 = 4300$ минг сўм.

Бу солиқ бюджетга ўтказилганда:

Д-т 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" счёти - 4300 минг сўм;

К-т 5110-"Ҳисоб-китоб счёти" счёти - 4300 минг сўм.

Товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (пахта толаси ва линт бундан мустасно) оборотига нол даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади. Бунда қўшилган қиймат солиғи «0» ставкаси билан солинади ва ишлаб чиқаришга кетган моддий ресурслар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади.

Бюджетта тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда товарлар (шплар, хизматлар) олувчи ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғининг суммасини ҳисобга олиш хуқуқига ега, агар мазкур товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан нол даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадларида фойдаланилса, шунингдек солиқ тўловчининг ўз еҳтиёжлари учун фойдаланилса.

Агар корхона қўшилган қиймат солиғидан озод етилган фаолият билан биргаликса солиқ солинадиган фаолият ҳам юритаётган бўлса, ушбу фаолият турлари бўйича харажатлар ва унинг натижалари ҳисоб-китобини алоҳида олиб боришлари лозим.

Агар корхона етказиб берилиши қўпишлган қиймат солиғи ҳам солинадиган, ҳдм солинмайдиган бир турдаги маҳсулот шплаб чиқарадиган бўлса, бунда харажатлар тақ-симланиши оборотнинг умумий суммасидаги солиқ солинадиган оборотнинг салмоқли ҳиссаси билан аниқланади.

М и с о л. Ҳисобот даври учун корхона ҚҚСсиз 200 минг сўм суммадаги оборотга ега. 200 минг сўмдан солиқ солинадиган оборот 170 минг сўмга teng.

Солиқ солинмайдиган (озод етилган) оборот 30 минг сўм.

Оборотнинг умумий суммасидаги солиқ солинадиган оборотнинг салмоқли ҳиссаси 85%ни ($170\ 000 : 200\ 000 \times 100$) ташкил қиласди.

Агар мазкур ҳисббот даврида олинган счёт-фактуralар бўйича ҚҚС суммаси 35 000 сўмни ташкил етган бўлса, бунда бу сумманинг факат 85%и ҳисобга олинади, яни 29 750 сўм ($35\ 000 \times 85 : 100$).

Тўланган солиқнинг 5 250 ($35\ 000 - 29\ 750$) сўмлик колган суммаси ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилади.

Хом ашё ва материаллар олувчи корхоналар етказиб берувчиларга уларнинг қиймати билан бирга ҚҚСни тўлай-дилар. Етказиб берувчи тушум суммасидан ушбу солиқни бюджетта ўтказади (*олинган материаллар бўйича ҚҚС ҳисоб-китоби тартиби 9-боб «Моддий бойликлар, фойдаланишида-ги инвентар ва хўжаслик жиҳозлари ҳисобида акс етти-рилган*).

Бюджетта тўланадиган қўшилган қиймат солиғи сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи сумма-лари ва олинган

счёты-фактураларга мувофиқ етказиб берувчиларга тўланадиган ёки тўланган солиқ суммалари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Айтайлик, корхона ҳисобот даврида етказиб берувчиларга 1,7 минг сўм миқдорида ҚҚС тўлади, бу esa 4410-«Бюджетга соликлар ва йигимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти дебетида акс еттирилади.

Ҳисобот ойида 30 000 минг сўмлик маҳсулот сотидди. ҚҚС суммаси 30 000 минг сўм x 20 : 100 = 6 000 минг сўмга teng. Умумий айланма ҚҚС билан бирга 36 000 минг сўмни ташкил етади.

Тушум келиб тушганда қўйидаги ёзув билан қайд етилади:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинади-ган счёtlар» - 36 000 минг сўм

Кредит 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромад-лар» - 30 000 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» - 6 000 минг сўм;

Мазкур ҳисобот даврида мол етказиб берувчиларга тўланган ҚҚСни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» - 1 700 минг сўм

Кредит 4410-«Бюджетта соликлар ва йигимлар бўйича бўнак тўловлар (турлари бўйича)» - 1 700 минг сўм.

Бюджетга тўланадиган ҚҚС 6410-счёtnинг кредити ва дебети ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади:

6 000 - 1 700 = 4 300 минг сўм

Тўланган пайтда ана шу суммага қўйидагича ёзув қайд етилади:

Дебет 6410-«Бюджетта гўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» - 4 300 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»- 4 300 минг сўм.

10.6. АКЦИЗ СОЛИГИ ҲИСОБИ

Акциз солиги соф даромад нархида ва қўшилган қиймат солигига тортиладиган базада ҳисобга олинадиган, билвосита солиқ сифатида бюджетга тўланадиган соликдир. Аксиз солиги Солиқ кодексининг 229 - 241 моддалари бўйича тартибга солинади ва аксиз солиги тўловчилари бўлиб;

Ўзбекистон Республикаси худудида аксиз солиги солинадиган товарларни (аксиз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;

Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига аксиз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар;

оддий ширкат аксиз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги (иштирокчиси).

Акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бўйича аксиз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан аксиз солигини тўловчи этиб белгиланиши мумкин.

Акциз солигининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган аксиз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база аксиз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади.

Сотилиш қийматига:

Д-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

К-т 9010-«Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» счёти.

Аксиз солиги қийматига:

Д-т 9010-«Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» счёти.

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счёти.

Акциз солиги бюджетга ўтказилганда:

Д-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счёти.

Д-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» счёти.

Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот юклаб жўнатилган кун сотиш куни деб ҳисобланади.

Акциз маржалари учун хақ тўлаганда:

Дебет 5610- «Пул эквивалентлари (турлари бўйича)»

Кредит 5110-«Хисоб-китоб счёти».

Маркаланган маҳсулот юклаб жўнатилишига қараб сарфланган аксиз маркалари суммасига бухгалтерия ёзуви қайд етилади:

Дебет 9410 - «Сотиш харажатлари»

Кредит 5610 - «Пул эквивалентлари (турлари бўйича)».

10.7. ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН СОЛИҚ ҲИСОБИ

Ер қаъридан фойдаланувчилар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олиш, шунингдек қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи шахслар тўлайди.

Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва маҳсус тўловлар Солиқ кодексининг 242-247 моддалари бўйича тартибга солинади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиқкан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим етилади: микро фирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиримай;

микро фирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиримай;

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш ҳисоб-китобни тақдим етиш муддатидан кечиктиримай амалга оширилади.

Мисол. Ҳисобот даврида корхонада қазиб олинган қўумир ҳажми 2000 минг сўмни ташкил етади, солиқ ставкаси 3,8%.

Солиқ суммаси 2000 минг сўм x 3,8% = 76 минг сўмни ташкил етади.

Ҳисоблаб чиқилган солиқ суммаси ҳар ойда 9430-“Бошқа операцион харажатлар” счётининг дебети ва 6410- “Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик” счётининг кредитида акс еттирилади:

Д-т 9430-“Бошқа операцион харажатлар” счёти - 76000 сўм;

К-т 6410-“Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик” счёти - 76000 сўм.

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда:

Д-т 6410-“Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик” счёти - 76000 сўм;

К-т 5110-“Ҳисоб-китоб счёти” счёти - 76000 сўм.

10.8. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ ҲИСОБИ

Ушбу солиқни тўловчилар ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми, яъни юридик шахслар фойдаланган сув ресурсларининг бутун ҳажми сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш обьекти ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ Солиқ кодексининг 257-264 моддалари бўйича тартибга солинади. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат Солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга белгиланган тартибда етказилади.

Ер ости ва ер устидаги манбалардан сув келиб тушадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилган ҳолда солиқ тегишли манбалар учун белгиланган ставкалар асосида ҳисоблаб чиқилади. Туманлар ва шаҳарлар давлат солиқ инспексиялари сув етказиб берувчи корхоналардан водопровод тармоғига ер ости ва ер устидаги манбалардан келиб тушадиган сув ҳажмларининг нисбати ҳақидаги маълумотларни олиши ва уларни солиқ тўловчилар еътиборига ҳавола етиши лозим.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахс ташкил етган ва ташкил етмаган ҳолда тузилган дәхқон хўжаликлари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси юридик шахс ташкил етган ва ташкил етмаган ҳолда тузилган дәхқон хўжаликларида давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирилди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобланганда:
Д-т 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда қуийдагича проводка берилади:

Д-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёта»

10.9. ЮРИДИК ШАХСЛАР МОЛ-МУЛКИГА СОЛИҚНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Юридик шахслар мол-мулкига солиқ солинадиган мақсади кераксиз ва ортиқча ускуналар ҳамда бошқа мулкларнинг корхоналарда меъёрдан ортиқча сақланишини бартараф этишдан, корхоналарда товар обороти жараёнини жадаллаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган, мустақил балансга ега бўлган, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган барча юридик шахслар солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Шунингдек корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган, мустақил балансга ега бўлган филиал, ваколатхона ёки бошқа шаклдаги таркибий кисмлари ҳам мол-мулк учун солиқ тўловчилар саналади. Солиқ солиши ставкалари ва солиқ солиши обьектлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу солиқ корхонанинг мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан олинади. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаси қуийдагича:

Йил давомида мол-мулкнинг ҳисобот давридаги (йил чораги, ярим йиллик, 9 ойлик) қолдиқ қиймати мол-мулкнинг биринчи ойининг 1 кунидаги қолдиқ қийматининг ярмини ҳисобот даврида кейинги ойининг 1 кунидаги қолдиқ қийматининг ярмига қўшилишидан ҳосил бўлган суммани, шунингдек мол-мулк қолдиқ қийматининг ҳисобот давридаги қолган барча ойларнинг 1 кунидаги суммасини ҳисобот давридаги ойлар сонига бўлишдан ҳосил бўлган хусусий ҳосила сифатида белгиланади. Солиқ солинадиган базани белгилаш учун бухгалтерия ҳисобининг баланс активида акс еттириладиган қуийдаги счёtlар бўйича суммалар қабул қилинади:

Солиқ солинадиган базани аниқлаш учун ескиришни чегириб гашлаган ҳолда қуийдаги бухгалтерия ҳисоби счёtlари бўйича балансшшг активида жойлашган суммалар қабул қилинади:

0110-0199 - асосий воситаларни ҳисобга олувчи счёtlар;

0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»;

0710-0720 - ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счёtlар (меъёрдаги муддатларда ўrnагилмаганлари бўйича);

0810-«Тугалланмаган қурилиш»(белгиланган муддатларда тугалланмаганлари бўйича).

Корхонанинг мол-мулкига 4,0%ли ставка бўйича солиқ солинади. Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ва фойдаланилмаёттан мол-мулк учун корхона ва ташкилотлар мол-мулк солигини икки каррали ставка бўйича тўлайдилар.

Солиқнинг ҳисобланган суммаси давр харажатларида ҳисобга олинади ва қуийдагича ўтказма билан акс етти-рилади:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»;

- солиқ бюджетга тўланганда:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» -

10.10. ЕР СОЛИФИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Ўз мулкида, егалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига ега бўлган юридик шахслар ер солиги тўловчиларидир.

Юридик шахслар учун қуидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

- 1) конун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- 2) қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун егалик қилишга берилган ер участкалари;
- 3) корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;
- 4) корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк хукуки ўтиши билан бирга егалик қилиш ва фойдаланиш хукуки ҳам ўтган ер участкалари.

Ер солиги ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан белгиланган умумий тартибда солиқ тўловчиларга етказилади.

Ер солифини ҳисоблаш ер участкасининг ҳақиқий майдони асосида амалга оширилади.

Ҳисобланган сумма қуидаги ёзув билан ифодаланади:

Д-т 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда қуидагича проводка берилади:

Д-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

10.11. ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАСТРУКТУРАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИҚ ҲИСОБИ

Юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган хорижий инвестицияли юридик шахслар ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солифини тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ солиши обьекти бўлиб "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"нинг 2-сон шакли 270-сатрида "Солиқ солинадиган фойда" қийматидан фойда солиги айрилган суммаси ҳисобланади. Солиқнинг енг юқори ставкаси солиққа тортиш обьектининг 8%ни миқдорида белгиланган. Махаллий ҳокимият идоралари солиқни паст ставкалар бўйича тўлаши мумкин.

Балансида ижтимоий инфратузилма обьектлари бўлган солиқ тўловчилар бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қуидаги тартибда аниқлайди:

агар ижтимоий инфратузилма обьектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу мoddанинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасига teng ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўланмайди;

агар ижтимоий инфратузилма обьектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу мoddанинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам бўлса, бюджетта тўланадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳақиқатда сарфланган харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ қуидагича ўтказма билан акс етгирилади:

Дебет 9820-«Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)».

Солиқни бюджетта ўтказишида қилинадиган ёзув:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)»

Кредит 5110-«Хисоб-китоб счёти».

10.12. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИГА ТҮЛОВЛАР ХИСОБИ

Бюджетдан ташқари жамғармалари марказий ёки маҳаллий ҳокимият органларининг ихтиёрида бўлган молиявий ресурслар йиғиндиси бўлиб, улар маълум мақсадга йўналтирилади. Бюджетдан ташқари жамғармалар молиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланниб, уларнинг шаклланиши ва ишлатилиш тартиби молиявий қонунчилик орқали тартибга солинади.

Давлат бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил етиш орқали ўзининг молиявий маблағларидан самарали фойдаланиши таъминлайди. Амалиётдан маълумки, фақатгина бюджет маблағлари ёрдамида у ёки бу ижтимоий-иктисодий дастурларни хаётга татбиқ етиш мушкулдир.

Пенсия жамғармаси шаклланишининг бошқа элементлари ҳам бор:

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15- моддасига мувофиқ тайинланган меҳнатда жароҳатланганлик ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлганларга пенсия тўлаш харажатларини қоплаш учун регресс талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағлар;

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14- моддасига мувофиқ муддатидан олдин тайинланган пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари;

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига мувофиқ тайинланган имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари;

Ҳисобланган жарималар суммалари, қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ органларини ривожлантириш жамғармасига ундирилган суммаларидан ташқари, суғурта бадаллари ва ажратмаларнинг ўз вақтида тўламаганлиги учун пенялар;

Ягона ижтимоий тўлов 2015 йилда **25 фоизли** ставка қилиб белгиланди, унинг мақсадли жамғармаларга қуйидаги ставкалар бўйича, яъни, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига -24,8 фоиз, Давлат бандликка кўмаклашиш фондига – 0,1 фоиз, Касаба ўюшмалари федерацияси Кенгашига – 0,1 фоиз миқдорида тақсимланиши сақланиб қолди. Микрофирма ва кичик корхоналар, шу жумладан фермер хо'жаликларига 15 фоиз қилиб белгиланди. Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари амалдаги **6.5 фоиз** **7 фоиз** қилиб белгиланди..

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;

Пенсия фондига ажратмаларни ҳисобга олишда қуйидаги счёtlардан фойдаланилади:

4520-"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари";

6520-"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

4520-"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари" счётида корхона ва ташкилотлар томонидан Пенсия фондига хисбот даврида ўтказиб берилган бўнак тўловлари ҳисобга олинади.

Бу муомалага қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4520-"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари"

К-т 5110-"Хисоб-китоб счёти";

6520-"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" счётида корхона ва ташкилотлар томонидан Пенсия фондига тўланадиган ажратмалар ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилади. Пенсия фондига ажратмалар ҳисобланганида қуйидагича проводкалар берилади:

Капитал қўйилмалар бўйича суғурта тўловлари ҳисобланди:

Д-т 0810-0890;

К-т 6520-"Давлат мақсадли фондларига тўловлар". Харажатларга тегишли суғурта тўловлари ҳисобланди:

Д-т 2011, 2310, 2510, 9420;

К-т 6520- "Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

Ходимнинг иш ҳақидан ушланадиган суғурта тўловлари ҳисобланди:

Д-т 6710-"Ходимлар билан меҳнат ҳақи ҳисобидан ҳисоблашишлар";

К-т 6520-"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

Ҳисобот даври якунида Пенсия фондига илгари тўланган бўнак тўловлари якуний ҳисоб-китоб қилиш учун 6520-"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" счётига ўтказилади:

Д-т 6520-"Давлат мақсадли фондларига тўловлар"

К-т 4520-"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари".

Шундан сўнг Пенсия фондига бўлган қарз тўловлари ўтказиб берилади:

Д-т 6520-"Давлат мақсадли фондларига тўловлар";

К-т 5110-"Ҳисоб-китоб счёти".

10.13. РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИГА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ

Йўл фондининг маблағлари умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш, қуриш, қайтадан қуриш, таъмирлаш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда олиб қўйилиши ёки сарфланиши мумкин емас. Йўл фондининг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари захирага ўтказилиб, кейинги йилда фақат мақсадга мувофиқ сарфланади.

Республика йўл жамғармаси ажратмаларни ҳисобга олишда қўйидаги счёtlардан фойдаланилади:

6520-"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

6520-"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" счётида корхона ва ташкилотлар томонидан Йўл фондига тўланадиган ажратмалар ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилади. Йўл фондига ажратмалар ҳисобланганида қўйидагича проводкалар берилади:

Ҳисобот даври якунида Йўл фондига илгари тўланган бўнак тўловлари якуний ҳисоб-китоб қилиш учун 6520-"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" ҳисоб-варағига ўтказилади:

Ҳисобланган сумма қўйидаги ёзув билан ифодаланади:

Д-т 9430-"Бошқа операцион харажатлар"

К-т 6520 - "Давлат мақсадли фондларига тўловлар";

Шундан сўнг Йўл фондига бўлган қарз тўловлари ўтказиб берилади:

Д-т 6520 - "Давлат мақсадли фондларига тўловлар";

К-т 5110 - "Ҳисоб-китоб счёти".

10.14. СОДДАЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚЛАР ҲИСОБИ

Ягона солик тўлови ҳисоби. 2005 йил 20 июнда Президентнинг "Микро фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ти ПФ-3620-сонли Фармони қабул қилинди. У кичик бизнес субъектларининг фаолият кўрсатиш шарт-шароитини яхшилашга, уларни соликка тортишни соддалаштиришга йўналтирилган ва асосий масалалар тартибга солинади:

1) солик солишининг соддалаштирилган тизими таркибининг ўзгариши, бирхиллаштирилган солик тўловининг жорий етилиши;

2) жорий етилган бирхиллаштирилган солик тўлови тўловчилари учун имтиёзлар ва қўшимча преференсиялар берилиши.

Ягона солик тўловини тўловчилар унинг суммасини солик солинадиган база ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиқсан ҳолда ҳисоб-китоб қиласидилар. Бунда солик органларига давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар алоҳида тақдим етилмайди, шунингдек пенсия, йўл ва Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструксия қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси жамғармаларига мажбурий ажратмалар суммаларини алоҳида тўланмайди.

Ягона ер солиғи ҳисоби.

Ягона ер солиғини тўловчилар қуидагилардир:

қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар;

қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-експериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари.

Бир вақтнинг ўзида қуидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солиқ солиши мақсадида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига киради:

ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларига ега бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида 50 фоизни ташкил етадиган юридик шахслар.

2015 йил 1 январдан бошлаб, Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив кийматидан келиб чиқиб, ягона ер солиғининг ставкаси 6 фоизлиги сақланиб қолинди.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ҳисоби.

Қатъий белгиланган солиқни тўловчилар бўлиб фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиқсан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Қатъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турларининг рўйхати, шунингдек фаолиятнинг мазкур турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ етиладиган фаолият билан бир қаторда фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятнинг мазкур турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва умумбелгиланган ёки ушбу бўлимда белгиланган солиқларни тўлашлари шарт.

Қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич солиқ солинадиган обьект ҳисобланади. Солиқ солинадиган база физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиқиб, солиқ суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ ҳизмати органларига:

янги ташкил қилинаётган (бошловчи) солиқ тўловчилар томонидан – давлат рўйхатидан ўтказилган кундан еътиборан ўн кундан кечиктиримай;

фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан – ҳисбот йилининг 15 январигача тақдим етилади.

Солиқ солиши обьекти ва иш ҳакининг енг кам миқдори ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлик киритилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўловни тўлаш муддатидан кечиктиримай тақдим етишлари шарт.

Қатъий белгиланган солиқни юридик шахслар томонидан – ҳар ойда ҳисбот оидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиримай тўлайдилар.

Ушбу солиқ ҳисобланганда қуидагича проводқа берилади:

Д-т 9810-"Фойдадан ҳисобланган ва тўланган солиқлар" счёти;

К-т 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" счёти;

Бу солиқ бюджетга ўтказилганда:

Д-т 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" счёти;
К-т 5110-"Ҳисоб-китоб счёти" счёти.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Солиқ ҳисобини юритишнинг зарурлиги нимада?
2. Юридик шахслар бюджетга қайси турдаги солиқларни тўлайди?
3. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар ҳисоби?
4. Кичик бизнес субъектлари қайси турдаги солиқларни тўлайди?
5. Кичик бизнес субъектларда солиқларнинг соддалаштирилган ҳисоби ва ҳисботини тузиш тартиби таснифланг?

11-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ.

Ўрганиладиган саволлар

- 11.1. Молиявий ҳисботнинг вазифаси, унинг таркиби.
- 11.2. Молиявий ҳисботни тузишга тайёргарлик кўриш тартиби.
- 11.3. Молиявий ҳисботдан фойдаланувчилар.
- 11.4. Бухгалтерия баланси.
- 11.5. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот.
- 11.6. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот.
- 11.7. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисбот.
- 11.8. Молиявий ҳисботга тушунтиришлар, иловалар ва изоҳлар.
- 11.9. Солиқ ва статистик ҳисботлар таркиби.

Таянч иборалар: ҳисбот, фойдаланувчилар, баланс, пул оқимлари, молиявий натижалар, хусусий капитал, ҳисботга тушунтиришлар, иловалар ва изоҳлар

11.1. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ВАЗИФАСИ, УНИНГ ТАРКИБИ.

“Бухгалтерия ҳисоби” тўғрисидаги қонунининг 22-моддасида Молиявий ҳисбот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисбот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисбот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатdir.

Йиллик молиявий ҳисбот кўйидагиларни ўз ичига олади:
бухгалтерия баланси;
молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот;
пул оқимлари ҳақидаги ҳисбот;
хусусий капитал тўғрисидаги ҳисбот;
изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисботга доир талаблар молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларида белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби субъекти молиявий ҳисботни тузишда мустақил балансга ажратилган ўз ваколатхоналарининг, филиалларининг ва бошқа таркибий бўлинмаларининг бухгалтерия балансларини ҳамда бошқа ҳисбот шаклларини киритиши керак.

Молиявий ҳисбот ҳисбот йили бошидан ортиб борувчи якун билан тузилади.

Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисботи бюджет тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ тузилади ва тақдим этилади.

Молиявий ҳисботнинг таркиби ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари молиявий ҳисботининг таркиби ҳамда мазмуни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Кичик корхона ва микрофирмалар факат бухгалтерия баланси - 1-сон шакл, молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот - 2-сон шакл ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома - 2а-сон шаклдан иборат бўлган йиллик молиявий ҳисботни тақдим этадилар.

Йиллик молиявий ҳисоботга ҳисобот йилида корхона фаолиятининг якуний натижаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати илова қилинади.

11.2. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ТАРТИБИ.

Корхоналарнинг молиявий ҳисоботи белгиланган талаблар ва қоидаларга риоя қилган ҳолда тузилса ундаги маълумотлар ҳисобот даври мобайнида унинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида етарлича ахборот беради.

Бугунги кунда молиявий ҳисобот шакллари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2002йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғига мувофиқ тузилмоқда.

Ҳисоботнинг асосий шакллари корхона баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби» тўғрисидаги Низом, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот билан чамбарчас боғлиқдир.

Эндиликда эса молиявий ҳисобот шакллари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғига мувофиқ тузилмоқда. Бу буйруғига 12.11.2003 йил ва 20.12.2004 йилда Молия вазирлигининг мос равища 1209-1 ва 1209-2 сон буйруғлари билан ўзгартиришлар киритилган, ҳамда улар молиявий таҳлил мақсадлари учун асосий манбалар ҳисобланмоқда.

Тасдиқланган молиявий ҳисобот шакллари фақат шаклан ўзгарибина қолмай, балки маъноси ҳам сезиларли даражада ўзгарган: молиявий таҳлил мақсадлари учун улар ахборотларга янада бойиган. Барча қилинган ўзгартиришлар ҳисоботларни халқаро андозалар даражасига етказиш мақсадида амалга оширилган. Жумладан, бухгалтерия балансининг актив ва пассив томонларини икки бўлимли ҳолатга келтириш.

Корхона баланси, бухгалтерия ҳисоботининг асосий шакли ҳисобланади, қолган шакллар еса ундаги маълумотларни батафсилроқ очиб бериш ва тўлдириш учун хизмат қиласи. Корхона баланси, корхонанинг барча маблағларининг ҳолати ва хўжалик фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. Бухгалтерия ҳисоботининг бошқа шаклларида акс етган кўрсаткичлар еса, корхона фаолиятининг у ёки бу томонини ифодалайди.

Ҳисоботнинг кейинги шакли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдир. З-сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандарт ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бўлиб, унда шу ҳисоботга тегишли барча масалалар ёритилган. Юқорида келтирилган молиявий ҳисобот шаклларига қўшимча равища тармоқ хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда бухгалтерия ваколатли органлар бошқа ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиши ва уларни тақдим қилишни белгилаши мумкин.

11.3. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар икки асосий гурӯхга ажратилади: ички фойдаланувчиларва ташки фодаланувчилар.

Ички фойдаланувчиларга, маъмурият, яъни бошқарув ходимлари, менеджерлар, раҳбарлар ва бўлинмалар мутахассислари, ҳамда таъсисчилар ва мулкдорлар киради.

Бошқарув аппарати ходимлари ва мутахассислари бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан кенг фойдаланувчилар қаторига киради. Уларга бериладиган маълумотлар таркиби, эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган ишига бевосита боғлиқдир.

Бошқарув ходимлари ва мутахассислари бу асосида турли ишлаб чиқариш ва молиявий характердаги қарорларни қабул қилди. Шунинг учун ҳам бундай қарорларни

қабул қилишда тўлиқ, аниқ ва ўз вақтидаги маълумотлар алоҳида аҳамиятга ега, акс ҳолда корхона катта заарлар кўриши ва таназзулга учрашгача етиб бориши мумкин.

Иктиносидий инқизорзинг интеграстиялашуви шароитида молиявий ҳисобот билан қизиқувчи ташки фойдаланувчилар ўз навбатида икки гурухга бўлинади: корхона фаолияти билан бевосита манфаатдор бўлганлар ва билвосита манфаатдор бўлганлар.

Бухгалтерия маълумотларидан бевосита манфаатдор бўлган ташки фойдаланувчиларга мавжуд ёки келажакдаги инвесторлар, банклар, мол етказиб берувчилар ва бошқа кредиторлар киради. Улар асосан бухгалтерия ҳисботларида мавжуд маълумотлардан фойдаланадилар. Шу маълумотлар асосида улар корхонанинг истиқболдаги молиявий имкониятлари ва барқарор ривожланиши ҳақида хуросалар чиқарадилар.

Бухгалтерия маълумотларидан билвосита манфаатдор бўлган ташки фойдаланувчиларга, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари; солиқ ва молия органлари, давлат статистика органлари, аудиторлик фирмалари ва бошқа фойдаланувчилар (фонд биржалари, илмий маслаҳатчилар, харидорлар ва шунга ўхшаш фойдаланувчилар) киради.

Ташки фойдаланувчиларни асосан қуйидаги кўрсаткичлар қизиқтиради:

- корхона актив ва пассивларининг таркиби;
- актив ва пассивларнинг ликвидилиги; -хусусий ва қарзга олинган капиталнинг улуши; -активларнинг айланиш тезлиги;
- барча активлар ва сотилган маҳсулотларнинг рентабеллилиги;
- мулкдорлар ихтиёрида қоладиган соф фойда;
- хиссадорлик жамиятларида тўланган дивидентлар улуши ва ҳоказо.

11.4. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ.

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисботнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланади. Унда хўжалик юритувчи субъектнинг активлари, капитал ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар маълум бир даврга акс еттирилади. "Баланс" атамаси лотинча бис - "икки марта", банх - "тарози палласи" сўзларидан таркиб топган бўлиб, тор маънода "икки палла" деган маънони англатади ва тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.²

Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий асос ҳисобланган 1-БХМС "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисббот" да бухгалтерия балансини таърифловчи маҳсус банд бўлмасада 6.6-бандида бухгалтерия балансининг мақсади қуйидагича ёритилади: "Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия баланси унинг ҳисббот кунигача бўлган молиявий ҳолатини акс эттириши лозим, бу эса унинг имкониятлари ва молиявий тузилмасини тушуниш имкониятини беради". Албатта, бу тушунтиришнинг мазмуни иктиносидий адабиётларда берилган таърифларга мазмунан жуда яқинdir.

Хорижий иктиносидий адабиётларда бухгалтерия балансига берилган таърифларнинг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан мамлакатимиз иктиносидчи олимлари томонидан берилган таърифларга жуда яқинdir. Масалан, Р. Энтони, Дж. Рис бухгалтерия балансига қуйидагича таъриф беради: "Бухгалтерия баланси мустақил ҳисб юритувчи ҳар қандай хўжалик бирлигининг маълум вақтга бўлган молиявий ҳолатини акс эттиради". Худди шунга яқин фикрни Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуел ҳам билдиради: "Баланс фирманинг маълум вақтга бўлган молиявий ҳолатини тавсифлайди. У актив, пассивлар ва капитални ҳисобга олувчи счёtlарнинг қолдигини ўз ичига олади"

Бухгалтерия баланси тўғрисидаги худди шунга яқин таърифларни Россиялик иктиносидчи олимларнингдарслик ва ўкув қўлланмаларида учратиш мумкин.

Шундай қилиб, бухгалтерия балансининг мазмуни ва моҳиятини очиб бериш мақсадида иктиносидий адабиётларни таҳлил қилиш уларнинг барчасида бир-бiriга ўхшаш, умумий ва мазмуний жиҳатидан яқин бўлган таърифлар, тушунтиришлар, фикр ва мулоҳазаларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида мамлакатимизда нашр

қилинаётган иқтисодий адабиётларда бухгалтерия балансининг мазмуни ва моҳиятини очиб беришда анча салмоқли ишлар амалга оширилаётганлигини тасдиқлайди.

11.5. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТҮҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Молиявий натижалар түғрисидаги ҳисобот З-сон БХМС «Молиявий натижалар түғрисидаги ҳисобот»га биноан жорий бухгалтерия маълумотлари бўйича тузилади.

Ҳисоботнинг 010 - қатор 90 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар» счётининг тегишли (9010 - 9030) субсчёларидан олинади. Бу счёларнинг суммасидан 9050 - «Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар» счётининг суммаси чиқариб ташланади. 020 - қатор суммаси 9110 - «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счётининг тегишли субсчёлари (9110 - 9130) дан олинади. 030 - қатор суммасини топиш учун 010 - қатор суммасидан 020 – қатор суммасини айириб ташлаш керак.

«Давр харажатлари ҳажми» моддасида (сатр 040) 050, 060, 070, 080), қаторларнинг умумий суммаси ёзилади.

«Сотиш бўйича харажатлар» моддаси бўйича (050 қатор) сотиш бўйича харажатлар акс эттирилиб, улар 9410 - «Сотиш бўйича харажатлар» счётидан олинади.

«Маъмурий харажатлар» моддаси бўйича (060 қатор) маълумотлари 9420 - «Маъмурий харажатлар» счётига олинади.

«Бошқа операцион харажатлар» моддаси бўйича (070 қатор) маълумотлар 9430 - «Бошқа маъмурий харажатлар» счётига олинади.

«Келгуси солиқка тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» моддаси бўйича (080 қатор) маълумотлар 9440 - «Келгуси солиқка тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» счётига олинади. «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» моддаси бўйича (090 қатор) маълумотлар 9300 - «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счёларига олинади.

«Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)» моддаси бўйича (100 қатор) маълумотлар 030 - қатор суммасидан 040 - қатор суммасини айириб ташлаш 090 - қатор суммасини қўшиш йўли билан аниқланади.

«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, жами» моддаси бўйича (110 қатор) маълумотлар 120, 130, 140, 150, 160 - қаторлар суммаларини қўшиш йўли билан топилади.

«Дивиденд шаклидаги даромадлар» моддаси бўйича (120 қатор) маълумотлар 9520 - «Дивиденлар кўринишидаги даромадлар» счётидан олинади.

«Фоизлар шаклидаги даромадлар» моддаси бўйича (130 қатор) маълумотлари 9530 «Фоизлар шаклидаги даромадлар» счётидан олинади.

«Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар» моддаси бўйича (140 қатор) маълумотлари 9550 - «Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар» счётидан олинади.

«Валюта курси фарқидан даромадлар» моддаси бўйича (150 қа-тор) маълумотлари 9540 - «Валюталар курслари фарқларидан даромадлар» счётидан олинади.

«Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» моддаси бўйича (160 қатор) маълумотлари 9510 - «Роятли кўринишидаги даромадлар», 9560 - «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар», 9590 - «Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счёларидан олинади.

«Молиявий фаолият бўйича харажатлар» моддаси бўйича (170 қатор) маълумотлар 180, 190, 200, 210 - қаторларнинг жами акс эттирилади.

«Фоизлар шаклидаги харажатлар» моддаси бўйича (180 қатор) маълумотлари 9610 - «Фоизлар шаклидаги харажатлар» счётидан олинади.

«Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)» моддаси бўйича (190 қатор) маълумотлар 9610 - «Фоизлар шаклидаги харажатлар» счётидан олинади.

«Валюта курси фарқидан заарлар» моддаси бўйича (200 қатор) маълумотлар 9630 - «Валюта курси фарқидан заарлар» счётига олинади.

«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» моддаси бўйича (210 қатор) маълумотлари 9630 - «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар», 9690 - «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счёtlаридан олинади.

«Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)» моддаси бўйича (220 қатор) 100 қатор суммасига 110 қатор суммасини кўшиб 170 қатор суммасини ташлангандан ҳосил бўлган сумма ёзилади.

«Фавқулоддаги фойда ва заарлар» моддаси бўйича (230 қатор) даромади бўйича маълумотлар 9710-«Фавқулодда заарлар» счётидан олинади.

«Даромад (фойда) солиғи тўлагунча қадар фойда (зарар)» моддасининг (240 қатор) маълумотлари 220-қатор суммасига 230-қатор суммасини (фойда бўлса) кўшиб, (зарар бўлса) чегириб ташлаш йўли билан топилади.

«Даромад (фойда) солиғи» моддаси бўйича (250 қатор) маълумотлар 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» счётидан олинади.

«Фойдадан бошқа солиқлар ва йифимлар» моддаси бўйича (260 қатор) корхона томонидан йил бошидан фойда ҳисобидан ҳисобланиб тўланган солиқ ва йифимлар суммаси акс эттирилади.

«Ҳисобот даврининг соф фойда (зарари)» моддаси бўйича (270 қатор) маълумотлар 240 қатор суммасидан 250 ва 260 қаторлар сум-маларини айриш йўли билан топилади.

11.6. ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Пул оқими тўғрисида ҳисобот маълум бир ҳисобот даврида корхонанинг пул маблағлари ҳолатига операцион, инвестиция ва молиявий фаолияти таъсирини акс эттиради ва шу давр ичида пул маблағлари ўзгаришини кўрсатади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни беради:

- корхонанинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ишлаб топиш қобилиятини, шунингдек, шунга ўхшаган пул маблағларидан фойдаланишда корхона эҳтиёжини баҳолаш;

- корхонанинг соф активидаги ўзгаришларни, унинг (тўлов қобилияти ҳам кўшилган ҳолда) молиявий структурасини ва унинг ўзгарувчан вазият ва имкониятларига мослашиш мақсадида пул оқимларининг суммалари ва ўз вақтида тушишига таъсир этиш қобилиятини баҳолаш;

- турли корхоналарнинг операцион фаолияти тўғрисидаги ҳисботни таққослаш. Чунки бу хўжалик фаолиятининг бир хил муомала ва воқеалари учун бухгалтерия ҳисобининг турли усусларидан фойдаланиш оқибатларини бартараф этади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисботовда даври ичида пул маблағлари оқими қуйидаги фаолиятлар бўйича таснифланади:

- операцион фаолияти;
- инвестицион фаолияти;
- молиявий фаолияти.

Операцион фаолиятдан олинадиган пул маблағлари ҳажми корхона фаолияти самарасининг ҳал этувчи кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Чунки у ташки молиялаш манбаларисиз қайтариш, меҳнат унумдорлик даражасини сақлаш, дивиденdlар тўлаш ва янги капитал қўйилмаларни амалга ошириш имкониятини беради.

Операцион фаолиятидан бўлган пул маблағлари ҳаракати биринчи навбатда, даромад олиш бўйича асосий фаолият натижаси бўлиб ҳисобланади.

Инвестицион фаолият – бу пул эквивалентига кирмайдиган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш, қайтариладиган кредитларни бериш ва олиш. Буларга бино, асбоб - ускуна, номоддий ва бошқа активларни сотиб олиш, акция ёки бошқа қарз мажбуриятларини сотишдан тушган тушум ва бошқа корхоналарнинг акциялари ва қарз мажбуриятларини сотиб олиш, фьючерс, форвард, опцион ва своп - контрактлар бўйича тушумлар ва улар бўйича тўловлар киради.

Фьючерс контракт (муддатли контракт) – бу маълум миқдорда молиявий инструментларни ёки белгиланган миқдордаги товарни эркин савдо биржасида келишилган нархда олди - сотди тўғрисидаги шартнома.

Форвард контракти – бу товар ёки молиявий инструментларни келажакда жўнатиш ва ҳисоб - китоб қилиш бўйича олди – сотди тўғрисидаги битим.

Опцион контракт (мукофотли битим) – бу маълум миқдордаги молиявий инструментлар ёки товарларни келишилган муддат ичида белгиланган миқдорда мукофот тўлаш эвазига қайд этилган нархда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуки.

Молиявий фаолият – бу шундай фаолият турики, унинг натижасида корхонанинг хусусий капитали ва қарзлари ҳажми ва структураси (тузилиши) да ўзгариш ҳосил бўлади.

11.7. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Хусусий капитал тўғрисида ҳисбот жорий бухгалтерия маълумотларига асосан тузилиб, унда ташқи ва ичкифойдаланувчилар учун муҳим кўрсаткичлар мавжуд.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисбот маълумотларига асосан корхонанинг бозор фаоллиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш мумкин. Бу кўрсаткичлар компания акцияларининг қиймати ва даромадлилигини таърифлайди.

1. Бир акцияга тўғри келадиган фойда қўйидагича аниқланади:

| | | |
|-----------|---|---|
| АФ | = | Соф фойда (ССФ) – имтиёзли акция бўйича дивидендер |
| | | Муомаладаги оддий акциялар |

Бу кўрсаткич муомаладаги бир оддий акцияга қанча соф фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу бозор иқтисодиёти шароитида энг зарурӣ кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисбланади.

2. Акциянинг бозор баҳоси билан бир акцияга тўғри келадиган фойдананинг муносабатлари (БФ) қўйидагича аниқланади:

| | | |
|-----------|---|------------------------------------|
| БФ | = | Бир акциянинг бозор қиймати |
| | | АФ |

Бу кўрсаткич компаниянинг бир сўм соф фойдасига акционерлар неча сўм тўлашга розилигини билдиради. Масалан, «А» компаниясида бу кўрсаткич 10 бўлиб, «Б» компаниясида 8 бўлса, инвесторлар «А» компаниясининг инвестиция сифатини афзалроқ баҳолайди. Бу кўрсаткич бошқа компанияларнинг бир акцияга тўғри келадиган фойда динамикаси бўйича баҳоланади.

3. Бир акциянинг баланс қиймати қўйидагича аниқланади:

| | | |
|-----------|---|--|
| АБ | = | Акционер капиталининг қиймати – имтиёзли акциялар |
| | | Муомаладаги оддий акциялар |

Бир акциянинг баланс қиймати бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи маълумотларига биноан бир оддий акцияга тўғри келадиган корхона-нинг соф активлари қийматини кўрсатади.

4. Бир акциянинг бозор қиймати билан баланс қийматининг нис-бати унинг бозор қиймати қанча эканлигини кўрсатади ва у қўйида-гича аниқланади:

| | |
|---|-------------------------------------|
| Бир акциянинг бозор қиймати билан баланс қийматининг нисбати | Бир акциянинг бозор қиймати |
| | Бир акциянинг баланс қиймати |

5. Дивиденд даромад ёки дивиденд нормаси қўйидагича аниқла-нади:

| | |
|--|------------------------------------|
| Дивиденд даромад (ҳақиқий фойда нормаси | Бир акциянинг дивиденди |
| | Бир акциянинг бозор қиймати |

6. Акциянинг даромадлилиги (Ад) муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қўйидагича аниқланади:

$$Ад = \Delta + (С * -C);$$

бу ерда:

D - акцияга эгалик қилиш даврида

C - олинадиган дивиденд суммаси

*C** - сотиш нархи,

C - сотиб олиш нархи

7. Тўланадиган дивидендлар улуши кўйидагича аниqlанади:

$$\begin{array}{ll} \text{T.d.y} & = \text{Бир акцияга тўғри келадиган дивиденд} \\ & = \text{Бир акцияга тўғри келадиган соф фойда} \end{array}$$

Бу кўрсаткич таҳлилиниң хусусияти шундан иборатки, унинг «яхши» ва «ёмон» даражаси бўлмайди. Лекин бунинг умумий кўрсаткичи 1 дан ошмаслиги керак. Бу, демак, компания дивиденд тўлаш учун етарли даражада фойда олганлигини кўрсатади. Агар бу кўрсаткич 1 дан ошиб кетса, компания молиявий имкониятидан оқилона фойдаланмаганлигини ёки резерв капиталидан қарз олганлигини кўрсатади.

Дивидендлар хусусий капитални камайтиради, чунки улар компания тасарруфига қолган соф фойдадан тўланади.

11.8. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТГА ТУШУНТИРИШЛАР, ИЛОВАЛАР ВА ИЗОХЛАР.

Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар корхонанинг ҳисоб сиёсатини очиб бериши ва ҳисоботдан фойдаланувчиларни корхонанинг мулкий ва молиявий аҳволини реал баҳолаш учун зарур бўлган кўшимча маълумотлар билан таъминлаши керак.

Молиявий ҳисоботга тушунтириш хати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июля 17-07/86-сон билан тасдиqlанган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (1-сон БҲМС) "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" (рўйхат рақами 474, 1998 йил 14 август, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 1999 йил 5-сон)да назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилади.

11.9. СОЛИҚ ВА СТАТИСТИК ҲИСОБОТЛАР ТАРКИБИ.

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни ва бухгалтерия ҳисобининг 1-сонли "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" миллий стандартига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги Низомда бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш муддатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ молиявий ҳисобот қўйидагиларга тақдим этилади:

- мулкдорларга (давлат мулкини бошқаришга ваколатли бўлган органларига; таъсис хужжатларига мувофиқ муассисларга (иштирокчиларга));

- солик органларига;

- давлат статистика органларига;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Кичик ва ўрта корхоналар, микрофирмлар ҳисоботни факат жойлардаги давлат статистика органлари ва солик органларига тақдим этадилар.

Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари.

1. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкини бошқарувчи бошқа органлар учун умумлаштирилган чораклик ва йиллик ҳисоботларни тақдим этишнинг қўйидаги муддатлари белгиланади:

- чораклик ҳисоботлар учун ҳисобот чораги тугагандан сўнг 40 (кирк) кун мобайнида;

- йиллик ҳисоботлар учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартаидан кечиктиримай.

2. Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари учун йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддати ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартаидан кечиктирмай белгиланади.

3. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни молия органларига йилда бир марта ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартаидан кечиктирмай тақдим этадилар.

4. Хўжалик юритувчи субъектлар (мазкур Низомнинг 1-3 бандларида кўрсатилган субъектлардан ташқари) чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни қўйидаги муддатларда тақдим этадилар:

- чораклик молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 25-кунига қадар;

- йиллик молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февраляидан кечиктирмай.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар фақат йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февраляидан кечиктирмай тақдим этадилар.

Назорат учун саволлар

1. Молиявий ҳисобот бўйича тартибга соловчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларни айтиб беринг?

2. Молиявий ҳисоботни тузишга тайёргарлик кўриш тартиби?

3. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар кимлар?

4. Бухгалтерия балансини тузиш ишлари?

5. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот қандай тузилдади?

6. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот қандай тузилади?

7. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот қандай тузилади?

8. Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар, иловалар ва изоҳлар қандай ёзилади?

9. Ҳисобот йилининг соф зарари ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисобини юритиши қандай юритилади?

10. Солиқ ва статистик ҳисоботлар таркиби ва тақдим этиш тизим?

11. Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботи қандай топширилади?

12. Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари молиявий ҳисоботи қандай топширилади?

13. Молиявий ҳисобот бўйича тартибга соловчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларни айтиб беринг?

14. Молиявий ҳисоботни тузишга тайёргарлик кўриш тартиби?

15. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар кимлар?

16. Бухгалтерия балансини тузиш ишлари?

17. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот қандай тузилдади?

18. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот қандай тузилади?

19. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот қандай тузилади?

20. Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар, иловалар ва изоҳлар қандай ёзилади?

21. Ҳисобот йилининг соф зарари ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисобини юритиши қандай юритилади?

22. Солиқ ва статистик ҳисоботлар таркиби ва тақдим этиш тизим?

23. Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботи қандай топширилади?

24. Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари молиявий ҳисоботи қандай топширилади?

12 МАВЗУ: БОШҚАРУВ ҲИСОБИННИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ўрганиладиган саволлар:

12.1. Бошқарув ҳисобининг функциялари.

12.2. Бошқарув ҳисобида ахборотлар тизими.

Таянч иборалр: жавобгарлик марказлари, калькуляция, бошқарувда ахборотлар

тизими, бошқарув ҳисоби принциплари.

12.1.БОШҚАРУВ ҲИСОБИННИГ ФУНКЦИЯЛАРИ.

«Бухгалтерия ҳисоби» фанининг предмети харажатлар ва маҳсулот таннархи калькуляцияси, жавобгарлик марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш, бюджетлаштириш, истиқболда корхона тараўқиётини белгиловчи лойиҳалар таҳлили, сегментлар бўйича ҳисобот тузиш, самарали трансферт баҳоларини шакллантиришнинг назарий-услубий ҳамда ташкилий асосларини юритиш ҳисобланади.

Бошқарув ҳисоби - бу бозор муносабатлари зарурияти билан пайдо бўлган ва унинг турли бўғинларидаги таркибий тузилмаларининг фаолиятлари юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этувчиdir.

Бошқарув ҳисобида ҳужжатлаштириш ва инвентаризация, баҳолаш ва калькуляция, счёtlар ва иккиёқлама ёзув, балансда умумлаштириш ва ҳисбот каби молиявий ҳисоб усулларининг барча элементларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, унда иқтисодий таҳлил, иқтисодий -математик ва статистик усуллар ҳам кенг қўлланилади.

Бошқарув ҳисобининг тарихий шаклланиши ва унинг олдига қўйиладиган вазифалар.

Бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисоби таркибида мустақил фан сифатида расман 1972 йилда тан олинди. Бу пайтда бухгалтерларнинг Америка асоциацияси томонидан бошқарув ҳисоби бўйича битиравчиларга бухгалтер-таҳлилчи малакасини берадиган дипломли дастури ишлаб чиқилган эди.

Калькуляция ҳисоби хўжалик ҳисоби пайдо бўлиши билан бир вақтнинг ўзида келиб чиқсан ва товар алмашув муомалалари натижаси бўлиб ҳисобланган. “Калькуляция” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, сўзма-сўз таржимада «calcul» - тошча яъни “тошчалар билан санаш” маъносини англатади. Иккиёқлама Ёзувнинг пайдо бўлиши калькуляция ҳисобини ривожланишини янада юқорироқ поғонага қўйди. Корхонанинг умумий бухгалтерияси таркибида калькуляция ҳисобининг ажратиб кўрсатилиши яна бухгалтерия ҳисобини янада оммалаштириш имконини берди.

XX асрнинг 40-йиллари охирида АҚШ ва Гарбий Европанинг айrim мамлакатларида “ишлаб чиқариш ҳисоби” атамаси аста-секин “бошқарув ҳисоби” атамасига алмашина бошлади. Бу даврда бухгалтерия ҳисоби бошқарув сиёсатини шаклланиши ва амалга оширилишида фаол иштирок эта бошлади, бухгалтерлар эса тахминлаш, режалаштириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш ва корхона бошқарув хизматларини ахборот билан таъминлаш устидан назорат ўрнатиш соҳасида фаолият юрита бошладилар.

12.2.БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА АХБОРОТЛАР ТИЗИМИ.

Бошқарув ҳисобини бошқарувчиларни иқтисодий ахборотлар билан таъминлашдаги роли.

Бошқарув ҳисоби фақатгина харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи калькуляцияси билан шуғулланибгина қолмасдан, балки корхона раҳбарига жорий ва истиқболли бошқарув қарорлари қабул қилишда кўмаклашиши зарур.

Бошқарув ҳисоби корхонанинг ички вазифаларини ҳал қилишга мўлжалланган бўлиб, бу унинг “ноу-хау”сидир.

Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобининг бошқарувчиларни иқтисодий ахборотлар билан таъминлашдаги роли қуйидагилардан иборат:

– корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш борасида истиқболли бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарур ахборотлар манбасини шакллантириш ва раҳбарларни улар билан таъминлаш;

– корхона молиявий-хўжалик фаолиятини тезкор бошқаришда менежерларга ишончли, юқори самарадор ахборотларни ўз вақтида етказиб бериш;

– маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини тўғри аниқлаш, белгиланган меъёрлардан четланишлар ва уларнинг юзага келиш сабабларини кўрсатиб бериш ва ҳ.к.

Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби ўртасидаги боғлиқлик.

Бошқарув ҳисобининг моҳиятини чуқурроқ англаш у билан ишлаб чиқариш ҳисоби орасидаги боғланиш ва фарқли жиҳатларни ажратишга бевосита боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ҳисоби ишлаб чиқариш харажатлари ва корхона даромадини бошқариш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш имкониятларини аниўлашда намоюн бўлади. У корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ барча жараёнларни батафсил акс эттириши лозим.

Ишлаб чиқариш фаолиятини бошқарув ҳисоби бошқарув ҳисоби тизимининг марказий бўғими ҳисобланади. Бу ерда мақсадлар, функциялар ва уларнинг феълатворлари бўйича харажатлар ҳақида маълумот гурухлаштирилган. Ишлаб чиқариш ҳисобида маълум ўрин моддий, меҳнат ва устама харажатларни меъёрлаштиришга ажратилган, шунингдек, ҳақиқий ва меъёрий харажатларни акс эттириш усусларига ҳам эътибор берилади. Бунда ишлаб чиқариш ҳисоби харажатлар ҳисоби ва калькуляциянинг ягона жараёни сифатида ташкил этилади.

Бошқарув ҳисобининг принциплари.

Хўжалик фаолиятини бошқариш мураккаб ва комплекс жарён ҳисобланади. Бошқарув талабларига жавоб берадиган ҳисоб тизими худди шундай мураккаб ва кўпгина муолажалардан ташкил топган. Ундан ташқари бошқарув ҳисоби тизими элементларининг таркибини бошқарув мақсадларига кўра ўрганиш мумкин. Лекин, аниқ бир субъектда ташкил этилган ҳисобнинг ҳар бир тизими умум қабул қилинган принципларга жавоб беради.

Бошқарув ҳисоби принципларига қуйидагилар киради: субъект фаолиятининг узлуксизлиги; режалаштириш ва ҳисоб (режа-ҳисоб) учун ягона ўлчов бирликларини кўллаш ва субъект бўлинмалари фаолиятининг натижаларини баҳолаш; бошқарув мақсадида бирламчи ва оралиқ маълумотни кейинга қолдириш ва кўп марта ишлатилиши; бошқарув поғоналари ўртасида ички ҳисботот кўрсаткичларини коммуникацион алоқалар асоси сифатида шакллантириш; ҳар хил молиялар, тижорат фаолиятини бошқаришнинг бюджет (смета)ли услубини кўллаш; ҳисоб обьекти ҳақида тўлиқ маълумот билан таъминловчи тўлиқлик ва аналитиклик; ҳисоб сиёсати томонидан ўрнатилган субъектнинг ишлаб чиқариш ва тижорат циклини акс эттирувчи даврийлик ва хоказолар. Келтирилган принципларнинг йиғими бошқарув ҳисоби усулининг ҳаракатчанлигини таъминлайди, лекин ҳисоб жараёни унификация қилмайди.

Бошқарув ва молиявий ҳисобнинг ўзаро боғлиқлиги.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби ўртасида кўпгина умумийликлар мавжуд, чунки уларнинг иккаласи ҳам корхона ҳисоб тизими ахборотидан фойдаланади.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги мавжуд тафовутларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Ҳисобнинг мақсади. Молиявий ҳисобнинг мақсади корхонанинг мулкий ва молиявий ҳолатини баҳолаш, активлар ва пассивларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш, даврий ва йиллик бухгалтерия ҳисботини тузишдан иборат. Бошқарув ҳисобининг асосий мақсади эса корхона раҳбариятини оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш учун харажатлар ва молиявий натижалар тўғрисидаги ишончли ахборотлар билан таъминлашдир.

2. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши. Молиявий ҳисобда ҳисоб сиёсати уни юритиши қоидалари, молиявий ҳисботни тузиш ва тақдим қилиш тартибини ифодалайди. Бошқарув ҳисоб сиёсатида асосан корхона фаолиятини бюджетлаштириш, тахминлаш, таннарх ҳисоблаш, трансферт баҳони шакллантириш, сегментар ҳисбот тузиш масалалари ўз ифодасини топади.

3. Ахборотдан фойдаланувчилар. Молиявий ҳисобни ташки ҳисоб деб ҳам

атайдилар. Унинг натижалари чоп этиб боришида, бироқ, молиявий ҳисоботлар нафақат молиявий ахборотларни, шунингдек, корхоналар фаолиятидаги муваффақиятларни, уларнинг янги маҳсулотларини намойиш этувчи реклама тусидаги ахборотларни ҳам ўз ичига олади. Молиявий ҳисоб ахборотларидан фойдаланувчилар, асосан корхонадан ташқарида бўладилар.

4. Ҳисобни юритиши мажбурияти. Молиявий ҳисоб расмий ҳисоб бўлиб, барча корхоналар учун уни юритиши мажбурийдир. Молиявий ҳисобот хужжатлари солик идоралари ва бошқа тегишли жойларга тақдим этилади, улар аудиторларнинг текширув обьекти ҳисобланиб, чоп этилиши шартдир.

5. Ҳисобни ташкил этиши қоидалари. Молиявий ҳисобда молиявий ҳисобот ахборотлари аниқ тамойил ва қоидаларга мувофиқ шаклланиши ҳамда акс эттирилиши шарт, улар асосида маълумотлар қайд қилинади, баҳоланади ва тегишли счетларда расмийлаштирилади. Ушбу тамойил ва қоидалар «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида белгилаб кўйилади.

Бошқарув ҳисобини ўрганаётганда эътибор қаратиладиган ўзига хос асосий принциплар

- * ишлаб чиқаришнинг бизнес-режасини тузишида ва уни ҳисобга олишда ўлчовнинг бир хил режа-ҳисоб бирлигидан фойдаланиш;
- * хўжалик юритувчи субъект бўлинмаларининг фаолиятини баҳолаш;
- * зарур бўлган ахборотларнинг тўлиқлиги ва мукаммаллиги;
- * хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ёритишида даврийлик;
- * сарфланган харажатлар устидан бюджет (смета) ва меъёрий назоратни ўрнатиши.

Иқтисодчи олимларнинг фикрларидан келиб чиқсан ҳолда ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига таяниб, “Бошқарув ҳисоби”га қуидаги таърифларни бериш мумкин:

- Бошқарув ҳисоби - бу фақатгина шу кунларда бизнинг амалиётда қўлланилаётган ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишдангина иборат эмас.
1. Бошқарув ҳисоби - фақатгина ҳисобни (бухгалтерия ва тезкор ҳисобни) эмас, балки ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш ва уларнинг таҳлилини ҳам ўз ичига олади.
 2. Бошқарув ҳисоби - истиқболни белгилашга, қарор қабул қилишга ва бошқарувга зарур бўлган маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши устидан назорат қилишга алоҳида эътиборни қаратади.
 3. Бошқарув ҳисоби - ҳисоб ва таҳлил вазифаларидан ташқари, харажатлар, маҳсулот ишлаб чиқариш, алоҳида турдаги маҳсулотларнинг рентабеллиги ва қарор қабул қилиш устидан бошқариш функциясини ҳам бажаради.

АХБОРОТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.



| | | | | |
|-----------------|--|----------------|--|-----------------|
| Дастлабки ҳисоб | | Молиявий ҳисоб | | Бошқарув ҳисоби |
|-----------------|--|----------------|--|-----------------|

13 МАВЗУ: БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ВА ХАРАЖАТЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Ўрганиладиган саволлар:

- 13.1.Бошқарув ҳисобида харажатларнинг таснифланиши ва мазмуни.
- 13.2. Харажатлар ҳақида тушунча.
- 13.3. Харажатларни туркумлаш.
- 13.4.Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича таннархга қўшиладиган харажатларни умумлаштириш ва уларни тақсимлаш.
- 13.5. Харажатлар динамикаси ва уни назорат қилиш.
- 13.6. Маҳсулот таннархини таркиби ва турлари.
- 13.7. Жараёнли, буюртмали, босқичли таннарх ҳисоблаш усуллари.
- 13.8. Ҳақиқий ва норматив усуллар бўйича харажатлар ҳисоби ва таннарх ҳисоблаш.
- 13.9.«Стандарт кост» ва «Директ костинг» усуллари.

Таянч ибора ва сўзлар: харажамаҳсулот таннархи, харажатлар динамикаси, маҳсулот таннархи, жараенли таннарх, буюртмали таннарх, босқичли таннарх стандарт кост, директ кост.

13.1.БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА ҲАРАЖАТЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА МАЗМУНИ.

| ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАРКИБИ |
|--|
| Асосий жамғармалар - бу меҳнат воситалари (машиналар, ускуналар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқалар), уларнинг ҳолати ва фойдаланилиши; |
| Номоддий активлар - узок муддатли қўйилмаларнинг объектлари (ердан фойдаланиш хуқуқи, стандартлар, лицензиялар, савдо белгилари ва бошқалар), уларнинг ҳолати ва фойдаланилиши; |
| Моддий ресурслар - меҳнат воситаси ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнида қайта ишлов бериш учун мўлжалланган меҳнат буюмлари. |

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда харажатлар алоҳида ўрин тутади. Харажатлар маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товарлар сотиши, ишлар бажариш ва хизматлар қўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир. Харажат - бу моддий ресурсларни сотиб олишга қилинган сарфлар бўлиб, даромадлар ва харажатлар концепциясига кўра, шу даврнинг ўзида даромад келтириши керак.Харажатларга миллий стандартларда қуидагича таъриф берилади: «Харажатлар -активларни қисқариши ёки сарфланиши натижасида иқтисодий ресурсларни камайиши, шунингдек даромадларни олишга оид хўжалик субъектни одатий фаолияти натижасида мажбуриятларни пайдо бўлишидир»²¹


Харажатларини ҳисобга олишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- иқтисодий натижаларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун субъект маъмуриятини зарур маълумотлар билан таъминлаш;

²¹ 1-сон БХМС Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисбот.1998 й.

- четга чиқишиларни аниқлаш мақсадида ҳақиқатда сарфланган харажатларни кузатиш ва назорат ўрнатиш, уларни меъерий ва режадаги ҳажми билан тақослаш ва келгусидаги иқтисодий стратегиясини шакллантириш;
- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва молиявий натижаларни ҳисоблаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш;
- субъектнинг таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижаларини аниқлаш ва баҳолаш;
- узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган ишлаб чиқариш технологияларининг қопланиши, бозорларда сотилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича рентабеллик даражаси, уларга қўйилган капиталларнинг самарадорлиги ва фаолияти бўйича бошқарув ҳисоби маълумотларини бир тизимга келтириш.

БОШҚАРУВ ҲИСОБИННИГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ



13.1.расм Бошқарув ҳисобининг элементлари

| БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ПРИНЦИПЛАРИ | |
|---|--|
| - субъект фаолиятининг узлуксизлиги; | |
| - режалаштириш ва ҳисоб (режа-ҳисоб) учун ягона ўлчов бирликларини қўллаш ва субъект бўлинмалари фаолиятининг натижаларини баҳолаш; | |
| - бошқарув мақсадида бирламчи ва оралиқ маълумотни кейинга қолдириш ва кўп марта ишлатилиши; | |
| - бошқарув поғоналари ўртасида ички хисбот қўрсаткичларини коммуникацион алоқалар асоси сифатида шакллантириш; | |
| - ҳар хил молиялар, тижорат фаолиятини бошқаришнинг бюджет (смета)ли услубини қўллаш; | |
| - ҳисоб обьекти ҳақида тўлиқ маълумот билан таъминловчи тўлиқлик ва аналитиклик; | |
| - ҳисоб сиёсати томонидан ўрнатилган субъектнинг ишлаб чиқариш ва тижорат циклини акс эттирувчи даврийлик ва хоказолар. | |

13.2. ХАРАЖАТЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда харажатлар алоҳида ўрин тутади. Харажатлар маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ

бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир. Харажат - бу моддий ресурсларни сотиб олишга қилинган сарфлар бўлиб, даромадлар ва харажатлар концепциясига кўра, шу даврнинг ўзида даромад келтириши керак.Харажатларга миллий стандартларда куйидагича таъриф берилади: «**Харажатлар** -активларни қисқариши ёки сарфланиши натижасида иқтисодий ресурсларни камайиши, шунингдек даромадларни олишга оид хўжалик субъектни одатий фаолияти натижасида мажбуриятларни пайдо бўлишидир»²²

Харажатларини ҳисобга олишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- иқтисодий натижаларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун субъект маъмуриятини зарур маълумотлар билан таъминлаш;

- четга чиқишлиарни аниқлаш мақсадида ҳақиқатда сарфланган харажатларни кузатиш ва назорат ўрнатиш, уларни меъёрий ва режадаги ҳажми билан таққослаш ва келгусидаги иқтисодий стратегиясини шакллантириш;

- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва молиявий натижаларни ҳисоблаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш;

- субъектнинг таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижаларини аниқлаш ва баҳолаш;

- узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган ишлаб чиқариш технологияларининг қопланиши, бозорларда сотилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича рентабеллик даражаси, уларга қўйилган капиталларнинг самарадорлиги ва фаолияти бўйича бошқарув ҳисоби маълумотларини бир тизимга келтириш.

Ишлаб чиқариш харажатлари деб маҳсулотни тайёрлаш учун моддийлаштирилган меҳнат сарфларининг пул шаклидага ифдасига айтилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари харажат калькуляция моддалари бўйича ишлаб чиқариш турлари, харажатларнинг вужудга келиш жойлари, маҳсулот турлари бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Харажатларни ҳисобга олиш ҳамда маҳсулот таннархини калькуляция қилишдан асосий мақсад ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни ўз вақтида, тўлалигича ва ҳаққоний аниқлаш, шу билан бирга айrim маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш ҳамда корхона ресурслари ва пул маблағлари ишлатилиши устидан назоратни ўрнатишdir.

Харажатларга миллий стандартларда куйидагича таъриф берилади: «**Харажатлар** -активларни қисқариши ёки сарфланиши натижасида иқтисодий ресурсларни камайиши, шунингдек даромадларни олишга оид хўжалик субъектни одатий фаолияти натижасида мажбуриятларни пайдо бўлишидир»²³

Харажатларини ҳисобга олишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- иқтисодий натижаларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун субъект маъмуриятини зарур маълумотлар билан таъминлаш;

- четга чиқишлиарни аниқлаш мақсадида ҳақиқатда сарфланган харажатларни кузатиш ва назорат ўрнатиш, уларни меъёрий ва режадаги ҳажми билан таққослаш ва келгусидаги иқтисодий стратегиясини шакллантириш;

- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва молиявий натижаларни ҳисоблаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш;

- субъектнинг таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижаларини аниқлаш ва баҳолаш;

- узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган ишлаб чиқариш технологияларининг қопланиши, бозорларда сотилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича рентабеллик даражаси, уларга қўйилган капиталларнинг самарадорлиги ва фаолияти бўйича бошқарув ҳисоби маълумотларини бир тизимга келтириш.

Ишлаб чиқариш харажатлари деб маҳсулотни тайёрлаш учун моддийлаштирилган меҳнат сарфларининг пул шаклидага ифдасига айтилади.

²² 1-сон БХМС Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисбот.1998 й.

²³ 1-сон БХМС Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисбот.1998й.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари харажат калькуляция моддалари бўйича ишлаб чиқариш турлари, харажатларнинг вужудга келиш жойлари, маҳсулот турлари бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Харажатларни ҳисобга олиш ҳамда маҳсулот таннархини калькуляция қилишдан асосий мақсад ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни ўз вақтида, тўлалигича ва ҳаққоний аниқлаш, шу билан бирга айрим маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш ҳамда корхона ресурслари ва пул маблағлари ишлатилиши устидан назоратни ўрнатишидир.

Демак, харажатларни ҳисобга олишнинг қўйидаги вазифаларини ҳам санаб ўтишимиз керак экан:

- алоҳида ишлаб чиқариш жараёнлари ёки бўлинмалари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш ва улар устидан назоратни таъминлаш;
- алоҳида маҳсулот турлари бўйича асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотни шакллантириб бериш;
- корхонанинг ишлаб чиқаришдан ташқари барча бошқарув харажатларининг таҳлилий маълумотларини йигиб бериш ва уларнинг талқинини амалга ошириш.

Бу вазифалардан кўриниб турибдики, ҳисоб ва таҳлил бошқарув ҳисобининг бирбири билан чамбарчас боғланган икки томони экан. Зоро маҳсулот баҳосининг энг қуи чегарасини аниқлаш учун ҳам таннархни ҳисоблаш талаб этилади.

13.3. ХАРАЖАТЛАРНИ ТУРКУМЛАШ.

Харажатлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби вазифаларидан келиб чиқиб қўйидаги элементлар бўйича гурухланади:

Харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикасида «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да белгилаб қўйилган. Ушбу Низомга мувофиқ харажатлар икки гурухга бўлинниб ҳисобга олиниши белгиланган:

1. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар;
2. Маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатлар.

Бундан ташқари, молиявий фаолият бўйича ҳамда фавқулодда харажатлар алоҳида ҳисобга олинади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг гурухланиши

| Гурухланиш тури | Харажат турлари |
|--|---------------------------|
| Ишлаб чиқариш жараёнидаги иктисодий ўрнига қараб | Асосий ва доимий |
| Таркибига қараб | Комплекс ва бир элементли |
| Таннархга ўтказиш усулига қараб | Тўғри ва эгри |
| Ишлаб чиқариш ҳажмига қараб | Ўзгарувчан ва ўзгармас |
| Юзага келишига қараб | Доимий ва бир вақтли |
| Ишлаб чиқариш жараёнидаиштирок этишига қараб | Ишлаб чиқариш ва тижорат |
| Самарадорликка қараб | Самарали ва самарасиз |

13.1. расм. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг гурухланиши

Юқоридагилардан келиб чиқиб харажатлар қўйидагича гурухланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- а) бевосита ва билвосита материал харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари;
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Бевосита харажатлар деб, маҳсулотнинг айрим турлари таннархига тўғридан-тўғри, яъни бевосита ўтказиладиган харажатларга айтилади. *Билвосита*, яъни эгри харажатлар деб, ҳисбот ойи давомида йигиб-тақсимловчи счёtlарда ҳисобга олиниб, таннархни калькуляция қилишда, маҳсулотнинг айрим турлари таннархига бирон-бир кўрсаткичга мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан қўшиладиган харажатларга айтилади.

2. Давр харажатлари (операцион харажатлар):

- а) маҳсулот сотиши харажатлари;
- б) маъмурӣ ёки бошқарув харажатлари;
- в) бошқа операцион харажатлар ва заарлар;

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- а) фоизларни тўлаш бўйича харажатлар;

- б) хорижий валюта билан операциялар бўйича курслардаги салбий фарқлар;

в) қимматбаҳо қофозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш натижасидаги заарлар;

- г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

4. Фавқулодда харажатлар даромад (фойда)дан олинадиган солиқ тўлагунга қадар фойда ва заарларни ҳисоблаб чиқишида ҳисобга олинади.

Маҳсулот (иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш билан бөғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Юқоридаги харажатлар иқтисодий мазмунга кўра қўйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишили бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фонdlар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар

**13.4.ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР БЎЙИЧА ТАННАРХГА
ҚЎШИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАРНИ УМУМЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ
ТАҚСИМЛАШ.**

Хўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган ҳар бир муомаланинг бухгалтерия ҳисбини юритишида қўйидаги счёtlар гуруҳидан фойдаланилади:

- 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»;
- 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш»;
- 2510-«Умушилаб чиқариш»;
- 2610-«Ишлаб чиқаришдаги брак»;
- 3110-«Олдиндан тўланган ижара ҳақи»;
- 3120-«Олдиндан тўланган хизмат ҳақи»;
- 3190-«Бошқа бўнак харажатлари»;
- 8910-«Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви».

Ишлаб чиқариш харажатларини элементлари ва калькуляция моддалари бўйича ҳисоб юритишини таъминлаш мақсадида асосий ишлаб чиқаришнинг барча харажатлари 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётида тайёрланаётган маҳсулот турлари бўйича гурухланади.

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётидан харажатларни ҳисобга олишида қўйидаги корхона ва ташкилотлар фойдаланади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари;
- қурилиш-монтаж, геология-қидибув ишларини бажариш бўйича пудрат, геология ва лойиҳа қидибув ташкилотлари;
- хизматлар кўрсатиш бўйича транспорт ва алоқа корхоналари;

- илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажариш бўйича илмий-тадқиқот корхоналари;
- автомобиль йўлларини асраш ва таъмирлаш бўйича йўл хўжаликлари.

Ушбу счётинг дебетида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар, шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, бракдан кўрилган йўқотишлар ва асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар акс эттирилади.

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётинг кредитида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи суммаси акс эттирилади.

13.5. ХАРАЖАТЛАР ДИНАМИКАСИ ВА УНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.

Бозор иқтисодиоти шароитида харажатларни режалаштириш харажатлар таркиби ва маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг режа таннархини дастлабки баҳолашдан бошланади.

Харажатларни режалаштириш ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол ўилинадиган товар-моддий захираларнинг ўйимати ва кутилаётган фойда ҳажмини аниқлашда юкори самара беради.

Ишлаб чиқариш харажатлари бюджетини ишлаб чиқиш жараёнида асосан смета ва норматив усулдан фойдаланилади.

Смета усулида корхонанинг барча бўлинмалари режалари асосида корхона миқёсида харажатларнинг йифма режаси шакллантирилади. Республикаизда смета усули анча кенг тарўалган усул ҳисобланади. Унинг кўлланилиши комплекс режалаштиришни ягона тизимга келтиришни таъминлайди.

Норматив усул асосида ишлаб чиқариш харажатлари бюджети тузилади. Харажатларни шахматли жадвали тузилгандан сўнг, корхонанинг фаолият даври учун режалаштириладиган харажатларнинг йифма сметаси ишлаб чиқилади.

Халқаро амалиётда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни режалаштиришда норматив усулдан кенг фойдаланилади.

13.6. МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ТАРКИБИ ВА ТУРЛАРИ.

Харажатлар маркази - бу фақат харажатларнинг мақсадли сарфланишига масъул бўлган корхонанинг бўлинмасидир (ишлаб чиқариш цехи, конструкторлик бюроси ва ҳ.к.).

Корхонани бундай марказ доирасида бошқариш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини режалаштириш, меъёrlаштириш ва ҳисобини ташкил этиш амалга оширилади.

Юқорида келтирилган чизма харажатларни алоҳида бўлинмалар ичида режалаштириш имконини беради. Унга асосланиб, корхонада харажатлар ҳисобини оқилона ташкил этиш мумкин.

Харажатлар марказини, ўз навбатида, бошқариладиган ва эркин харажатлар марказларига бўлиш мумкин.


Бошқариладиган харажатлар марказининг раҳбари, аввало, маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатларни энг кам миқдорга келтиришга жавоб беради ва унинг фаолияти маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган меъёрий ва ҳақиқий харажатларни таққослаш йўли билан баҳоланади.

Эркин харажатлар маркази фаолиятини баҳолаш учун аниқ мезонни белгилаш мураккаб, чунки корхона раҳбарияти бундай марказлар харажатлари ҳажмига таъсир қила олмайди. Конструкторлик бюроси, кимёвий-техник назорат лабораторияси ва ҳ.к.лар эркин харажатлар марказларига мисол бўла олади.

Бошқариладиган харажатлар марказида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа бўлимлар ўртасида самарали муносабат ўрнатилади. Ушбу марказларнинг

харажатларини бошқариш олдиндан тузилган мослашувчан бюджетлар ёрдамида амалга оширилади. Жавобгарлик маркази раҳбари вазифаларни бажариш бўйича белгиланган мажбуриятлар билан бирга молиявий жавобгарликни ҳам ўз зиммасига олиши шарт.

Бунда ҳар бир марказ ўзига тайинланган турли функцияларни бажариши мумкин (ишлаб чиқариш, маркетинг, техник хизматлар, ҳисоб, назорат ва х.к.). Мазкур ҳолатда, муайян функциялар Ёки воситалар эмас, балки ходим ёки маъмурият жавобгарлик маркази обьекти бўлиб ҳисобланади.



Харажатларнинг келиб чиқиши жойлари таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлик бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Таннархни аниқлашнинг **буюртма усули** ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот (иш, хизмат) (бир хилдаги маҳсулотлар груп)га доир алоҳида буюртмалар бўйича идентификацияланадиган ва ҳисобга олинадиган якка тартибда ги ва майда туркумли ишлаб чиқаришга эга бўлган ташкилотларда қўлланади. Буюртманинг обьекти бўлиб маҳсулот (иш, хизмат), бир хилдаги маҳсулот (иш, хизмат)нинг майда туркумлари ёки таъмирлаш, монтаж ва экспериментал ишлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни узоқ давом этадиган йирик маҳсулотларни тайёрлашда буюртмалар яхлит маҳсулотга эмас, балки унинг тугалланган конструкцияларга эга бўлган алоҳида агрегатлари, узелларига берилиши мумкин.

Таннархни аниқлашнинг ушбу усулида барча харажатлар буюртманинг яқунланишига қадар тўлалигича тугалланмаган ишлаб чиқариш деб ҳисобланади.

Таннархни аниқлашнинг **босқичли усули** бошланғич хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор босқич, фаза, поғоналардан ўтадиган ташкилотларда қўлланади. Ушбу усулда аввал барча маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархи, сўнгра унинг бирлиги таннархи аниқланади.

Ташкилотнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган (тайёрланадиган) маҳсулотнинг таннархи деб уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади. Маҳсулотнинг ишлаб

чиқариш таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Таннархни аниқлашнинг **буюртма усули** ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот (иш, хизмат) (бир хилдаги маҳсулотлар гурухи)га доир алоҳида буюртмалар бўйича идентификацияланадиган ва ҳисобга олинадиган якка тартибда ги ва майда туркумли ишлаб чиқаришга эга бўлган ташкилотларда қўлланади. Буюртманинг обьекти бўлиб маҳсулот (иш, хизмат), бир хилдаги маҳсулот (иш, хизмат)нинг майда туркумлари ёки таъмирлаш, монтаж ва экспериментал ишлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни узоқ давом этадиган йирик маҳсулотларни тайёрлашда буюртмалар яхлит маҳсулотга эмас, балки унинг тугалланган конструкцияларга эга бўлган алоҳида агрегатлари, узелларига берилиши мумкин.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунинга кўра қўйидаги элементлар бўйича гуруҳларга ажратилади:

- a) ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чикитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- б) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммалари;
- в) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
- г) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини аниқлашнинг асосий усуллари бўлиб: оддий, меъёрий, буюртма, босқичли усуллар ҳисобланади, савдо ташкилотларида эса харажатларни инвентарь баҳолаш усули ҳам қўлланилади.



Таннархни аниқлашнинг **буюртма** усули ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот (иш, хизмат) (бир хилдаги маҳсулотлар гурухи)га доир алоҳида буюртмалар бўйича идентификацияланадиган ва ҳисобга олинадиган якка тартибда ги ва майда туркумли ишлаб чиқаришга эга бўлган ташкилотларда қўлланади. Буюртманинг обьекти бўлиб маҳсулот (иш, хизмат), бир хилдаги маҳсулот (иш, хизмат)нинг майда туркумлари ёки таъмиглаш, монтаж ва экспериментал ишлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни узоқ давом этадиган йирик маҳсулотларни тайёрлашда буюртмалар яхлит маҳсулотга эмас, балки унинг тугалланган конструкцияларга эга бўлган алоҳида агрегатлари, узелларига берилиши мумкин.

Таннархни аниқлашнинг ушбу усулида барча харажатлар буюртманинг якупнанишига қадар тўлалигича тугалланмаган ишлаб чиқариш деб ҳисобланади.

Таннархни аниқлашнинг **босқичли** усули бошланғич хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор босқич, фаза, поғоналардан ўтадиган ташкилотларда қўлланади. Ушбу усулда аввал барча маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархи, сўнгра унинг бирлиги таннархи аниқланади.

Босқичли усул ташкилотнинг тармоққа мансублигига боғлиқ ҳолда икки вариантда амалга оширилиши мумкин: ярим тайёр маҳсулотли ва ярим тайёр маҳсулотсиз варианtlарда.

Ярим тайёр маҳсулотли вариантда ҳар бир босқич бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоблаб чиқарилади қамда у аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг таннархи ва мазкур босқич бўйича харажатлардан иборат бўлади. Охирги босқич маҳсулотининг таннархи барча тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳамdir.

13.8. ХАҚИҚИЙ ВА НОРМАТИВ УСУЛЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА ТАННАРХ ҲИСОБЛАШ.

Таннархни аниқлашнинг **оддий** усули бир турдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарадиган ва ярим тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришга эга бўлмаган ташкилотларда қўлланилади. Ушбу усул қўлланилганда ҳисобот давридаги барча ишлаб чиқариш харажатлари барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар,

хизматлар) таннархига киритилади. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархи ишлаб чиқариш харажатлари суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бирликларининг умумий миқдорига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Таннархни аниқлашнинг **меъёрий усули** хом ашё, материаллар, меҳнат ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишнинг белгиланган меъёрлари бўйича харажатларни ҳисобга олишга асосланган. Меъёрномалар вақти-вақти билан таҳлил қилиб турилади ва зарур ҳолларда жорий шарт-шароитларга мувофиқ қайтадан кўриб чиқилади.

13.9.«СТАНДАРТ КОСТ» ва «ДИРЕКТ КОСТИНГ» УСУЛЛАРИ.

“Стандарт-кост” атамаси икки сўздан ташкил топган: “стандарт”-маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарурий бўлган молиявий, моддий ва меҳнат харажатлари учун олдиндан ҳисоблаб қўйилган харажатларни нормативини англатса, “кост” сўзи эса маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни билдиради. Шундай қилиб, “Стандарт-кост” сўзи тўлиқ маъносида стандарт харажатларни англатади.

Стандартлар - энг аввало, ишлаб чиқаришнинг бевосита харажатларидан фойдаланиш устидан назоратни ўрнатишга қаратилган ва бир-бирига боғлик, сметалар эса тақсимланадиган харажатлар назорати учун мўлжалланган.

«Стандарт-кост» тизими - бу харажатлар ҳисоби ва таннарх аниқлаш тизими бўлиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи аввалдан пухта, обдон ҳисоблаб чиқилган норматив харажатлар ёрдамида баҳоланади, кейин эса ҳақиқий қилинган харажатлар билан таққосланади. Норматив ва ҳақиқий харажатлар ўртасидаги фарқ четланиш деб аталади.

“Директ-костинг” тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш

Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва самарали бошқариш таннарх аниқлашнинг замонавий тизимларини амалиётга жорий қилишни тақозо этади.

“Директ-костинг” ҳисоб тизими ҳам республикамиз бухгалтерия ҳисоби учун янги тизимлардан ҳисобланиб, бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда.

Германия ва Австралияда мазкур усул “қисман харажатлар ҳисоби” деб аталади. Британияда у “маржинал харажатлар ҳисоби”, Францияда - “маржинал бухгалтерия” ёки “маржинал ҳисоб” деган номларни олган. Ўзбекистонда эса “чекланган, тўлиқ бўлмаган ёки қисқартирилган таннарх ҳисоби” тушунчалари қўлланилиб келмоқда.

Гарб мамлакатларида маржинал даромад усулидан ишлаб чиқаришни (экстенсив) ривожлантириш модели ўрнига янги модел - интенсив ривожланиш модели сифатида фойдаланила бошланди. Бундай моделдан фойдаланиш, ўз навбатида, харажатларни бевосита ва билвосита, асосий ва қўшимча, доимий ва ўзгарувчан харажатларга аниқ бўлишни тақозо этади.

Назорат учун саволлар

1. Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий хужжатларни айтиб беринг?
2. Харажатларни туркумлашдан мақсад нима?
3. Харажатлар ҳақида тушунча деганда нимани тушунасиз?
4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича таннархга қўшиладиган харажатларни умумлаштириш ва уларни тақсимлаш қандай ҳисобланади?
5. Харажатлар динамикаси ва уни назорат қилиш қандай амалга оширилади?
6. Маҳсулот таннархини таркиби ва турлари ҳисоб ишларига қандай самара беради?
7. Жараёнли, буюртмали, босқичли таннарх ҳисоблаш усуслари қандай аниқланади?
8. Ҳақиқий ва норматив усувлар бўйича харажатлар ҳисоби ва таннарх ҳисоби қандай амалга оширилади?
9. «Стандарт кост» ва «Директ костинг» усувлари қандай амалга оширилади?

АМАЛИЕТ МАШГУЛОТЛАРИ

1-МАВЗУ. “БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ Топшириқлар

1-Масала.

Мақсад- ҳисоб турларини ўрганиш.

Вазифа- келтирилган жараёнларни ҳисоб турлари бўйича гурухланг.

Ҳисоб турлари:

Оператив(тезкор) ҳисоб;

Статистик ҳисоб;

Бухгалтерия ҳисоб.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона фаолияти вужудга келадиган жараёнлар:

1. Ишлаб чқариш цехи бошлиғи таъминот бўлимига кейинги ойга хом ашёни олиш учун буюртма берди.

2. Корхона раҳбари телефон орқали бир ҳафта ичидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотларни сўради.

3. Ходимлар бўлими бошлиғи корхона ходимлари билан сўровини ўтказилиши ҳақидаги топшириқни олган.

4. Корхона раҳбарга ҳар бир цех бошлиғи жорий ҳисобот даврида маҳсулотни ўртacha ишлаб чиқарилиши ҳақидаги маълумотларни тақдим этдилар.

5. Омбор мудири фактура асосида тайёр маҳсулотларни сақлашга қабул қилиб олди.

6. Кассир корхона ходимга хизмат сафари учун ҳисобдорлик суммасини берди.

7. Корхона раҳбари ходимлари меҳнатига ҳақ тўланганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлди.

8. Корхона кассасига харидорлардан сотиб олинган маҳсулот учун нақд пул топширилди.

9. Таъминот бўлими бошлиғи корхона раҳбарига бир ой ичida қилинган ишларнинг натижалари ҳақида ахборот берган.

10. Бош мухандис корхонараҳбарига бир ой ичida электро-энергия ресурсларидан фойдаланиш ҳақида ахборот берган.

2-Масала.

Мақсад - ҳисоби турлари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа - келтирилган вазиятларда ҳисобнинг қайси турларидан фойдаланилганлигини кўрсатинг.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона фаолиятидаги жараёнлари:

1. Корхона кассасидан ходимларга иш ҳақи берилди.

2. Бош иқтисодчи акционерлар кенгашига корхона томонидан ўтган йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва ҳар бир тури бўйича ўртacha сотиш нархи ҳақидаги ҳисобкитобни тақдим этди.

3. Бош механиқ моддий-техник таъминот бўлимига эҳтиёт қисмларни харид қилишга буюртма берди.

4. Корхона раҳбари ходимлар бўлими бошлиғига ходимларнинг маълумоти ҳақидаги ахборот тайёрлаш ҳақида кўрсатма берди.

5. Бухгалтер ўтган ойда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи ҳисобкитобини қилди.

6. Ходимлар бўлими бошлиғи корхона раҳбарига ходимларнинг маълумоти ҳақидаги ахборот тақдим этди.

7. Бухгалтер ходимларнинг иш ҳақларидан солиқларни ушлаб қолди ва бухгалтерия ёзувларида акс эттирди.

8. Корхона молия бўлимининг бошлиғи акционерлар кенгашига кейинги йилдаги пул маблағлари харакати бўйича сметани тақдим этган.

9. Моддий- техник таъминот бўлими бошлиғи корхона раҳбарига кейинги ойда материалларни харид қилиш бўйича буюртмани тасдиқлаш учун топшириди.

10. Кассир лимитдан ортиқча нақд пул маблағларини банкдаги ҳисоб-китоб счётига топшириди.

3-Масала.

Мақсад- корхона маблағларини уларнинг турлари бўйича гурухланишини ўрганиш.

Вазифа- келтирилган маълумотлар асосида корхона маълумотларини таснифга мувофиқ гурухларни ажратиб, гурухларга ажратиш.

Корхона маблағларининг гурухлари:

1. Асосий маблағлар.
2. Айланма маблағлар.
3. Номоддий активлар.
4. Молиявий қўйилмалар.
5. Оборотдан ташқари активларга қўйилмалар.
6. Бошқа томонга қаратилган маблағлар.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Нур” фирмасининг маблағлари:

1. Юқ автомобиллари.
2. Кассадаги нақд пуллар.
3. Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар.
4. Хўжаликка тегишли ускуналар.
5. Эҳтиёт қисмлар.
6. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари.
7. Ёқилғи.
8. Автомашиналар учун гараж.
9. Фирма биноси.
10. Кўп йиллик ўсимликлар.
11. Фирманинг товар белгиси ва савдо маркази.
12. Қурулиш материаллари.
13. Фирманинг ҳисобдор шахсдан қарздорлик суммаси.
14. Тайёр маҳсулотлар.
15. ЭХМ учун дастурий маҳсулотлар.
16. Цех биносини қуришга ажратилган маблағлар.
17. Бошқа дебеторлар билан ҳисоб -китоблар.
18. Валюта счёти.
19. Фирманинг дебеторлик қарзи.
20. Брокерлик ўрнининг қиймати.
21. Ўрнатиш учун ускуналар.
22. Ишлаб чиқаришдаги дасгоҳлар.
23. Бюджетга бўлғуси фойдадан авансли ажратмалар.

Маблағлар юқорида келтирилган тартиб бўйича гурухларга ажратилади.

4 -Масала.

Мақсад - манбаларнинг таснифи ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа - манбаларни уларнинг турлари ва ташкил топиш жойлари бўйича гурухларга ажратиш.

Корхона маблағларининг ташкил топиш манбалари:

1. Ўз маблағларининг манбалари.
2. Қарзга олинган маблағларининг манбалари ёки мажбуриятлар.

Масалани бажариш учун малумотлар.

“Метал газ” маъсулияти чекланган жамият маблағларининг ташкил топиш манбаларини жорий йилнинг 1-январидаги холати бўйича руйхати.

1. Устав капитали.

2. Метал комбинатига ортиб жунатилган турба учун қарздорлик суммаси.
3. Резерв капитали.
4. 11-сонли автотранспорт корхонасига кўрсатилган хизмат учун қарздорлик суммаси
5. Пардозлаш цехи ишчиларига иш ҳақи тўлаш бўйича қарздорлик суммаси.
6. Маҳсулотларни сотишдан олинган фойда.
7. “Таминот- сотиш” фирмасига машиналарни тамирлаш учун эҳтиёт қисмлари бўйича қарздорлик суммаси.
8. Банкнинг қисқа муддатли қарзлари.
9. Чиқиндиларни сотишдан олинган фойда.
10. Механика цехи ишчи К.Маматовга хизмат сафари бўйича қарздорлиги суммаси.
11. “Метал газ” маъсулияти чекланган жамиятнинг ўтган йилдан қолган тақсимланмаган фойдаси.
12. “Энергия давлат таъминоти” АЖ га истеъмол қилган электр энергияси учун қарздорлик суммаси.
13. Олинган банк кредитлари бўйича қарздорлик суммаси.
14. Сув таъминоти корхонасига истеъмол қилинган сув учун қарздорлик.

Вазиятли масалалар

Вазиятли масала -1

Мақсад- бухгалтерия ҳисоби обектларини ўрганиш.

Вазифа- Хўжалик маблағлари ва уларни ташкил бўлиш манбаларини келтирилган шакл бўйича гурухларга ажратиш.

| Турлари ва жойлаштирилиши бўйича корхона маблағлари | Сумма (минг сўм ҳисобида) | | Ташкил бўлиш манбалари | Сумма (минг сўм ҳисобида) |
|---|---------------------------------|--|--|----------------------------------|
| 1.Ишлаб чиқаришга патент ва хоказо. | 2503 | | 1 Устав капитали ва хоказо. Жами | 29591 |
| Жами | | | | |

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Жорий йилнинг 1-январида. “Метал газ” маъсулияти чекланганжамиятнинг маблағларнинг мавжудлиги ва манбалари.

| Хўжалик маблағлари ва манбаларининг номи. | Сумма (минг сўм ҳисобида) |
|---|---------------------------------|
| 1. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун патент | 2303 |
| 2. Устав капитали | 29591 |
| 3.Юк автомобиллари | 2796 |
| 4. Мол етказиб берувчилар ва пурратчилар билан ҳисоб-китоблар | |
| 5. Тракторлар | 425 |
| 6. Автомашиналар учун гараж | 1522 |
| 7. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари | 2332 |
| 8. Фрезерли дастгоҳлар | 1988 |
| 9. Кўп йиллик дараҳатлар | 157 |
| 10. Хўжаликка тегишли бўлган асбоблар-ускуналар | 973 |
| 11. Таъмирлаш устахонасининг биноси | 253 |
| 12. Компьютерлар | 500 |
| 13. Кассадаги пул маблағлари | 1000 |
| 14. Ёқилғи | 198 |
| 15. Идора биноси | 445 |
| 16. Иссиқхона мўрилари | 3438 |

| | |
|--|--------------------|
| 17. Пўлат тунука | 265 |
| 18. Валюта счёти | 886 |
| 19. Том ёпадиган туника | 895 |
| 20. Тайёр маҳсулотлар | 355 |
| 21. Корхонанинг солиқлар ва йифимлар бўйича қарзи | 245 |
| 22. Идишлар | 802 |
| 23. Қурулиш материаллари | 853 |
| 24. Нефт маҳсулотлари | 672 |
| 25. Цех биноси | 1742 |
| 27. Буёклар | 827 |
| 28. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар | 285 |
| 29. Эҳтиёт қисмлар | 822 |
| 30. Бошқа ишлаб чиқариш бинолари | 7356 |
| 31. Материаллар | 368 |
| 32. Ҳисобдор шахслар томонидан қарздорлик суммаси | 8 |
| 33. Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар | 177 |
| 35. Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари | 150 |
| 36. Тайёрлаш ташкилотларининг қарздорлиги | 3324 |
| 37. Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар | 597 |
| 38. Фойда | 4100 |
| 39. Корхонанинг суғурта ва таъминот бўйича қарздорлиги | 4276 |
| 40. Бошқа ишлаб чиқариш захиралари | 75 |
| 41. Акционерлардан харид қилинган шахсий акциялар | 525 |
| 42. Резерв капитали | 4174 |
| 43. Бошқа дебеторлар билан ҳисоб-китоблар | 517 |
| 44. Қўшимча капиталлар | 112 |
| 45. Асосий ишлаб чиқариш | 781 828 3254 |

2-МАВЗУ. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ ВА ИККИ ЕКЛАМА ЕЗИШ

Топшириқлар

1-Масала.

Мақсад-бухгалтерия балансининг таркибий тузилишини ўрганиш.

Вазифа- Жадвалда келтирилган корхона маблағлари ва уларнинг келар манбаларини гурухларга ажратиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар .

“Мадат” АЖ нинг маблағлари ва манбалари:

| Давр бошидаги маблағлар ва манбалар | Сумма (минг сўмда) |
|--|--------------------------|
| 1. Асосий воситалар | 398000 |
| 2. Номоддий активлар | 89000 |
| 3. Ўрнатиш учун ускуналар | 220000 |
| 4. Оборотдан ташқари активларга қўйилмалар | 449000 |
| 5. Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар | 163000 |
| 6. Устав капитали | 1146000 |
| 7. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар | 297000 |
| 8. Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари | 360000 |

| | |
|--|--------|
| 9.Хисодор шахслар билан ҳисоб-китоблар | 18000 |
| 10. Келгуси харажатлар резерви | 150000 |
| 11. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар | 187000 |
| 12. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар | 210000 |
| 13. Ишлаб чиқариш захиралари | 836000 |
| 14.Касса | 10000 |
| 15. Ҳисоб-китоб счёти | 364000 |
| 16. Тугалланмаган ишлаб чиқариш | 76000 |
| 17. Дебеторлар билан ҳисоб китоблар | 31000 |
| 18. Фойда | 678000 |

Малумотларни жадвалда келтирилган шакл бўйича гурухларга ажратинг.

“Мадат” АЖ нинг жорий йилнинг 1-январига баланси

| Актив | Сумма (минг сўмда) | Пассив | Сумма (минг сўмда) |
|----------------------------|--------------------|--------------------------|--------------------|
| Асосий воситалар ва хоказо | 398000 | Устав капитали ва хоказо | 1146000 |

2- Масала.

Мақсад - баланснинг таркибий тузилиши тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа - Оёқ кийимини ишлаб чиқарувчи корхонанинг ҳисобот йили боши ва охиридаги таркиби бўйича маблағлари ҳамда унинг ташкил топиш манбаларини гурухларга ажратиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхонанинг маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари тўғрисида маълумот

| Маблағларнинг алоҳида турларининг номи ва уларни ташкил бўлиш манбалари. | Сумма (минг сўм) | |
|--|------------------|-------------|
| | Йил бошида | Йил охирида |
| 1. Омбордаги аёллар туфлилари | 1200 | 4300 |
| 2. Банқдаги ҳисоб-китоб счёти | 6000 | 17300 |
| 3. Қўшимча капиталлар | 2000 | 3500 |
| 4. Чарм заводига чарм учун қарздорлик | 800 | 3200 |
| 5. Фабрика биноси | 90000 | 212800 |
| 6. Омбордаги тагчармбоп тери | 5000 | 19700 |
| 7. Омбордаги болалар туфлиси | 800 | 2800 |
| 8. Ҳисобдор шахсларга қарздорлик суммаси | 130000 | 316000 |
| 9. Устав капитали | 12000 | 34400 |
| 10. Цехдаги кесувчи дасгоҳлар | 800 | 1340 |
| 11. Транспорт хизматидан олинган фойда | 1000 | 2300 |
| 12. Цехдаги тугалланмаган ишлаб чиқариш | 700 | 1300 |
| 13. Омбордаги машина мойи | 1200 | 4200 |
| 14. Шубхали қарзлар бўйича резервлар | 20000 | 42500 |
| 15. Омбор биноси | 700 | 2190 |
| 16. “Туқмачи савдо” фирмасидан олинган материаллар учун қарздорлик суммаси | 200 | 950 |
| 17. Ходимлардан иш ҳақи бўйича қаздорлик суммаси | 2300 | 5400 |
| 18. Омбордаги боқа хом ашёлар | 2000 | 3600 |
| 19. Банкка қисқа муддатли қарз бўйича қарздорлик | 500 | 5300 |

| | | |
|---|-------|-------|
| суммаси | | |
| 20. Солиқлар ва йифимлар бўйича қарздорлик суммаси | 600 | 1700 |
| 21. Цехдаги эркаклар ботинкалари бўйича тугалланмаган ишлабчиқариш | 20 | 100 |
| 22. Кассадаги накд пуллар | 1500 | 2100 |
| 23. Тақсимланмаган фойда | 7000 | 17600 |
| 24. Тикув цехидаги тикув машиналари | 3900 | 8800 |
| 25. Омбордаги қора юпқа тери | 600 | 4090 |
| 26. “Электр энергия таъминот” АЖ га истеъмол қилинган энергия учун қарздорлик суммаси | 200 | 1100 |
| 27. “Сув таъминот” АЖга истеъмол қилинган сув учун қарздорлик суммаси | | |
| 28. Омбордаги тикув иплари | 400 | 900 |
| 29. Мақсадли молиялаштириш | 500 | 650 |
| 30. Цехдаги ўлчов машиналари | 4000 | 4300 |
| 31. Келгуси давр харажатлар резервлари | 300 | 7300 |
| 32. Цех бошлигининг ҳисобдорлик суммалари бўйича қарздорлик суммаси | 30 | 20 |
| 33. Омбордаги эркаклар ботинкалари | 1000 | 1730 |
| 34. Номоддий активлар | 200 | 300 |
| 35. Маҳсулот сотишдан олинган фойда | 16700 | 26660 |
| 36. Ўрнатиш учун мўжалланган жиҳозлар | 900 | 1400 |
| 37. Омбордаги болаларнинг спорт туфлилари | 600 | 1270 |
| 38. Чарм заводидан қарздорлик суммаси | 1200 | 2000 |
| 39. “Улгуржисавдо” АЖ нинг олинган товар учун қарздорлик суммаси | 400 | 2180 |

3-Масала.

Мақсад- корхана обектларни баланснинг актив ва пассив томонлари бўйича жойлашни ўрганиш.

Вазифа- Тасдиқланган шаклдаги бланкадан фойдаланиб, жорий ой бошидаги балансни тузинг (Бухгалтерия баланси – 1 шакл).

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхонанинг ҳисобот санасидаги хўжалик маблағлари ва уларни топиш манбалари.

| Номи. | Сумма (минг сўмда) |
|---|--------------------|
| 1. Юк автомашиналари | 415000 |
| 2. Бензин | 73000 |
| 3. Тракторлар | 409000 |
| 4. Сигирлар | 99000 |
| 5. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар | 135500 |
| 6. Фойда | 380000 |
| 7. Мевали боғ | 145900 |
| 8. Маданият уйи | 800000 |
| 9. Банкнинг узоқ муддатли кредитлари бўйича қарздорлик | 535000 |
| 10. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари | 300000 |
| 11. Устав капиталлари | 397500 |
| 12. Тайёр маҳсулотлар | 270500 |

| | |
|---|---------|
| 13. Минерал ўғитлар | 361500 |
| 14.Бошқа кузги ўғитлари | 112800 |
| 15. Қўшимча капиталлар | 1200000 |
| 16.Махсус фонд | 7000 |
| 17. Ошхона ускуналари | 81900 |
| 18. Эҳтиёт қисмлар | 113800 |
| 19. Корхонани мулкларни суғурталаш бўйича қарздорлиги | 4500 |
| 20. Тугалланмаган асосий ишлаб чиқариш | 390000 |
| 21.Ошхона биноси | 112500 |
| 22.Кассадаги пул маблағлари | 100 |
| 23. Омбор биноси | 111000 |
| 24. Захирали дорилар | 12100 |
| 25. Харидорларнинг қарздорлиги | 15600 |
| 26. Арраланган ёгочлар | 11800 |
| 27. Комбайнлар | 579000 |
| 28. Резерв капитали | 604000 |
| 29. Иш ҳақи бўйича қарздорлик | 85800 |
| 30. Молхона бинолари | 858000 |
| 31. Харидорларнинг ҳисобот ойи бўйича қарздорлиги | 250 |
| 32. Сув таъминот минораси | 40150 |
| 33. Тошли девор | 7200 |
| 34. Идора шкафлари | 500 |
| 35. Мойли буёқ | 250 |
| 36. Гараж биноси | 11800 |
| 37. Ҳар хил дебеторлар бўйича қарздорлик | 1200 |
| 38. Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари | 713000 |
| 39.Бошқа тугалланмаган ишлаб чиқариш | 718200 |
| 40. Соликлар ва йиғимлар бўйича қарздорлик | 100000 |
| 41. Қурулиш материаллари | 100200 |
| 42. Ўстиришдаги ҳайвонлар | 890800 |
| 43. Озуқа | 390900 |
| 44. Банкдаги маҳсус счёт бўйича маблағлар | 2000 |
| 45. Мақсадли молиялашириш | 1105000 |
| 46. Келгуси давр харажатлари бўйича резервлари | 215000 |
| 47. Капитал қўйилмалар бўйича кредиторлар | 102800 |
| 48.Оомборхона биноларининг асбоб- ускуналари | 110000 |
| 49. Шубҳали қарзлар бўйича резервлар | 8800 |
| 50. Қисқа муддатли кредитлар бўйича қарздорлик | 8000 |
| 51. Мол етказиб берувчиilar ва пудратчиilar билан ҳисоб-китоблар | 501000 |
| 52. Мол етказиб берувчиilarга берилган аванслар бўйича қарздорлик | 8000 |
| 53. Устахонадаги асосий воситаларни тугалланмаган тамирланишига харажатлар | 1000 |
| 54. Моддий заарни қоплаш бўйича ҳисоб китоблар(моддий жавобгар шахсларники) | 500 |
| 55. Хўжалик асбоблари | 46000 |
| 56.Идиш ва идиш материаллари | 50500 |
| 57. Асосий подани шакиллантириш бўйича харажатлар | 36000 |

4-Масала.

Мақсад- баланснинг намунавий шаклини ўрганиш.

Вазифа- келтирилган маълумотлар асосида корхонанинг давр бошидаги балансини тузинг.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Суғдиёна” МЧЖда жорий йилнинг 1-январидаги маблағлар ва уларнинг ташкил топиш манбаларнинг қиймати

| Маблағлар ва уларни ташкил манбалари. | Сумма (минг сўмда) |
|--|-----------------------|
| 1. Идора биноси | 8400 |
| 2.Хом ашё | 1475 |
| 3. Устав капитали | 600737 |
| 4.Ўриш машиналари | 5725 |
| 5.Ёрдамчи хўжаликдаги икки ёшдан каттароқ бузоқлар | 11620 |
| 6. Келгуси харажатлар резервлари | 3400 |
| 7. Резерв капитали | 18000 |
| 8. Келгуси давр харажатлари | 38200 |
| 9. Ходимларга иш ҳақи бўйича қарздорлик | 9022 |
| 10. Тракторлар | 27676 |
| 11. Мол етказиб берувчиларга қарздорлик суммаси | 550 |
| 12.Банқдаги ҳисоб-китоб счётидаги пуллар | 86715 |
| 13. Қўшимча капиталлар | 6406 |
| 14. Мақсадли молиялаштириш | 26615 |
| 15.Кассадаги нақд пуллар | 494 |
| 16.Ёрдамчи хўжаликдаги қишлоқ хужалиги машиналари | 11500 |
| 17. Ёрдамчи хўжаликдаги бузоқлар учун емлар | 11773 |
| 18. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари | 54200 |
| 19. Ҳисобдор шахснинг қарздорлиги | 41 |
| 20. Банқдаги маҳсус счёtlардаги пуллар маблағлари | 36100 |
| 21. Пудратчиларга қарздорлик | 17640 |
| 22. Асосий воситаларнинг амортизатсияси | 71270 |
| 23. Йўлдаги пул маблағлари | 30218 |
| 24. Ёрдамчи хўжаликдагимахсулдор қорамоллар | 52400 |
| 25.Банкининг қисқа муддатли қарzlари | 4120 |
| 26.Курилиш материаллар | 41487 |
| 27.Ёрдамчи хўжаликдагимевали боғ | 41540 |
| 28. Бошқа асосий воситалар | 215476 |
| 29. Тайёр маҳсулотлар | 12580 |
| 30.Тугалланмаган ишлабчиқариш | 14000 |

Вазиятли масала-1.

Мақсад- хўжалик жараёнлари (оператсиялари) таъсири остида балансдаги ўзгаришларини ўрганиш.

Вазифа- Келтирилган Хўжалик операциялари асосида баланс активи ва пассивини ўзгаришларини акс эттиринг.

Масалани ечиш учун маълумотлар.

“Суғдиёна” МЧЖ да жорий йилнинг январидаги хўжалик жараёнлари

| Мазмуни. | Балансдаги ўзгаришлар тури |
|--|----------------------------|
| <p>1. Кассага ҳисоб-китоб счётидан пул олиб келинди</p> <p>2. Кассадан ходимларга иш ҳақи берилди</p> <p>3. Фойданинг бир қисми устав капиталларини кўпайтиришга йўналтирилди</p> <p>4. Фойда ҳисобидан резерв капитли кўпайтирилди</p> <p>5. Корхона омборига мол етказиб берувчилардан эҳтиёт қисмлар келиб тушди</p> <p>6. Эҳтиёт қисмлар учун мол етказиб берувчилардан олинган счёtlар тўланди</p> <p>7. Ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот омборга қабул қилинди</p> <p>8. Харидорлардан ҳисоб-китоб счётига пул келиб тушди</p> <p>9. Иш ҳақидан солиқлар ушлаб қолинди</p> <p>10. Ҳисоб-китоб счётидан банк кредитлари бўйича қарздорлик суммасини бир қисми тўланди</p> <p>11. Ҳисобдорлик суммаси ҳисобига материаллар харид қилинган.</p> <p>12. Ҳисоб-китоб счётидан мол етказиб берувчига аванс ҳисобида пул ўтказиб берилди.</p> <p>13. Омбордан ишлаб чиқаришга материаллар берилди.</p> <p>14. Ҳисоб-китоб счётидан харидорларга олдин олинган аванс қайтарилиди.</p> <p>15. Кассага ҳисобдор шахсдан ортиқча ҳисобдорлик суммаси қайтарилиди.</p> <p>16. Касса лимитидан ортиқча сумма ҳисоб-китоб счётига топширилди.</p> <p>17. Банкдан олинган кредит қайтарилиди.</p> <p>18. Ходимлардан ушлаб қолинган даромад солиғи бюджетга ўтказиб берилди.</p> | +A ; - A -A; - П |

Топшириклар

1-Масала.

Мақсад- бухгалтерия ҳисоби синтетик счёtlарини очиш ва операцияларни ёзиш усулларини мустаҳкамлаш.

Вазифа-баланс асосида синтетик счёtlарни очиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Жорий йилнинг ноябрь ойидаги хўжалик операциялари

| Хўжалик операцияларининг мазмуни | Сумма (минг сўмда) |
|---|-----------------------|
| 1. Ҳисоб-китоб счётидан кассагага пул келиб тушди | 2000 |
| 2. Кассадан иш ҳақи берилди | 1000 |
| 3. Номоддий активлар харид қилинган | 500 |
| 4. Ҳисоб-китоб счётига банкнинг қисқа муддатли кредити киритилган | 3800 |
| 5. Тақсимланмаган фойдани бир қисми устав капиталига қўшилди | 30000 |
| 6. Мол етказиб берувчилардан материаллар олинди | 4000 |
| 7. Ҳисоб-китоб счётидан қисқа муддатли кредитни бир қисми тўланди | 4200 |
| Жами | |

“Фатон” АЖ нинг жорий йилни 1-ноябрига бўлган баланси

| Актив | Сумма (минг сўмда) | Пассив | Сумма (минг сўмда) |
|--------------------------|-----------------------|---|-----------------------|
| 1. Асосий воситалар | 76000 | 1. Устав капитали | 67800 |
| 2. Материаллар | 9700 | 2. Тақсимланмаган фойда | 30000 |
| 3. Касса | 1200 | 3. Банкнинг қисқа муддатли кредити | 4200 |
| 4. Ҳисоб –китоб счёти 5. | 14000 | 4. Ииш ҳақи бўйича қарздорлик | 2000 |
| Тайёр маҳсулот | 3300 | 5. Мол етказиб берувчилар ва пурратчилар билан ҳисоб-китоблар | 1000 |
| 6. Номоддий активлар | 800 | Баланс | |
| Баланс | 105000 | | 105000 |

1. “Фатон” АЖ нинг жорий йилни 1-ноябрига бўлган баланси асосида счёtlар очинг.

2. Ноябрь ойидаги хўжалик операциялари бўйича руйхатга олиш дафтарини тузиш.

3. Хўжалик операцияларини аввалроқ очилган счёtlарда акс эттиринг, счёtlарнинг оборотларни ҳисоблаб чиқинг ва 1-декабрга бўлган қолдиқини аниқланг.

4. Корхонанинг 1-декабрдаги балансини тузинг.

5. Шахматли оборот ведемостиини тузинг.

2-Масала.

Мақсад- оддий бухгалтерия ёзувини (праводкасини) тузиш услули бўйича билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа- руйхатга олиш дафтарида хўжалик операцияларига бухгалтерия праводкаларни тузиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Фатон” АЖ нинг жорий йилни декабрь ойидаги хўжалик операциялари

| Хўжалик операциялари мазмуни | Сумма (минг сўмда) |
|---|-----------------------|
| 1. Ҳисоб-китоб счётидан кассагага пул келиб тушди | 8000 |
| 2. Кассадан хўжалик мудирига асбоб-ускуналарни харид қилиш учун ҳисобдорлик суммаси берилди | 1200 |
| 3. Асосий ишлаб чиқариш ишчиларига иш ҳақи ҳисобланди | 150000 |
| 4. Банкнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисобидан мол етказиб | 60000 |

| | |
|---|-------|
| берувчилар счёти тўланди | |
| 5.Ҳисоб-китоб счётига банкнинг қисқа муддатли кредитлари олинди | 70000 |
| 6 Мол етказиб берувчилардан материаллар келиб тушган | 35000 |
| 7. Ҳисоб-китоб счётиданолинган товарлар учун ҳақ тўланди | 30000 |
| 8 Ҳисобдорлик суммалари ҳисобиданиш қоғозлари харид қилинди | 1100 |
| 9. Ўтган йилнинг фойдасидан бир қисми резерв капиталини кўпайтиришга йўналтирилди | 27000 |
| 10. Асосий ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот омборга толширилди | 61000 |
| 11. Ҳисоб-китоб счётига сотилган маҳсулотлар учун пул келиб тушди | 53000 |
| Жами. | |

3-Масала.

Мақсад- хўжалик операцияларини ҳисобга олиш билан янги счёtlарни очиш тартибини ўрганиш.

Вазифа-Баланс маълумотлари асосида синтетик счёtnи очиш ва баланс тузиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Тараққиёт” МЧЖ нинг жорий йилнинг 1-апрелидаги баланси

| Актив | Сумма (минг сўмда) | Пассив | Сумма (минг сўмда) |
|----------------------|-----------------------|-------------------------------------|-----------------------|
| 1.Асосий воситалар | 80000 | 1. Устав капитали | 77800 |
| 2. Материаллар | 19700 | 2.Тақсимланмаган фойда | 40000 |
| 3. Касса | 2000 | 3. Банкнинг қисқа муддатли кредити | 17000 |
| 4. Ҳисоб-китоб счёти | 21400 | 4. Иш ҳақи бўйича қарздорлик Баланс | 1000 |
| 5. Тайёр маҳсулот | 7900 | | 135800 |
| 6. Номоддий активлар | 4800 | | |
| Баланс | 135800 | | |

1. Баланс маълумотлари асосида синтетик счёtlарни очинг

2. Хўжалик операциялари маълумотлари бўйича апрель ойидаги руйхатга олиш дафтарини тузинг.

Жорий йилнинг апрель ойидаги хўжалик операциялари

| Хўжалик операциялари мазмуни | Сумма(минг сўмда) |
|---|--------------------|
| 1. Ҳисоб-китоб счётидан кассагага пул келиб тушди | 2000 |
| 2.Кассадан иш ҳақи берилди | 1000 |
| 3. Накд пулга материаллар харид қилинган. | 500 |
| 4. Ҳисоб-китоб счётига банкнинг қисқа муддатли кредити олинди | 3800 |
| 5. Фойдани бир қисми устав капиталига қўшилди | 40000 |
| 6. Мол етказиб берувчилардан материаллар келиб тушди | 4000 |
| 7. Ҳисоб-китоб счётидан мол етказиб берувчиларга қарздорлик суммаси тўланди | 4500 |
| 8.Кассадан ҳисобдорликсуммаси берилди | 500 |
| 9. Тайёр маҳсулот харидорларга ортиб жўнатилди | 2300 |
| 10. Харидорлардан сотилган маҳсулотлар учун пул келиб тушди | 3700 |
| Жами. | |

3. Аввал очилган ва янги счёtlарда хўжалик операцияларини акс эттиринг, оборотларни ҳисоблаб чиқинг ва якуний қолдиқларни аниqlанг.

4. Шахматли оборот ведомостни тузинг.

5. Синтетик счёtlар маълумотлари бўйича 1-майга балансни тузинг.

4-Масала.

Мақсад - бухгалтерия ҳисоби счёtlарининг гурухланишини ўрганиш.

Вазифа - Корхоналар молиявий - хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби счёtlарини БХМС нинг 21-стандартига кўра гурухлаш (БХМС нинг 21-стандарти илова қилинади).

1..Корхоналар молиявий - хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби счёtlарини иқтисодий мазмун бўйича гурухланг.

Вазифани бажаришда куйидаги жадвалдан фойдаланинг

| | |
|---|-----------------------------|
| Бухгалтерия ҳисоби счёtlарини иқтисодий мазмунига кўра гурухи | Счёtlарнинг номи ёки рақами |
| | |

2. Корхоналар молиявий - хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби счёtlарининг белгиланиши ва тузилиши бўйича гурухланг.

Вазиятли масала-1.

Мақсад- Синтетик ва аналитик ҳисобни олиб бориш услули ва уларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш.

Вазифа - Даврнинг бошидаги қолдиқлар ҳақидаги келтирилган маълумотлар асосида синтетик ва анлитик счёtlарни очиш ҳамда уларнинг ўзаро алоқасини асослаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Счёtlар бўйича қолдиқ

| Счёtnинг рақами. | Счёtnинг номи. | Сумма (минг сўмда) |
|------------------|--|--------------------|
| 1030 | “ Ёнилғи “ | 5442 |
| 6010 | Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар | 7500 |

1. Даврнинг бошидаги қолдиқлар ҳақидаги келтирилган маълумотлар асосида синтетик счёtnи очинг.

2. Юқорида келтирилган счёtlарга анлитик счёtlарни очинг.

1030- “Ёнилғи” синтетик счёtnинг анатик счёtlари бўйича қолдиқлари

| Ёқилғи тури | Миқдори (литр) | 1литр учун нархи(сўмда) | Сумма (минг сўмда) |
|----------------|----------------|-------------------------|--------------------|
| | | | |
| Бензин | 4000 | 2060 | 8240 |
| Дизел ёнилғиси | 1800 | 3890 | 7002 |
| Жами | | | |

6010-“Молетказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” синтетик счёtnинг анатик счёtlар бўйича қолдиқлари

| Ташкилотнинг номи. | Сумма (минг сўмда) | |
|------------------------------------|--------------------|---------|
| | Дебет. | Кредит. |
| “Туманнефтбаза | | 2800 |
| ”Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи | | 3100 |
| Жами | | 5900 |

Руйхатга олиш даftарида жорий давр ичидағи хўжалик операцияларини акс эттиринг.

Корхонанинг жорий давр ичидағи хўжалик операциялари

| Хўжалик операциялари мазмуни | Сумма (минг сўмда) |
|--|--------------------|
| 1. Хўжалик ишлари учун ёқилғи сарфланди: а) бензин 200 л. б) дизел ёнилғиси 500 л. | 412 1945 |
| маннефтбаза”дан олиб келинди: а) бензин 1000 л. | 2060 |

| | |
|---|------|
| б) дизел ёнилғиси 1500 л. | 5835 |
| 3. Фарфона нефтни қайта ишлаш заводидан олиб келинди: | |
| а) бензин 2000 л. | 4120 |

б) дизел ёнилғиси 1000 л.

4. Руйхатга олиш дафтари асосида хўжалик операцияларини счёtlарга кўчиринг.

5. Руйхатга олиш дафтари асосида хўжалик операцияларини аналитик счёtlарга кўчиринг.

6. Синтетик ва аналитик счёtlарининг обороти, охирги қолдигини аниқланг ва улар асосида оборот ведемостини тузинг.

7. Синтетик ва аналитик счёtlарининг обороти, охирги қолдигини қиёсланг.

3-МАВЗУ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР ҲИСОБИ.

1-Масала.

Мақсад – корхонанинг пул маблағлари ва валюта операциялари ҳисобини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона 320 минг сўмлик маҳсулот сотди. Олди-сотди шартномасининг шартига кўра оловчи тўловнинг 50%ини олдиндан тўлагандан сўнг маҳсулотни юклаб жўнатиш амалга оширилди.

Вазифа-

1. Қўйидагиларни амалга оширинг

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БХМС бўйича счёtlар корреспонденцияси | |
|---|--|-------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Харидордан бўнак тушиши акс эттирилди | 160 | | |
| 2 | Маҳсулотни юклаб жўнатгандан сўнг харидордан якуний тўлов келиб тушиши акс эттирилди | 160 | | |

2-Масала.

Мақсад – корхонанинг пул маблағлари ва валюта операциялари ҳисобини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“ABC” МЧЖ чет эллик мол етказиб берувчи билан 5 минг долларлик суммага муҳофазаланган дискларни сотиб олишга шартнома тузди.

Конвертация учун ҳисоб-китобсчётига 8 725 минг сўм ўтказди. Ваколатли банкка буюртмада 1 доллар учун хориж валютасини сотиб олишнинг чегаравий курси - 1 745 сўм деб кўрсатилган. Хориж валютаси 1 доллари 1 740 сўм курс бўйича сотиб олинди. ЎзР МБнинг валюта сотиб олиш санасига доллар курси 1 743 сўмни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасининг валюта сотиб олиш учун комиссия мукофоти сотиб олинаётган валюта умумий суммасини 0,2 %ини, банкники эса 2% ни ташкил қиласди.

Вазифа:

1. Қўйидагиларни амалга оширинг;

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БХМС бўйича счёtlар корреспонденцияси | |
|---|--|-------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Хориж валютасини сотиб олиш учун ўтказиб берилган сўмлар акс эттирилди | 8725 | | |
| 2 | ЎзР МБ курсидан юқори бўлган курс | 8725 | | |

| | | | | |
|---|---|-----|--|--|
| | бўйича хориж валютасини сотиб олиш акс эттирилади | | | |
| 3 | Курс фарқи акс эттирилди | 2 | | |
| 4 | ЎзР МБ ва банк воситачилик ҳақининг банк томонидан ушлаб қолиниши | 174 | | |
| 5 | Валюта маблағлари дискларни етказиб беривчига ўтказилди | | | |

3-Масала.

Мақсад – корхонанинг пул маблағлари ва курс фарқини ҳисобга олишни ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона ходимни Москвага 10 кунга хизмат сафарига юбормоқда. Корхона банкга 1 200 АҚШ долларини сотиб олишга зарур бўлган хужжатларни илова қилган ҳолда буюртма берди. 2007 йил 25 майда корхона кассасига 1 200 АҚШ доллари келиб тушди ва ўша куниёқ хизмат сафарига кетаётган ходимга кунлик харажатлар сифатида ва меҳмонхонага тўлаш учун ҳисоб бериш шарти билан берилди.

Валюта сотиб олиш учун корхона томонидан ҳисоб-китобсчётига 1 500 мингсўм ўтказилди. Хориж валютаси 1 доллар учун 1 740 сўм курс бўйича харид қилинди. Валюта сотиб олинган санадаги ЎзР МБ доллар курси 1 доллар учун 1 745 сўмни ташкил қилган.

Вазифа:

1. Қўйидагиларни амалга оширинг

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БХМС бўйича счёtlар корреспонденцияси | |
|---|---|-------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Хориж валютасини сотиб олиш учун ўтказиб берилган сумма акс эттирилди | 1500 | | |
| 2 | ЎзР МБ курсидан қўйи бўлган курс бўйича хориж валютасини сотиб олиш акс эттирилди | 2088 | | |
| 3 | Курс фарқи акс эттирилди | 6 | | |
| 4 | Корхона кассасига валюта маблағлари кирим қилинди | | | |
| 5 | Хизмат сафари харажатлари валюта маблағлари берилди | 2094 | | |

4 МАВЗУ. МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ

1-Масала.

Мақсад – товар-моддий захиралархисобини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“ФАЙЗ” ишлаб чиқариш корхонасининг 2016 йил 1 январь ҳолатига баланси

Январь ойидагиххўжалик операциялари:

- Корхона 3 январда 1000 кг бўёқ сотиб олди, 1 кг бўёқ нархи 3700 сўмни ташкил қиласди;
- Ушбу 1 кг бўёқнинг 617 сўмини ҚҚС ташкил қиласди;
- Ташиб келтириш харажатлари 30 000 сўмни, шу жумладан ҚҚС 6 000 сўмни ташкил қиласган;
- 10 январ куни 100 кг бўёқ ишлаб чиқаришга берилди;
- 15 январ куни етказиб берувчига бўёқ суммаси ўтказиб берилди;
- 20 январ куни 150 кг бўёқ ишлаб чиқаришга берилди;

7. 22 январ куни ҳисобланган ҚҚС суммаси бюджетга ўтказиб берилди:
 8. 25 январда ишлаб чиқаришдаги ишчиларга иш ҳақи ҳисобланди – 25 000 сүм.

Вазифа:

- Корхонанинг 1 январ ҳолати баланси маълумотларидан фойдаланиб ишчи счётлар очинг:
- Январ ойида амалга оширилган операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиринг:
- Корхонанинг 1 феврал ҳолатига бухгалтерия балансини тузинг.

| Актив | Сумма (минг сўмда) | Пассив | Сумма (минг сўмда) |
|-----------------------------|--------------------------|---|-----------------------|
| 1. Асосий воситалар | 35000 | 1. Устав капитали | 40000 |
| 2. Материаллар | 10000 | 2. Фойда | 3000 |
| 3. Касса | 100 | 3. Банкнинг қисқа муддатли кредити | 2000 |
| 4. Ҳисоб-китоб счёти | 4000 | 4. Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб китоблар | 500 |
| 5. Омбордаги тайёр маҳсулот | 900 | 5. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар | 4500 |
| Баланс | 50 000 | Баланс | 50 000 |

2-Масала.

Мақсад – товар-моддий захиралар ҳисобини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона феврал ойининг 2-санасида банкдан 12 ой муддатга 10 000 минг сўм миқдорда кредитни расмийлашириди. Кредит хом ашё етказиб берувчига тўлаш учун йўналтирилади. Шартномага кўра фоизлар ҳар ойда 20 % йиллик ставгадан келиб чиқиб тўланади. Шундан сўнг 5 февралда 2 500 минг сўмлик материал сотиб олди.

Вазифа:

- Қуйидаги амалларни акс эттиринг:

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БХМС бўйича счёtlар корреспонденцияси | |
|---|--|----------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Банқдан кредит олинди | 10000 | | |
| 2 | Етказиб берувчининг счёт фактураси асосида материалларни ҳарид қилиш акс эттирилди | | | |
| 3 | Етказиб берувчига тўлов акс эттирилди | | | |
| 4 | Банк кредити бўйича тўланиши лозим бўлган фоизлар ҳисобланди | 1000 | | |
| 5 | Банк кредити бўйича фоизлар тўланди | 1000 | | |

3-Масала.

Мақсад – материалларни баҳолаш ва ҳисобига олишни ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Файз” ишлаб чиқариш корхонасида қуйидаги муомалалар амалга оширилган:

Ҳисобот ойининг биринчи санасига омборда 125 бирлик материаллар мавжуд бўлиб, 1 бирлик материалнинг қиймати 2500 сўмни ташкил қиласди;

Ойнинг 3 санасида 60 бирлик материал ҳарид қилинди, бир бирлик қиймати 2600 сўм;

Ойнинг 11 санасида 55 бирлик материални бир бирлигини 2550 сўмдан ҳарид қилди;

Ойнинг 16 санасида 90 бирлик материални 2700 сўмдан сотиб олди.

Материални ишлаб чиқаришга бериш бўйича қуидаги маълумотлар мавжуд:

- ҳисобот ойнинг 4 санасида 130 бирлик материал берилган;
- ойнинг 13 санасида 70 бирлик;
- ойнинг 20 санасида эса 50 бирлик материаллар ишлаб чиқаришга берилган.

Вазифа:

1. Ишлаб чиқаришга берилган материалларни AVECO, FIFO ва LIFO усуллари бўйича баҳоланг;
2. Ҳисобот ойи охирида омборда мавжуд қолдиқни ҳар уччала усул бўйича ҳисобланг.

5 МАВЗУ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ

1-Масала.

Мақсад – асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона етказиб берувчидан бухгалтерия бўлимида фойдаланилиши режалаштирилаётган иккита компьютер столини ҳарид қиласи. Битта столнинг қиймати – 252 АҚШ долларига, шу жумладан ҚҚС - 42 АҚШ долларига teng. Шартномага кўра тўлов кунидаги ЎзР МБ курси бўйича сўмда тўлов амалга оширилади.

ЎзР МБ томонидан белгиланган АҚШ доллари курси: олдиндан тўлов (15%) санасида – 1 АҚШ доллари учун 1 740 сўмни;

АВ келиб тушган санада - 1 АҚШ долларига нисбатан 1 745 сўмни;

Якуний ҳисоб-китоб килган санада - 1 АҚШ доллари учун 1 750 сўмни ташкил қилди.

Вазифа:

1. Компьютер столининг бошланғич қийматини аниқланг;
2. Қуидаги амалларни акс эттиринг:

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БХМС бўйича счётлар корреспонденцияси | |
|---|---|-------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Етказиб берувчига олдиндан тўлов амалга оширилди | 876,960 | | |
| 2 | Компьютер столларининг келиб тушиши акс эттирилди | 879,480 | | |
| 3 | Асосий воситалар келиб тушган пайтдаги курс фарқи акс эттирилди | 2520 | | |
| 4 | Бўнакнинг ҳисобга олиниши акс эттирилди | | | |
| 5 | Етказиб берувчи билан якуний ҳисоб-китоб амалга оширилди | 882 | | |
| 6 | Курс фарқи акс эттирилди | | | |
| 7 | Асосий воситани фойдаланишга топшириш | | | |

2-Масала.

Мақсад – асосий воситаларга бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш

усули бўйича эскириш ҳисоблаш тартибини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Дастгоҳнинг дастлабки қиймати 10 000 минг сўм, унинг 5 йиллик фойдаланиш муддати охиридаги тугатиш қиймати 1 000 минг сўм, хизмат муддати – 5 йил. Дастгоҳ 9 000 соатда муайян микдордаги операцияларни бажаради.

Вазифа:

- 1.Бир соатга бўлган амортизация ҳаражатлари суммасини аниқланг;
- 2.Беш йил мобайнида амортизация ҳисоблашни қўйидаги тарзда акс эттиринг;

| | Бошланғич қиймати | Соат | Йиллик амортизация суммаси | Жамланган эскириш суммаси | Қолдиқ қиймати |
|-------------------|-------------------|------|----------------------------|---------------------------|----------------|
| Сотиб олиш санаси | 10 000 000 | - | - | - | 1 000 000 |
| 1 – йил охири | | 2000 | | | |
| 2 – йил охири | | 3000 | | | |
| 3 – йил охири | | 1000 | | | |
| 4 – йил охири | | 2000 | | | |
| 5 – йил охири | | 1000 | | | |

3-Масала.

Мақсад – Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларниҳисобга оловчисчётларнинг боғланишини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

«Файз» МЧЖ да узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар кўйидаги амаллар акс эттирилган:

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Сумма си, минг сўм | 21-сон БҲМС бўйича счёtlар корреспонденцияси | |
|---|--|--------------------|--|--------|
| | | | Дебет | Кредит |
| 1 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича асосий воситалар келиб тушди | 5000 | | |
| 2 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар хусусий асосий воситалар таркибига ўтказилди Бир вақтнинг ўзида эскириш суммаси ўтказилди | 5000 | | |
| 3 | Узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугагунига қадар ижарага берувчига қайтарилган объектга эскириш ҳисобланди | | | |
| 4 | Узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугагунига қадар ижарага берувчига қайтарилган объектлар бўйича узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича тўланмай қолган қолдиқнинг: жорий қисмига узоқ муддатли қисмига | 1500 3200 | | |
| 5 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайта баҳоланди: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши | | | |

Вазифа:

- 1.Мазкур хўжалик операцияларини бухгалтерия счёtlарида акс эттиринг.
- 2.Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг камайиб борувчи қолдиқ усулини

кўлланг.

Номоддий активлар ҳисоби.

1-Масала.

Мақсад – номоддий активларни ҳисобга олиш тартибини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона томонидан ҚҚСни ҳисобга олганда 1 000минг сўм қийматдагитовар белгисига бўлган мутлақ ҳуқук сотиб олинди. Бундан ташқари, товар белгисини сотиб олиш билан боғлиқ бож тўлови ва маслаҳат хизматлари учун 150 минг сўм миқдорида пул тўланди.

Топширик:

1. Кўйдаги амалларни акс эттиринг:

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БХМС бўйича счёtlар корреспонденцияси | |
|---|---|-------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Товар белгисига бўлган мутлоқ ҳуқук сотиб олинди | 1000 | | |
| 2 | Бож тўлови ва маслаҳат хизматлари бўйича харажатлар акс эттирилди | 150 | | |
| 3 | Товар белгиси сотувчисига тўлов акс эттирилди | | | |
| 4 | Бож ва маслаҳат хизматлари учун тўлов акс эттирилди | 150 | | |
| 5 | Товар белгиси бошланғич қиймати белгиланиб, фойдаланишга топширилди | | | |

2-Масала.

Мақсад – номоддий активлар ҳисобини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона лицензия шартномаси бўйича компььютер дастуридан 1 йил муддатга фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олади. Шартномага мувофиқ фойдаланувчи корхонага ўз эҳтиёjlари учун номутлақ фойдаланиш ҳуқуки тақдим этилади.

Вазифа:

1. Кўйидаги амалларни акс эттиринг:

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БХМС бўйича счёtlар корреспонденцияси | |
|---|---|-------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Фойдаланиш ҳуқуқини олиш акс эттирилди | 150000 | | |
| 2 | Дастурдан фойдаланиш ҳуқуки учун олдиндан тўлов акс эттирилди | 75000 | | |
| 3 | Дастурдан фойдаланиш ҳуқуқини олиш харажатлари ҳисобга олинди | | | |
| 4 | Бўнакни ҳисобдан чиқариш олиш акс эттирилди | 150000 | | |

6-МАВЗУ: МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ

1-Масала.

Мақсад – иш ҳақи ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартибини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Чилангар бир ойда 120 дона маҳсулотга ишлов беради, маҳсулотга меҳнат сарфи – 1,7 киши/соати, нархи – 455 сўм, ишлаб чиқариш меъерини бажарганлик учун ишбай иш ҳақининг 5%и ва меъеридан ортиқ бажаришнинг ҳар бир фоизи учун ишбай иш ҳақининг 1%и миқдорида мукофот кўзда тутилган. Чилангар 8 соатдан 24 смена ишлади.

Вазифа:

1. Чилангарнинг бир ойлик иш ҳақини ҳисобланг;
2. Ушбу ҳисобланган суммага бухгалтерия ўтказмасини беринг.

2-Масала.

Мақсад – меҳнат таътилини ҳисоблаш ва ҳисобга олишни ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхонанинг № 110 қарорига мувофиқ Умаров Жасурга 2010 йил март ойида 24 кун муддатга таътил берилди.

Хордимнинг шахсий варақасида қуидаги маълумотлар мавжуд:

- 1) 2010 йил 1 январда ходимнинг ойлик маоши 250000 сўм қилиб белгиланган. 2009 йилда ходимнинг ойлик маоши 220000 сўмни ташкил этган;
- 2) Шу муддат давомида олган мукофотлар миқдори 450000 сўмни ташкил қиласди;
- 3) Ходимга 150000 сўм моддий ёрдам берилган;
- 4) Дам олиш куни ва байрам кунлари ишлаганлик учун 80000 сўм қўшимча ҳақ олган;
- 5) Йил охирида акция бўйича 600000 сўм дивиденд олган;
- 6) Касаллик варақаси бўйича 140000 сўм иш ҳақи олган.

Вазифа:

1. Ходимга 24 иш куни учун меҳнат таътили ҳисобланг;
2. Меҳнат таътилига ҳақи ҳисоблагандага ва тўлангандаги бухгалтерия ўтказмасини акс эттиринг.

3-Масала.

Мақсад – касаллик варақаси бўйича нафақа ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартибини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Ишчи 2010 йил ноябрь ойида 5 кун касал бўлган. Бу тўғрисида тиббиёт муассасасидан берилган меҳнат қобилиятини йўқотиш тўғрисида варақа ҳамда табелда ёзувлар бор. Узлуксиз иш стажи 4 йил.

Унинг аввалги ойдаги иш ҳақиси қуидагилар бўлган: ишбай – 150000 сўм, вактбай – 200000 сўм, олдинги йилнинг ўртача ойлик мукофотлари суммаси – 90000 сўм.

Вазифа:

1. Ходимга 5 кун нафақа ҳисобланг;
2. Касаллик нафақаси ҳисоблагандага ва тўлангандаги бухгалтерия ўтказмасини акс эттиринг.

Изоҳ: иш стажи 5 йилгacha бўлганда иш ҳақининг – 60 фоизи, 5 йилдан 8 йилгacha – 80 фоизи, 8 йилдан ортиқ бўлса – 100 фоизи ҳисобланади.

7 МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ

1-Масала.

Мақсад – қимматли қофозлар ҳисобини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона 2014 йил 1 марта 1 300 000 сўмга акцияларни сотиб олди. Акцияларнинг номинал қиймати 1 000 000 сўмни ташкил қиласди. Корхона акцияларни ушбу пакетини 15 ойдан кейин сотишни режалаштириди.

Топшириқ:

- Акцияларни харид нархи ва номинал қиймати ўртасидаги фарқни 15 ой мобайнида ҳисобдан чиқариладиган суммани аниқланг;
- Куйидаги амалларни акс эттиринг:

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БХМС бўйича счёtlар корреспонденцияси | |
|---|--|-------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Акция харид қилинди | 1300000 | | |
| 2 | Хар ойда акцияларнинг номинал ва харид қийматлари ўртасидаги фарқ ҳисобдан чиқарилди | 20000 | | |

2-Масала.

Мақсад – қимматли қоғозлар ҳисобини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона 2014 йил 15 марта 850 000 сўмга номинал қиймати 1 000 000 сўм бўлган акцияларни сотиб олди. Корхона акцияларни ушбу пакетини 15 ойдан кейин сотишни режалаштириди.

Топширик:

- Акцияларни харид нархи ва номинал қиймати ўртасидаги фарқни 15 ой мобайнида ҳисобдан чиқариладиган суммани аниқланг;
- 31 марта қанча суммага бухгалтерия ўтказмаси акс эттирилади;
- Куйидаги амалларни акс эттиринг:

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БХМС бўйича счёtlар корреспонденцияси | |
|---|--|-------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Акция харид қилинди | 850000 | | |
| 2 | Хар ойда акцияларнинг номинал ва харид қийматлари ўртасидаги фарқ ҳисобдан чиқарилди | 56700 | | |

8 МАВЗУ. МАҲСУЛОТ, ИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИ.

1-Масала.

Мақсад – маҳсулотларни сотиш ҳисобини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона маҳсулот етказиб бериш шартномасига биноан харидорга 2 800000 сўмлик маҳсулотларни юклаб жўнатди, ҚҚС 20 %ни ташкил этади. Маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи 2 100 000 сўмни ташкил қилган. Харидор томонидан 100 фоизли тўлов амалга оширилган.

Корхона – умумбелгиланган солиқлар тўловчиси:

Йўл жамғармасига – 1,5 фоиз;

Пенсия жамғармасига – 1 фоиз;

Мактаб таълимими ривожлантириш жамғармасига – 1 фоиз.

Вазифа:

- Белгиланган солиқ миқдорларини аниқланг;
- Куйидаги амалларни акс эттиринг:

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БХМС бўйича счёtlар корреспонденцияси | |
|---|----------------------------------|-------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Маҳсулот учун олдиндан тўлов акс | 420 | | |

| | | | | |
|---|---|------|--|--|
| | эттирилди | | | |
| 2 | Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилди | 2100 | | |
| 3 | Маҳсулот сотишдан олинган даромад акс эттирилди | 2800 | | |
| 4 | ҚҚС ҳисобланди | 560 | | |
| 5 | Йўл жамғармасига ажратма қилинди | 42 | | |
| 6 | Пенсия жамғармасига ажратма қилинди | 28 | | |
| 7 | Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратма қилинди | 28 | | |
| 8 | Бўнакни ҳисобга олиш акс эттирилди | 420 | | |
| 9 | Сотиш бўйича молиявий натижага акс эттирилди | | | |

2-Масала.

Мақсад – маҳсулотларни сотиш ҳисобини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона ҳисобот даврида 2 300 тўплам шишила маҳсулот ишлаб чиқарди ва ҳар бирини 55 000 сўмдан сотди. ҚҚС сотилган маҳсулотнинг 20 % ини ташкил қиласди. Битта тўпламнинг ҳақиқий таннархи 30 000 сўмни, режадаги таннархи эса 25 000 сўмни ташкил қиласди.

Вазифа:

- Белгиланган ҚҚС микдорларини аниqlанг;
- Куйдаги амалларни акс эттиринг:

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БҲМС бўйича счёtlар корреспонденцияси | |
|---|---|-------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилди | 30 | | |
| 2 | Тайёр маҳсулотлар режа таннархи бўйича омборга кирим қилинди | 25 | | |
| 3 | Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромад акс эттирилди | 126500 | | |
| 4 | Тайёр маҳсулотларни сотишдан ҚҚС ҳисобланди | 25300 | | |
| 5 | Тайёр маҳсулотнинг норматив таннархи ҳисобдан чиқарилди | 30 | | |
| 6 | Тайёр маҳсулотларнинг норматив таннархидан ошган қисми ҳисобдан чиқарилди | 5 | | |

9 МАВЗУ. КАПИТАЛ, ФОНДЛАР ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ

1-Масала.

Мақсад – устав капитали ва бухгалтерия балансини тузиш тартибини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

2010 йил 1 январь ҳолатига кўра тузилган АЖ бухгалтерия баланси қўйидаги актив ва мажбуриятларни ўз ичига олади:

Номоддий активлар – 21 минг сўм;

Асосий воситалар – 830 минг сўм;
Тақсимланмаган фойда – 250 минг сўм;
Кредиторлик қарзи – 260 минг сўм;
Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар – 40 минг сўм;
Захиралар – 520 минг сўм;
Оддий акциялар – 325 минг сўм;
Дебеторлик қарзи – 270 минг сўм;
Захира капитали – 150 минг сўм;
Беғараз ёрдам – 75 минг сўм;
Кредитлар ва қарзлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар – 520 минг сўм;
Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар – 290 минг сўм;
Пул маблағлари – 120 минг сўм;
Бошқа мақсадли тушумлар – 371 минг сўм;
Бошқа жорий активлар – 300 минг сўм;
Кредитлар ва қарзлар бўйича қисқа муддатли мажбуриятлар – 90 минг сўм;
Бошқа жорий мажбуриятлар – 350 минг сўм.

Вазифа:

1. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб АЖнинг хусусий капитал миқдорининг аниқланг;
2. 2010 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия балансини тузинг.

2-Масала.

Мақсад – устав капитали ҳисобини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Таъсисчилардан бири АЖ га акция қиймати эвазига аввал фойдаланишда бўлган транспорт воситасини киритди. Таъсисчилар ўзаро келишган ҳолда акциядорга ушбу транспорт воситаси учун 1 000 дона оддий акция беришга қарор қилдилар. Акциянинг номинал қиймати 2000 сўм, бозор қиймати эса 2500 сўмни ташкил қиласди.

Вазифа:

1. Транспорт воситасининг бозор қийматини аниқланг;
2. Ушбу муомалага бухгалтерия проводкасини беринг.

Молиявий натижалар ҳисоби.

1-Масала.

Мақсад – молиявий натижани аниқлаш ва ҳисобга олиш тартибини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона ҳисобот йилида 14 400 минг сўмлик маҳсулот сотди, шу жумладан ҚҚС – 2 400 минг сўм.

Сотилган маҳсулотларнинг таннархи 6 000 минг сўмни ташкил қиласди.

Харид қилинган материаллар бўйича 1 000 минг сўм миқдорида ҚҚС ҳисобга олиш учун қабул қилинди.

Давр харажатлари 2 900 минг сўмни ташкил қиласди, улардан 900 минг сўм даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқаришда солик солинадиган базага тескари тартибда кўшилади.

Ушбу йилда корхона мулкни ижарага беришдан 2 400 минг сўм суммада даромад олди, шу жумладан ҚҚС – 400 минг сўм. Мулкни ижарага бериш корхона учун асосий фаолият тури ҳисобланмайди.

600 минг сўм миқдорида даромад (фойда) солиғи ҳисобланди.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи – 360 минг сўм.

Ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра корхона тақсимланмаган фойдага эга бўлмаган.

Вазифа:

1. Корхонанинг солик тўлагунга қадар даромад (фойда)сини аниқланг;

- Корхона томонидан тўланадиган даромад (фойда) солигини аниқланг;
- Корхонанинг ҳисобот давридаги молиявий натижасини ҳисобланг;
- Куйдаги амалларни акс эттиринг:

| № | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Суммаси, минг сўм | 21-сон БХМС бўйича счётлар корреспонденцияси | |
|----|---|-------------------|--|--------|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Махсулотларни сотиш акс эттирилди | 14400 | | |
| 2 | ҚҚС акс эттирилди | 2400 | | |
| 3 | Сотилган маҳсулотнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди | 6000 | | |
| 4 | Давр харажатлари ҳисобга олинди | 2900 | | |
18.2. Молиский жоботын түзүшгө тайергарлық күрнеш таралыбы

Մակոն - լաւացի մասօտ, յայն դրդաց
շաբաթ պայմանագործ է Յիանչ ճառագիտ
մաս հայրականության նշանակական մասն
շվեյցարական տարածքում ուղարկուած ու տեղադր
առաջա մասօտ առաջարկուած իշխանության
տարբինս և յա տեղայն շօնակարգ յէ^ա
ազգական աշխատական առաջարկուած
առաջարկուած առաջարկուած աշխատական

Үйкөв фәлопиист маткапалары:

- жекеңдік жағдайларда маткапы жүрткізу ед анын тарифтесін біндей алады;
- маткаптың жылбак түшүн ед үшін ташымынан жағдайын жүргізу күдікінен шынан да етсеңдік;
- бұрынғы ерте болашақтарда жүрткізу ед үшін маддашынан шынады;
- асынды ассоциатив жағдайларда жүрткізу мәрзипандан жылбектің ед үшін түшүн тарифтесін шынадынан;
- маткаптың жекеңдіктерде жүрткізу мәрзипаның жылбектің түрлерінде ед аяна болып берады;
- тәркілдік сабактарда жүрткізу мәрзипаның жылбектің түрлерінде ед аяна болып берады;
- тәркілдік сабактарда жүрткізу мәрзипаның жылбектің түрлерінде ед аяна болып берады;

18.4. Бухгалтерия баланси.

Молиявий ҳисобот тизимида баланс мұхим ақамиятта әга бўлиб, йиллик ҳисобот таркибида унда катта ўзғаришлар содир бўлди, чунки ҳалқаро андазалар талабларига яқинлаши ва бозор муносабатларига қаратилди. Баланснинг актив ва пассив моддаларининг мазмуни ички ҳамда ташки фойдаланувчиларга ундан фойдаланиши имкониятини берди. Ички ва ташки қизиқувчилар учун корхона фаолиятининг молиявий натижалари, унинг молиявий барқарорлиги, кредитор қарзларининг ҳажми, банк кредитлари бўйича қарзлари тўғрисидаги маълумотлар зарур.

18.5. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.

Ушбу шаклда хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий, муомалавий ва молиявий фаолияти натижасида олган фойда ёки кўрган заарларининг миқдори тегишли моддалар бўйича ёртилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар "Маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан тушган даромад" моддасида (010-сатр) савдо узамлари, харидор ва буюртмачилар томонидан тўлаган солидар билан биргаликда, маҳсулот, товар, иш, хизматларни сотишдан тушган жами даромад (қайтарилган товарлар, тайёр маҳсулотлар қийматининг миқдори ва сотиш баҳосидан харидор ҳисобидан чегириб ташлангандан кейин) акс этирилади. Айрим төварларнинг экспорт килиниси сабабли хорижий валютада тушган даромаднинг мажбурӣ сотилидиган қисми, яъни Марказий банк муассасаси томонидан тасдиқланган курсда 010-сатрда акс этирилади.

18.6. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот.

Пул оқимларитуғрисидаги ҳисобот Узбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисобитуғрисида" гоненига мувофиқ ҳисоботникларга киритилган бўлиб, мазкур молиявий ҳисобот таркибидан пул маблагларининг ҳаракати нутқи назаридан субъектнинг мулкий бўлгар молиявий ресурсларининг ўзариши аксаттирилади. Ҳисобот ёрдамида инфляция шароитида, бўшка молиявий ҳисобот шаклларини тулдиришда хисоблашусуидан фойдаланнишни ёътиборга олганҳолда, субъектнинг ликвидлигини объектив баҳолаш имкониятниади

Ушбу 4-шакл "Пул оқимларитуғрисидаги ҳисобот" бешта булиғдан ташкил топган:

1. Ҳужалик фаолиятида пул маблагларининг ҳаракати 2. Инвестиция фойдаси ва молиявий ҳисобатни курсатишдан олинган ва тулланган маблаглар.
3. Соликини тудаш сарфланган маблаглар. 4. Инвестиция фаолиятичун сарфланган ва олинган маблаглар.
5. Молиявий фаолият бўйин сарфланган ва олинган маблаглар.

Бундан ташкезайрим бўлимда хорижий валютасининг ҳаракатитуғрисида маълумот келтирилган моддаларда аксаттиримасдан, улардан мос равишда 040 ва 041-сатрларда аксаттирилади.

18.7. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот.

Ушбу ҳисоботда субъектнинг мулкий хисобланган ва унинг тааруфидаги булган хусусий капиталининг — узоқ ва кисса муддатлий активларнинг йил бошига ва йилнинг охиридан холати аксаттирилади.

Иль бошига көдими" моддасида субъектлар ҳисоботийлигининг бошига иносбати хусусий маблагларининг тақдимидини курслатади:

3-усту — "Устав капитала" да 8510-Устав капиталини ҳисобга олучни счётлардаги маълумотларга асоссан тасвир музжаласидан курслатган Устав капиталининг одий акциялар, ишчилик акциялар, улуш ва омонатларнинг миқдори курслатади;

4-усту — "Кушилган капитал" да 8520-Кушилган капитални ҳисобга олучни счётлардаги маълумотларга, асосан эмиссия даромади, хорижий валютасининг курсидаги фарқи ва текинга олинган мульялиринг миқдори аксаттирилади;

5-усту — "Захира капиталда" да бўллалланган кондага кура Узбекистон Республикаси Молиявий ҳисоботини гурӯстни билан ташнилтилган зондердаги капиталнинг миқдори, яъни асосан воситаларни карта баҳолашдаги фарқ сумаси, захира капитални ҳисоб отни умумлаштириёттага йўлга ҳисобот содир булган сум курсидаги фарқларнинг миқдори курслатади;

7-усту — "Хусусий капитал билан копланмаган зарарларда субъектнинг балансидаги иль бошига булган зарарларнинг миқдори курслатади.

18.8. Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар, иловалар ва изоҳлар.

- Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар корхонанинг ҳисоб сиёсатини очиб бериши ва ҳисоботдан фойдаланувчиларни корхонанинг мулкий ва молиявий аҳволини реал баҳолаш учун зарур бўлган кўшинича маълумотлар билан таъминлашти керак.
- Молиявий ҳисоботга тушунтириш хоти Ўзбекистон Республикаси Молиявий ҳисоботини 1998 йил 26 июнда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (1-сон БХМС) "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" (рўйхат рагами 474, 1998 йил 14 август, Ўзбекистон Республикаси вазириллари, давлат кўйинлари ва идораларининг меъёрий ҳуҗжатлари аҳбортономаси, 1999 йил 5-сонда назарда тутилган таплабларга мувофиқ тузилади.

18.9. Солиқ ва статистик ҳисоботлар таркиби.

- Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Конуни ва бухгалтерия ҳисобининг 1-сони "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" миллий стандартига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги Низомда бухгалтерия ҳисоби субъектлари тоонидан молиявий ҳисоботларни тақдим килиш муддатлари белтилган.
- Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Конунига мувофиқ молиявий ҳисобот кўйидагиларга тақдим этилади:
- мулкдорларга (давлат мулкни бошқаришига ваколати бўлган органларига; таъси хуҷжатларига мувофиқ нуассисларга (иштирокчиларга));
- солик органларига;
- давлат статистика органларига;
- конун хуҷжатларига мувофиқ бошқа органларга.

**Эътиборингиз
учун раҳмат!**



Фанга доир видео маъruzалар, видео роликлар

1. <https://www.youtube.com/watch?v=JUVsHYibL8M>
2. <https://www.youtube.com/watch?v=2FcnK6kAuzA>
3. <https://www.youtube.com/watch?v=32sQA0sWz1E>
4. <https://www.youtube.com/watch?v=RMHECuURGnM>
5. https://www.youtube.com/watch?v=k_tTbL5sC7I
6. <https://www.youtube.com/watch?v=7yBU31LBY9Q>
7. <https://www.youtube.com/watch?v=jgDPqgWySVA>
8. <https://www.youtube.com/watch?v=Ng4Ifp0Mgog>
9. <https://www.youtube.com/watch?v=HfbbHplOCw0>
10. <https://www.youtube.com/watch?v=cmpclb9Vas0>
11. <https://www.youtube.com/watch?v=9GqFofQ7-4U>

ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРХИ

ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРҲИ

1. Маъруза машғулотларнинг ташкил этишнинг асосий шакллари

Маъруза машғулоти – ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланади, билимларни бирламчи эгаллашга йўналтирилган.

Маърузани асосий белгиланиши – ўқитишни назарий асосини таъминлаб бериш, ўқув фаолиятга ва аниқ ўқув фанга қизиқишни ривожлантириш, курсантларга ўқув курси устидан мустақил ишлаш учун ориентирларни шакллантириш.

Маъруза материалларининг мазмуни ва ҳажмига талаблар

Маъруза материалларининг мазмуни қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- янгилик, илмийлик, асослилик ва ахборот учун белгиланганлик;
- аниқ, ишончли мисол, факт, асоснома ва илмий далилларнинг мавжудлиги;
- фактга асосланган (статистик ва в.х.) материалларни кўп эмаслиги.

Маъруза материалларининг ҳажми режалаштирилган мавзууни ёритиш учун етарли бўлиши керак.

Маърузалар турлари вауларга хос хусусиятлари

| Ўқув машғулотнинг мақсади | Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари |
|---|--|
| Кириши маърузаси | |
| Фан доирасида ўқув ахборотини ўзлаштириш бўйича талabalар ҳаракатининг йўналтирувчи асосини таъминлаш. | Таълим бериш тузилишида мотивацион босқич ҳисобланади. Унинг вазифаси – ўқув фани мазмуни, унинг ўқув жараёнидаги ўрни ва келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятдаги ахамияти тўғрисида дастлабки тасаввурларни бериш, талabalарни ишлаш тизимида йўналтириш, олдинда турган мустақил ишнинг услубиёти ва ташкиллаштирилиши билан таништириш, ҳисбот бериш вақти ва баҳолашни аниқлаштириш. |
| Ахборотли маъруза | |
| Ўқув мавзу бўйича тасаввурни шакллантириш | Бу анъанавий маъруза тури: маъруза режасига мувофиқ ўқув материалини монологик тарзда изчилликда баён этиш. |
| Муаммоли маъруза | |
| Муаммони белгилаш ва уни ечимини топишни ташкиллаштириш/анъанавий ва замонавий нуқтаи назарларни жамлаш ва таҳлил қилиш ва в.х. орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш. | Янги билимлар савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда талabalарнинг билиши ўқитувчи билан ҳамкорлигига ва диалогига асосланади, ҳамда изланувчилик фаолиятига яқинлашади. |
| Кўргазма маъруза | |
| ЎТВдан кенг фойдаланиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш. | Бундай маърузани ўқиш, кўриб чиқилаётган кўргазмали материалларни очиб беришга ва қисқача шарҳлашга олиб келади. |
| Бинар маъруза | |
| Талabalарга мунозара маданиятини, муаммони ҳамкорликда ечишини намойиш этиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш. | Бундай маърузани ўқиш икки ўқитувчи/2-мактабнинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва талabalарнинг диалогини ўзида намоён этади. |
| Анжуман-маъруза | |

| Ўқув машғулотнинг мақсади | Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари |
|--|---|
| Ўқув ахборотни излаш, танлаш ва баён этиши жараёнида талабаларнинг фаол иштирокларида ёритиб бериш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш. | Олдиндан белгиланган муаммо ва уни ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилган маърузалар тизими (5-10 дақ. давомийлигида) билан, илмий-амалий машғулот кўринишида ўтказилади. Машғулот якуннада ўқитувчи мустақил иш ва сўзга чиқишиларга якун ясайди, ахборотни тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хуносаларни ифодалайди. |
| Умумлаштирувчи маъруза | |
| Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш. | Маърузада баён этилаётган назарий ҳолатларнинг негизини курснинг ёки катта бўлимларнинг илмий-тушунчали ва концептуал асоси ташкил этади. |
| Маслаҳатли-маъруза | |
| Билимларни чукурлаштириш, тизимлаштириш. | Турлича сценарий бўйича ўтиши мумкин. 1. “Савол-жавоблар”- ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича талабалар саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни излашни ҳам ташкиллаштиради. |
| Якуний маъруза | |
| Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш. | Курсни ўрганишни якунлайди, бутун давр мобайнида ўтилганларни умумлаштиради. Якуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий ғояларини ажратади, келгусидаги тезкорхизмат фаолиятда ва бошқа фанларни ўрганишда олган билимларни қандай қўллаш йўлларини кўрсатади, фан бўйича якуний назорат хусусиятини тушунтиради, якунний назорат варианtlарининг муракаб саволларини тушунтиради. |

Слайдли тақдимотга қўйиладиган асосий талаблар

- слайдлар сони ўқув материал мазмунини тўлиқ очиб бериш учун етарли бўлиши керак;
- слайдда бир қаторда 6-дан ортиқ сўз, 8-та қатор кетма-кет жойлашган бўлиши мумкин эмас.
 - барча маълумотлар тузилмага келтирилган бўлиши керак;
 - слайдлар қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши керак.

Слайдларни расмийлаштириши қоидалари

- **Матн** маълумотларга бой, мантиқий бир-бири билан узвий боғланган, аниқ ва равshan, содда тилда ёзилган бўлиши лозим.
- **Расмлар** аниқ ва равshan, йирик ўлчамда бўлиши керак, улар безатиш эмас балки намойиш этиши вазифасини бажариши керак.
- **Жадвалдаги** маълумотлар яққол кўриниб турадиган бўлиши керак ва ҳар бир жадвални номи бўлиши шарт.
- **Чизмалар** бир блокдан иккинчисига аниқ, равshan ва мантиқий ўтишлар билан таъминланган бўлиши лозим.

2. Амалий машғулотларни ташкил этишининг асосий шакллари

Амалий машғулот:

- ўқувчиларни ўқитувчи билан ва ўзаро фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган,

- назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи,
- олинган билимларни амалий фойдаланиш имкониятларини мухокама қилишга мўлжалланган машғулотнинг ўқитиш шакли.

Амалий машғулотнинг мазмунига қўйиладиган талаблар

- мухокамага мунозарали саволлар олиб чиқилади;
- мухокама қилинувчи саволлар илм-фаннынг эришган замонавий ютуқлари томони билан кўриб чиқилади;
- назария ва амалиётни узвий бирлиги очиб берилади;
- мухокама қилинувчи материалнинг талабаларнинг бўлгуси касбий фаолияти билан алоқаси таъминланади;
- кўриб чиқилаётган материал адабиётда мавжуд эмас ёки материал, қисман баён этилган.

Амалий машғулотлар турлари ва уларга хос хусусиятлари

| Амалий машғулот тури | Амалий машғулот шакли, унинг ўзига хос хусусиятлари |
|--|---|
| <p>Талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириши, тузилмага келтири, мустаҳкамлаши, кенгайтиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> - методологик нұктай назаридан энг мұхим ва ўзига хос фан мавзуларининг яхши ўрганиш. - тушуниш ва ўзлаштириш учун мураккаб бўлган мавзу саволларини батафсил ўрганиш. - касбий тайёргарлик сифатини аникловчи, алоҳида асосий бўлган мавзуларни батафсил ўрганиш. | <p>Кенг қўламли сұхбат. Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига талабаларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гурухга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар, сўзга чиқувчи талабаларни кучли ва кучсиз томонларига талбалар дикқатларини қарата олиш, талабалар дикатти ва қизиқишини, иш жараёнида очиб берилаётган, янги томонларга ўша вақтни ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик талабаларни саволларни мухокама қилишга жалб қилиш имконини беради. Кенг қўламли сұхбат бъязи саволлар бўйича алоҳида талабаларни аввалдан режалаштирилган қўшимча равища сўзга чиқишиларни истисно қилмайди, балки, тахмин қиласди. Бироқ бундай маълумотлар мухокама учун асос бўлмайди, балки мухокама килинган саволлар учун тўлдириувчи бўлади.</p> <p>Маъруза ва рефератлар мухокамаси. Мухокамага 12—15 дақиқа давомийлигидаги 2-3 маъruzadan кўп бўлмаган маърузалар олиб чиқилади. Баъзиди қўшимча маърузачи ва оппонентлар (мухолифлар) белгиланади. Охирги чиқувчилар мазмунни қайтармаслик учун, маъруза матни билан танишадилар. Бироқ кўп ҳолларда, маърузачи ва оппонентлар, қўшимча маърузачилардан ташқари, ҳеч ким семинарга жиддий тайёрланмайди. Сўзга чиқувчиларни ўзлари ҳам фактат бир саволни ўрганадилар. Шу билан бирга, одатий семинар ишига “куруқ назариялик” элементини киритиб, бундай машғулотлар талабаларда бъязи қизиқишиларни уйготади. Талабаларни ҳар бирини қўшимча маърузачи ёки оппонент сифатида тайёрланиб келишга ўргатиш жуда мұхим ҳисобланади. Рефератли маърузаларни яқуний семинарда, унинг асосий саволлари аввалдан мухокама қилиб бўлинган, катта бир мавзу бўйича кўриб чиқиши максадга мувофиқ бўлади.</p> <p>Пресс-конференция. Қисқа сўзга чиқишидан сўнг биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор талабаларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг ҳар бир талаба маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади. Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чукур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маърузачи жавоб беради, сўнгра у ёки бошқалар бўйича истаган бир талаба ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда қўшимча маърузачилар, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фоол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир мухокама қилинаётган савол бўйича, ёки семинар яқунида ўз холосасини қиласди.</p> <p>Ўзаро ўқии. Тушуниш ва ўзлаштириш учун энг кўп мураккабликдаги саволларни</p> |

| | |
|--|---|
| | <p>Үрганиш асосий мақсадга эга бўлган, семинар. Семинар мобайнида талабаларни ўзаро ўқишига йўналтириш муҳим хисобланади: хар кичик-гурухга мавзунинг бир саволи берилади, бу бўйича улар ишлайдилар ва бунга асос (эксперт вараклар – савонни ёритиш режаси, тайёрланган маълумотларни визуал тақдим этиш бўйича тавсиялар) берилади. Эксперт гурухларнинг иш натижалари тақдимотидан сўнг ўқитувчи хулосалар қиласди.</p> <p>Юмолоқ (ёзма /огзаки) стол.</p> <p>Ўтган мавзу бўйича билимларни чикурлаштириш ва аниқлаштириш, бор билимларни сафарбар қилиш ва хар хил вазиятларда уларни кўллаш, ўз фикрларини қисқа ва асосланган холда баён қилиш кўнималарини ривожлантириш асосий мақсадга эга бўлган, семинар.</p> <p>Хар хил сценарийлар бўйича ўтказилиши мумкин.</p> <ol style="list-style-type: none"> «Ёзма юмолоқ стол» - талабанинг саволи / ечими топилиши керак бўлган гоя ёзилган варак, доира бўйича узатилади ва хар бир иштирокчи ўз мулоҳазаларини кўшади. «Оғзаки юмолоқ стол» - хар бир талаба кўйилган саволнинг жавобига ўз қўшимчаларини киритади / олдинги иштирокчи томонидан таклиф қилинган гояни кўллаб-кувватлади ва ривожлантиради. <p>Спецсеминар.</p> <p>Бакалавриатнинг 4 курсида, магистратурада ўтказилади. Илмий мавзу бўйича ёш тадқиқотчиларни мулоқат мактабини ифодалайди. Спецсеминар вактида талабаларнинг гурухларда ишлашга ва уни баҳолашга, илмий тадқиқотлар усулларидан фойдаланишга интилишлари катта рол ўйнайди.</p> <p>Спецсеминарнинг якуний машғулотида ўқитувчи, қоидага кўра, семинарларни ва талабаларнинг илмий ишларини муҳокама қилинган муаммоларни келгусида тадқиқотлар қилиш истиқболларини ва талабаларни уларда иштироқ этиши имкониятини очиб умумлаштиради.</p> <p><i>Илм-фанингaloҳида хусусий муаммоларини чукурроқ ишлаб чиқиш.</i></p> <p>Махсус (касбий) ва умумӯқуб кўникма ва амалий малакаларни шакллантириши:</p> <ul style="list-style-type: none"> - амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараёнида харакатлар алгоритмини аниқлаш билан боғлиқ эгаллаган назарий билимларни амалий қўллаш. <p>Таълимий ўйин.</p> <p>Ўқитиши самарадорлигини унинг иштироқчиларини нафақат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (хозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутиш тактика кўнималарини шаллантиради; вырабатывает динамику ролевого поведения; амалиёт имитациясини ифодалайди; аниқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва ишлаб беришга қаратилган.</p> <p>Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услубий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиши; ўйин атрибуутларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштироксилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса) ёки вазиятли кўрсатмалар (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш.</p> <p>Амалий топшириқларни бажарши.</p> <p>Амалий топшириқларнинг кўпчилиги кичик гурухлар таркибида бажарилади ва куйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш → ўқув топшириқни бажариш бўйича йўриқнома билан танишиш → топшириқни бажариш → натижаларнинг оммавий тақдимоти → натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.</p> <p>Масалалар ечии бўйича машқ.</p> <p>Якка тартибда амалга оширилади ва куйидаги босқичларни ўз ичига</p> |
| | <p>Maxsus (касбий) ва умумӯқуб kўnikma va amaliy malakalarni shakllanтиriши:</p> <ul style="list-style-type: none"> - амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараёнида харакатлар алгоритмини аниқлаш билан боғлиқ эгаллаган назарий билимларни амалий қўллаш. <p>Таълимий ўйин.</p> <p>Ўқитиши самарадорлигини унинг иштироқчиларини нафақат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (хозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутиш тактика кўнималарини шаллантиради; вырабатывает динамику ролевого поведения; амалиёт имитациясини ифодалайди; аниқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва ишлаб беришга қаратилган.</p> <p>Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услубий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиши; ўйин атрибуутларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштироксилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса) ёки вазиятли кўрсатмалар (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш.</p> <p>Амалий топшириқларни бажарши.</p> <p>Амалий топшириқларнинг кўпчилиги кичик гурухлар таркибида бажарилади ва куйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш → ўқув топшириқни бажариш бўйича йўриқнома билан танишиш → топшириқни бажариш → натижаларнинг оммавий тақдимоти → натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.</p> <p>Масалалар ечии бўйича машқ.</p> <p>Якка тартибда амалга оширилади ва куйидаги босқичларни ўз ичига</p> |

| | |
|--|---|
| | <p>олади: йўриқнома бериш – масалани ечиш – натижаларни танлама тақдимоти - умумлаштириш.</p> <p>Муаммоли масалалар ва вазиятларни ечиш.</p> <p>Муаммоли масалалар ва вазиятларнишлаб чиқиш жуда катта меҳнат талаб қиласди. Лекин талабалар томонидан амалий касбий фаолиятдан олинган муаммоли масалаларни ечиш ва муаммоли вазиятларни кўриб таҳлил қилиш назарияни ҳақиқий амалиёт билан боғлашга имкон беради. Бу ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, талабаларга ўрганилаётган материални амалий фойдасини тушунишга ёрдам беради.</p> <p>Таълим берувчи амалий муаммоли вазиятларни (кейсларни) ечиш.</p> <p>Кейс (муаммоли вазиятдан фарқли равишда) талабаларни муаммони ифодалаш, муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уни мақсадга мувофиқ ечим вариантларини қидиришга йўналтирувчи ташкилотлар, инсонлар гурухи ёки алоҳида индивидларни ҳаётининг муайян шароитларини ёзма равишда тақдим этилган баёнини ўз ичига олади.</p> <p>Кейсни ечиш жараёни қўйидаги босқичларини ўз ичига олиш мухим:</p> <ul style="list-style-type: none"> → муаммони якка тартибда таҳлил қилиш ва ечиш, → якка тартибда топилган ечимни биргаликда (кичик гурухларда) таҳлил қилиш, ўзаро мақбул ечим вариантини расмийлаштириш, → гурух ишини тақдимоти, → муаммони ечиш усул ва воситаларининг энг мақбул вариантини жамоавий тарзда танлаш. <p>Фиклаш жараёни, муаммоли вазиятни ечиш жараёнида пайдо бўлинган, мустақил топилган далиллар ориентирларни, касбий бойликларни топишга ва мустақкамлаштиришга, келгуси касбий фаолияти билан алоқани англашга кўмаклашади.</p> <p>Ўқув лойиҳаларнинг тақдимоти ва баҳоланиши</p> <p>Ушбу ўқув машғулотини тайёрлашда ўқитувчининг роли қўйидагилардан иборат: лойиҳа топширигини ишлаб чиқиш; талабаларга маълумотларни излашда ёрдам бериш; ўзи ахборот манбай бўлиши; бутун жараённи мувофиқлаштири; иштирокчиларни кўллаб-қувватлаш ва рафбатлантириш; узлуксиз қайта алоқани амалга ошириш; маслаҳат бериш.</p> <p>Ушбу ўқув машғулотида гурухлар ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида маъруза қилишади ва уни белгиланган шаклда тақдим этишади (бойиҳавий фаолиятнинг натижаларини, ҳамда лойиҳа маҳсулотини тасвирий ва оғзаки тақдимот кўринишида).</p> <p>Ўқитувчи гурухларнинг ўзаро баҳоланишини ташкиллаштиради ва лойиҳа иштирокчининг фаолиятини баҳолайди.</p> |
| Талабаларни назарий ва амалий тайёргарлик даражасини назорат қилиши ва баҳоласи | <p>Коллоквиум.</p> <p>Ўқитувчининг талабалар билан коллоквиумлари (сухбатлашуви) одатда курснинг у ёки бу мавзуси бўйича билимларини аниқлаш, уни чукурлаштириш мақсадида олиб боради. У кўпинча 1) дастурда кўзда тутилмаган, лекин талабаларда кизикиш уйғотган кўшимча мавзулар бўйича; 2) фаннинг алоҳида мураккаб, лекин талабалар томонидан етарли даражада ўзлаштирилмаган мавзулари бўйича кўшимча дарслар мобайнида; 3) охирги семинар машғулотларида жавоб бермаган талабаларни бириш даражасини аниқлаш учун.</p> <p>Семинар-коллоквиум мобайнида маъруза, реферат ва бошқ. Ёзма ишлар текширилиши мумкин.</p> <p>Ёзма (назорат) иши.</p> <p>Талабалар назорат саволларига жавоб берадилар/ тестларни ечадилар/ назорат топширикларини бажарадилар. Уларнинг тўпламини тўғри тузиш мухим ҳисобланади: улар режалаштирилаётган ўқув материални ўзлаштириш даражасига мос келишслиги керак ва уларни текширишни таъминлаши керак.</p> |

3. Маъруза ва амалий машғулотларда қўлланиладиган педагогик технологиялар

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

| | |
|-------------------|--------------------------|
| S – (strength) | • кучли томонлари |
| W – (weakness) | • заиф, кучсиз томонлари |
| O – (opportunity) | • имкониятлари |
| T – (threat) | • тўсиқлар |

Намуна:

Топширик: Бухгалтерия ҳисоботини шакллантиришни SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

| | | |
|---|---------------------|---|
| S | кучли томонлари | Молиявий ҳисоботни халқаро тизимида тайёрланиши |
| W | кучсиз томонлари | Ҳисобот турлари бўйича маълумотларни йиғиш |
| O | имкониятлари (ички) | Ҳисоб сиёсати асосида ички имкониятлар, яъни чораклик, йиллик ҳисобот маълумотларини шакллантириш |
| T | Тўсиқлар (ташки) | Назорат нуқтаи назардан хўжалик фаолиятини бошқаришда бошқарув қарорларини амалга ошмаслиги |

АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ


Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтиришда қўлланиладиган метод.

Метод чегараланган вақт оралиғи ичida аниқ муаммо (савол, масала)ни ечишнинг ноанъянавий йўлларини излаш бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланган.

Ўқув машғулотидаги ақлий ҳужум учунмуаммони танлаш қўйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- танланган муаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиши уйғотиши керак;
- кўп ҳар хил маънодаги ечим варианtlарига эга бўлиши керак.

Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишида ақлий ҳужум методи ўқув машғулотининг бир лавҳаси ёки бутун машғулотни ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.



Ақлий хужум методининг технологик чизмаси.

ИНСЕРТ ТЕХНИКАСИ

ИНСЕРТ (инглизча сўздан олинган бўлиб - **INSERT** – Interaktive- интерфаол Noting – белгилаш System - тизим for-учун Effective – самарали **Reading** – ўқиш and – ва **Thinking** – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишининг интерфаол тизими ҳисобланади.

Матнни белгилаш тизими:

(√) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;

(+) –мен учун янги ахборот;

(-) - меннинг билганларимга, зид ахборот;

(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.

Үқитувчи мавзуни, унинг мақсад ва натижасини, ўқув фаолиятни баҳолаш мезони билан танишириади Үқув машғулотининг ўзига хос хусусиятини ва машғулотни олиб бориши тартиби билан танишириади

Ақлий хужум методи ёрдамида мавзунинг муҳим жиҳатларига эътиборни қаратиш мақсадида таълим олувчиларга «.....ҳақида Сиз нималарни биласиз ?» саволига жавоб берилешларини таклиф қиласди

Ақлий хужум қоидасини эслатади. Барча тўғри-нотўғри жавобларни ёзув тахтасига қайд қилиб боришини ташкиллаштириади ва саволлар берилорни ўқувчиларга ёрдамлашади

Олинган ахборотни тоифалар бўйича тизимлаштиришни таклиф этади. Бунинг учун: (1) тоифали жадвал тузилишининг жамоавий муҳокамасини ташкил этади; (2) ёзув тахтасида жадвални чизиш ва унга жамоавий/якка тартибда олинган ахборотни киритишни таклиф этади

Матнларни тарқатади ва уни ўқиб матн четига ИНСЕРТ техникасига тегишли белгиларни қўйиб чиқишини таклиф қиласди

Ишни бориши жараёнини кузатиб беради. Иш натижаларини ўзаро текширишни ва матн билан танишиш вақтида вужудга келган саволларга жавоб топишни таклиф қиласди

Ўқувчиларни ихтиёрий белгилар асосида гуруҳларга бўлади ва ИНСЕРТ жадвалини чизишни ҳамда уни тўлдиришларини таклиф қиласди

Гуруҳлар натижани тақдимот қилишларини эълон қиласди

Тўпланган ахборотларни изоҳлаб беради ва умумлаштириади. Саволларга жавоб беради, мавзуга доир қўшимча маълумотлар келтириади

Мақсадга муваффакиятли эришишни таҳлил қиласди ва баҳолайди ҳамда келгуси ишларни белгилайди

ИНСЕРТ техникасининг технологик чизмаси (2-вариант).

ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ

Пинборд—(инглизчадан: *pin-* маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) – ўқувчиларни тизимли ва мантиқий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

Пинборд техникаси:

1) муаммоли масалалар ва вазиятлар, ақлий хужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) муаммони ечиш варианларини баҳолаш ҳамда улар ичидан энг яхисини танлаш имконини беради (3-расм);

2) ақлий ҳужум ва амалий ўқитиши методлари билан бирга жамоавий тарзда (гурӯхларда) тоифали шарҳ ўтказиш имконини беради.

Ўқитувчи муаммони белгилайди (ўқув топшириқ) ва иштирокчиларга уни ечиш бўйича ўз нуқтаи назарларини баён қилишни таклиф этади.

Ўқитувчи тўғри жамоавий ақлий ҳужумни ташкиллаштиради, бошланишини рағбатлантиради

Ўқитувчи энг мақбул, самарали ва бошқа ғояларни таклиф қилишади, мухокама қилишади, баҳолашади, танлашади ва уларни таянч фикрлар (сўзлар сони 2 тдан ошмаслик керак!) кўринишида карточкаларга ёки варақларга ёзишади ва ёзув тахтасига ёпиштиришади.

Гурух вакиллари, ўқитувчи томонидан белгиланган ўқувчилар (2-3 киши) ёзув тахтасига чиқишади ва бошқалар билан маслаҳатлашиб: (1) хато ва тақорорланувчи ғояларни олиб ташлашади; (2) тортишув туғдирган ғояларни аниқлаштиришади; (3) ғояларни тизимлаштириш аломатларини белгилашади; (4) ушбу аломатларбўйича барча ғояларни(карточкалар, варақлар) ёзув тахтасида гурӯхлаштиришади; (5) кўрсаткич, чизиқ ва бошқа белгилар ёрдамида уларнинг ўзаромуносабатларини кўрсатишади; жамоавий ягона ёки қарама-қарши позиция ишлаб чиқади

Ўқитувчи иш натижаларини баҳолайди ва умумлаштиради рағбатлантиради

Пинборд техникасининг технологик чизмаси.

БАҲС-МУНОЗАРА МЕТОДИ

Баҳс (мунозара) ўқитишининг фаол методларидан бўлиб, аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, мухокама қилишдан иборат. Баҳс орқали мунозарали савол, жамоавий муаммолар, баҳс, ўзаро фикрлар тортишувини ҳар томонлама мухокама қилиш мумкин

КЕЙС-СТАДИ МЕТОДИ

КЕЙС – (ингл. case – тўплам, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи ўқитиши воситаси.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (касбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилаган) ва талааб (нимани топиш керак)

берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топшириқ/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли хажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак
- кейсни ечиш учун услугбий кўрсатмалар бўлиши керак.

Кейс–стади (ингл.case – тўплам, аниқ вазият, стади-ўқитиши) – амалий ўқитиши вазиятлар методи.

Кейс–стади - ўқитиши, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс–стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўкув натижалари га кафолатли етишишини воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмудан иборат бўлган ўқитиши технологияси дидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуидагиларга ундаиди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўкув машғулотнинг ўқитиши технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қисқа, ўртача миқдордаги, катта)
2. Ўқув топширигини тақдим этиш усули:
 - саволли (саволлар кейсдан кейин келтирилади)
 - топшириқли (топшириқ кейс кириш қисмининг охирида келтирилади)

МУАММОЛИ МАСАЛА ВА ВАЗИЯТЛАР МЕТОДИ

Муаммоли масала ва вазиятлар методи- таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиликнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан иборат.

Муаммоли масала ва вазиятлар методидан фойдаланиш орқали назария амалиёт билан боғланиб, ўрганилаётган материал таълим олувчилар учун янада муҳимлиги ортади.

Муаммоли масала ва вазиятлар методи педагогик технологиясининг чизмаси 17-расмда келтирилган.

Муаммоли топшириқ фактларни ўрганиш ёки реал ҳаётдан олинган вазият ва байзи инсонларнинг қизиқарли қарашларини ўз ичига олиши мумкин. Таълим берувчи ўқувчиларга бераётган топшириқ қандай бўлишидан қатъий назар муаммоли характерга эга бўлиши зарур

ЎҚУВ ЛОЙИХА МЕТОДИ

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, маълум муддат ичидаги (битта ўкув машғулот доирасидан 2-3 ой муддат ичидаги) таълим олувчи гуруҳли ёки якка тартибда берилган мавзу юзасидан лойиҳа топширигини бажаради. Унинг вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичидаги берилган у ёки бу муаммони илмий, техникавий ечимидан иборат.

Ўкув лойиҳаси тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўкув фаолиятини ташкил қилиш усули;
- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўкув восита ва қуроллари;
- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита.

Лойиҳа тури ва унинг асосий белгилари

| Лойиҳанинг асосий белгилари | Лойиҳа тури |
|--|--------------|
| <i>Предмет жиҳатидан мазмунли соҳа</i> | |
| Бир предмет доирасида, баъзан бошқа предметдан билимларни жалб этиш орқали | Ягона лойиҳа |
| Бир неча билимлар соҳасига тааллуқли бўлган | Фанлараро |
| <i>Лойиҳа миқёси</i> | |

| | |
|---|------------------------|
| Лойиҳанинг ҳажми | Кичик, ўрта, йирик |
| Иштирокчилар сони | Якка, гурухли |
| Амалга ошириши даврининг изчиллиги | |
| 1-2 ҳафта давомида ишлаб чиқилади | Қисқа муддатли |
| Бир ой давомида ишлаб чиқилади | Ўрта муддатли |
| Бир ойдан кўпроқ вақтда ишлаб чиқилади | Узоқ муддатли |
| Ўқув режасига киритилганлиги | |
| Лойиҳа устида аудиториядан ташқари мустақил ишлаш фанни ўрганиш якунида, унинг натижалари тақдимоти ва баҳоланиши – якуний семинар/амалий, лаборатория машғулотларида режалаштирилади. Якуний назорат доирасида баҳоланиши мумкин | Якуний |
| Ўқув курсидан таълим бериш мазмунининг бир қисми аудиториядан ташқари лойиҳавий мустақил ишга ажратилади. Натижалар мазкур ўқиш даврига режалаштирилган семинар/амалий/лаборатория машғулотларида тақдим этилади | Оралиқ |
| Аудиториядан ташқари мустақил фаолият доирасида ҳажми бўйича катта ўқув бўлими ёки бутун курс давомида бажариш режалаштирилади. Оралиқ натижалар семинар/амалий/лаборатория машғулотларида тақдим этилади ва баҳоланади | Очиқ (бевосита) |

Ўқув лойиҳа усулини қўллаш жараёнида педагогнинг вазифаси қуйидагилардан иборат: лойиҳа топширигини ишлаб чиқиш, ўқувчиларга ахборотни йиғишида ёрдам бериш, ахборот манбаи сифатида иштирок этиш, жараённи бошқариш, иштирокчиларни қўллаб-кувватлаш, узлуксиз равишда қайтар алоқа усулларини қўллаш, маслаҳат бериш.

КЛАСТЕР (кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини умумлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиши асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишда ёрдам беради.

Кластерни тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1. Катта қоғоз варағи марказида калит сўз ёки 1-2 сўздан иборат мавзу номини айлана ичига ёзинг.
2. Калит сўз билан бирлашдиган ён томонига кичкина ҳажмдаги айлана- “йўлдошча” ичига мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмасини ёзинг. Уларни чизиқ билан “бош” сўзга боғланг.
3. Ушбу “йўлдошча”ларда “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин, улар ичига яна сўз ёки иборалар ёзуб ажратилган вақт тугагунга қадар ёки ғоялар тугамагунга қадар давом эттирилади.

ТОИФАЛИ ЖАДВАЛ-маълумотларнинг умумий жиҳатларидан айнан ўзига хос томонларини ифодалаб, маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Тоифали жадвални тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1. Ўқув ахборотни ўзига хосжиҳат (тоифа)ларини ажратинг.

2. Жадвалнинг биринчи горизонтал қаторига ажратилган тоифаларни ёзинг, тоифалар тагига яъни иккинчи қаторга ушбу тоифанинг ўзига хос томонларини акс эттирувчи ахборотни киритинг.

Дикқат қилинг!

Иш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин.

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ - ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослаш имконини беради.

Концептуал жадвалда вертикал тик қатор бўйича таққосланган (фикр, назариялар) ҳолда жойлаштирилади; горизонтал қаторга эса таққосланаётган турли тавсифларва хусусиятлар ёзилади.

**Концептуал жадвални тузиш юзасидан
йўриқнома**

1. Ўқув топширикда кўрсатилган назариялар, ёндашишлар, тушунчалар, объектларни таққослаш учун уларни рўйхатини тузинг.

2. Жадвални расмийлаштиринг: вертикал (тик) қаторга - таққосланаётган тушунчалар, объектлар, назариялар ёзилади; горизонтал ётиқ қаторларга

3. таққосланаётган уларнинг бир нечта аниқланган жиҳатлари ёзилади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

Фан бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услугубий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган. Талабалар аудитория машғулотларида профессор-ўқитувчиларнинг маърузасини тинглайдилар, амалий мисоллар ечадилар. Аудиториядан ташқарида талаба дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қиласди, уй вазифа сифатида берилган топшириқларни бажаради. Бундан ташқари айрим мавзуларни кенгроқ ўрганиш мақсадида қўшимча адабиётларни ўқиб реферат (тақдимот)лар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мавзуга доир масалалар, кейс-стади ва ўқув лойиҳаларини Ахборот ресурс маркази манбалари ҳамда изланиш обьекти бўлмиш корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларини тўплаган ҳолда бажаради. Мустақил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

“Бухгалтерия ҳисоби” фанидан мустақил иш мажмуаси фаннинг барча мавзуларини қамраб олган қўйидаги мавзу кўринишида шакллантирилган:

1. Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва метод (усул)лари.
2. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг хуқуқий асослари.
3. Хўжалик маблағлари ва уларнинг келиб чиқиш манбалари таснифи.
4. Бухгалтерия баланси ва унинг тузилиши.
5. Бухгалтерия балансидаги ўзгаришлар.
6. Бухгалтерия балансидаги ўзгаришларга таъсир этувчи омиллар.
7. Счёtlар тизими тўғрисида тушунча ва уларни туркумлаш.
8. Бухгалтерия ҳисоби счёtlаридаги иккиёқлама ёзувнинг асосланиши.
9. Иккиёқлама ёзувнинг асосчилари.
10. Счёtlар тизими ва баланс ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.
11. Бухгалтерия ҳисобининг счёtlар режаси.
12. Қиймат ўлчовининг моҳияти ва унинг аҳамияти.
13. Калькуляция, унинг мақсад ва вазифалари ҳамда турлари.
14. Таъминот жараёнининг ҳисоби.
15. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳисоби.
16. Сотиш (реализация) жараёнининг ҳисоби.
17. Ҳужжатлаштириш, унинг моҳияти ва аҳамияти.
18. Инвентаризацияни ташкил қилиш ва унинг турлари.
19. Ҳисоб регистрлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги роли.
20. Бухгалтерия ҳисоби шакллари, уларнинг моҳияти ва тарихий ривожланиши.
21. Бухгалтерия ҳисботининг моҳияти, аҳамияти ва таркиби.
22. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тамойиллари.
23. Ҳисоб сиёсатига таъсир этувчи омиллар.

ГЛОССАРИЙЛАР

ГЛОССАРИЙЛАР

| Атаманинг ўзбек тилидаги номланиши | Атаманинг инглиз тилидаги номланиши | Атаманинг рус тилидаги номланиши | Атаманинг маъноси |
|---|--|---|---|
| Актив | Aktiv | Актив | маълум бир санага пул кўрсаткичидаги корхонанинг маблағлари, уларнинг таркиби ва жойлашишини акс эттирувчи бухгалтерия балансининг қисми. Бухгалтерия баланси активдан ташқари пассивга ҳам эга. Актив ва пассив бўлим ва моддалардан иборат. Баланснинг актив томонининг жами пассив томонининг жамига teng бўлиши керак. Актив фаол деган маънони ҳам англатади |
| Аналитик ҳисоб | Analytical account | Аналитический учет | пул ва зарур бўлган ҳолларда натура шаклида деталлашган кўрсаткичларни берувчи ҳисоб |
| Баланс | The balance | Баланс | тенглик деган маънони англатади, актив ва пассивга бўлинади |
| Балансдан ташқари счёtlар | Balance accounts | Забалансовые счета | қолдиғи бухгалтерия балансига кирмайдиган бухгалтерия ҳисоби счёtlари. |
| Баҳо | Appreciation | Оценка | товар қийматининг пул кўринишида ифодаланиши |
| Бош дафтар | Main book | Главная книга | синтетик ҳисоб юритиш учун тайинланган ҳисоб регистри |
| Брутто | Brutto | Брутто | товарларнинг идиши ёки ўрови билан биргаликдаги оғирлиги. Товарларнинг бундай оғирлиги баъзи ҳолларда зарур бўлсада, лекин товарнинг соғ оғирлиги ҳақида аниқ маълумот беролмайди. Бунинг учун товарнинг соғ оғирлиги (нетто)ни аниқлаш лозим |
| Бухгалтер | Accountant | Бухгалтер | ички бошқариш ва ташки истеъмолчиларнинг мақсадлари учун жорий ва якуний ахборотни олиш билан корхоналар, ташкилотлар ҳамда |

| | | | |
|---------------------------|----------------------------|-----------------------------|---|
| | | | муассасаларнинг хўжалик фаолияти устидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ бўлган кузатиш ва назорат қилиш тизимидан иборат |
| Бухгалтерия | Accounting | Бухгалтерия | бухгалтерия ҳисобини ташкил этадиган ва юритадиган ҳисоб аппарати. |
| Дибет | Dibit | Дибет | бухгалтерия ҳисоби счётининг бир қисми. Актив счётларнинг дебети бўйича ҳисоб объектининг кўпайиши акс эттирилади, пассив счётларнинг дебети бўйича эса камайиши ёзилади. |
| Иккиёқлама ёзув | Double entry | Двойная запись | хўжалик муомалаларини бухгалтерия ҳисоби счётларида регистрация қилиш. |
| Инвентаризация | Inventory | Инвентаризация | натура шаклидаги мавжуд маблағлар ҳақиқийсининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига тўғри келишини, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилишини текшириш усули |
| Калкуляция | Calculation | Калкуляция | харажатларни гурӯхлаш ва сотиб олинган моддий қийматликларни, тайёрланган маҳсулот ва бажарилган ишлар таннархини аниқлаш усули |
| Капитал қўйилмалар | Capital investments | Капитальные вложения | натижада асосий воситаларни кўпайтирадиган харажатлар. |
| Мемориал-ордер | Memorial warrant | Мемориал-ордер | бухгалтерия проводкаси акс эттириладиган ҳужжат. |
| Пассив | Passive | Пассив | бухгалтерия балансининг бир қисми бўлиб, унда корхона маблағлари ташкил бўлиш манбалари ва тайинланиши кўрсатилади |
| Таннарх | Cost | Стоимость | маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фонdlарнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек |

| | | | |
|-----------------------|----------------------------|-------------------------|--|
| | | | товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар қўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа турдаги харажатларнинг қиймат баҳоси |
| Тезкор хисоб | Operational account | Оперативный учет | тезкор ёки тезкор-техник ҳисоб хўжалик фаолиятининг айрим участкаларида режа бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни систематик равишда олиб туриш мақсадида маълум хўжалик муомалаларини бевосита жойида ва улар амалга ошиши пайтида рўйхатга олиш тизими бўлиб ҳисобланади. |
| Хисоб | Account | Счёт | бирор нарса мавжудлигини белгилаш, уни ўлчаш ва сон ҳамда сифат томонидан қайд этиш |
| Хужжатлаштириш | Documenting | Документация | хўжалик муомалаларини хужжатлар билан расмийлаштириш. |

**ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР
ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР**

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

Электрон журналлар

1. The International Journal of Accounting 51 (2016) 155–216. Available online at www.sciencedirect.com.
2. Journal of Accounting Research Vol. 54 No. 1 March 2016 Printed in U.S.A.<http://research.chicagobooth.edu>
3. Journal of Accounting and Economics <http://www.journals.elsevier.com>
4. Asia-Pacific Journal of Accounting & Economics <http://www.cb.cityu.edu.hk>
5. Международный бухгалтерский учет <http://www.fin-izdat.ru>.
6. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий-электрон журнал. www.iqtisodiyot.uz.
7. Экономическое обозрение. www.cer.uz.

Интернет сайклар

1. www.iqtisodiyot.uz
2. www.review.uz
3. www.bdm.uz/uz/birjaexpert
4. www.bpk.uz
5. www.cbr.ru/
6. www.intereconom.com
7. <http://izvestia.usue.ru/>
8. www.fin-izdat.ru
9. www.uiec.ru
10. www.TFI.uz
11. www.ziyonet.uz
12. www.norma.uz
13. www.lex.uz
14. www.gov.uz

